

Тұра КИЛИЧЕВ



**ХОРАЗМ  
халқ  
ТЕАТРИ**



**ХОРАЗМ  
халқ  
ТЕАТРИ**



Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашириёти  
1988

Тұра КИЛИЧЕВ

---

**ХОРАЗМ  
халқы  
ТЕАТРИ**

ХІХ АСРНИНГ ОХИРИ—ХХ АСР БОЩЛАРИ  
ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК ОЧЕРК



КПССнинг янги таҳтиридаги Программасида таъкидлаб ўтилган идек. «Халқнинг маданий савиаси ўса борган сари санъатининг жамият ҳаётига, унинг маънавий-психологик муҳитига таъсири кучая боради»<sup>1</sup>.

Хоразм халқининг социалистик сиёсий ҳаётӣ билан боғлиқ маънавий ҳаётида катта ўрин тутган театр маданиятининг ривожланишида қадимги халқ театри ижобий роль ўйнади. Хоразм халқ театри тараққиётини ўрганишда қадимдан оммавий халқ саҳнаси вазифасини бажарип келган «Мина кечаси», «Наврӯз байрами», «Қизил гул байрами» ҳақидаги маълумотлар XI асрнинг буюк олими Абу Райҳон Берунийнинг Хоразм тарихига оид «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»<sup>2</sup> номли асарида қайд қилинган.

XIX асрнинг бошларида Хивага келган рус саводогари Абросимов хон саройидаги кўрган томошаси ҳақида ёса<sup>3</sup>, рус гвардия капитани Николай Муравьев<sup>4</sup> ва П. И. Небольсин<sup>5</sup> хиваликларнинг музыка чалиши, ўйнинг тушиши, қўшиқ айтишларини кўрганлигиги таъкидлаб ўтади. Венгер олими А. Вамбери Хоразм халқи маросимларидаги от пойгаси ва фолбин ўйинларида саҳна ҳаракати мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади<sup>6</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши муносабати билан бутун Ўрта Осиёни кезиб чиққан машхур рус рассоми В. В. Верещагин тўй ва базмларда «Бачча ўйини»ни бошлашдан аввал ўғил бола қиз қиёфасига кишини, сўнг томошабинлар олдида ўйин қилишини қизиқиб таърифлайди<sup>7</sup>.

Хива хонлигини эгаллашда ҳарбий юришда қатнашган А. Копцева Хивада ўзи кўрган «Кема ўйини» ва «Фолбин ўйини» ҳақидаги таассуротларини ёзади<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1986 йил, 192-бет.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Таъланган асарлар, I том. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1968 йил.

<sup>3</sup> Летопись и разные известия. Рассказъ торговца Абросимова о поездке его въ Хиву. Туркестанский сборник, т. 83. СПб, 1873 г., стр. 142.

<sup>4</sup> Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819—1820 годах гвардейского штабс-капитана Николая Муравьева, посланного великой стране для переговоров. Ч. I, II. Туркестанский сборник, т. 269. СПб, 1882, стр. 305.

<sup>5</sup> П. И. Небольсин. Очерки торговли России с Средней Азией. Записки Русского географического общества. Кн: X. СПб, 1855 г., стр. 12.

<sup>6</sup> Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по Восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научной целью по поручению Венгерской Академии наук в Пеште членом А. Вамбери с 12 картинами и картою. М., изд. А. И. Мамонтова, 1867 г., стр. 290. Г. Вамбери. Очерки и нравы Востока. СПб, изд. В. Ковалевского, 1877 г., стр. 205.

<sup>7</sup> Очерки, наброски, воспоминания В. В. Верещагина. Туркестанский сборник, т. 343. СПб, 1883 г., стр. 54.

<sup>8</sup> А. Копцева. Походные записки жены казачьего офицера. Журнал «Русский вестник», т. 120, 1875 г., декабрь, стр. 837.

М. Михайлова Хоразмининг шимолида яшаган қирғиз (қозоқ)-лардаги «Қиз қувиши» томониасининг қурбон ҳайтида ўтказилган тартиби ҳақида маълумот беради<sup>1</sup>.

Шунингдек, А. Н. Самойлович XX аср бошида туркманилардаги тўй маросими томошалари амфитеатр характеристига эга эканлигини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

Юқорида номлари келтирилган авторлар гарчи, Хоразм халқи театри тарихи устида маҳсус тадқиқот ишлари олиб бормаган бўлсалар ҳам, XIX аср театрининг турли маросим ва базмлардаги ўйинишиларини, айрим ўйинларда эркак актёрларининг хотин-қиз қиёфасида чиқишиларини ифодалаб беришлари биз учун қимматлидир.

Аммо бу маинбаларда Хоразмда халқ театрининг етакчи фигураси ҳисобланган актёрларнинг номлари, спектаклларнинг мазмунни эслатиб ўтилмаган.

Қадимий Хоразм санъати тарихини систематик ўрганиш Совет ҳокимияти йилларида бошланиб, ҳозирда ҳам давом этмоқда. Масалан, Р. А. Садоков археология ва этнография материаллари асосида қадимги Хоразм халқи музыка маданияти тарихини қисқача аниқлашга эришди<sup>3</sup>. Р. Каримова «Хоразм халқ рақслари» номли монографиясида Хоразм ўйинларининг ўзига хос жозибали такталар билан ўйналишини кўрсатиб берган<sup>4</sup>. Т. Обидовининг «Театр масҳарабозов Хорезма» номли кандидатлик иши кириш, икки боб ва холосадан иборат бўлиб, унинг биринчи боби «Традиционный театр Хорезма и его жанровые, разновидности» деб номланган. Бу бобда Хоразм масҳарабозларининг репертуаридаги рақе пантомимаси ва оғзаки драмалар классификацияси берилади.

Иккинчи боби «Художественные особенности драматургии и воспитание сценического мастерства» деб номланган бўлиб, унда Хоразм масҳарабозларининг катта ўйини («Большие игры») ёки «Хатарли ўйин» туркумига кирган оғзаки драмаларининг ўйналиши, Хоразм масҳарабозлари репертуарининг Узбекистоннинг бошқа областларидаги масҳарабоз ва қизиқчилар театридан фарқи илмий асослаб берилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> М. Михайлов. Кирғизы. Туркестанский сборник, т. 26, СПб, 1869 г., стр. 124.

<sup>2</sup> А. Н. Самойлович. Туркестанское развлечение. В кн: Самойлович А. Н. Сочинения, т. 2. СПб, 1909 г., стр. 4.

<sup>3</sup> Р. Н. Садоков. Музикальная культура древнего Хорезма. М., изд-во «Наука», 1970 г. Тысяча осколков золотого саза. М., изд-во «Советский композитор», 1971 г.

<sup>4</sup> Р. Каримова. Хорезмский танец. Ташкент, изд-во литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1975 г.

<sup>5</sup> Т. Абиров. Театр масҳарабозов Хорезма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. Ташкент, 1967 г.

Қадимги Хоразм халқи Ўрта Осиёда ўзига хос юксак маданияти билан катта из қолдирган.

С. П. Толстов раҳбарлигидаги СССР Фанлар академиясининг Хоразм археология ва этнография экспедициясининг кўп йиллар давомида тўплаган материаллари қадимги Хоразм халқининг кўп қиррали тарихини очиб берди<sup>1</sup>.

Хоразм санъаткорларининг қадим замонларга бориб тақаладиган нағис санъати кўп асрлар давомида сайқал топиб, оммани ўзига жалб қиласидиган сеҳрли кучга айланади. Хоразмда музика чалиш, куйлар ижод этиш, ашула айтиш, газал битиш халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин совет халқлари миллий маданиятининг юксалиши учун тўла имконият вуҷудга келди. Узбек халқининг ажralmas қисми бўлган Хоразм халқининг 1920 йил революциясидан кейин воҳада ташкил топган ҳаваскорлик драма театр труниларининг тараққий қилиб кетишида асрлар давомида мукаммаллашиб борган халқ санъатининг роли катта бўлди.

Шунга қарамай, Хоразмдаги халқ театри санъати тарихи ҳозиргача кам ўрганилган проблемадир. КПСС XXVII съездидаги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қайта қуриш билан боғлиқ: «Биз жиддий фалсафий умумлашмаларга асосланган иқтисодий ва социал прогнозларга, чуқур тарихий тадқиқотларга эҳтиёж сезиб турибмиз»<sup>2</sup>, деб кўрсатиб ўтган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда Хоразм халқ театри проблемасини ўрганишнинг муҳим илмий ва интернационал аҳамияти борлигини таъкидлаб ўтиш ўринилди. Қадими Хоразм халқи урф-одат ва аиъналарида то ҳозиргача ўзига хос хусусиятлари ҳамда қардош қорақалпоқ, туркман, қозоқ халқлари бирга яшаш жарабенида бир-бирининг маданиятларига ўзаро таъсири кўзга ташланади.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, Москва, издание МГУ, 1948 г. Шу автор. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1964 йил.

<sup>2</sup> М. С. Горбачев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий доклади. Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1986 йил, 121-бет.

Шунинг учун ҳам Хоразм халқ театрини ўрганар эканмиз, қардош халқларнинг Хоразм халқи театр санъатига қўшган ҳиссасига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Революциягача бўлган даврда Хива хони ва унинг амалдорлари Хоразм ўзбеклари маданиятини қорақалпоқ, туркман, қозоқ халқлари маданиятига қарши қўйишга интилганлар.

Шунга қарамай, меҳнаткаш халқлар, унинг ижодкор намояндалари ўзи каби эзилган халқларнинг манфаатини ҳимоя қилиб чиққанлар, бир-бирининг тилидаги, дилидаги орзу-армонларини куylаганлар.

Бу темани ўрганишнинг сиёсий томони ҳам бор, ҳозирги вақтда совет халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи маданиятининг гуллаб-яшнаб бориши Farbdagi буржуа тадқиқотчиларининг ғашига тегиб, факт ва воқеаларни сохталаشتирниб, антисовет концепцияларини илгари сурмоқдалар. Улар бу билан СССР халқлари дўстлигига раҳна солишига интиладилар. Буржуа идеологлари, ҳозирги кунда социализмга ва коммунистик ҳаракатга қарши курашда одамларнинг ақли, дунёқарashi учун «психологик уруш» олиб бориб, антисоветизм формасини олган миллатчилик тенденцияларига кўпроқ кўз тикмоқда.

Совет кишилари онгига буржуа миллатчилиги уруғини сочишга умид боғлаётган буржуа идеологлари кейинги даврда социализм фояларини обрўсизлантиришга қаратилган компанияни тобора кучайтироқда.

КПСС XXVII съезди «Буржуа идеологияси ва ахлоқига қарши, империализмнинг антисовет иғволари ва идеологик диверсияларига қарши... ҳужумкор кураш олиб борилиши керак»<sup>1</sup> эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Ана шу буржуа идеологик бўхтонларига қарши курашда Хоразм халқ театри темасини илмий асослаб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу темани ўрганишнинг яна бир муҳим томони шуки, қадимдан Хоразм халқи маданиятида ўзига хос томонлари кўпроқ кўзга ташланади. Хоразм халқи музикаси, масҳарабозлик ўйинлари, баҳши ва халфалар санъати, турли оммавий ўйинлар ва рақслар, айниқса урф-одат ва маросимлар, дастур-примлар ҳозирги Узбекистоннинг бошқа областларига қараганда Хоразмда кўпроқ қадимилик аломатларини ўзида сақлаб, уни ҳозирги замон социалистик аиъналари билан бойитиб келаётir. Шу традициялар билан боғлиқ Хоразм халқининг қадимдан тараққий қилиб келган халқ театри революциядан кейин вуҷудга келган, Европа типидаги саҳна санъатига муҳим манба бўлганлигини кўрсатиб ўтишни вазифа қилиб қўйдик.


<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети сиёсий доклади юзасидан резолюцияси. КПСС XXVII съездининг қарорлари. Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1986 йил, 33-бет.

Жамоатчилик асосида масъул муҳаррир — Ўзбекистон ССР  
Фанлар академиясининг академиги С. К. Камолов.

К 4907000000—91  
М 352 (04)—88 111—88

© Faafur Fulom nomidagi Adabiyet  
va san'yat nashrieti, 1988 й.

ISBN 5—635—00072 — X



## 6 КИРИШ

### 14 I БОБ. ХОРАЗМ ХАЛҚ ТЕАТРИ ТАРИХИДАН

Халқ театрининг пайдо бўлиши  
Хоразм маданийти ва халқ театрининг шаклланиши

### 63 II БОБ. ХОРАЗМ ХАЛҚ ТЕАТРИНИНГ НАМУНАЛАРИ

Сайиллар ва оммавий халқ ўйинлари  
Тўй ва зиёфатларда ўйналадиган ўйинлар  
Фольклор ва халқ театри  
Бахши  
Халфа  
Масхабозлик

### 143 III БОБ. ХАЛҚ ТЕАТРИ, УРФ-ОДАТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

Халқ ўйинлари мактаби  
Халқ урф-одати ва маросимлари  
Хоразмда професионал драма театрининг яратилиши

М. Раҳмонов «Пути развития узбекского театра с древнейших времен до 1917 года» номли докторлик иши ва «Узбек театри тарихи»<sup>1</sup> номли монографиясида. М. Қодировнинг «Узбек халқ оғзаки драмаси»<sup>2</sup> номли асарларида йўл-йўлакай бўлса ҳам Хоразм масхарабозлик театри ва оғзаки драмаси, масхарабозлар ўйнаган спектакллар ҳақида тўхталиб ўтилган. М. Қодиров «Узбек театри анъаналари»<sup>3</sup> номли монографиясидаги иккинчи бобни «Хоразм масхарабозлари театрнига бағишлаган. Унда Хоразм масхарабозлари театрининг XIX аср охири XX аср бошларидаги актёрлари, улар репертуарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Н. А. Басқаков «Народный театр Хорезма» номли сермазмун монографияси Хоразм халқ театрининг қўл қўғирчоғи, чодир хаёл ва масхарабозлик театри ва уларнинг бошқа халқлар театри санъатига алоқаси ҳақида қизиқарли маълумот беради<sup>4</sup>.

Аммо қадимий маданият ва санъатнинг макони бўлган Хоразмнинг ўйин ва томошаларининг ривожланишини фақат масхарабозлик театри соҳасида ўрганиш билан якунлаб бўлмайди. Шу билан бирга қадимий масхарабозлик театри санъати ҳозирги замон Хоразм драма театрининг вужудга келишида ягона манба бўлиб хизмат қилди, дейиш ҳам мумкин эмас.

Маълумки, халқ байрамлари, оила маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар, сайиллар, тўй ва томошалардаги музика жўрлигига қўшиқ билан боғлиқ рақслар кўпдан буён ўзбек халқ театри манбаси бўлиб келган<sup>5</sup>.

Ф. Энгельс «К. Маркс сиёсий иқтисод таққидига доир» мақоласида «Тарих нимадан бошланса, фикр юритиш ҳам худди шундан бошланмоғи лозим...»<sup>6</sup> деб кўрсатган эди.

Биз Хоразм халқ театри манбаларини ўрганишда В. И. Лениннинг «Ёшлар союзларининг вазифалари» номли асарида: «Бутун кишилик тараққиётида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш, уни қайтадан ишлаш орқасидагина пролетар маданиятини

<sup>1</sup> М. Раҳмонов. Пути развития узбекского театра с древнейших времен до 1917 г. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора искусствоведения. Ташкент-Москва, 1968 г. Узбек театри тарихи XVIII асрдан XX аср аввалинча. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1968 йил.

<sup>2</sup> М. Қодиров. Узбек халқ оғзаки драмаси. Тошкент, Узбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963 йил.

<sup>3</sup> М. Қодиров. Узбек театри анъаналари. Тошкент, Fafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 йил.

<sup>4</sup> Н. А. Басқаков. Народный театр Хорезма. Ташкент, изд-во «Фан», 1984 г.

<sup>5</sup> Народы Средней Азии и Казахстана, т. I. М., изд-во АН СССР, 1962 г., стр. 375.

<sup>6</sup> Ф. Энгельс. «К. Маркс сиёсий иқтисод таққидига доир». К. Маркс ва Ф. Энгельс. Иккى томлик танланган асарлар, I т. Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1959 йил, 374-бет.

қуриш мумкин эканлигини очиқ-равшан англамасдан туриб—ана шундай англамасдан туриб, бу вазифани ҳал қила олмаймиз»<sup>1</sup>, деган кўрсатмасига асосландик.

Адабиёт тарихига доир асарларда ҳам Хоразм театри манбаларига доир айрим маълумотлар ёритилган. Т. Жалолов «Узбек шоирлари» номли асарида Хонимжон халфа ва Ожизанинг ижодий фаолияти тўғрисида қимматли маълумот беради<sup>2</sup>. Ж. Қобулниёзов 1955—1963 йиллар давомида Хоразм обlastига уюстирилган фольклор экспедициясида бўлиб, Онажон Собирова (Анаш халфа), Ожиза, Сафо Оллаберганов (Муғаний), Матюсуп Харратов ва бошқалар ижодини ўрганади, Хоразм халқ қўшиқларини тўплаб нашр қилдиради<sup>3</sup>. Ю. Юсуповнинг «Хоразм шоирлари» номли асарида Матюсуп Харратов, Паҳлавон Ниёз Мирзабоши Комил, Муҳаммад Расул Полвонниёз ўғли Мирзо, Комил Девоний ҳақидаги биографик маълумотлари<sup>4</sup> қимматлидир.

Бу авторларнинг асарлари адабиётшунослик нуқтаи назаридан яратилганлиги учун уларда Хоразм халқ театри билан боғлиқ маълумотлар жуда кам берилган. Шунга қарамай, кўп сонли адабиёт тадқиқотлари муҳим маълумотлар тўплашда катта аҳамият касб этди.

Н. П. Лобачева «Свадебный обряд Хорезмских узбеков», «Формирование новой обрядности узбеков»<sup>5</sup> номли асарларида Хоразм халқининг тўй ва байрам маросимлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Г. П. Снесарев «Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма», «Под небом Хорезма» номли асарларида Хоразм халқининг исломгача бўлган урф-одати ва эътиқодлари қолдиқлари этнографик аспектда кўрсатиб берилган<sup>6</sup>. Гарчи бу асарларда халқ театри тилга олинмаган бўлса ҳам, Хоразмда халқ театри манбаси бўла оладиган айрим маълумотлар биз учун қимматлидир.

Г. М. Билялов «Культура и просвещение в Хорезмской народной Советской республике (1920-1924)» номли монографиясида

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Ёшлар Союзларининг вазифалари. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 340-бет.


<sup>2</sup> Т. Жалолов. Узбек шоирлари. Биринчи китоб. Тошкент, Fafur Fуломномидаги Адабиёт нашриёти, 1970 йил.

<sup>3</sup> Ж. Қобулниёзов. Хоразм халқ қўшиқлари. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1965 йил.


<sup>4</sup> Ю. Юсупов. Хоразм шоирлари. Тошкент, Fafur Fуломномидаги Адабиёт нашриёти, 1967 йил.

<sup>5</sup> Н. П. Лобачева. Свадебный обряд хорезмских узбеков. Краткие сооб. Института этнографии им. Миклухо-Маклая, вып. 34. 1960, стр. 39—48. Она же. Формирование новой обрядности узбеков. М., изд-во «Наука», 1975 г.

<sup>6</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., изд-во «Наука», 1969 г. Его же. Под небом Хорезма. М., изд-во «Мысль», 1973 г.



Бутунқалъа яқинидан топилган әркак киши боши (эрэмиздан аввалги III аср).



Хамза номли ўрта мактаб яқинидан топилган зәл киши құл кафти (эрэмиздан аввалги IV—III аср).

Кундалик ҳаёт қийинчиликларини енгіш чиқиши йўлида чеккан азоб-уқубатларини сўз орқали, сўз етишмай қолганда тана ҳаралатларида шу воқеада иштирок қылмаган уруғдошларига тушунириб берганлар. «Мехнатнинг ўзи,— деб кўрсатади Ф. Энгельс,— бўғиндан-бўғинга кўпроқ хилма-хил, кўпроқ мукаммал, кўпроқ ҳар тарафлама бўла борди. Овчилик ва чорвачилик ёнига деҳқончилик, сўнгра йигириш ва тўқиши, маъданлар ишлаш, кулолчилик хуари, кемачилик иши қўшилди»<sup>1</sup>.

Хоразмда чорвачилик Калтамиор маданиятининг сўнгги босқичида, эрамиздан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярмида келиб чиқади. Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида эса Хоразмда қайр системасида деҳқончилик қылганлар<sup>2</sup>. Эрамиздан аввалги I минг йиллик бошига доир Жонбосқалъа — 7 да бўйи 70 метр бўлган бир-бирига параллел қурилган иккита тор хонали уй топилди. Уларда умумий ўчоқ ўрнини қатор қилиб қурилган ўчоқлар эгаллади.

С. П. Толстов бу уйларнинг чўзинчақ шаклида бўлиши, одатда бир уйда яшовчи, лекин умумий ўчоқقا эга бўлмаган оила жуфтларининг турмуш жиҳатидан бир-биридан кескин ажralиб чиққанини, уларнинг турмушки америкалик ирокезларга яқин эканлигини кўрсатади<sup>3</sup>.

Ирокез қабилаларидан бири—иккинчисига қарши уруш қилмоқчи бўлса, Ф. Энгельснинг кўрсатишича «...улар уруш рақсини уюштирас эдилар ва бу рақсда иштирок этган ҳар бир киши шу билан юришда иштирок этишини билдирган бўлар эди. Отряд дарҳол ташкил этилиб, юришга чиқиб кетар эди. Қабилага тегишли ерларни ҳужумдан ҳимоя қилиш ҳам кўпинча кўнгиллilar чақириш йўли билан бажарилар эди. Отрядларнинг юришга жўнаши ва юришдан қайтиб келиши муносабати билан жамоатчилик ҳар вақт тантаналар ўтказар эди<sup>4</sup>.

Ибтидой хоразмликларда ҳам ирокезларга ўхшашиб ҳарбий рақслар ташкил қилинган ва зафар тантаналари ўтказилганлигини исботловчи қадимий «лазги» ўйини ҳозиргача ўйналиб, ҳарбийлик характеристини ўзида сақлаб келаётir. Бу ўйинда раққос қўлларини юқори кўтариб, аста-секин бармоқларини музика тактларига солади. Ўзи эса гёё рақибига қарагандай қараб, гавдасини қимирлатмай тутиб туради. Бир неча тект ўтгаch, қўл учи ҳаракатига

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли. 11-бет.

<sup>2</sup> Ер ости сувлари тупроқ юзасига яқин бўлган, сугормасдан деҳқончилик қилинадиган жойлар.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 97-бет.

<sup>4</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. З-том, «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент, 1981 йил, 307-бет.

**ХОРАЗМ ХАЛҚ ТЕАТРИ  
ТАРИХИДАН**  
**ХАЛҚ ТЕАТРИНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ**

Ўзбек халқи маданиятининг ажралмас қисми бўлган Хоразмнинг юксак маданияти ва санъати, айниқса, халқ театри тарихи жуда ҳам узоқ бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Хоразмда қадим замонларданоқ бой маданият вужудга келиб, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшган эди. Профессор В. И. Анучиннинг кўрсатишига қараганда, Ўрта Осиёнинг тарихи, маданият тарихи абсолют ўтмишга боғлиқ ва кўпроқ узоқ ўтмишга алоқадор эканлигини кўрсатмаслик мумкин эмас<sup>1</sup>.

Маълумки, Хоразм қадимий цивилизациянинг ўчоқларидан бири эди. СССР Фанлар Академиясининг Хоразм археология-этнография экспедицияси машҳур олим С. П. Толстов раҳбарлигида 50 йилдан кўпроқ вақт ичида бу ўлканинг узоқ ўтмишини ёритиб берувчи кўплаб материаллар тўплади.

Ҳозирги Тўрткўл райони териториясидаги Жонбосқалъа-4 деб номланган Қалтамиор қишлоғи яқинида эрамиздан аввалги IV-III минг йилликда (Неолит даври охирларида) бир неча жуфт оиласа бўлинган бутун она уруғи яшаган катта ўй қазиб очилди. Бу ўй ёғоч ва қамишдан қурилиб, бўйи 24 м, эни 17 м. бўлган чайла эканлиги аниқланди. Унда бир марказий катта ўчоқ бўлиб, унинг атрофида хийла кичикроқ ўчоқлар бўлган. Бу манзилдан топилган қайиқсиз сопол идишларга туморча ва қошиқча шаклида ўйма нақшлар ишланган.

С. П. Толстов Жонбосқалъа-4 да яшаган кишилар асосан балиқчилик-овчилик билан шуғулланганлар деган хulosага келади<sup>2</sup>. Бу Хоразм ибтидоий давр одамлари ясаган қайиқсиз сопол тоғоқ Узбекистон териториясидан топилган энг қадимий сопол идиш эди.

Жонбосқалъа-4 нинг Катта уйнаги марказий ўчоқда доимо олов сақланган. С. П. Толстовнинг фикрига кўра, бу Шарқда, Ўрта Осиёда оловга сифинининг энг қадимий кўриниши ҳисобланади.

<sup>1</sup> Личный фонд В. И. Анучина. Центр. Гос. Архив УзССР. Ф. 1726, оп. 1, ед. хр. 16, Л. 2.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 59—61.

Хоразмда вужудга келган ибтидоий жамиятда табиат кучлагирига сифиниш оташпарастлик ибодати, чунончи, зороастризм диний эътиқодининг вужудга келишига асос бўлди<sup>1</sup>. Хоразмдаги ибтидоий даврда овчилик билан боғлиқ ибтидоий театр элементлари ҳам вужудга келган. Чунки ибтидоий овчилар овланадиган ҳайвонлар қиёфасига кириб ўз овига яқинлашганлар. Бу ишни амалга оширишнинг ўзи бўлмасди, албатта. Бунинг учун ибтидоий овчилар ўз манзилгоҳларида қайта-қайта машқ қилишга мажбур бўлганлар. Ов олдидан эса, катта ўчоқ олдида сеҳргарлик билан овини тез ва осон қўлга тушириш ҳаракатини қилиб, муқаддас оловга сифинганлар. С. П. Толстов қалтамиорлар уйига кираверишдан чап томондаги майдончада «жамоа урф-одати бажарилган ва маросимиий рақсларга тушилган»<sup>2</sup> деб кўрсатади.

Санъатнинг ибтидоий тараққиётига манба ҳам меҳнат бўлган. Ф. Энгельс «... биз маълум мъянода: одамнинг ўзини ҳам меҳнат вужудга келтириди, деб айтмоғимиз керак»<sup>3</sup>, деб ёзган эди.

Неолит даврида яшаган хоразмликлар тош қуроллардан фойдаланиб, балиқ овлаш, қуш ва ҳайвонларни тутиш учун меҳнат қилган, албатта. Бу фикри тасдиқловчи далиллар Узбекистоннинг бошқа районларида ҳам учрайди. Масалан, Сурхондарё облассы, Шеробод райони териториясидаги Зараутсой дарасининг камаридан топилган суратда тош даври (неолит ва энеолит) га оид тош деворларга охра билан қизил рангда ёввойи ҳайвонларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Овчилар ўқ-ёй билан қуролланган, ҳайвонларни чўчитмаслик учун эгниларига чакмон шаклида кийим кийишган<sup>4</sup>.

Ибтидоий жамоа кишилари кўпинча ўзлари шуғулланган меҳнат фаолиятига тақлидий рақс-ўйин қилганлар. Ибтидоий рақслар афсунгарлик ва тотемизм билан боғлиқ, мотам маросимида садрга тушиш каби хатти-ҳаракатларни ўзида акс эттирган.

Маълумки, халқ театри деганимизда драмалашган ҳаракат асосида актернинг образ яратиши тушунилади.

Ибтидоий жамият маданиятининг йирик тадқиқотчиси М. О. Коствен «Ибтидоий содда рақсадан драма келиб чиққан»<sup>5</sup>, деган фикри илгари суради. Чунки ибтидоий кишилар табиат инжиқликларига қарши курашиб, ўз ҳаётларини сақлаб қолиш мақсадида ёввойи ҳайвонларга қаршилик кўрсатганлар, иссиққа, созуққа бардош бериб, бир амаллаб тирикчиликларини ўтказгандар.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 59—61.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 78-бет.

<sup>3</sup> Ф. Энгельс. Маймуннинг одамга айланни процессида меҳнатнинг роли. Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1985 йил, 3-бет.

<sup>4</sup> Узбек Совет энциклопедияси, 4-том. Тошкент, 1973 йил, 44-бет.

<sup>5</sup> М. О. Коствен. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент, Узбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1960 йил, 182-бет.

1921 йилда Хивада рус ва мусулмон театр труппалари фаолияти тўғрисида маълумот беради<sup>1</sup>.

О. Сабиров «Развитие культурных связей народов Каракалпакии и Хорезма в годы построения экономического фундамента социализма в СССР (1920—1932 гг.)»<sup>2</sup> номли ишида ва унинг М. Мадрахимов билан бирга ёзган «Сценическое искусство у народов Хорезмского оазиса» (1920—1927) номли мақоласида Хоразм воҳасидаги ўзбек, қорақалпоқ, туркман ҳаваскорлик театр труппалари ниңг ўзаро алоқалари масаласи ва Ҳ. Ҳ. Ниёзийининг уларга кўрсатган ёрдами тўғрисида сўз юритилади<sup>3</sup>. Унда Хива ўзбек ҳаваскорлик драма театр труппасининг фаолиятидан ҳам маълумот берилган.

М. Раҳмоновнинг «Ҳамза ва ўзбек театри»<sup>4</sup> Ю. Султоновнинг «Ҳалқ санъаткори», «Ҳамза ҳаётни ва ижоди ҳақида очерк»<sup>5</sup>, Л. Қаюмовнинг «Инқиlob куйчиси», «Ҳамза»<sup>6</sup> номли монографияларида Ҳ. Ҳ. Ниёзийининг (1921—1924 йиллардаги) Хоразм воҳасидаги ўзбек, қорақалпоқ театр группалари билан чамбарчас болганинг фаолияти ҳақида маълумот берилади. Ҳамзанинг Хива театр труппасидаги раҳбарлик фаолияти 1922 йилнинг шунигача бўлган холос. Шундан кейинги Хива театр труппасининг фаолияти ҳақида адабиётларда жуда кам маълумотлар мавжуд.

Биз бу масалани ёритишида Хоразм Давлат архивидаги 383-фонд, 6-делода 1947 йил Хоразм область партия комитети ва ижроия комитетининг Узбекистон КП МК секретари Усмон Юсуповга, УзССР Министрлар Советининг раиси А. Абдураҳмоновга ўйлаган хатида, 1922 йилда ҳаваскорлик тўғараклари аъзоларидан Ҳ. Ҳ. Ниёзий раҳбарлигида Хива театр труппаси вужудга келгандан кейин театр мунтазам ишлаб келаётганилиги тўғрисидаги ҳужжатлардан фойдаландик.

<sup>1</sup> Г. М. Билялов. Культура и просвещение в Хорезмской народной советской республике (1920—1924). Ташкент, изд-во «Фан», 1966 г.

<sup>2</sup> А. Сабиров. Развитие культурных связей народов Каракалпакии и Хорезма в годы построения экономического фундамента социализма в СССР (1920—1932 гг.). Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1967 г.

<sup>3</sup> А. С. Сабиров, Ф. М. Мадрахимов. Сценическое искусство у народов Хорезмского оазиса (1920—1927 гг.). «Вестник» Каракалпакского филиала АН УзССР, Нукус, 1972, № 4.

<sup>4</sup> З. М. Раҳмонов. Ҳамза ва ўзбек театр. Тошкент, УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959 йил.

<sup>5</sup> Ю. Султонов. Ҳалқ санъаткори. Тошкент, УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959 йил. Ҳамза ҳаётни ва ижоди ҳақида очерк. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1973 йил.

<sup>6</sup> Л. Қаюмов. Инқиlob куйчиси. Тошкент, УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963 йил. Шу автор. Ҳамза. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти, 1973 йил.

Шу делода театр директори Юнус Юсуповнинг Хоразм обком секретари Саидов ва Егоров, область ижроия комитетининг раиси Раҳмоновга ўйлаган хатида 1920—1921 йиллардаги Хоразм ёшлиари ва прогрессив кишилари Хоразмда ўзбек ҳаваскорлик театри ташкил қилиш учун ҳаракат бошлаганлиги, 1922 йилда Ҳ. Ҳ. Ниёзий раҳбарлигида театр ташкил топганлиги кўрсатилади<sup>1</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ю. Юсупов Хоразмда революция ғалаба қозонгандан бўён маданият муассасаларининг ташкилотчиси, раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келган кишиидир. Унинг хати эса биз учун барча ҳужжатлардан ҳам қимматлироқ ҳисобланади.

591-фонд, 2-делода 1924 йил, 19 апрелда Хива «Давлат театри» Хўжайлида «Қалмоқ» спектаклини кўрсатганлиги қайд қилинади.

Шунингдек, УзССР Марказий Давлат Архивидаги 71-фонд, 156-делода Хива театр труппасининг актив аъзоси Самандар Сароймоновнинг Хивадаги контрреволюцион исённи тугатишда кўрсатган жасорати кўрсатилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргacha илмий адабиётларда қўлланилмаган архив материалларидан темани ёритишида фойдаланилди.

Хоразмда совет театрининг вужудга келишини ўрганишда кўп сонли газета материалларидан фойдаланилди. Хоразмда совет ҳокимиятини ўрнатишида қатнашган, революциядан кейин театр тараққиётига муҳим ҳисса қўшган кишилардан С. Сароймонов, Солиҳ Девонов ва С. Машариповларнинг шахсий архиви, эсдаликларидан фойдаланилди.

Шунингдек, темани ёритиш жараёнида авторнинг 1974—1981 йиллар давомида Хоразм обlastининг Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Хазорасп районлари, Қорақалпогистоннинг Тўрткўл, Беруний Элликқалъа районларидан йигилган дала материалларидан ҳам фойдаланилди.

<sup>1</sup> Хорезмский Гос. Архив. Ф. 383, оп. 1, д. 6, стр. 3.

вазифаларни бажарғанлыгын қўйидагида кўрсатади: «1) Копток ўйинида фратрияларнинг бириниккисига қарши чиқади, ҳар бир фратрия ўзининг энг яхши ўйинчиларини майдонга чиқаради, қолганлари фратрия-фратрия бўлиб ўйинни кузатиб турадилар ва ўз ўйинчиларининг ютиб чиқиши тўғрисида гаров ўйнайдилар. 2) Қабила кенгашида ҳар бир фратрияning сахемлари ва лашкарбошилари бирга ўтирадилар, бир группа иккинчисига қарши ўтиради, ҳар бир нотиқ ҳар бир фратрияning вакилларига алоҳида корпорация деб қараб, мурожаат қиласди...»<sup>1</sup>

С. П. Толстовнинг фикрига қараганда қадимги Хоразм шаҳар ва қишлоқларининг «дуал» равишда тузилганлиги — «дуал» уруғчилик тузуми традициялари зардустийлик дини дуализмнинг ҳам келиб чиқишига асос бўлади<sup>2</sup>.

Хоразм воҳасида яшовчи ўзбекларда «Кўк бўри», қорақалпоқ ва қозоқларда «Улоқ», туркманларда «Гўк бўри» деб аталган ўйин ҳозиргача давом этиб келади.

С. П. Толстов туркманлардаги «Гўк бўри» одати фратриядаги никоҳ расм-руссунини бевосита гавдалантиради, деб тўғри таъкидлаган.<sup>3</sup> Зардустийлик динининг яхшилик худоси Ахурамазда ва ёмонлик худоси Ахриман ўртасидаги кураши ҳам ўша давр фратриялари ўртасидаги муносабатнинг бир кўринишидир.

XX асрнинг 20-йилларигача Хоразмда «Қизил гул» байрами ёшлиқ, севги, шодлик, баҳор байрами сифатида нишонланган. Бу байрам ҳар йили 13 майда<sup>4</sup> эрта билан йигит ва қизларнинг янги очилган қизил гулдан гулдаста тайёрлашга киришиши билан бошланган.

Ёшлар байрамга атаб тикилган ранг-баранг кийимларини кийиб ўзлари ясаган гулдасталарни қариндош-туққанларига, дўст-биродарларига тухфа қилганлар.

Байрам бошланган кундан то байрам охиригача бўлган даврда йигит ва қизлар тахия (дўппи)сига қизил гул гунасидан қадаб қўйиш одат тусига кирган. Шунинг учун ҳам Хоразм халқ қўшиқларида қизил гул алоҳида эъзозланади.

Қизил гуллар айтар: очилмагайман,  
Ёмонлар бошидан сочилмагайман.  
Очилсан очилай, яхши очилай,  
Оёқлар остида янчилмагайман.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши.

<sup>2</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик ташланган асарлар, З-том, 304-бет.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 125-бет.

<sup>4</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 284.

<sup>5</sup> Хоразмда ҳар йили кўпинча май ўрталарида қизил гул очилгац. Шу куни деҳқонлар юз кирди деб ҳисоблаб, деҳқончилик экинларини неча кун камайгацда экинши планлаштириб қўйганлар.

<sup>6</sup> Хоразм халқ қўшиқлари, 182-бет.



Тупроқкальъадан топилган масхарабоз ниқоби (эрэмизнинг

Ф. Орифовнинг берган маълумотига қараганда, буидай сайиларга қиз-жувонлар ҳам ясан-тусан кийиниб, зебу зийнатларини тақиб чиққанлар ва алоҳида қизлар давраси ташкил қилиб, суҳбат ва ўйин-кулги, қўшиқ, лапар айтишганлар<sup>1</sup>.

Ингитлар ҳам алоҳида давра қуриб, ўйин-кулги, базм уюштирганлар, хонанда ва созандаларнинг дилрабо куй ва қўшиқларини тинглашган. Бўйдоқ ингитлар эса қизлар давраси атрофида айланниб юриб, ўзлари севган қизига нигоҳ ташлаганлар. Байрамда ёшу қари баб-баравар қатнашган.

Беруний «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида суғдийларнинг «Оғом» номли ҳайитлари ҳақида қизиқарли маълумот беради: «Улар шу куни Ромуш қишлоғидаги Оташхонага тўпланадилар. Оғом ҳайитлари уҳар учун энг азиз ҳайитлардан бўлиб, у ҳар бир қишлоқда ўтказилади, улар ҳар қайси қишлоқ раиси ҳузурига йиғиладилар ва еб-ичадилар. Бу навбати билан ҳар бир қишлоқда бўлади», деб ёzáди.

С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси эрамиздан аввалги IV асрларга оид Жонбосқалья, эрамиздан аввалги I ва эрамизнинг IV асрларига оид Тупроққалъя қўрғонлари ичидаги бош кўчанинг дарвозасига қарама-қарши кўча охирида оловхона борлигини аниқлади. Бизнингча суғдийлардаги оташхона билан қадимги хоразмликлардаги оловхона орасида диний ва дунёвий тантаналар ўтказиш борасидаги функциялари бир-бирига жуда яқин бўлган. Буни Берунийнинг ўзи ҳам «исломгача бўлган даврдаги хоразмликларнинг расм-руsumлари суғдийларникига ўхшайди»<sup>2</sup>, деб ёzáди.

С. П. Толстовнинг фикрига қараганда, исломгача бўлган даврда оловхона ижтимоий вазифаларни ҳал қиласидиган, оловга ва бошқа ғайритабии кучларга сифинадиган рақс ва театрлашган ҳаракатлар ўтказадиган жой вазифасини ўтаган<sup>3</sup>. Томошада фратриялар ўртасидаги кураш муҳим ўрин тутади. Фратриялар ўртасида ҳар йили диний мусобақалар ўтказилиб, улар чинакам жангга айланниб кетган.

Хитойнинг «Тан сулоласи тарихи»да ислом дини кириб келмасдан бурун Фарғона шаҳрининг иккى қисми ўртасида ҳар йили Наврӯз байрами куни ана шундай диний жанг бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади<sup>4</sup>.

Ф. Энгельс «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли асарида ирокезларда ҳам фратриялар ижтимоий ва диний

<sup>1</sup> Ф. Орифов. Наврӯзи олам. «Фан ва турмуш» журнали, 1977, № 3, 1-бет.

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруний. Таъланган асарлар, I том, 279-бет.

<sup>3</sup> Уша асар, 280-бет.

<sup>4</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 316, 317.

<sup>5</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 124-бет.



Тупроққалъадан топилған арфа чалувчи аёл.

тавда ҳаракатини қўшиди. Кейин, бирдан душманга ташланишга ўзини сафарбар қилган жангчидай майдо қадамлар билан югуриб, қўл бармоқларини ўйнатиб, қарс уришини тезлатиб, «лашкарларнинг жанг қилаётгани ҳолати»<sup>1</sup>ни ифодалайди. Раққос ўйни охирда эса рақиби устидан қозонилган галаба жадал кураш ва меҳнат натижаларида эришилганлигини қўл, оёқ, тана ва бошқа мимик ҳаракатларда ифодалаб беради. М. О. Коевен ибтидой жамиятдаги «биринчи рақслар ҳам турли хил мазмунга эга»<sup>2</sup> эканлигини кўрсатади.

Бизнингча «Лазги» ўйини ибтидой жамиятдаги хоразмликларнинг қаҳрамонлик ҳаракатини ўзида акс эттирадиган элементларга эга бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Қадимги грек тарихчиси Гекатей-Страбон хоразмлик массагетларининг жасурлигини таърифлаб: «Уларнинг қуроллари камон, қилин, қалқон, мис болталар бўлиб, отда ҳам, ниёда ҳам яхши жанг қилишиди: жанг пайтида олтин камар ва олтин сингбоглар тақиб оладилар»<sup>3</sup> деб ёзди. Бизнингча, бу маълумот Хоразм «Лазги» ўйини мазмунини янада яхшироқ тушуниб олишимизга ёрдам беради. Ҳақли равишда тарих фанининг отаси номини олган Геродот «Аракс (Амударё) бўйларида яшовчи массагетлар кечаси гулхан ёқиб, ўсимлик ҳидидан маст бўлиб, унинг атрофида олов ўчгунича қўшиқ айтиб рақсга тушар эдилар»<sup>4</sup>, деб кўрсатади.

Хоразм тўйларида қиши кунлари кечалари гулхан ёқилиб, атрофида халқ санъаткорлари томошабинларга томоша кўрсатишлари яқниларгача давом этиб келган.

Хоразм воҳасида ҳам қадимги Шамси (қуёш) йили ҳисобига биноан, ҳар йили 21 марта Наврӯз байрами ўтказилиб келинган. Наврӯз фореча сўз бўлиб, янги кун деган маънога эга. Бу байрам қадимдан янги йилнинг биринчи ойининг биринчи кунида нишонланган.

Абу Райҳон Берунийнинг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дараҳтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзғолишидан тонасл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун наврӯз оламининг бошланиши ва яратилишига далил қилинган»<sup>5</sup>— деб кўрсатади.

Ибтидой деҳқончиликнинг келиб чиқиши билан боғлиқ вужудга келган Наврӯз байрами халқ томошаларига жуда бой анъаналардан ҳисобланади.

<sup>1</sup> Н. Рахимова. Хоразм рақсида ўйлар. «Узбекистон маданияти» газетаси, 1966 йил, 3 август.

<sup>2</sup> М. О. Коевен. Очерки истории первобытной культуры. М., изд-во АН СССР, 1957, стр. 180.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 105-бет.

<sup>4</sup> Геродот. История. В девятии книгах. Л., изд-во «Наука», 1972, стр. 75.

<sup>5</sup> Абу Райҳон Беруний. Таинланган асрлар, I том, 253-бет.

Берунийнинг кўрсатишга қараганда Наврӯз байрами дастлаб форс халқлари орасида пайдо бўлиб, кейинчалик Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига ҳам ёйилган.

М. Мирраҳимовнинг берган маълумотига қараганда, Эрон ва Ўрта Осиёда бундан 7 минг йил аввал қуёш йили календарига ўтилган. Наврӯз байрами эса, эрамиздан олдинги X-IX асрларда вужудга келган<sup>1</sup>.

Наврӯз байрами қадими, илк ўрта аср ва ўрта асрда Хоразм, Тоҳаристон, Фарғона территорияларида ниҳоятда тантана ва дабдабалар билан ўтказилган. К. Шопиёнэзовнинг кўрсатишича, бу байрам маросимлари кейинчалик ўтрок деҳқонлар орқали ярим ўтрок ва

кўчманчи турк халқлари одатларига ҳам сингиб кетган<sup>2</sup>.

Н. П. Лобачева Хоразм ва Фарғонада Наврӯз гўзаллик ва шодлик байрами сифатида ўтказилиб келинган<sup>3</sup>, деб кўрсатди.

Наврӯз байрами янги йил байрамигина эмас, балки табиатнинг уйгониши, деҳқончиликнинг бошланиши, меҳнат байрами сифатида нишонланиб келингани учун қишлоқ жойларда, айниқса катта тантана, ўйин-кулги билан ўтган. Байрамда оммавий сайил ташкил қилинган. Ям-яшил майсазорда улоқ, отчопар, кураш қўч-қор уриштириш каби томошалар ташкил қилинган. Дорбозлар, масхараబозлар, ёгочоёқ ўйинчилари ўз санъатларини намойиш қилиб, сайилга файз киритгандар.

<sup>1</sup> М. Мирраҳимов. Навруз. Сегодняшний день древнего праздника. Журнал «Наука и религия», № 5, 1983, стр. 18.

<sup>2</sup> К. Шопиёнэзов. Беруний асрларида этнографияга бил материаллар. Беруний ва ижтимоий фанлар. Тўплам. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1973 йил, 131-бет.

<sup>3</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков. М., изд-во «Наука», 1975 г., стр. 129.



«Қизил гул» байрами уч кун давом этган. Биринчи куни қизлар парапжига ўралыб, тенгқурлари билан бирга ўз сафларидан бўлғанларнинг уйларига бориб, оналарни ва ёш қизчаларни байрам билан муборакбод қилғанлар, қўшиқ айтиб, ўйнинг тушганлар. Қизлар қўбиз номли оғизда чертиладиган музика асбобида «Қўбиз» кўйини мусобақа тартибида чалиб томошани янада қизитганлар<sup>1</sup>.

Қариялар берган маълумотга қараганда, Хоразмда «Қизил гул» байрамида қўбиз чала олмайдиган, қўшиқ аита олмайдиган, ўйнинг тушмаган қиз бўлмас экан<sup>2</sup>. XIX аср ўрталарида Хивага келган П. И. Небольсин қўбизни «железный варган» деб атаб, уни хотин-қизлар чалғанилигини таъкидлаб ўтади<sup>3</sup>.

Йигитчалар ҳам навбатма-навбат ўз сафларидаги йигитларнинг уйларига кириб оталарини байрам билан табриклаганлар, музика чалиб ўйнаганлар ва қўшиқ айтиб бутун кечада давомида шодиёна кайфиятда бўлғанлар.

Байрамнинг иккинчи куни мачит ёки қабристон яқинидаги сўлим ва хушманзара жойларда халқ сайиллари ташкил қилинган. Сайил олдидан эса турли мева-чева ва ширинликлар сотилган. Сайилда карнай, сурнай, доира овози янграган, хонандалар қўшиқ айтиб, раққослар ўйноқи музика куйларига ўйнаб берган. Чавандозлар пойгаси, полвонлар кураши, бахшилар айтишуви, дорбоз ва масхарабозларнинг томошалари авжига чиққан<sup>4</sup>.

Сайил тамом бўлиши билан қизлар ёш келинлар бошчилигига саф-саф бўлиб, яқин жойдаги қабрларни зиёрат қилиш учун жўнаганлар. Масалан, Г. П. Снесаревнинг кўрсатишнича, Хива шаҳри аҳолиси «Қизил гул» байрами сайилини Боборисбобо қабристони яқинидан ўтказганлар. Ёш келинчаклар бошчилигига қизлар қаторлашиб қабрлар ёнидаги тор йўлакдан ўтаётганда ёш йигитлар йўл чеккасида туриб ҳар қайсиси ўзи севган қизга ёки унаштириб қўйилганига қизил гул, олма, бўялган тухум отганлар<sup>5</sup>. Бундан ташқари йигитлар қизлар номига болалар орқали майиз ва ҳолва юборганилар, ўз навбатида қизлар ҳам жавоб тариқасида шундай совға қайтаргандар<sup>6</sup>. «Қизил гул» байрамининг учинчи куни чиқон

<sup>1</sup> Ф. Кароматов уни «темир-чангобуз» деб атаган. Узбекская инструментальная музыка. Ташкент изд-во литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1972 г., стр. 95.

<sup>2</sup> Автор ёзувлари. 1977 йил 10 февраль. № 2. Беруний шаҳридаги Островский кўчасида яшовчи 80 ёшли Абдуллаев Куромбайдан ёзиб олиниди.

<sup>3</sup> И. П. Небольсин. Очерки торговли России и Средней Азии. «Записки русского географического общества», кн. X, СПб. 1855, стр. 12.

<sup>4</sup> Ф. Зоҳидов. Манбалар муаммолар. «Совет Узбекистони» газетаси, 1975 йил 15 июль.

<sup>5</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, стр. 206.

<sup>6</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 121.



Қирққиззальаси яқинидан топилган таңганинг ўнг томонида Хоразм подшоси (эрмизине V—VI асрлари).

(дугоналарининг ҳовлисидан бирида соринжоқ (арғимчоқ) ўйини ташкил қилғанлар<sup>1</sup>). Ёш йигитлар ҳам шу ўйни ташкил қилинган жойга келиб аргимчоқ учайдган қизлар билан олма отиш ўйинини бошлаганлар.

Бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР, Элликқалъа районидаги «Қирққиззобод» колхозида истиқомат қилувчи 75 ёшли Пошиш момо Болтаевнинг берган маълумоти қизиқарлидир. «Бизлар ёш вақтларимизда Хоразмда «Наврӯз» байрами, «Қизил гул» байрами, «Қовун сайли» ва бошқа маросимларда соринжоқ училар эди. Айниқса, «Қизил гул» байрами йигит ва қизлар учун жуда қувончли эди. Бунда икки қиз соринжоқ учишни бошлаб берар эди. Улар учишни тутатгач, навбатдаги икки қиз учишни бошлар эди. Шундай тартиб билан ҳамма қизлар соринжоқда учар эдилар. Йигитлар эса соринжоқда учган қизлардан ўзлари севгандарига ёки

<sup>1</sup> Соринжоқ ўйини қорақалпоқларда отконишк дейилади. Отконшекда ҳам қиз ва йигит жуфт-жуфт бўлиб учиб ўйнаганлар. Қаране: Х. Есбергенов, Т. Атамуратов. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. Нукус, 1975 г., стр. 94.

унаштириб қўйилганларига олма отар эдилар. Баъзан йигитнинг олмаси уни севмаган қизга отилса, қиз чап бериб олмани ўтказиб юборар эди ёки уни ушлаб олиб, ўзи севган йигитга қайтариб отар эди. Йигитлар қизларга, қизлар йигитларга олма отиш билан боғлиқ қўшиқ айтар, ҳазиллашар эдилар.

Қизлар соринжоқларда учишни тамом қилгач, қизлар бир тарафда, йигитлар иккинчи тарафда туриб, қўшиқ айтишувлари давом этарди<sup>1</sup>.

Йигит ва қизларнинг «Қизил гул» байрамларидаги олма отиш ўйини билан боғлиқ айтишувлари Хоразм халқ қўшиқларида ҳам ўз аксини тоғган.

### П и г и т:

Олма, олма, дермисан,  
Олма берсам ермисан?  
«Олма берган кўлларингдан  
Айланайин»,— дермисан?<sup>2</sup>

### К и з:

Ерга отдим олмани,  
Севганим учун сани.  
Мунчә пичинг қилма-да,  
Кўнглинг бўлса, ол мани<sup>3</sup>.

Н. П. Лобачева кўрсатишича, бу куни ёшлар нима қилса ҳам кечиримли ҳисоблангани учун бутуилай яширин севгисини ўз севгандарига изҳор қила олганлар<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам очилган қизил гулга қадимги хоразмликлар севги рамзи, оила баҳти<sup>5</sup> деб қарангандар.

Абу Райхон Беруний бу байрамнинг келиб чиқиши Хоразм халқи ва христианлар фаолияти билан боғлиқ юзага келганини таъкидлайди. «Бу эски одат бўлиб, Хоразмда ҳам ўтказилади. Шу куни ибодатхонага қизил гул келтирилади. Бу байрамнинг сабаби Маръям шу куни Яхёнинг онаси Елизаветага бу гулнинг дастлаб очилганини тухфа қилди»<sup>6</sup>, деб ёзган эди.

Хоразмдаги «Қизил гул» байрами, «Наврӯз» байрами, Қовун сайнида арғимчоқларда учиш одати жуда қадим ўтмишга бориб

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари 1976 йил 20 май, № 5.

<sup>2</sup> Хоразм халқ қўшиқлари, 216-бет.

<sup>3</sup> Хоразм халқ қўшиқлари, 150-бет.

<sup>4</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 121.

<sup>5</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма, стр. 206.

<sup>6</sup> Абу Райхон Беруний. Таъланган асарлар, I том, 339-бет.



Қирққизқалъя яқинидан тоғилган тағганинг чап томонида отга мингган маъбуда Сиёвушнинг олд томонида горли музика асбобида куй чалаётган аёл.

тақалади. Бу ўйиннинг келиб чиқиши ҳақида Абу Райхон Беруний қадимги эрон олимлари келтирган қизиқарли маълумотни беради. «Жамшид ўзига арава ясад олгач, ўша куни аравачага чиқади, жинилар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир куида Дунбовадан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша куни ҳайит қилдилар ва Жамшидинг аравачада учшига тақлид қилиб арғимчоқларда учдилар»<sup>1</sup>. С. П. Толстовнинг фикрига қараганда Жамшид «Авесто» қаҳрамонларидан бўлган Йиманинг прототипидир. Жамшид Оловнинг энг қадимиини Хоразм тоғларидан бирига ўрнатган эмиш.

Келтирилган мисоллар Жамшид ҳақидаги ҳикояларнинг қанчалик афсонавий асосга қурилганлигини кўрсатса ҳам Хоразмда арғимчоқларда учиш билан боғлиқ ўйин ва томошаларнинг илдизи антик даврга бориб тақалишини исботлаб беради.

«Қизил гул» байрамидаги йигитларнинг қизларга, қизларнинг йигитларга олма отиши билан боғлиқ одатлар ҳам сеҳр-жоду ёр-

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Таъланган асарлар, I том, 255-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданийтини излаб, 95-бет.

## ХОРАЗМ МАДАНИЯТИ ВА ХАЛҚ ТЕАТРИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

Хоразмда эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг иккичи чорагида улкан ирригация иншоотлари ва бошқа дабдабали қалъалар қурилади. Бу эса Хоразмда ибтидоий ҳарбий демократия ўринда кучли қулдорлик давлати вужудга келиши билан боғлиқдир. Қадимий маънавий маданият асосини кўпроқ дин ташкил этган. Шу сабабли халқ театрининг кўпгина ўйинлари ҳам дин билан боғланган эди.

С. П. Толстовнинг кўрсатишига қараганда зардуштийлик Хоразмда шу даврда давлат динига айланган<sup>1</sup>. Зардуштийлик динидаги яхшилик худоси Ахурамазданинг хизматкорлари Митра, Анахита, Хумо, Хубби, Миррих ҳисобланган.

Митра — қўёш ва ёруғлик тангриси бўлиб, ер ва осмонда яшайди, жангчи йигит қиёфасида ёвузлик худоси Ахриманга қарши чақмоқ чақиб жанг қилади.

Анахита (Мина — Т. К.)<sup>2</sup> унумдорлик, мўл-кўлчилик тангриси бўлиб, у чиройли либос кийган гўзал қиз қиёфасида тасаввур қилинган. Хумо — бахт, тақдир, бойлик тангриси бўлиб, унинг қанотлари олтиндан деб ўйлаганлар.

Хубби — сув тангриси бўлиб, мард йигит қиёфасида, Миррих уруш ва ғалаба тангриси сифтида ёш жангчи йигит қиёфасида тасаввур қилинган<sup>3</sup>.

Хоразмда сув тангрисининг ёрдамчиларига «Араллар» дейилган. Араллар дарё ўрнини у ёқ-бу ёққа силжитишда кетмои арини ишга солади, кейин қирғоқ емирилиши — дегиши бошлагади, деб ўйлаганлар. Қадимги хоразмликлар киши Ахурамазданинг Ахримандан вақтинча енгилиш натижасида ўлади, Ахурам изда голиб чиқкан, ўлган киши яна тирилади деб ўйлаганлар<sup>4</sup>.

Қадимги хоразмликлар Ахурамазда ва унинг ёрдамчилари синфиниб, ёлвориб, гўё Ахриман устидан ғалаба қилишни таъинламоқчи бўлганлар.

Ўлган кишининг руҳи ва арвоҳини тўқ тутиб туриш мақсадида овқатлар пиширганлар. Берунийнинг кўрсатишича, қадимги хо-

размликлар Искандармози ойиннинг охири беш кунда ва кейнида келадиган беш кунда эронликлар фарвардикон кунларида қиласидиган расмни адо этиб, арвоҳлаога атаб мозорларга овқатлар олиб борадилар<sup>5</sup>.

Келтирилган мисолдан кўршиб турибдики, Хоразм халқининг қулдорлик жамияти босқичидаги худоларга эътиқод қилиши ўлганларнинг арвоҳини тўйдириш каби расм-русларда ҳам театрлашган ҳаракат мавжуд бўлган.

Театршунос С. Мокульский «История Западно-европейского театра» номли асарида икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлган грек театри ғайри кучларга сифиниши асосида, дин билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келди<sup>6</sup>, деб кўрсатади. Бу эса қадимги Хоразм халқ театри тараққиётида диний тасаввурлар жуда кучли бўлганилигини таъкидлаб ўтиш имконини беради. Чунки Хоразмда ибтидоий жамоа даврида ёқ вужудга келган ибтидоий театр зардуштийлик диний эътиқодларини адо этиши жараёнида яхлит театр даражасига кўтарилади.

Айниқса, эрамиздан олдинги IV асрда Амударёнинг қўйи қисмида Кангюй (Хоразм) қулдорлик давлатининг ташкил топиши маданият ва театрнинг тараққиётида муҳим ўрин тутган.

Ф. Энгельс қулчилик синфи жамиятига шундай баҳо берган эди: «Фақат қулчилик деҳқончилик билан саноат орасида меҳнат тақсимотини янада каттароқ қўламда мумкин қилиб қўйди ва шу йўл билан қадимги дунё маданиятининг тараққийси учун, грек маданияти учун шароит туғдирди. Қуллик бўлмаганда грек давлати, грек санъати ва грек фани ҳам бўлмас эди. Греция билан Рим қуриб берган пойdevor бўлмаганда эса ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди»<sup>7</sup>.

С. П. Толстов раҳбарлигидаги экспедиция ёрдамида Қўйқирилганқалъя яқинидан топилган сопол ниқоб (эрамиздан аввалги IV—III аср). Тупроққалъадан эрамизнинг III асрнга оид масхарабоз ниқоби, арфа чалувчи аёл расми, қумсоат шаклидаги кўш ногора, дўмбирага ўхшаш икки торли чолгу асбоби нақш фрагменти<sup>8</sup>, рақсга тушувчилар зали<sup>9</sup> ва бошқа расмлар билан безатилган зал ва хоналарнинг топилиши қулдорлик ижтимоий-иқтисодий жамияти даврида Хоразмда маданият тараққий этилганлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 104-бет.


<sup>2</sup> Таъкид менини.

<sup>3</sup> Узбекистон ССР тарихи, қадимги даврдан ҳозирги кунларгача. Тошъят, 1974 йил, 39—40-бетлар.


<sup>4</sup> Т. Қиличев. Ҳумлар тилга кирганда. «Гулистон» журнали, 1968, № 4, 30—31-бетлар.

<sup>5</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 372-бет.

<sup>6</sup> С. П. Толстов. Уша асар, 349-бет.



Қаватқалъа яқинидаги «Қантархона» деб номланган театр биносининг ташки кўриниши (ХІ—ХІІІ асрлар)



«Қантархона»нинг ички кўриниши (ХІ—ХІІІ асрлар).

Энг муҳими, калтамиорликлар уйидаги ибтидоий жамоа кишиларининг ўйин тушадиган майдон саҳнаси бўлганлиги, табнатнинг уйгониши ва деҳқончиликнинг бошланиши, янги йил маросими — Наврӯз байрами, «Қизил гул» байрамидаги оммавий томошалар, қиз ва йигит айтишувлари лазгидаги ифодаланган ҳарбий гимнастика рақси элементлари Хоразмдаги ибтидоий жамоа даври билан боғланади. М. О. Коственинг кўрсатишига қараганда ибтидоий жамоа давридаги музика, қўшиқ ва драма билан маҳкам беғланган «ибтидоий дақслар афсунгарлик ва тотемизм билан боғлиқлиги шубҳасизdir»<sup>1</sup>.

Бизнингча, келтирилган маълумотлар Хоразмда ибтидоий жамоа даврида турли байрам маросимларидағи ўйин-кулги, қўшиқ айтиш, файритабиий кучларга сифиниш, сеҳргарлик ҳаракатлари натижасида ибтидоий халқ театри куртаклари пайдо бўлган деб тахмин қилишга имкон беради.

<sup>1</sup> М. О. Коствен. Очерки истории первобытной культуры, стр. 181.

дамида, «кейинги авлодин вужудга келтириш»<sup>1</sup> учун қилинган ҳаракатидир. Бу саҳна ҳаракати ҳам матриархал давр билан чамбарчас боғланган бўлиб, ибтидой тарихни бизга ойдинлаштириб кўрсатади.

Академик Я. Ф. Фуломов қадимги Жонбосқалъада яшаган аҳолининг «ибтидой демократия традицияларининг барча аломатларига эга эканлиги ва эҳтимол, ҳарбий ишларда аёлларнинг актив қатнашганликларини тасдиқловчи билвосита далил бўла ола ди»<sup>2</sup>, деб ёзди. Эҳтимол олма отиш ўйини саҳнаси билан боғлиқ қиз ва йигитларнинг тарафма-тараф айтишувлари ҳам ибтидой демократияни ўзида акс эттириб, «Қизил гул» байрами анъанаси билан XX асрга қадар етиб келган бўлиши мумкин.

Қизиқарли томони шундаки, ҳозиргача унаштирилган қизга дастлаб очилган қизил гулдан гулдаста тайёрлаб, уни рўмол ҳамда ҳар хил мева-чева ва ширинликлар билан бирга туҳфа қилиб юборадилар. Бунга Хоразмда «қизил гул янигилиги»<sup>3</sup> дейилади. Бу одат ҳам «Қизил гул» байрамида қадимий анъана сифатида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Биз учун энг муҳими «Қизил гул» байрамидаги шоду хуррамлик, ўйин-кулги, қизу йигитлар орасидаги диалогда импровизация приёмлари табиий оммавий саҳна ҳаракатига ўхшашлигидир. Маълумки, Узбекистоннинг Фаргона, Зарафшон водийсида қадимдан «Лола» байрами ўтказилиб келинган эди. Бу байрам ҳам «Қизил гул» байрамидек оммавий халқ сайилларига эга бўлган<sup>4</sup>.

А. Арунян «Лола» байрамидаги халқнинг оммавий ҳаракатида ўзбек театри манбани ётади<sup>5</sup>, деб ёзган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда «Қизил гул» байрами Хоразмда театр ҳаракатининг қадимий манбаси бўлиб хизмат қилган. Чуники «Қизил гул» байрами қадимги ўлувчи ва тирилувчи табнат худоларига эътиқод қилиш билан чамбарчас боғлангандир. «Табнатнинг қадимги худолари Авдисура-Анахитага сифиниш қадимги эронликлар диний эътиқодлари системасига кирган ва Урта Осиё халқлари орасида то кейинги вақтларгача сақланиб келган»<sup>6</sup>.

Қадимги Мисрда ҳам кишилар ўладиган ва тириладиган табнат худоси Осирисга эътиқод қилганлар ва унга атаб ибодатхоналарда ҳатто диний драмалар қўйганлар. Унда Осирис ўлими ва

<sup>1</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, стр 79.

<sup>2</sup> Я. Ф. Фуломов. Хоразмийн сурорилиш тарихи. Тошкент, Узбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1959 йил, 84-бет.

<sup>3</sup> Янигилиги — янги туҳфаси.

<sup>4</sup> Т. Қиличев. «Қизил гул» байрами. «Гулистан» журнали, 1978 йил. № 5, 8-бет.

<sup>5</sup> А. Арунян. Мысли об узбекском искусстве. Литература и искусство Узбекистана. Книга четвертая, пятая. Июль-октябрь. Ташкент, 1937, стр. 101.

<sup>6</sup> В. И. Авидиев. Қадимги шарқ тарихи. 1964 йил, 645-бет.

қайта тирилиши кўрсатилган<sup>1</sup>. Қадимги Гречияда маъбуда Дионис шарафига ҳар йили уч марта бир печа кунга чўзилган томошалар ўтказилган<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам К. Маркс: «Айниқса маданият тарихи деб аталадиган тарих — турган-битгани дин ва давлатлар тарихи-дир»<sup>3</sup> — деб ёзган эди. М. О. Коственинг кўрсатишига қараганда, «Байрам қилиш ҳам жуда қадимги даврга ондир»<sup>4</sup>.

Қизиқарли томони шундаки, «Қизил гул» байрами қадимий урф-одатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган сабабли VII асрдан бошлаб Урта Осиёда ҳукмрон бўлган ислом дини ҳам унга ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмаган.

Юқорида кўриб ўтганимиздай йигит ва қизларнинг бирга ўйнаши, ўз севгисини бир-бирига рамзий билдириши, қўшиқ айтишлари ислом диний ақидаларига тамомила қарама-қаршиди.

Шу билан бирга бу ҳаракатлар музикали драма элементларига эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Байрам иштирокчиларнинг ҳаракати театр саҳнасида оммавий ўйинларда ўйнаётган актёrlар ҳаракатига ўхшаши алоҳида кўзга ташланади.

Шунинг учун ҳам Хоразмда совет ҳокимиятининг дастлабки даврларида ёқ ўтмишнинг яхши анъаналари асосида янги мазмунли қўшиқлар, ўйинлар яратилди. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган 1-ўзбек адабиёти ва санъати декадасида «Колхоз тўйи ва сайили» номли вокал хореографик сюитаси катта муваффақият қозонди<sup>5</sup>.

Айрим хатоликлар сабабли халқимизнинг Наврӯз байрами, қовун сайили ва бошқа байрамлари реакцион маросимлар қаторига қўшиб юборилган эди<sup>6</sup>.

Улар қаторида «Қизил гул» байрамига ҳам амал қилинмаган. Сўнгги йилларда Наврӯз байрами қайта тикланиши халқимиз ҳаётida қувончли воқеа бўлди. «Қизил гул» байрами қадим замонлардан буён Хоразм халқи тарихи билан чамбарчас боғланниб, ёшлиларда санъатга, маданиятга чексиз муҳаббат ва ихлос ўйғотиб келганилиги билан ҳам қимматлидир.

<sup>1</sup> Д. Г. Редер, Е. А. Черкасова. Қадимги дунё тарихи, I қисм. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1974 йил, 182-бет.

<sup>2</sup> А. Алимұхамедов. Антик адабиёт тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1975 йил, 110-бет.

<sup>3</sup> К. Маркс. Муқаддима (1857—1858 йиллардаги иқтисодий қўлёзмалардан). Марксча-ленинча философия хрестоматияси, I-том. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1977 йил, 83-бет.

<sup>4</sup> М. О. Коствен. Очерки истории первобытной культуры, стр. 182.

<sup>5</sup> Б. Ф. Насыров. Развитие советской культуры в Хорезме (1924—1941). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1967, стр. 15.

<sup>6</sup> О. Ф. Вафоев. Диний маросимларни бартараф қилиш йўлида. Янги турмуш — янги анъаналар. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1973 йил, 133-бет.

Айниңса, рақсга тушувчилар залидаги ниқоб билан оммавий рақсга түшінші пайты ғасырланаған нақші фрагменти, бициниңча, маъбуда Минанинг ҳәеті, кураши ва ўлимінга бағыланаған бўлиши керак.

Абу Райдон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолған ёдгорликлар» асаридаги қадимий хоразмликлардаги «Мина кечаси» ҳақидаги маълумоти ҳам фикримизни қувватлайди. Беруний фикрини тўлалитигча келтирамиз:

«...Мина уларнинг подшоҳлари ва улуғларидан чиққан аёл бўлиб, у кечаси маст ҳолда ишак кийимда қасердан ташқарига чиққан. Бу баҳор фасли эди. Қаер ташқарисида йиқилиб қолган. Унинг ўйқуси галаба қилиб, ухлаб қолганида ўша кечанинг совуғи уриб, ўтган.

Одамлар баҳор фаслиниң шундай кечасида инсонни совуқ ҳалок этганига ажабланиб, бу ҳодисани бевақт юз берувчи одатдан ташқари ажойиб нарса тарихига айлантирганлар.

Хоразмликлар у кунда ва унинг ён-веридаги кунларда буғла-надиган ва тутатиладиган дорилар ишлатадилар, жинлар ва ёмон арвоҳлар зарарларини даф этиш учун исе чиқарадилар, овқатлар пиширадилар<sup>1</sup>.

С. П. Толстовнинг Кўйқирилганқалъадан топилган терракот ҳайкалчалар орасидаги аёл маъбудани «Бу виночилик маъбудаси Мина бўлиши эҳтимолга жуда-жуда яқин»<sup>2</sup>, деган фикрига қўшилмоқ керак.

Бизнингча, Мина Хоразмда она уруғи традициялари асосида ҳукмрон бўлган, кейинги даврда эса унинг сиймоси маъбуда қиёфасига кўчган, дейнишимизга имкон беради.

Қадимги хоразмликларнинг «Мина кечаси»да Минага афсун ва дуо ўқишилари, кейинчалик унга маъбуда сифатида сифиниб оммавий рақсга түшишлари Хоразмда саҳна тараққиётida муҳим ўрин тутади.

Р. Л. Садоков ҳам «Тысяча осколков золотого саза» асаридаги қадимги греклардаги Дионис байрамига ўхшаб, қадимги Хоразмда ҳам «Мина кечаси» маросими «ниқоб билан рақс тушувчилар» залида ўтказилган. Девордаги тасвир «Мина кечасидаги оммавий рақс саҳнаси»<sup>3</sup>, деган хуносага келади.

Бизнингча, зардуштйлик эътиқодини қўллаган қадимги хоразмликлар Минанинг ўлимини яхшилик таңгриси Аҳурамазданнинг ёмонлик таңгриси Ахримандан вақтинча енгилишига боғлаб, Минанинг жинлар ва арвоҳлар билан олишувини юзларига ниқоб кийиб олиб ўйин ҳаракатларида ифодалаб берганлар.

<sup>1</sup> Абу Райдон Беруний. Танланган асарлар, I том, 281-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстой. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 371-бет.

<sup>3</sup> Р. Л. Садоков. Тысяча осколков золотого саза, стр. 115—119.

Урта Осиёда эрамиздан аввалин III—II асрларда яшаган Грек-Бактрия давлати санъатида ҳам она маъбуда образи аке этган эди<sup>1</sup>. Санъатишуос Г. А. Пугаченкова ва Л. Ремпельнинг кўрсатишинга қараганда, Урта Осиё халқларининг антик ва ўрта асрлар санъатини гайритабии ёвуз кучларга эътиқод ва диндан ажратиб ўрганиш мумкин эмас<sup>2</sup>. Бу фикрининг тўғрилигини кейинги йилларда тошилган қадимги ва ўрта асрлар давридаги Хоразмга онд моддий материаллар ҳам ишботлайди.

Қорақалпогистон АССР, Эллиқалъа районидаги Қирққизобод колхозидаги Ҳамза номли ўрта мактаб ўқувчиларидан Ш. Қиличев ва К. Матёқубовлар 1980 йилда иккита ноёб ёдгорликка дуч келадилар.

Ш. Қиличев мактаб яқинидаги йўл чеккасидан аёл кишининг катта ҳайкалчасини чап қўл кафтини, К. Матёқубов эса қадимги Бутуқалъа харобалари яқинидаги паҳтазор чеккасидан эркак киши боши статуэтини топиб оладилар<sup>3</sup>.

Топилган ҳайкал кафти  $10 \times 8$  см ҳажмида бўлиб, кулранг тупроқли лойдан юқсанадиган дид билан ясалаб, қаттиқ пиширилган, сиртига эса 0,5 см қалинилкда қизил ангоба берилган. Кафт бармоқларининг 2,5 ва 3 см узунилкдаги жойидан бошқаси синиб кетган.

Кафтнинг ўзида эса ҳайкалининг қўли қўшаридан 5 см юқори-роқдан иккى-уч маротаба уриб синдирилган излар бор.

Қўл кафтнинг ихчам кўринишига эталиги синиб йўқолган ҳайкал аёл кишиники эканлигидан далолат беради. Ҳайкал қўл кафтнинг орқа томонига бир оз зангори оқ ангоба ҳам берилган. Бу билан кафт чироїда сутга чайилганда деб таърифланган ҳуснга эга бўлган аёл тасвири ҳайкалда аке этган дейнишимизга имкон беради.

Топилган эркак киши боши статуэти ҳажми эса  $4 \times 4$  см каталикда бўлиб, сарик рангли қиздирилган лойдан ясалаб, қаттиқ пиширилган. Унинг юз томони айланана рельефида бўлиб, бўта кўзли, ўнг томонга сал қиё боқиб, ўйчан руҳий кечинимлари билан реал аке эттирилган. Статуэтнинг бўйин томони синган, ўнг юзи тўғри кесилиб, бир оз шикастланган.

Чап қулоги ўрин ва шу ерга тушиб турган бош кийимининг уни озроқ синиб тушган. Статуэтда бошига сочи билан шлемга ўхшаш қулоқлари устигача бош кийим кийдирилганлиги киши диққатини бенхтиёр ўзига тортади.

<sup>1</sup> Из истории Античной культуры Узбекистана. Ташкент, изд-во литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1973 г., стр. 105—115.

<sup>2</sup> Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. Очерки искусства Средней Азии. М., изд-во «Искусство», 1982, стр. 5.

<sup>3</sup> Т. Қиличев. «Ўлка тарихини ўрганиш» тўғарагига этенистик тарбия. «Совет мактаби» журнали, 1984 йил, № 12, 22—24-бетлар.



Халқ талантларининг чиқиши.

подшо сочини бирорга кўрсатса, мамлакатда ҳосилсизлик — очарчилик йили бўлади, деб ирим қилганлар.

Авестада она маъбуда Авдвисура Анахита инсониятнинг ҳаётмамоти ҳисобланган сув, тирилиш, гўзаллик ва севги-муҳаббат тангриси сифатида ҳам таърифланган.

Топилган статутининг синдириб ташланишига келсак, бу сўзиз ўз замонасидаги дин, урф-одат ёки тарихий воқеалар замонига бориб тақалади. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида зардушт динидаги Бухоро аҳолиси ҳар йили Наврўз байрами куни шахсан подшоҳининг ўзи иштирок этадиган бозордан худоларнинг ҳайкалларини сотиб олишларига тўхталиб ўтган. Наршахий фикрининг давомини келтирамиз: «Бухорода бир подшоҳ бўлиб, унинг иоми Моҳ эди. Унинг фармони билан дурадгор ва наққошлар у йилдан-бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва халқ уни сотиб олар экан. Ҳар қачон у бут йўқолса, ёки синса, ёки эскисе шу бозор куни бошқасини сотиб олар ва эскисини ташлар эканлар»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1966 йил, 27-бет.

Бу удумни зардустийлик динидаги Хоразм аҳолиси ҳам қўллаб, лойдан ясилиб пиширилган худоларнинг кичик ҳайкалчаларининг эскиларини ҳар йили янгиши билан алмаштириб турғанлар.

Зардустийлик дини маъбудалари ҳайкали кафти ва статуэти бизга илгари топилган хумларни ўрганишда муҳим қалит вазифасини бажарди.

Топилдиқлар қадимги Хоразм халқларини бирлаштирган занжирдек бир-бирига мустаҳкам боғлиқ эканлиги билан кишини ҳайратга солади.

1967 йилда Бутунқалъя яқинидаги сопол парчалари орасидан иккى хумни қазиб очган эдик<sup>1</sup>. Биринчи хум анча емирилган экан. Иккинчи хумдаги суюқдан одам танглайи суюкларини, қовурға суюкларини бемалол аниқладик. Бу суюклар қадимги киши хоки эди.

Шуниси характерлики, суюклар топилган хумлар жуфт хумлар эди.

Бизнинг фикримизча, қадимги одамлар ўлган кишининг жасадини баландроқ жойга қўйиб, қушлар, ёввойи ҳайвоnlар ёрдамида суюгини гўштидан тозалаб, тоза суюкни эса аввало кичик хумга, кичик хумни эса оғзига тош қўйиб катта хумнинг тубига қаратиб ўриштирганлар. Катта хумнинг оғзи эса пастга қаратиб кўмилган экан.

Биз бошқа хумлардаги хокларнинг кўмилиш ҳолатига ҳам разм солдик. Улар ҳам кўмилиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмас эди.

Бизнинг фикримизча, гўштидан тозаланган ўлик суюги эрамизнинг бошларигача Хоразмда мавжуд бўлган зардустийлик дини асосидаги урф-одат ва маросимга биноан «хум мозорлар»га жойлаштирилган.

Ҳозиргача Хоразмда ўлган кишини ювиб-тозалашда унинг энг яқин кишини — «суюк эгаси» қатнашиши зарур эканлиги таъкидланади. Бу қадимги Хоразмда зардустийлик дини ҳукмрон бўлган даврда мурданинг гўштидан тозаланган суюгини йиғиб олиб, уни жойлашга ҳақ-хуқуқи бўлган кишига «суюк эгаси» дейилганини таъкидлаб ўтиш имконини беради.

Хок-суюк солинган хумлар ҳам ишланиш услуби билан Хоразм — Каингюй маданияти белгиларига эгалиги билан ажralиб туради. Хумларнинг ҳаммаси ҳам сариқ лойдан ясилиб, яхши пиширилгач, сиртига тўқ қизил ангоба берилган, тўғри чизиқлар остига тўлқинсизмон чизиқлар билан нақш туширилган. Хумлар бежирим ишланган бўлиб, чертгандага нозик ва жарангли овоз чиқаради. Яна бир топилдиқ Ҳамза номидаги мактаб яқинидаги со-

<sup>1</sup> Т. Қиличев. Хумлар тилга кирганди. «Гулистан» журнали, 1988 йил, № 4, 30—31-бетлар.

мизининг I асригача бўлган даврии Кангюй маданияти номи билан аталади.

Бу давр санъати ёдгорликлари бўлган ҳайкал ва статуэтларда зардустийлик динига оид маъбудалар акс этган.

Берунийнинг берган маълумотига қараганда, озарбайжонлик Зардуст иби Сафид Тумон юзага чиқиб, Авеста китобини ёзиб зардустийлик динига асос солади<sup>1</sup>.

Зардустийлик таълимотига қараганда яхшилик, эзгулик худоси Ахурамазда, ёвузлик худоси Ахриман устидан ғалаба қозоингач, бутун инсоният бирлашади, ягона давлат ва ягона тил ўрнатида. Олов гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч ҳисобланади. Бу дин мурдани ерга кўмишини, оловда куйдиришини таъқиқлади, киши жонининг ўлмаслигини, абадийлигини тан олиш билан бирга жантава дўзахни ҳам эътироф этади.

Таниқли олим Исо Жабборовнинг кўрсатишича, кейинчалик зардустийликдан христиан ва ислом динлари қабул қилган охират таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда худо олдида тенг бўлиши гоялари ўша даврда Урта Шарқни ларзага келтирган, руҳонийлар ва зодатоиларга қарши қаратилган маздаизм номли ҳалқ ҳаракатида ифодасини топган эди<sup>2</sup>.

Авестадаги Урва (Урганич) яқинидаги кўлларга бой ўлка, Вурукаш (Орол) деңгизи, Ардва (Амударё) бўлиб, зардустийлик динининг Хоразмда кенг тарқалганинги кўрсатади.

С. П. Толстов «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли асарида Кангюй даврига оид Хоразмдан топилган «Аёлларнинг ҳайкалчалари сув ва умуман ирригация (хусусан Амударё) ҳомийси ҳисобланган она маъбуда Авдвисура Анахита, эркак фигуранларда эса улуг маъбуданинг ҳамроҳи тангри Сабазий Сиёвуш тасвиrlанган...»<sup>3</sup> деб кўрсатади.

Машҳур шарқшунос олим В. И. Авдиев ҳам Суғдиёна ва Хоразм ҳалқларининг қадимги эпосидаги Сиёвуш образи ўлувчи ва тирилувчи табиат худоси образи билан қўшиб юборилган деб таъкидлайди<sup>4</sup>.

Бу фикрининг ишоят тўғри эканлигига Фирдавсий (934—1025) ва Абу Райҳон Беруний (973—1048) берган маълумотлар ҳам далил бўла олади. Улуг Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асарида тасвиrlанишича, Сиёвуш дунёга келиши билан туқсан онаси ўлади. Угай онаси Судобанинг ҳайвоний ҳирсиин рад этгани учун ишоқ айланган Сиёвуш олтии дубулга кийиб, қора от ми-

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар, I том, 236, 237-бетлар.

<sup>2</sup> И. Жабборов. Тафаккур чироги ва хурофот. Тошкент, «Ўзбекистон» изашвили, 1979 йил, 143-бет.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 132-бет.

<sup>4</sup> В. И. Авдиев. Қадимги шарқ тарики, 649-бет.

ниб катта аланг ачидан ўтиб, ўз номусини тиклаб олади. Шоҳ Ковус ўз ўғли — Сиёвушни Эрон қўшиларига бош қилиб Турон мамлакатига қарши урушга юборади. Сиёвуш эса Турон подшоси Афросиёб ҳузурига бориб, дўстликка аҳдлашади ва унинг қизига уйланиб, Турон ерларидан бир қисмини олиб, у ерда Сиёвушгирд номли ҳашаматли шаҳарни бунёд қиласи. Кўп ўтмай, Сиёвуш яна туҳматга учраб, Афросиёб томонидан юборилган қотил томонидаи ўлдирилади. Охирида Сиёвуш қасоскор ўғли Кайхусрав тимсолида ҳаётга қайтиб, хиёнатчи бобосини тор-мор этиб, кўп қабила ерларини бирлаштиради.

Кўриб ўтганимиздай «Шоҳнома»да Сиёвуш қаҳрамон подшо ва ярим худо образида тасвиrlанган.

Абу Райҳон Беруний хоразмликлар «Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари бўлган эди. Уидан кейин Сиёвуш иби Кайковуснинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар»<sup>1</sup>, деб таъкидлаб ўтади.

С. П. Толстов, Беруний кўрсатган эрамиздан аввалги XIII аср санасини Эрон ясси тоғлигининг этакларида Амударё ёқалаб юрган этник элементлардан бўлган хуррит қабилаларининг Хоразмга келиши даври билан бир-бирига тўғри келишини кўрсатади<sup>2</sup>. Бу эса Эрон билан қадимги Хоразм этник группалари ўзаро алоқада бўлганлигини билдиради.

Келтирилган маълумотлар Хоразмда Кангюй маданияти даврига оид топилган аёл ҳайкаларни қўл кафти маъбуда Авдвисура Анахитаники, эркак боши статуэти ва «Отга минаётгани чавандоз» эса Сабазий Сиёвуш дейишимизга имкон беради. Авестадаги Сиёваршон номи билан тилга олинган Сиёвуш образи бўлиб, Хоразмда подшоҳлик тузумининг асосчиси ва ҳомийси сифатида ҳам илоҳийлаштирилган.


Бундан мақсад ўша даврда ҳалқни мавжуд қулдорлик тузумига, Хоразм подшоҳларига муқаддас деб қараш, подшоҳ ва уларнинг ноибларининг жабр-зулмига чидаш, бўйсундиришдан иборат эди.

Сиёвушни ҳам қадимги шарқ давлатлари подшоҳларига ўхшатиб, тамомила сочини бостириб турадиган бош кийим кийган илоҳий куч-қудратли маъбуда сифатида тасаввур қилганлар.

Қадимги Хитой Сий Тан сулоласи хроникасида қайд қилинганига қараганда Урта Осиё подшоҳлари эркакларга узун соч қўйишни қатъий маан қилганлари ҳолда подшоҳларининг ўзлари эса узун соч қўйиб, салла ўраб, сочларини кўрсатмай юрганлар. Агар

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар, 71-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 91-бет.



Ғижжакининг орқа томони.  
Ғижжакнинг ўнг томони.  
Қўбиз номли музика асбоби  
(XIX аср охири). X. Девонов  
фотоси.

Статуэтга лойниңг сариқлигидан бошқа ҳеч қандай ранг ёки ангоба берилган эмас. Аёл ҳайкалнинг қўл кафти ва эркак боши статуэтти узоқ замонлардан бўён тупроқ тагида ётишига қарамай, ўз рангини йўқотмай, емирилмай, бизнинг давримизгача етиб келишининг ўзи кишини ҳайратга солади.

СССР Фанлар Академиясининг Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан қадимги Кўйқирилганқалъа, Бозорқалъа, Бургутқалъа харобаларини қазиш пайтида топилган кичик (терракот)

ҳайкалчаларни СССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор С. П. Толстов ўрганиб, қизил ангоба билан қопланган ўзига хос бадиий услугга эга бўлган ҳайкаллар келиб чиқиш илдизлари билан Эрон аҳмонийлари ва асосан Парпия даврига боғланади, қизил ангобасиз сариқ лойдан ишланган статуэтлар эрамиздан аввалти уч юз йилликда грек скульптурасидаги маъбуда Афродита образи таъсирида яратилган<sup>1</sup>, деган хуносага келади.

1983 йилда Бутунқалъа харобалари шарқидаги қумликдан тозаланган ерни сурилаётганда Ҳамза номли ўрта мактабнинг ўқувчи О. Эгамбердиев «От ва унга минаётган чавандоз»нинг катта ҳайкалчасини топиб олади. Ҳайкалчадаги отнинг тўрт оёғи ерни тасвирловчи глобуснинг кичик палласига ўхшаш айлананинг қавариқ томонига миндириб қўйилган. Айлананинг ботиқ томони текис жойга қўйишга мослаштириб ишланган. Отнинг қўйруги ҳамда орқа оёқлари тиззаси билан тулашиб кетган.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 197, 199.

Ҳайкалчадаги чавандознинг бир оёғи баланд супачага тираган, иккинчи оёғи эса от эгарни устига кўтарилиган бўлиб, отнинг боши ва одамнинг белидан юқориси синиб йўқолган.

Ҳайкалча қизил лойдан ясалиб, қаттиқ пиширилган, очиқ жигарранг лакка бўялган.

Отнинг бўйни, ёли, қўйруғи, устидаги эгар-жабдуқлари, икки томони тўла хуржун ўзига жуда ҳам ярашиб турибди. Ҳайкалча қадимги Хоразм ҳайкалтарошлари ва рассомлик мактабидаги усталирнинг бири томонидан юксак дид билан ишланган. Ҳайкалча ниҳоят реал ишланган бўлиб, уни кўрган киши отнинг кичрайтирилган ҳолдаги фигурасидан бошқача деб тасаввур этиши қийин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринилирки, Хоразмда ҳозирги замон ҳунармандлари қўли билан яратилган керамика маҳсулотларида ҳам «От ва унга минаётган чавандоз» ҳайкалчасига мос келадиган бадиий бўёқларни топиш амримаҳолдир. Ҳайкалча гоят нафис ва чиройли қилиб ясалган. У икки минг йилдан кўпроқ ер қаърида, тупроқ ва нам таъсирига берилиб ётишига қарамасдан, чертганда яна жаранглаб овоз ҳам чиқаради, қуёш нури билан чақнашиб киши кўзини қамаштиради, яп-янги ишлангандай киши диққатини ўзига тортади.

С. П. Толстов ўзининг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли асарида «...янги эрадан аввалги дастлабки асрларда яратилган деб ҳисобланувчи ҳайкалчалар йирик ва тамомила ҳаққонийдир»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Бизнингчча, келтирилган бу фикр топилган «От ва унга минаётган чавандоз»нинг йирик ҳайкалчаси ҳам эрамиздан аввалти II-I асрларда яратилган, дейишимизга имкон беради.

СССР Фанлар Академиясининг Хоразм Археология ва этнография экспедицияси Жонбосқалъа, Бозорқалъа харобаларидан ҳам кўплаб от боши, от фигураси кичик ҳайкалчаларини топган эди<sup>2</sup>. Қўлимиздаги «Отга минаётган чавандоз» ҳайкалчаси қадимги хоразмликларнинг ибтидой тотемистик урф-одатлари билан боғлиқ отга сининишнинг вужудга келганлигини, унинг традиция сифатида қулдорлик даврида ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Хоразмда эрамиздан аввалги VI асрда, эрамиздинг I аси ораларида қулдорлик ишлаб чиқариши ривожланган эди. Қўлимиздаги бу ноёб санъат ёдгорликлари ўз эрки қўлида бўлмаган, қулдорлар томонидан ишлаб чиқариш қуролига айлантирилган қуллар томонидан юксак дид ва фаросат билан ишланган.

Хоразмда қулдорлик жамияти тараққиётида маданият ва санъатнинг энг юксалган даври — эрамиздан аввалги IV асрдан эра-

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 132-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 78—81.



Хива. Халқ сайили (XIX аср охири). Х. Девонов фотоси.

ларининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди<sup>1</sup>. Сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик, ҳунармандчилик касблари ва савдо-сотиқнинг ривожланиши натижасида амалий билимларга эҳтиёж тутилади. Хоразмдан жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо асарлари билан ҳисса қўшган олимлар етишиб чиқади.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (790—847), Абу Райҳон Беруний (973—1048), Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий (1076—1144) ва бошқа олимлар ижодида фанинг турли масалалари илмий асосда ҳал қилинган.

Хоразмшоҳ Маъмун II (1003—1017) ҳукмронлиги даврида Хоразм пойтахти Гурганж (Урганч)да Маъмун Академияси бўлиб, унда Абу Райҳон Беруний бошчилигида олим ва табиб Абдул Ҳасан Ҳаммар, файласуф Абу Масиҳий, бухоролик олим Абу Али ибн Сино ва бошқалар самарали ижод қилингандар.

С. П. Толстовнинг таъкидлашига қараганда, «Маъмун Академия»си ўқимишли хоразмшоҳнинг шунчаки эсига келиб, рӯёбга

чиқарган бир нарсаси эмасди. Хоразм фани анча илгари вақтлардан бери Шарқ фани тарихида кўзга кўринарли ўринни эгаллаб келмоқда эди»<sup>2</sup>.

Хоразм олимлари ислом дини ақидаларига қарама-қарши, табиат билан инсонни эътироф этадилар. Абу Райҳон Беруний христиан, яхудий ва ислом дини ақидаларига шубҳа билан қаради, айрим ҳолларда қаттиқ танқид қилиб, уларни инкор қилишгача бориб етди<sup>3</sup>.

М. А. Салье кўрсатиб ўтганидек, Беруний «Моддий маданият соҳасида ҳам, маънавий маданият соҳасида ҳам ҷисониятнинг реал ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларга қизиқади»<sup>4</sup>.

Беруний давлатни «идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки золим бошлиқлардан азнат чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлигини йўлида ўз тинчлигини йўқотишидир»<sup>5</sup>, деган фикрини илгари суриси, одилона жамият ўрнатишга чақиради. Замаҳшарийнинг «Ўгит ва насиҳатларнинг олти шодалари» номли китобида золим подшолар, илмга амал қилмаган олимлар, ноинсоф амалдорлар, фирибгар савдогарлар ва бошқа текинхўр гуруҳларни савалайди. Шу билан бирга ҳалол, соғдил толиби илмлар, меҳнат аҳли, косиб, деҳқон ва ҳунармандларни шарафлаб, уларни улуғлади<sup>6</sup>.

Кўриниб турибдики, Уйғониш давридаги Хоразм олимлари ижодида инсонни улуғлаш гояси ўз дунёқарашларининг маркази



Полвонлар кураши (XIX аср охири). Х. Девонов фотоси.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 283-бет.

<sup>2</sup> А. Масолиев, Р. Туррабов. Шарқ мутафаккирлари дин ҳақида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1972 йил, 9-бет.

<sup>3</sup> М. А. Салье. Абу Райҳон Беруний. Тошкент, Узбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1960 йил, 5-бет.

<sup>4</sup> А. Ж. Шарипов. Берунийнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари Беруний ва ижтимоий фанлар, 74-бет.

<sup>5</sup> М. Оқилов. «Замаҳшарий ҳикматлари». «Фан ва турмуш» журнали, 1975, № 1, 23-бет.

<sup>1</sup> Узбекистон ССР тарихи қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача, 72—73-бетлар.

да шамол таъсирида уст томони очилиб қолган ер қаърига кўмилган мис таңгаларга лиқ тўла ўртача катталиқдаги кўзанинг ётганини кўриб қолади. У кўзанини қўли билан авайлаб ердан чиқариб олади. Аммо кўза очиқ ҳавога чиқарилгандан кейин ўзидан-ўзи бир неча майда парчаларга бўлниб кетади. Ичидаги мис таңгалар ҳам кўп асрлар давомида тузли тупроқ ва иам таъсирига бардош бера олмай чириб, майдаланиб кетгац бўлади. Шунча кўп таңгалар орасидан биттасигина чиримай, қорайган ҳолатда бизгача етиб келган, холос. уни биз авайлаб тозалаганимизда мис таңганинг олд томонида Хоразм подшоҳининг сурати намоён бўлди. Подшоҳининг ўнг томонига қараб турган соқолсиз тушган сурати таңгага зарб қилинган. Унинг бошидаги тожи икки мугузли бўлиб, чиқаётган қўёшининг мўъжаз шаклига ўхшатиб туширилган. Унинг устига янги тугилган ойининг тасвири чекилган. Таңганинг чап томонига эса чавандоз Сиёвушининг расми туширилган. Сиёвуш мингаш отининг олд томонида Сиёвуш томонига қайрилиб қараганча дуторга ўхшаш музика асбобида бериллиб куй чалаётган ёш санъаткор аёл тасвиirlанган. Бу санъат соҳибаси бошига қадимдан хоразмлик қиз-жувонлар тўй ва байрамларда, сайлларда киядиган жигадор дузийли дўппи (тахия), эгнига эса, узун ва енгил устки кийим кийган.

Сиёвушининг қиёфаси жуда хира кўринади. Унинг оёқлари узангода эканлиги аниқ кўриниб турибди, холос. От эса ҳаракат қилиб бораётган тарзда тасвиirlанган. Мутриба аёл эса санъаткорга хос, нозик дид билан ўзига жуда ярашадиган кийимларни кийиб олган гўзал малика қиёфасида акс эттирилган.

Таңгадаги тасвир исломгача бўлган даврда хотин-қизлар жуда нозик ва сеҳрли ҳисобланган, музика ва қўшиқ куйлаш, рақсга тушиши санъатларини мукаммал ўрганиб олиб, уни кўпчилик олдиди завқ-шавқ билан намойиш этганини тасаввур қилишимизга асос беради.

Маълумки, Хоразм Археология ва этнография экспедицияси томонида ҳам кўплаб таңгалар топилган эди. С. П. Толстов ўзининг «Древний Хорезм» номли асарида Хоразм таңгаларидағи соқолсиз подшоҳ туширилган таңгалар эрамизининг V—VI асрларига тўғри келишини таъкидлаб ўтган.<sup>1</sup>

Топилган таңгода соқолсиз Хоразм подшоҳи расми зарб қилинганилиги, Сиёвуш ва музика чалаётган аёл сурати туширилган томонида қадимги Хоразм ҳарфларида ёзув битилганилиги, таңга эрамизининг V—VI асрларига ясалган дейишимизга имкон беради.

Бу даврда Хоразмда феодал ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий қилаётган давр бўлиб, маданият ва санъат ҳам мисли

кўрилмаган даражада тараққиёт босқичига кўтарилигини кўзга ташланади.

Уша давр санъатининг иёб намунаси бўлган таңгадаги музикачи аёл тасвири қадимги Хоразмда ҳалқ театри санъати қадимий илдизларидан ўсиб тараққий қилиб келганилигини кўрсатади.

Маъбуда Сиёвушининг олд томонидан жой олган, унинг ҳурматига сазовор, муқаддас отга миниб, гўё мўъжизакор ва сеҳрли куй чалиб маъбудани ўзига сеҳрлаб қўйгудай кучга эга бўлган санъат ҳомийси, гўзаллик тимсоли аёл сиймосини реал тасвиirlаган бизга номаълум ўша давр санъат устасининг юксак дид эгаси эканини таъкидлаб ўтиш ўринилди.

Биз учун энг муҳими қадимги хоразмликлар қиёфасини муҳим маданият ва санъат ёдгорлиги ҳисобланган таңгадаги подшоҳ ва отда ўтириб музика чалаётган санъат соҳибаси тимсолида тасаввур қилишимизга имконият туғилишидир. Подшоҳининг қиёфаси ҳозирги Хоразм воҳасида яшовчи европеонд аҳоли группасига кирган ўзбек ва туркманларининг аралаш типига жуда ҳам ўхшаб кетади. Музика чалаётган аёл эса, ҳозирги хоразмлик раққосаларининг қадимий Хоразм рақсларини ўйнаш учун тайёрланиб саҳнага чиқкан вақтидаги кўринишини эслатади.

Хоразм таңгалари гардишига ўзига хос нақш солинганилиги, подшоҳ қиёфаси реал акс этганилиги, Сиёвуший белгиларга эгалиги, Грек-Бақтрия таңгалари типига анча ўхшашлиги то VIII аср бошларигача сақланиб келганилиги билан ажralиб туради.

Урта Осиё ва Яқин Шарқ Ренессанси Хоразмда алоҳида кўзга ташланади. М. М. Хайруллаев Урта ва Яқин Шарқ Ренессанси IX-XV асрлар орасидаги даврни ўз ичига олишини кўрсатиб ўтган<sup>2</sup>.

Татар-мўгул босқини арафасида (1219-1220 йилларда)<sup>2</sup> Хоразмга келган араб саїёни ва географи Ёкут, Хоразмнинг иқтисоди ва маданияти жуда юқори эканлигига тўхталиб, Хоразмнинг аҳоли ўрнашган аксари жойлари, «бозорлари, гамлаб қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Аҳоли ўрнашган жойлар ичиди бозори йўқлари камдан-кам топилади. Шу билан бирга бу ерларда умумий хавфсизлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳукмрондир»<sup>3</sup>, деб ёзган эди.

Ўйғониш даврида Хоразмда савдо-сотиқ ривожланиши туфайли қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам иқтисодий ҳаёт жонланади. Хоразмда кўпгина янги шаҳарлар ва қишлоқлар вужудга келади, булар тўқувчилик, кулолчилик, мискарлик, чўпкорлик ва бошқа ҳунар-

<sup>1</sup> М. М. Хайруллаев. Шарқ Ренессанси ва Форобий. «Фан ва турмуш» журнали, 1975 йил, № 10, 24-бет.

<sup>2</sup> История Хорезма с древних времен до наших дней. Ташкент, изд-во «Фан», 1966 г., стр. 76.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 193-бет.

пол идишлари синиқлари орасидан қазиб очилди. Топилган хумичини авайлаб очаётганимизда белкурак учи гиштга тегди. Квадрат шакидаги бу пишган гиштни күтарганимизда күл күрнинди.

Бу сирли кулни текшира бошладик. Текширишимиз натижасида ҳақиқатдан ҳам одам сүяклари кули экани маълум бўлди. Чунки бу кул ичидан одам тишларининг белгилари, қовурга сүяклари, болдири суюги қолдиқлари мавжуд эди.

Биз бошқа хумларнинг бир нечтасини очиб кўрдик. Хумларнинг ҳаммасида ҳам юқоридаги ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Бу хумлардаги хок будда дини расм-русумлари асосида жойлаштирилган эди. Хумлар эса қизил лойдан ясалиб, сиртига ҳам қизил ангоба берилган, тўғри ва параллел чизиқлардан нақш сифатида фойдаланилган. Хумлардаги бу услугуб Хоразмда Кушон даври маданиятига хос хусусиятдир.

Бу топилдиқ эрамизининг I—II асрлари оралигига тўғри келади десак, ҳақиқатга яқин. Чунки эрамизининг I асири ўрталарида Кушон империяси Хоразм давлати териториясини ҳам эгаллайди. Ўрта Осиёда вужудга келган бу давлат чегарасини император Канишка (78–129 йиллар) даврида Ҳиндистонгача кенгайтиради.

Император Канишка империя составига кирган барча жойлар учун ягона дин — буддизмни жорий қилади. Буддизм марказлашган Кушон империясининг идеологик қуроли бўлишдек муҳим вазифани ўтайди.

Маълумотларга қараганда, Канишка ҳатто будда динининг ватани бўлган Ҳиндистонда ҳам буддизмнинг кенг тарқалишига муҳим ҳисса қўшади.

Хоразм тарихининг йирик тадқиқотчиси С. П. Толстов ўзининг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли асарида ёзишича: Кушонлар даврида ҳам, ундан кейин (то араблар истилосига қадар) ҳам буддизм Ўрта Осиёда кенг расм бўлган<sup>1</sup>.

Уша даврдаги буддада император Канишканинг ислоҳи билан зардуст динидаги Митра (қуёш худоси), Мао (ой худоси), араб, яхудий ва суряликларнинг ҳосилдорлик худоси Нанайян ва бошқалар мавжуд бўлган.

Хоразм III асрнинг бошларида Кушон империясидан ажралиб чиқиб, мустақил давлат сифатида сиёsat юргизади.

Юқорида келтирилган санъат ёдгорликлари кишилик жамияти ривожланиб борган сари, дин ҳам ўзгариб, кўп худоликдан якка худоликка ўтилганлигини исбот этади.

Биз учун энг муҳими Хоразмда қулдорлик ижтимоий-иқтисодий формацияси даврида ҳалқ театри маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тараққий этишидир.

<sup>1</sup> С. П. Толстов «Қадимги Хоразм маданиятини излаб», 164-бет.

Театршунос олим Г. Гояннинг кўрсатишига қараганда, қўшни ҳалқлар билан грекларнинг иқтисодий-маданий муносабатлари натижасида қадимги мустақил ривожланган грек—эллин театрни намунаси таъсирида эрамизгача бўлган IV асрда Сурияд, III асрда Римда, III—II асрда Бақтрияд, I асрда Арманистонда театр вужудга келади.<sup>1</sup>

Келтирилган фактлар ривожланишда Бақтриядан олдинда бўлган Хоразм ибтидоий жамоа даврида ибтидоий театр куртаклари пайдо бўлган бўлса, эрамиздан аввалги IV—III асрларга келиб шаклланиш даврига қадам қўяди, эрамизнинг III—IV асрларига келиб эса махсус томоша кўрсатиш залларига эга бўлади. Беруний ҳам Эронда «қўса» деб аталган киши йиртилган иштон ва эскирган либослар кийиб ўзини хунук кўрсатиб эшакка миниб, ҳатто қиш вақтида ҳам «Еллигич билан елпиниб, одамларга кўринар, одамлар ундан қаттиқ кулишиб, унга сув сепар, қор отар эдилар»,<sup>2</sup> деб ёзди.

Беруний кулги ва масхара сўзининг маъносига ҳам тўхталиб, «...ўхшатиладиган нарса қиёс қилинган нарсага ўхшаса кулги ва масхара бўлиб чиқар эди»,<sup>3</sup> деб таъкидлайди.

Бу эса бизга Хоразм ҳалқи орасида қўшиқ, ўйин-кулги ва масхараобозлиқ қадимдан давом этиб келган традиция дейиншилизга имкон беради.

Эрамизнинг V асрларида Ўрта Осиёда, шу жумладан, Хоразмда ҳам феодал ишлаб чиқариш муносабати вужудга келади.

Ф. Энгельс феодализм давридаги ишлаб чиқаришни қўйидагича характерлаб берган эди: «Ўрта аср жамиятида, айниқса унинг биринчи асрларида, ишлаб чиқариш асосан шахсий истеъмолга қаратилган эди. Қишлоқда бўлгани сингари, шахсий қарамаллик муносабатлари мавжуд бўлган жойларда эса ишлаб чиқариш феодалнинг эҳтиёжларини ҳам қондирап эди»<sup>4</sup>.

Хоразмда бу даврда аристократлар томонидан қурдирилган улкан ва ваҳимадор истеъкомлар деҳқонларнинг пастак қўргонларини ортда қолдириб кетади. V-VI асрларда Хоразм феодал ижтимоий тузуми, хўжалик, турмуш ва сиёсий ҳаётни кескин суватда ўзгариб кетиши процесси жадаллашиши кўзга ташланади. Бу тараққиёт ўша даврдаги Хоразм ҳукмдори сурати туширилган таңгларда ҳам ўз аксини топган.

Ҳамза номидаги мактаб ходими А. Қозоқов 1984 йилда Эллик-қалъа районидаги Қирққизқалъа харобалари яқинидаги қум-барханлар ўришашган жойдан ўтиб бораётганда тасодифан тақирлик-

<sup>1</sup> Г. Гоян. Театр Средневековой Армении. Москва, 1952 г., стр. 402–403.

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруний. Таъланган асрлар, I том, 263-бет.

<sup>3</sup> Абу Райхон Беруний. Таъланган асрлар, I том, 340-бет.

<sup>4</sup> Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 266-бет.



Никоҳ тўйида созандалар минган аравада ўйин (XIX аср охри). X. Девонов фотоси.

Л. Авдеева ибтидоий даврдаги овчилик билан боғлиқ рақсларнинг вужудга келишига тўхталиб: «Муваффақиятли овдан кейин одамлар гулхан атрофида тўпланишиб бир-бирларига ов ҳақида сўзлашар, сўз этишмай қолганда эса кун давомида эсида сақланиб қолган нарсаларни, воқеа-ҳодисаларни енгил тана ҳаракатлари билан кўрсатишар эди. Булар эса илк рақслар эди»<sup>1</sup>,— деб ёзган эди.

Шу иштаки изардан қараганда «Чагаллақ» рақс пантомимасининг келиб чиқиш даврини ибтидоий жамиятда кишиларнинг чағаллақ тотемига топинишидан изламоқ керак.

«Биринчи чақмоқтош,— деб ёзган эди Ф. Энгельс,— одам қўли ёрдами билан пичоққа айлангунча, эҳтимол, шундай узоқ давр ўтиши лозим бўлгандирки, унга нисбатан бизга маълум бўлган тарихий давр жуда қисқадир. Лекин ҳал этувчи қадам қўйилган, қўл озод бўлган эди ва энди у янгидан-янги ҳунарларни ўргана

<sup>1</sup> Л. Авдеева. Узбек рақси, меҳнат рақси. «Меҳнат ва турмуш» журнали, 1970, № 4, 10-бет.

оладиган бўлди, шу туфайли ҳосил қилинган катта эпчилик эса наслдан-наслга ўтиб, бўғиндан бўғинга орта борди»<sup>2</sup>.

Даврлар ўтиши билан кишиларда «ҳосил қилинган катта эпчилик» туфайли «Чагаллақ» рақси бизнинг асримизгача авлоддан-авлодга ўтиб, тасвир обьектини ўзгартмай сайқал топиб етиб келади.

Үйғониш даври театрининг вужудга келишида «мақомлар»нинг роли ҳам катта бўлган. Санъатшунос И. Акбаров ва Ю. Конларнинг кўрсатишича, мақомлар санъатининг синтетик (сунъий) турларидан бириди. Мақомлар қадимдан бошлаб чолгучилар, ашулачилар ва раққосларнинг иштироқида ижро қилиниб келинган<sup>3</sup>.

А. Корсаковнинг кўрсатишича, исломгача бўлган даврдаги «Парда» термини араблар Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин арабча «мақом» сўзига алмаштирилган<sup>4</sup>. Кишилар илгари қуёшга худо деб сиғиниши<sup>5</sup> натижасида юзага келган урф-одат билан боғлиқ музика куйи, ашуласи, муқаддаслашган рақси, кун ва тун алмашинувини ўзида акс эттириши натижасида аввалги маъносини йўқотса ҳам келиб чиқишини исботлаб ўрта асрнинг охирларигача ижро қилиниб келинган<sup>6</sup>.

Қадимги классик 12 мақомни ижро қилувчилар бир сутканинг маълум вақтида, маълум мақомларни ижро қилиш учун турли раингли кийимлардан мосини кийиб, шунга тўғри келадиган парда ҳам тутганлар<sup>6</sup>.

Бизнингча, улар Ахурамазданинг ёмонликка қарши курашини ижро қилиш давомида ифодалаб берганлар ва унга ёрдам бўладиган ҳаракат деб ўйлаганлар. XVIII—XIX асрларгача Хоразмда «Шашмақом» шакллангунча ўн иккى мақом кенг тарқалган эди<sup>7</sup>.

Бизнинг давримизгача етиб келган Хоразм «Мақом уфори» рақслари ети бўлимдан иборат бўлиб, турли ўйин йўлларига эгадир. «Норим-норим» рақс бўлимидан анорнинг шабадада биринкетин тебраниб туриши рамзий ифодаланса, «Садр норим-норим» рақсида ёш-павқиран қишининг бевақт ўлимига бағишланган садр тушиш маросими тасвирланади. Учинчи бўлим «Оразибон рақси» деб номланиб, юз-қиёфа ўзгаришига эга. Унда хотин-қизлар чехдеб номланиб, юз-қиёфа ўзгаришига эга. Унда хотин-қизлар чехдеб номланиб, юз-қиёфа ўзгаришига эга. Унда хотин-қизлар чехдеб номланиб, юз-қиёфа ўзгаришига эга.

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Маймунинг одамга айланиш процессиниң роали, 5-бет.

<sup>2</sup> И. Акбаров, Ю. Кон. Хоразм мақомлари, VI том. Тошкент, Узбекистон ССР Давлат бадиёт нашриёти, 1958 йил, 241-бет.

<sup>3</sup> А. Корсакова. Узбекский оперный театр. Ташкент, Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1961 г., стр. 19.

<sup>4</sup> Геродот. История в девяти книгах, стр. 79.

<sup>5</sup> А. Корсакова. Узбекский оперный театр, стр. 16.

<sup>6</sup> А. Корсакова. Узбекский оперный театр, стр. 20.

<sup>7</sup> М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 25-бет.

Маълумки, Хоразм 1044 йилдан то XII аср бошларигача салжуқийлар давлати составида эди. Хоразм султони Отсиз (1127–1151) Шарқда қорахитойлар Урта Осиёга қилган ҳужумидан фойдаланиб. Хоразмни салжуқийлардан ажратиб олади ва ҳақиқатан ҳам унинг қудратини оширишга интилди<sup>1</sup>.

Текаш (1172–1200) ва унинг ўғли Аловуддин Мұхаммад II (1200–1220) ҳукмроилик қилған даврда Хоразм империясининг территорияси кеңгаяди, иқтисодий ва сиёсий қудрати кучаяди. С. П. Толстов «Хоразм ренессансен» (Ўйғониш даври) санъатининг жуда юкеакликка күтарилғанлыгини күрсатыб, «бу санъат Урта Осиё, Эрон ва Волғабўйининг кейинги бадий маданияти тарихига кучли таъсир күрсатди»<sup>2</sup>, деб ёзган эди. Шундай маданият юкеакликка күтарилған жойда театрниң ҳам бўлиши тасодифий ҳол эмас, албатта. Хоразмдаги уйғониш даври маданияти антик Қўйқирилғанқалъя ва Тупроққалъя маданиятининг қонуний ривожланишининг натижасидир. Ф. Энгельс ўрта асрлардаги Италияда бўлган Уйғониш даврини таърифлар экан, «санъат миселсиз даражада юксалди, бу юкеалиш гўё классик қадим замонининг шуъласи бўлди ва кейинчалик унга эришиш асло мумкин бўлмади»<sup>3</sup>, деб ёзган эди.

Эрамиздан аввалги I аср ва эрамизнинг IV асри бошларига тўғри келадиган Тупроққалъядан арфачи аёл хонаси<sup>4</sup> ва «Ниқоб билан рақс тушувчилар»<sup>5</sup> залидаги саҳна санъатининг ўрта асрдаги тараққийси «каптархона» типидаги театрни вужудга келтиради. М. Раҳмонов «Ўзбек театри шарқдаги энг қадимий театрлар саноғидадир»<sup>6</sup> деганида тамомила ҳақли эди.

А. Л. Троицкая ҳам Ўзбекистонда ҳалқ театри қадимги ҳалқ театрининг давоми эканлигини таъкидлаб кўрсатади<sup>7</sup>.

Келтирилган мисоллар Уйғониш давридаги Хоразм театрларида музикачилар жўрлигида кичик ҳалқ оғзаки драмалари, мас-харабозлиқ ўйинлари, «Коса ўйини», «Чағаллақ» ўйини пантомимаси, «Ашшадарози»<sup>8</sup> ўйини, «Лазги» ўйини мақом айтиш билан боғлиқ қўшиқчи ва рақкосалар санъати намойиш этилган деган фикрни илгари суришга имкон беради. «Хоразм ўйинларининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача. Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1974 йил, 83-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстов Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 293-бет.

<sup>3</sup> Ф. Энгельс. Табият диалектикаси. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик таъланган асрлар, З-том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, 42-бет.


<sup>4</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 190-бет.

<sup>5</sup> С. П. Толстов. Ӯша аср, 349-бет.

<sup>6</sup> М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи, 3-бет.

<sup>7</sup> А. Л. Троицкая. Народный театр Узбекистана. Рабочая хроника Института востоковедения за 1943 год. Ташкент, 1944 г., стр. 33

<sup>8</sup> Ашшадарози — қадимги Хоразм тилида узун бўйли маъносига эга.



Полвоннинг Айнқ билан кураши (XIX аср охири). Ҳ. Девонов фотоси.

ибтидоийлиги сақланган»<sup>1</sup> лиги учун уларнинг қадимийлигини аниқлаш қийин эмас.

XIX асрнинг иккинчи ярми бошларида Хоразмга келган рус саиёҳи Е. Қилевейн ўйинлар пантомимадан ташкил топган бўлиб, унда қўл ва бош оёққа иисбатан кўпроқ ҳаракат қиласи<sup>2</sup> деб ёзганида «Чағаллақ» рақсини ҳам кўзда тутган бўлиши керак.

Чунки Хоразмда 30-йилларгача ўйналиб келинган «Чағаллақ» ўйини пантомимасида раққос балиқчи қушнинг балиқ тутиш пайдаги ҳаракатини пиёла (ёки дўппининг) атрофида бўйини чўзган ҳолда икки қўлини қанот қилиб, пирпиратиб, қушдай овоз чиқариб, ҳаракат ва имо-ишоралари билан ифодалаб беради. «Чағаллақ» ўйини балиқчи қушнинг балиқ тутишини кўрсатиш билан тамомланади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Декада узбекского искусства. «Советская этнография», 1937 г., № 4, стр. 202.

<sup>2</sup> Е. Қилевейн. Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о ханстве во время правления Сеид Мұхаммад хана 1856–1860 гг. «Туркестанский сборник», том 388, СПб., 1883, стр. 7.

<sup>3</sup> Декада узбекского искусства. «Советская этнография», 1937 г., № 4, стр. 202.

зий нуқтасига күтарилади. Улар турли халқ тилларини ўрганғандар, турли мамлакатларга саёҳатлар қылғанлар.

«Уша замонининг улуғ кишилари орасида,— деб ёзған эди Ф. Энгельс,— узоқ саёҳатлар құлмаган, тұрт ёки беш хил тилде таплашмаган, ижодиеттің бир неча соҳасида донг чиқармاغан битта ҳам киши бўлмаган деса бўлади»<sup>1</sup>.

Абу Райхон Берунийнинг ўзи Хоразм, араб, форс, суренний, юнон-грек, ҳинд тилларини мұккамал билған. «Сайдана» номлы асарида «дори моддаларнин» ўттиз бир тил ва лаждада көлтиради. Бу эса унинг жуда күп тиллардан хабардор эканини кўрсатади<sup>2</sup>.

Беруний фанининг ҳамма соҳаларида самарали ижод этган.

Академик И. Ю. Крачковский кўрсатганидек: «У қизиқсан соҳаларни санаб чиқишиб кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқишиб осонроқдир»<sup>3</sup>.

Хоразмдан XII ва XIII аср бошларидан етишиб чиққан Мұхаммад иби Умар ал Жагманий, Фахриддин Мұхаммад иби Умар Розий, Абу Бакр Абдураҳмон Журжоний, Зайниддин Абу Иброҳим Хурқоний каби олимлар фанининг турли соҳаларида ижод қилиб, дунё маданиятига бебаҳо ҳисса қўйдилар<sup>4</sup>.

Хоразмда Ўйғонини даврига оид кўпгинна моддий ёдгорликлар ҳозиргача сақланмоқда.

ССР Файлар Академиясининг Хоразм археология ва этиография экспедицияси С. П. Толстов бошчилигида олиб борган кўп йиллик текширувлари натижасида феодал қўргонларини ва унга яқин ёки туташ қурилган Т ёки П ҳарфи шаклидаги биноларни топади. Бу биноларнинг ички томони жуда күп аркли токчалар билан тўлғанилиги учун маҳаллий аҳоли уларни кантархона<sup>5</sup> деб атаб келган. Кантархоналар бўйи 6-8 метрдан 25-30 метргача бўлиб, эни 3 метр атрофига бўлган.

«Кантархона» биноси бир ёки икки қаватли бўлиб, унинг фасади бир томонидан кириб чиқылган, холос. «Кантархона» деворлари ташқи томондан сувалган, унинг устидан эса нақшлар ёки қатор горельеф ярим устулар билан тўлдирилган бўлиб, афри-

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томник таиланган асарлар, 3-том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, 42-бет.

<sup>2</sup> А. Ж. Ирисов. Кирин сўз. Абу Райхон Беруний ҳикматлари. Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти, 1973 йил, 7-бет.

<sup>3</sup> Цитата И. Абдуллаевнинг «Беруний ва унинг «Қадимги халқлардан қолған ёдгорликлар» асари номли мақоласидан олиди. Қаранг: Абу Райхон Беруний. Таиланган асарлар, I том, 12-бет.

<sup>4</sup> Х. Сидиков. Хоразм мутағажиқлари фан ва дин ҳақида. Тошкент, «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон сурҳ» бирлашган нашриёти, 1960, 25-бет.

<sup>5</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 160.

тийлар архитектурасининг ярим устунига безаклар ҳам қўшилган<sup>1</sup>.

1971 йилда Қорақалпогистон АССР санъат музейи ходимлари ССР Файлар Академияси археология ва этнография экспедицияси билан бирга ҳозирги Элликқалъя районидаги Қаватқалъя яқинидаги археология ва этнография текширишларни давом эттирдилар.

Бу ердан XII-XIII аср бошларидан қурилган катта қишлоқ уйи қазиб очилди. Унинг шимоли-гарбий чеккасида туташ қурилган Г ҳарфи шаклидаги «кантархона» ҳам топилди. «Кантархона»нинг баландлиги 4 метр бўлиб, ичкариси пишган гишт билан пол қилинган. «Кантархона»нинг ичкарисидан жашубий ва шарқий деворларига туташи баландлиги ва кенглиги 0,5 метр келадиган курси ўринидан пишган гиштдан сунача ишланган. «Кантархона» деворларига полдан 60 см баландликда 20 (30) × 25 см ҳажмида чиройли қилиб токчалар ўйилган. Бино девори алебастр билан сувалиб, очиқ ҳаворанг, қизил ва қора бўёқлардан декоратив орнаментлар билан безашиб фойдаланилган. Безаклар қандайдир ўсимликлар мотивини эслатади<sup>2</sup>.

С. П. Толстов «кантархона»лар афригийлар давридаги ҳарбий функциясини омбор ва меҳмон кутиши билан боғлиқ тантаналар ўтказиладиган жой бўлиши функциясига бўшатиб берганилигини таъкидлаган эди<sup>3</sup>.

Р. А. Садоков «Қадимги Хоразмининг музыка маданияти» номли асарида «кантархоналар» музиканинг акустик<sup>4</sup> характеристига мослаштириб қурилган деб кўреатади<sup>5</sup>. Бизнингча, «кантархона»лар Ўйғонини даври театри биноси вазифасини бажарган бўлини керак. Айниқса, Қаватқалъя яқинидаги феодал қўргонлар ёнидаги «кантархона»ларнинг дид билан безатилиши, унда томошибини ўтирадиган суначаларниң ҳам бўлиши фикримизнинг яққол далили бўла олади. XII аср ва XIII аср бошларидан қурилган феодал қўргонлар декоративлиги билан ажралиб туради.

Бу даврда Элликқалъя воҳасида қурилган феодалларнинг қўргонлари ҳамда майдада ер эгалари ва деҳқонларнинг истеҳкомсиз чорбоглари жамиятда рўй берган иерархик табақаланининги иншарли манзарасини чизиб беради<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 299—300-бетлар.  
<sup>2</sup> Е. Е. Неразик, И. В. Савицкий, Ю. П. Манылов. Раскопки в зоне средневекового канала Гавхорэ. 1971 г. Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР, 1975, № 4, стр. 54—56.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 164.

<sup>4</sup> Акустик — яхши энгизилиши.

<sup>5</sup> Р. А. Садоков. Музикальная культура древнего Хорезма, стр. 6.

<sup>6</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 300-бет.

уруғи станцияси ташкил қилади. Натижада Хиванинг Россия билан иқтисодий алоқаси янада ривожланади.

М. И. Иўлдошевнинг кўрсатишига қараганда Россия экономикининг таъсири натижасида Хива хонлигига феодал ишлаб чиқариш усули ҳукмрон бўлиб турган бир шаронтда товар-пул муносабатлари пайдо бўлди ва ривожлана бошлади<sup>1</sup>.

Хоразмда саноат корхоналарининг вужудга келиши оз бўлсада, маҷаллий ишчиларнинг етишиб чиқиши уларнинг рус ишчилари билан, рус халқи билан яқинлашувига олиб келди. Натижада XIX асрнинг охиридаёт демократик ғоялар тарқалди, феодал тартибларидан норозилик кучайди.

1905—1907 йиллардаги рус революциясининг таъсири натижасида Хивада ҳам миллий озодлик ҳаракати янги босқичга кўтарилди.

Хивадаги миллий озодлик ҳаракатида иккى оқим, иккى тенденция кўзга кўринади. Биринчиси, ишчи-деҳқон билан революцион демократик интеллигенция ҳаракати, иккинчиси, буржуазиянинг пантуркист ва панисламист байробига яширинганлар раҳбарлик қилган миллий ҳаракатидан иборат эди.

Буржуазия революцион шиорлар билан чиқса ҳам революциядан қўрқар эди. Чунки мулк эгалиги уни феодал табақаларга яқинлаштириб қўйганди.


Хива хонлигидаги ишчи ва деҳқонлар ҳаракати билан демократик ғоялар ҳам кучаяди. В. И. Ленин: «Ҳар бир миллий маданиятда гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради»<sup>2</sup>, деб ёзган эди.

Хоразм воҳаси халқларида ҳам ана шундай демократик маданият намояндаларидан бўлган Полвон Ниёз Муҳаммад Мирзабоши Комил Хоразмий (1825—1899), Хоразмда биринчи матбаачи Отажон Абдалов (1856—1940), Бердақ (1827—1900), Аваз Утар ўғли (1884—1919), Аялберган Мусаев (1880—1936), Дурди Қилич, Ҳажар бахши ва бошқалар халқларнинг норозилигини ўз асарларида ифодалаб бердилар, хон зулми ва унинг деспотик тартибларини қораладилар<sup>3</sup>. Бу ҳол халқ театрига ҳам таъсир қилмай қолмади. Халқ театри қўшиқ ва ўйинларида эзувчи синф кирди-корларини очиб кўрсатарди.


<sup>1</sup> М. И. Пўлдошев. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959 йил, 96-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар. Тўла асарлар, 24-том, 139-бет.

<sup>3</sup> Г. Непесов. Из истории Хорезмской революции 1920—1924. Ташкент, Гос. изд-во Узбекской ССР, 1962 г., стр. 70.



Аёл созанди ва аёл қўшиқчи (XIX аср охири). Х. Девонов фотоси.



Тўй давраси бошланиши (XIX аср охири). X. Девонов фотоси.

1873 йилда Хивада бўлган А. Копцева ҳам кема ўйини ҳақида қизиқарли маълумот беради. «Одам кўп, гавжум сайил... Йккита хитойча қайиқ шланниб, тепасига соябон ясалган ва қофоз ёпиширилиб бўялган қайиқ ичига фонарлар осилиб, соябон тагида хитой кийимида бир аёл ўтиради. Бир неча киши қайиқларни кўтариб томоша майдонига олиб келадилар. Бу қайиқ тунда жуда чиройли манзара тугдиди. Томошанинг бошқа қатишчилари ҳам чиройли кийимларини кийиб, ясаниб олганлар. Ҳамма ашула айтди, ўйнайди гўё қайиқ «сузади», хурсандчилик авжига чиқади. Сўнгра ниқоб кийган «девлар» пайдо бўлади, улар ҳам ўйнайди. Ҳаммаёқни музика, ашула, кулги товушлари қоплаб олади. Томоша ярим кечагача давом этади<sup>1</sup>. Кема ўйинининг келиб чиқиши Хоразмда кеманинг ихтиро қилинишига бориб тақалади. М. О. Косвеннинг кўрсатишига қараганда дастлабки кема ибтидой жамоа даврида ихтиро қилинган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> А. Копцева. Походные записки жены казачьего офицера. Журнал «Русский вестник», т. 120, 1875, декабрь, стр. 838.

<sup>2</sup> М. О. Косвен. Очерки истории первобытной культуры, стр. 118.

Кеманинг сувда сузиши эса кўпгина табиий ҳалокатлар, муваффақиятлар билан боғлиқ гайритабиний кучларга топнишига ҳам йўл очган. Г. П. Снесаревнинг кўрсатишига қараганда қадимги хоразмликлар исломгача бўлган даврда Амударё ҳомийси Авдвисура Анахита ва сув остидаги ёвуз куч эса Араллар деб ҳисоблаганилар<sup>1</sup>.

Бизнингча, «Кема ўйини»даги девларнинг ниқоб кийиб ўйинга тушиб хурсандчилик қилишлари қадимги хоразмликларнинг Аралларни ёвуз инятдан қайтариш, ўзларига ром қилиб олиш мақсадида қилган ҳаракати традиция сифатида ҳалқ театри майдони саҳнасида XIX аср охирларигача етиб келган бўлиши керак.

М. Раҳмоновнинг берган маълумотига қараганда Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) хукмронлик қилган даврда (1865—1910) театр ҳаётни бирмунча ривожланган. Хонининг ўзи шоир ва бастакор бўлганлиги учун ўз пойтактига созанда, шоир ва ҳофизларни, масхарабоз актёrlарни тўплаб ижод қилдирган<sup>2</sup>.

Муҳаммад Юсуф Девонзода Ҳарратов ва Бекжон Раҳмонларнинг кўрсатишига қараганда, Муҳаммад Раҳимхон II Хивада Хоразм ашулачилари, созанда ва масхарабозларнинг кўргинни ўтказиб, голиб чиққанларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб турган<sup>3</sup>.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олниши ва Хива хонлигининг 1873 йилда Россия протекторатига ўтиши, хонликдаги Амударёнинг ўнг қирғоги бўйлаб яшаётган ҳалқларнинг рус ҳалқи билан ўзаро алоқа боғлаши Хоразм ҳалқининг демократик йўналишидаги маданият куртакларнинг тараққий қилишида муҳим воқеа бўлди.

Ф. Энгельс 1851 йилиннг 23 майда К. Марксга ёзган хатида «...Россия Шарққа нисбатан чиндан ҳам прогрессив роль ўйнайди<sup>4</sup>,— деб таъкидлаб ўтган эди.

Россия буржуазияси Ўрта Осиё бозорларига кўплаб моллар чиқарап, саноат учун пахта хом ашёсини Марказий Россияга олиб кетар эди.

К. Маркс: «Сотувчининг молини сотиб олувчи бўлмаса, ҳеч бир киши мол сота олмайди<sup>5</sup>,— деб кўрсатади.

Рус буржуазиясининг манфаатини кўзлаган Россия Хива хонлиги териториясида савдо-сотиқ, саноат фирмалари, ипак курт

<sup>1</sup> Г. П. Снесарев. Под небом Хорезма, стр. 107.

<sup>2</sup> М. Раҳмонов. Узбек театри тарихи, 56-бет.

<sup>3</sup> М. Ю. Девонзода Ҳарратов ва Бекжон Раҳмон. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва, 1925 йил, 45—46-бетлар.

<sup>4</sup> Ф. Энгельс К. Марксу, 23 мая, 1851. К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, изд. второе, том 27, стр. 241.

<sup>5</sup> К. Маркс. Капитал. I-том. Тошкент, Узбекистон ССР Давлат нашриёти, 1955 йил, 131-бет.

«Қоврун-қоврұлмоқ» маңысига эга бўлиб, унда ўлим маросими ўз аксесси топған. Бешинчи «Үт» («Пламя») рақси оловга сифишиш маросимниң ўзида ифодалайди. Олтичини «Гүсфанд» рақси қўй ўлимига багишлангандир. Умуман, мақом уфори рақслари ибтидойи диний эътиқод билан боғлиқ вужудга келганилиги кўзга ташланади. Санъатшунос олим Л. А. Авдееванинг фикрига қаранганди, қадимий Хоразм рақсларидан иборат «Мақоми уфори»ни IX—XI асрларда тартибга солиниб, бирин-кетин ўйналадиган тўп-лам-сюнта шаклига келтирилди<sup>1</sup>.

Бу эса бизда уйғониш давридаги Элликқалъа воҳасида қурилган феодал театри бинолари саҳнасида, «мақоми уфори» музикали рақслари ҳам ўйналган, деган фикрин уйғотади.

XII—XIII асрларда Хоразмда вужудга келган маданият бойларни Чингизхон (XIII аср), Темурланг (XIV аср) юришлари даврида вайрон қилинди. Асфандиёрхон (1623—1643) ва Абулғозихон (1645—1663) даврида Хоразмининг пойтахти Турғанж (Урганч)дан Хивага кўчирилди.

Хивада Араб Мұҳаммад мадрасаси (1616), Анушахон мадрасаси (1657), Хуржун мадрасаси (1688), Шергозихон мадрасаси (1718—1719), Оллоқулихон мадрасаси (1830—1838) ва бошқа иншоотлар қурилди. Булар ўзига хос ҳалқ меъморчилиги ёдгорлиги сифатида юзага келганди<sup>2</sup>.

XVIII—XIX асрларда Хоразмда реакцион феодал клерикал адабиётiga қарши курашда ҳалқ манфаатини, Ватан манфаатини ҳимоя қилган меҳнаткаш ҳалқнинг феодалларга қарши кураши, орзу-умидларини ифодалаган прогрессив адабиёт ўсиб камол топади. Равнақ, Андалиб, Роқим, Нишотий, Мунис, Зийрак, Оғаҳий асарларida прогрессив гоялар илгари сурилади.

XVIII—XIX асрларда Хоразмда музика ва рақс санъати ривожлана борган.

Хоразмлик Мұҳаммад Хоксор «Мунтахабал луғат» асарида кўрсатишича, Хоразмда хилма-хил нағма ва суруд (қўшиқ)лар бўлғанди<sup>3</sup>.

Хоразм тарихига оид «Риёз-уд-даула» асарида Олло Кулихон (1825—1842) ўғил уйлантириш тўйида 1835 йилда созанда ва бозанди (масхарабоз)лар санъати туфайли меҳмонлар хурсанд бўлиб қаттиқ кулгандари ҳақида маълумот берилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Л. А. Авдеева. Введение в книгу Р. Каримова. Хорезмский танец, стр. 13.

<sup>2</sup> В. А. Булатова, И. И. Ноткин. Хива обидалари. Тошкент, «Ўзбекистон» изашвили, 1972 йил.

<sup>3</sup> В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Тошкент, «Ўқитувчи» изашвили, 1964 йил, 99-бет.

<sup>4</sup> Риёз-уд-даула. ЎзССР Файлар академияси шарқшунослик институти, инв. № 5361, 330а, 330-бет.

Хоразмдаги ҳалқ театри тараққиётига бошқа ўзбек хоиликлари ҳам қизиқа бошлаган.

М. Раҳмоновининг ишончли далилларга асосланиб берган маълумотига қараганда, Кўқон хони Мұҳаммад Умархон (1809—1822) ўз пойтахтига Хивадан машҳур созанда ва бастакор Худойберди устозни олдиради. Худойберди устозининг тавсияси билан Кўқон хони Мадалихон (1822—1842) хивалик созанда ва бастакорлар Солиҳбек ва Мўминбекларни Кўқонга олдиради<sup>1</sup>. Улар Кўқонда ҳен саройида ва ҳалққа хизмат қилиш билан бирга кўплаб созанда ва бастакорларни етиштириб чиқаргандар.

1819—1820 йилларда Хивада бўлған рус гвардия капитани Николай Муравьев Хивадаги ҳалқ театри ҳаётига қизиқади: «Ҳалқ орасида бой-бадавлат кишиларнинг яқинлари ичиди аҳволи почор кишилар қўшиқ айтиши, эртак сўзлаши, соз чалиши, ўйни билан ўз хўжайинига завқ-шавқ бериши бурунги замонда ўтган қаҳрамонларнинг мардликларини мақташи зарур экан. Қўшиқ айтиш кечаси билан давом этади. Уй эгаси ва меҳмон қимирламай уни чуқур ўйчан ҳолда тинглайди»<sup>2</sup>, деб ёзган эди.

Рус савдогари Абросимов Мұҳаммад Аминхон (1846—1855) саройига қарашли боғлардан бирида меҳмон бўлиб, чодир рўпаратасида қурилган Суна (эстрада)да музика чалиниб қўғирчоқ ўйини кўрсатилганини, сўнг уларни иккি раққоса алмаштирганини, ундан кейин арқон устида бир раққос ўйнаганини, охирида ҳофиз чиқиб ашула айтганини ёзди<sup>3</sup>.

Венгер олими ва сайёҳи А. Вамбери Хива хони Сайд Мұҳаммадхон (1856—1864) саройида масхарабоз, созанда ва гўяндаларни кўрганлигини ёзди: «Кечки овқатдан кейин ашулачилар, созандалар ёки қизиқчилар келиб, хоннинг кўнглини очадилар. Хивада ашулачиларга катта ҳурмат билан қарайдилар. Ёлгиз Туркестондагина эмас, балки ислом Шарқида ҳам улар машҳурдирлар. Иккি соатдан кейин хон ҳарамига ёки ётогига кириб кетади»<sup>4</sup>. 1870 йилда асир тушиб Хивада иккى йил яшашга мажбур бўлған Илья Ильинчков бозор майдонларида, кўчаларда, шаҳар ташқарисида сайил ва байрамларда жуда кўп созанда, гўянда, раққос актёрларнинг иштирокида томоша ташкил, қилинганилигининг гувоҳи бўлған эди<sup>5</sup>.


<sup>1</sup> М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи, 44, 45-бетлар.

<sup>2</sup> Путешествие в Туркмению и Хиву в 1818 и 1820 годах гвардейского штабс-капитана Николая Муравьева, посланного въсии страны для переговоров. Ч. 1, 2. Туркестанский сборник, т. 269, стр. 305—306.

<sup>3</sup> Летопись и разные известия. Рассказ торговца Абросимова о поездке его в Хиву. Туркестанский сборник, т. 83, СПб., 1873, стр. 143.

<sup>4</sup> А. Вамбери. Очерки Средней Азии, стр. 87.

<sup>5</sup> Илья Ильинчков. Рассказ пленных Хивы. «Биржевые ведомости», 1873, № 108.



Бола бахин Абдуллаев ўғилларига халқ достонларини куйлаш услубларини ўргатмоқда (1982 йыл).

лар қызларга ўхшаб узун ипак күйлак, узун олача ёлапқат<sup>1</sup> кийгани, бошига ясама соч қистириб олган ёки ўзининг ўстириб қўйган кокил сочини ташлаб хоразмча дўзийли дўппи кийиб, унинг ўстидан юпқа ипак рўмол ташлаган, оёғига маҳси кийиб, қош бўяб ўйинга тушган. Улар музика ва қўшиққа қўшиб занг билан ёнбошга ҳараб майдада қадамлар билан ҳаракат қилган. Шу ҳаракат давомида такрорий айланниб ташланиб кўтарилиган қўлдасталарини шабада кучли тебратадаётган дараҳт шоҳларидай у ёққа-бу ёққа силжитиб, ўйнатиб, қудратли маъбуда гўё шабадага ўхшаш ҳаракат билан ерни-сувни, ўсимликларни вужудга келтириши, биринчи Одам Ота ва Момо Ҳавони лойдан ясаб, соз чалиб жон киритиши, уларга севги ва муҳаббат, қайғу ва ҳасрат ато этишини ифодалаб беради.

Раққослар ҳаракати давра бўйлаб айланма ўйналади. Қўлдаста ҳаракати маълум вақтдан кейин қарс билан алмашиб туради. Ўйин томошабинларни ўзига сеҳрлаб қўяди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ёланқат — чакмонига ўхшатиб паҳта солинмай тикилган кийим.

<sup>2</sup> Ўйин тафсилоти Хонқо шаҳрида турувни 86 ёшли халқ санъаткори Искандар бола Раҳимовдан ёзиб олиниди. Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 30 май, № 24.

Бу ўйин музикасининг келиб чиқиши ҳақида Хоразмда бир ривоят авлоддан-авлодга ўтиб келаётир. Урганчлик 90 ёшли Отамурод ота Ниёзматов отасидан эшигтан ривоятнин шундай ҳикоя қиласди: «Қадим замонда Ҳазрати Алининг Дулдул номли оти бўлган. Али отни боқишини ёш Қамбарга топширади. Дулдул кундан-кунга озиб кетаётганини кўрган Али Қамбарнинг оти боқишини зимидан кузатади. Қамбар отни яйловга юбориб, олтин дуторини олиб худо бутун табиат, Одам Ато ва Момо Ҳавога жон киритиб, севги ва муҳаббат, яшаш қийинчиликлари билан боғлиқ қайғу-ҳасрат ато этган куйни чертар экан. Қамбарнинг сози овозига дараҳтлар титраб ўйнар, от эса ўт ейишни қўйиб бошини ерга қаратиб қимир этмай тинглар экан.

Қаҳрланган Али, Қамбарнинг олтин созини олиб ерга зарб билан уради. Соз минг бўлакка бўлиниб, ҳар томонга учиб кетади. Қамбарнинг қувончи қайғуга айланади. Қувонч ва қайғу аралаш қадимий куйга «Алиқамбар» деб ном берилишига шу сабаб бўлган экан<sup>1</sup>.

Бу келтирилган ривоят қанчалик афсона асосига қурилган бўлмасин, ўйин қадимийлик аломатларини билдирадиган белгиларга бойлиги билан ажралиб туради.

«Норим-норим» ўйини Хоразмда байрамларда, тўй-томушаларда ўйналиб келинган. Ўйинда стилган анорнинг майни эсган шабадада бирин-кетин бир текисда давомли тебратиб бир-бирига урилиши ва яна шу ҳаракат қайтадан бошланиб давом этиши бир неча ўйин тактларида ифодаланади.

Бу ҳол ўйин давомида гоҳ жадаллашади, гоҳ секин давом этиди. «Норим-норим» ўйинини XIX аср охири, XX аср бошларида қўпинча ўғлон болалар ўйнаған. Агар «Норим-норим» ўйининда қўшиқ куйланса, ўғлон бола қиз қиёфасида чиқсан.

Қўшиқда ошиқнинг маъшуқага қилган илтимоси, унинг севгилисининг юзини кўришдек орзу-умиди рўёбга чиқиши билан қувонч ва шодлиги ўйин оҳангига билан қўшилиб кетади. Раққоса қўлдасталарини анорнинг шабадада бири баланд — бири пастга ҳараб ҳаракатда бўлишларига ўхшатиш билац бирга унга гавда, бош ва мимик ҳаракатларни ҳам қўшади<sup>2</sup>. Бу ўйин ҳам қадимги хоразмликларнинг ҳосилдорлик маъбудасига сингиниши натижасида вужудга келган.

Ўйинни кўриб, музикасини тинглаётган томошабин бенхтиёр раққоса ҳаракатига қўшилиб чайқала бошлаган. Ургани шаҳрида истиқомат қилаётган 80 ёшли санъаткор Жуманиёзин Аvezmetov «Норим-норим» ўйинининг халқ орасидаги ўйналиши ҳақида қуйи-

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 11 август, № 14.

<sup>2</sup> Беруний шаҳрида яшовчи 1910 йилда тугилган Юсуф қизиқ Мадраҳимовдан ёзиб олиниди. Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 15 август, № 15.

юқоридаги фикрни янада қувватлайди: «Менинг отам Отажон Девон Абдуллаев Мұхаммад Раҳимхон II саройида мақомчилар ансамблида қатнашиш учун мажбуран саройға олдирилган. Отам мақомчи бўлиши билан бирга саройда девонлик мансабида ҳам ишилаган. Хоразмда совет театрининг асосчиларидан бири бўлган шоир, музикачи, бастакор Комил Девоний ҳам хон саройида девонлик қилиш билан бирга мақомчилар ансамблининг актив аъзоси бўлиб хизмат қилган. Отам ва Комил Девоний аввал Хива театрида, кейин облости театрида умрининг охиригача хизмат қилдилар»<sup>1</sup>.

Хоразм масҳарабозлари ҳам шаҳар ва қишлоқлардаги тўю томошаларда, сайилларда ҳалқа ўз санъатини кўрсатган ва ҳалқдан ўрганиган. Хивалик Худоїберган кўр (1845—1940) билан Матчон кўр (1840—1910), Буважон тўқ-тўқ (1870—1940) билан Ёнирди масҳарабоз (1880—1946), Матчон бақай (1865—1930), урганичлик Навзолим бобо (1818—1925), гурланлик Буважон сари (1851—1951), Мангит (ҳозирги Қорақалпогистон АССР Амударё райони)даги Қипчоқ ва Қиличвой қишлоғидан етишиб чиққан Кувват калта (1827—1910) билан Матёқуб кўр (1880—1920), Болтақул масҳарабоз (1853—1933) билан Қирқин (1829—1915), акуя Эшамат (1853—1933) билан Дўсамат (1878—1923) масҳарабоз<sup>2</sup> Раҳматулла ўғли Курбонниёз масҳарабоз (1851—1914), Юсуф шарлама (1870—1940), Курбонбой шарлама (1877—1955), Бобожон мангитли (1890—1965)<sup>3</sup> ва бошқалар Хоразм хонлигига танилган масҳарабозлар бўлган.

Революцияга қадар Хоразм ҳалқ қўшиқчи ва ўйинчилари, масҳарабоз ва ҳалфалари оғир шаронитга қарамасдан эзилган ҳалқининг орзу-армонларини куйладилар, бой ва руҳонийларнинг ҳалқа қарши найрангларини фош қилувчи спектаклларни на-мойиш қиласидилар.

## II БОБ

# ХОРАЗМ ҲАЛҚ ТЕАТРИНИНГ НАМУНАЛАРИ.

## САИИЛЛАР ВА ОММАВИЙ ҲАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

Хоразмда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ҳалқ сайиллари жуда тантанали равишда ўтказилган.

Сайил сўзи сайд қилмоқ, кезиб томоша кўрмоқ маъноларига эгадир. Сайил деганда умуман катта ва тантанали томошалар билан боғлиқ ҳар хил маросимлар эътиборга олинган. Сайил ҳар йили маълум фасллар билан боғлиқ бўлиб, кишиларнинг сайилга чиқиши, соя-салқин жойларда тўпланиб, очиқ майдонда томошистироҳат ташкил қилиши билан бошланган ва уч кундан бир ҳафтагача, баъзан бир ой давом этган (масалан, сумалак сайили)<sup>1</sup>.

Революциягача бўлган даврда Хоразмда «Наврўз» байрами, сумалак сайили, «Қизил гул» байрами, «қовун сайили» каби сайиллар нишонланган. Улар шаҳардаги бозор майдонларида, шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда ўтказилган. Сайил ўтказиладиган жойларда ошхона, чойхона, новвойхоналар қурилган, мева-чева, баққоллик дўконлари очилган, ўғил болалар ижросида «Алиқамбар», «Норим-норим», «Оразибон» «Аравадаги ўйин» каби оммавий ҳалқ ўйинлари ўйналган, созандо-тўянда ва масҳарабозлар санъати намойиш қилинган, қиз ва йигитлар иштирокида «қиз қувиши» ўйини ташкил қилинган. Катта сайилларда, Г. П. Снесаревнинг ёзишича, одамлар орасида эчки терисини кийиб, бошига шоҳ қадаб сайилга чиққанлар ҳам бўлар экан.<sup>2</sup>

Сайилларнинг ҳар йили деҳқончиликни бошлаш, ҳосил байрами сифатида нишонланиши, қизил гулга муқаддас деб қараш билан боғлиқ тантаналар, сеҳр-жоду ёрдамида ёвуз кучларни бўйсундиришга интилиш, тотемларга, ўлган кишилар руҳига сифиниш ибтидой жамоа давридан хоразмликларда традиция сифатида ўтган асртагача сақланиб келган ва ҳозир ҳам қисман сақланмоқда.

Биз қўйида сайилларда ўйналадиган ҳалқ театри оммавий ўйинлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

XIX аср охири, XX асрнинг бошларида «Алиқамбар» ўйинига рақсга тушувчиларга ўғлон бола ёки бачча дейилган. Ўғлон бола-

<sup>1</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1974, 5 июль, № 11.

<sup>2</sup> М. Қодиров. Ўзбек театри анъаналари, 150, 151-бет.

<sup>3</sup> Т. Алланазаров. Каракалпакский советский театр, стр. 72.

<sup>1</sup> Ўзбек совет энциклопедияси, 9-том. Тошкент, 1977 йил, 439-бет.

<sup>2</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, стр. 33.



Иигит ва қиз. Лапар айтишуви. Қиз бола ролини ҳам аёл кўйлагини үгил бола ижро этмоқда. (XIX аср охири XX аср бошлари.) X. Девонов фотоси.

Хоразмда бу даврда маданият тараққиётига муҳим ҳисса қўшган Полвон Ниёз Муҳаммад Мирзабоши Комил Хоразмий (1829—1899), биринчи бўлиб Хоразмда «Хоразм танбур итасини» ёзиб, илмий асослаб берди. Комил Хоразмийнинг ўғли Мирзо (1840—1922) ҳам отаси каби шоир, қўшиқчи ва музикашунос бўлиб етишади.

Тадқиқотчи М.Юнусовнинг кўрсатишига қараганда Мирзо Хоразмда чалиниб келаётган олти мақомнинг ҳаммасига музика ёзган<sup>1</sup>.

Мирзо «Сабо» ва «Уфори» каби янги музика ёзиб, Шашмақомнинг «Рост» мақомига қўшади. Комил Девоний (1877—1938), Сафо Муғаний Оллоберганов (1876—1938), Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Ёқуб ўғли Чокар (1881—1952) ижодида газал битиши, уни музикага солиб куйлаш, қўшиқ ва ўйин билан боғлиқ санъат турлари ўйғунлашган эди. Театршунос олим В. И. Бунимович-Музалевский Чокар ижодига тўхталиб, «Чокар Харратов билимини ўзбек театри фақат музика соҳасидагина эмас, ҳалқ рақси соҳасида ҳам юқори баҳолайди»<sup>2</sup>, деб ёзганида ҳақли эди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Исмоил Понаев, Муҳаммад Ёқуб дорчи, Аваз дорчи, Ёқуб позочи, Ёқуб балабанчи, Абдулла балабанчи, Бобоқон балабанчи, Худойберди Қурбонов, Абдураҳмонбек каби музикачилар, мақомчи-ашулачилар, машҳур ўйинчи раққослар Хоразмдан ташқарида ҳам ном қозонган эдилар.

Театр тарихига доир адабиётларда XIX аср охири XX аср бошларида Хива хони Муҳаммад Раҳимжон II саройида бўлган мақомчилар ансамбли ҳақида етарли маълумот берилмаган.

Хива шаҳрида истиқомат қўлувчи 94 ёшли санъаткор Худойберган Аvezov (Вовоқ ота)нинг берган маълумотига қараганда Муҳаммад Раҳимхон II саройида Полвон Ниёз Муҳаммад Мирзабоши Комил, ундан кейин унинг ўғли Мирзо раҳбарлигига саройга девон (хат ёзувчи) вазифасига етук билимли санъаткорлар тайинланиб, улар сарой ансамблида иштирок этган. Толибхўжа, Шариф Меҳтар, Қамбар бола, Матеқуб Харратов, Худойберган Муҳрконий, Ҳожи Ниёз, Марасул Ниёз, Отажон Девон Абдуллаев (1876—1960) ва бошқа санъаткорлар ҳам хон саройидаги ансамблда хизмат қиласиди<sup>3</sup>.

Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг артисти 1913 йилда туғилган Солиҳ Девоновнинг берган маълумоти

<sup>1</sup> М. Юнусов. Сакий қаламлар. Тошкент, Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 202-бет.

<sup>2</sup> Пути развития узбекской музыки. Сб. статей. М.—Л. Гос. изд-во «Искусство», 1946, стр. 39.

<sup>3</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 11 май, № 1.

Н. С. Лицошин ҳам Бухоро, Хоразм. Афғонистондаги байрамларда, суннат түйларида ёки қыз түйларида бачча ўйнатилади, деб ёзади<sup>1</sup>.

Хоразмдаги ўғлон бола (бачча) иштироқида ўйналган халқ рақе ўйинлари томошабинларда кучли таассурот қолдирған.

«Хўббимбой» ўйини Хоразм халқининг қадимий ўйинларидан бўлиб, ҳазил-мутонба асосида яратилган. «Хўббимбой» ўйинини икки киши ижро қиласди. Бир ўйинчи ўйиннинг қўшиғини айтиб турса, иккичи киши эса қўшиққа жўр бўлиб ўйнайди. Хўббимбой ниҳоятда эпчил бўлиб, унинг ҳар бир ҳаракати киши дикқатини ўзига тортади. Қўшиқда унинг маҳбубаси «ой юзли паризод», деб таърифланади.

Ўйинчи қўшиқ мазмунига мослаб икки елкаси ва кўлинни тез-тез ишлатиб қуш қўш қанотини қоққанидек ҳар сафар қанот ўрнида қўлинни кўтариб қўлтиғини очиб-ёпиб туради, оёқларини ҳам ердан олиб қўйиб-олиб қўйиб ҳаракат қилдивади.

Ҳўббим, ҳўббим, ҳўббимбой,  
Ҳўббимбойнинг ола оти  
Ҳўббимбой нўлга тушганда  
Ярқирайди қаноти.

Ҳўббим, ҳўббим, ҳўббимбой,  
Така-тукка бўйнида,  
Шу ой юзли паризод,  
Ҳўббимбойнинг қўйнида.

Ҳўббим, ҳўббим, ҳўббимбой,  
Ҳўббимбойнинг ола оти  
Оғам овга чиққанда  
Етолмайди от зоти.

Ўйин давомида раққос Ҳўббимбойнинг оти ҳаракатларини ҳам ифодалаб боради. Ўйин охирида яна «Ҳўббим, ҳўббим, ҳўббимбой» ибораси билан қўшиқ тугайди. «Ҳўббимбой» ўйинини Хоразмда кўпчилик ўйнаган. Бу ўйин қадимдан буён ўйналиб келган ўйинлардан ҳисобланади. Урганч шаҳрида яшовчи халқ санъати ҳаваскори 60 ёшли Рўзмат Собировнинг ўйин ҳақида берган маълумоти фикримизни янада ойдинлаштиради. «Бу ўйин қадимдан то 1930 йилларгача зўр маҳорат билан ўйналиб келинади. Бу ўйинни ёшлар ҳам, катталар ҳам бирдек ўйнади. Мен ҳам ёшларни бошлаб бу ўйинни ўйнаб келдим. Халқ ҳам севиб томоша қиласди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Н. С. Лицошин. Чем развлекаются туземцы. Сборник Туркестанского народного университета. Ташкент, 1918 г., стр. 44.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 19 август, № 17

«Хўббимбой» ўйинининг ўйналиш тарихи қадимий Хоразмга бориб тақалади. Ўйин мазмуни ва этимологияси Ҳаким ота ва унинг ўғли Ҳўббим ҳақидаги афсона билан bogliқdir. Г. П. Снесаревнинг берган маълумотига қараганда сўфий шайх Ҳаким ота Бурхоннинг гўзал қизи Амбар она га уйланади. Ундан Ҳўбби (Ҳўбби Султон) исмли кенжা ўғли туғилади. Ҳўбби вояга етгач, ўз отаси билан чиқишолмай қолади. Буни кўрган она уни уйга қамаб қўяди. У кийимларини чиқариб ташлаб кантар қиёфасига кириб, ўй тешигидан учиб чиқиб кетади. Афсонанинг бошқа вариантида Ҳўбби от қўшилган аравада Амударё суви тагида аралларга буйруқ бериб юради. Амбар она эса Ҳўббини қаттиқ изтиробга тушиб излайди<sup>1</sup>. Қўриниб турибдики, «Ҳўббимбой» ўйини Хоразм кемачиларининг Амударё суви ҳимоячиси бўлган Султон Ҳўббига сифиниши натижасида юзага келган. Г. П. Снесаревнинг кўрсатишига қараганда ислом давридаги Амбар она, Ҳўбби Султон исломгача бўлган Амударё ҳомийси Анахитанинг эквивалентидир<sup>2</sup>.

Бу афсона қанчалик қадимий бўлса, «Ҳўббимбой» ўйини ҳам XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача тасвир обьектини ўзгартмай етиб келади. Аслида «Ҳўббимбой» ўйинидаги қанот қоқиши элементлари қушга ўхшаш ҳаракатлар мазкур афсоналардаги кантар образи, отнинг тасвирланиши ибтидоий жамият давридаги тотемистик тасаввурларга бориб тақалишига шубҳа йўқ десак бўлади. Бу фикр ҳам «Ҳўббимбой» ўйинининг нақадар қадимий эканини исботлайди.

Хоразмда традиция шаклида авлоддан-авлодга ўтиб келган ўйинлардан яна бири «Ашшадарози» ўйинидир.

Сумалак сайили билан алоқадор бўлган «Ашшадарози» ўйини ташкил қилиш учун икки ярим-уч метр чамасидаги ёғоч таёқ олинган. Ўнинг юқори томонидан 40—50 сантиметр пастроққа 1 метр чамасидаги таёқ отоноқ (крест) қилиб бойланади. Ана шу отоноқ таёққа узун қилиб тикилган хотин-қизлар кўйлаги кийгизлади. Ёғоч таёқнинг юқори томонига матодан ўралиб одам боши шакли акс эттирилади. Бошига қадимдан Хоразм қизлари киядиган дузийли дўппи кийгизилади. Ўнинг устидан эса оқ ипак рўмол ташлаб қўйилади. Рўмол унинг ўзига парда бўлиб ҳам хизмат қиласди. Карабсизки узун бўйли, кенг гавдали, уялинқираб турган келинчак кўз олдимизда гавдаланади. Ўнинг кўйлаги ичига алоҳида хонада хотин-қизлардан бири кириб олиб, уни сумалак сайилига келганлар даврасига олиб чиқади.

«Ашшадарози» нозу карашмалар билан этилиб давра ишти-

<sup>1</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, стр. 250—252.

<sup>2</sup> Г. П. Снесарев. Под небом Хорезма, стр. 112.

рида табиатнинг ўлиши ва тирилиши, Амударё тўлқинларининг давомли ҳаракати тасвирланади. Севги ва муҳаббат, баҳтиёрлик мавзуси таранум этилади. Худойберган тўқ-тўқининг «Оразибон» ўйини ҳақидаги маълумоти ҳам диққатга лойиқдир: «Мен яхшигина ўйинчи бўлиб ўғлон бола номини олган вақтимда қиз қиёфасида «Оразибон» ўйинини ўйнашга киришдим. Ўйинда қишида табиатдаги сўниклик баҳорда яна жонланиш, севги ва муҳаббатга тангридан илҳом тилаш асосий ўрин тутади. Ёшим йигирмаларга келиб, ўғлон болалик даври ўтди. Сўнг масхарабозлик қила бошладим. Устозим ўғлон болаликдан бошлаб ўйнаб масхарабоз Бобо тўқ тўққа айланган экан»<sup>1</sup>.

К. Эресовнинг кўрсатишига қараганда қадимги Хоразм пантеонларида икки маъбуда: Анахита ва Сиёвуш орасидаги севги ва муҳаббатдан фойдаланганлар<sup>2</sup>.

Бизнингча, қадимги «Оразибон» ўйинида ҳам аёл маъбуда Анахита ва эркак маъбуд Сиёвуш орасидаги афсонавий севги ва муҳаббат мавзуси акс этган бўлиши керак.

«Мўри» ўйинини ҳам революциядан аввал Хоразмда ўғлон болалар ўйнаган. Ўғлон бола қизлар кийимида — узун кўйлак, узун елак<sup>3</sup>, шойи иштон кийиб, бошига ипак рўмол ташлаб даврага чиқкан. У томошабинларга икки қўлини кўксига қўйиб таъзим қиласди. Шу вақтда бир йигит соз чалиб қўшиқ куйлади:

Дилбарим гул юзлидир, лаъли лабинда боли бор,  
Мунчайин хандон урар ёноғида холи бор.  
Мавлон-еъ, эй оромижон-еъ, сарвиравон-еъ,  
Бўй-бўй оромижон-еъ, бўй-бўй сарвиравон-еъ.

\* \* \*

Ҳамма дерлар шу санамнинг неча сенек ёри бор,  
Қош қоқиб, имо бокиб ҳар кимни кўрса холи бор.  
Мавлон-еъ, эй оромижон-еъ, сарвиравон-еъ,  
Бўй-бўй оромижон-еъ, бўй-бўй сарвиравон-еъ.

Ўғлон бола қизларга хос уялинқираб нозу карашма билан юзидағи рўмолини очиб қўшиққа ва ўйин оҳангига қиё бокиб, қош қоқиб, бўйни тебратиб ўйиннинг янада жозибали бўлишини таъминлаган. Раққос даврада қарс уриб, майдага қадамлар билан ёнбошга ё кейинга юриб қўлдасталарини ҳаракатга келтириб, имо-ишоралар билан қуёш тангрисига, оловга сажда қиласди.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 5 июнь, № 25.

<sup>2</sup> К. Эресов. Разбитые боги. Журнал «Наука и религия», 1970, № 8, стр. 73, 74.

<sup>3</sup> Елак — аёлларнинг илгари вақтларда киядиган узун костюми.

Ўйин охирида раққос яна юзига рўмэлини тортиб, қўлини кўксига қўйиб, даврада ифодаланган олов томонга юзини бурганича елкасини ўйнатиб таъзим билан даврадан чиқиб кетади. Раққоснинг ҳар бир ҳаракати томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинган.

Ўша вақтда бачча ролини бажартган, ҳозир Урганиш шаҳрида истиқомат қилувчи 80 ёшли Қурбонбой шартами Тўлдошев бу ўйинни қандай ўйнаганиligини шундай эслайди: «Мен 10 ёшимдан бошлаб ўғлон бола сифатида созандалар билан тўй ва томошаларга қатнашдим. Бу ўйинда қуёш ва олов ҳамма гуноҳлардан тозаловчи эканини кўрсатиб бериш билан бирга, севги-муҳаббат ҳам оловдек чўғли эканини ифодалаб бериш талаб қилинади. Мен бу ўйинга чиқишдан олдин, шойи кўйлак, шойи иштон, узуи елак, маҳси кийиб, узун кокил сочимни орқамга юбориб қиз қиёфасига кирадим. Бошимга ипак рўмолини ташлаб даврага чиқар эдим. Даврадагилар мени қиз бола деб ўйлаб, ўйин охирида яна шу қиз ўйнасин деб талаб қилганлари ҳали эсимда. Қадим замонлардан бери ўғлон бола қиз қиёфасига чиқиб ўйнаши устозлардан бизга мерос бўлиб ўтиб келган эди»<sup>1</sup>.

Бу ўйиннинг номи «Мўри» дейишлишининг ўзи оловга сиғиниш билан bogliq, ўchoq ва uning mўrisiga oila ramzi sifatiida muқадdas dеб қараш эътиқоди асосида вужудга келганини кўрсатади. Ўйин ва қўшиқ мазмунида сен дилбарга назари тушган киши севги ўтида қуёйиб мўри бўлиб тутун чиқаради, ноз-ишванг билан менгагина эмас, бошқаларнинг ҳам муҳаббатига олов ёқасан, деган маъно ётади.

«Мўри» ўйини ошиқ ва маъшуқалар саҳнасини жонлантириш билан бирга юксак социал гояга ҳам эгадир. Хотин-қизларнинг исломгача паранжи-чачвонсиз ижтимоий турмушда актив роль ўйнаши ўз ифодасини топган. «Мўри» ўйинидаги актёр грим ва костюм ёрдамида эркак қиёфасидан қиз қиёфасига кирган.

Фикримизнинг тўғрилигини XIX асрнинг иккичи ярмида ва XX асрнинг бошларидаги Ўрта Осиёда бўлган рус олимларининг ёзма маълумотлари ҳам исбот қиласди. 1865 йилдан бошлаб Ўрта Осиёни кезиб чиқсан машхур рус рассоми В. В. Верещагиннинг ёзишига қараганда бачча ўйинга чиқишидан олдин алоҳида хонада тайёргарлик кўрган. Ўнга қиз кийими кийгизилади, бошига узун ва майдага ўрилган соч маҳкамланади. Унинг устидан ярқираб турган ипак рўмол ўралади. Қош ва киприкларига қора ранг суртилади, юзига ёруғ қилиб кўрсатадиган нарса ёпиштирилади. Ў қиз қиёфасига томошабинлар олдига чиқади. Томошабинлар уни дўстона ва қизгин кутиб оладилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 3 август, № 11.

<sup>2</sup> Очерки, наброски, воспоминания В. В. Верещагина. Туркестанский сборник, т. 343. СПб, 1883 г., стр. 54, 55.

дагида маълумот беради: «1910 йиллар эди. Ўзимдан катта акам Оташих Авеметов (1898—1979) билан тўй ва томошаларда Канарак бола — Матлатиф Саидов, Раҳим Оллобергановлар «Норим-норим» ўйинини ва бошқа ўйинларни қиз ва эр қиёфасида чиқиб қойилмақом қилиб ўйнаётганларини кўрдик ва бизлар ҳам санъаткор бўлишга аҳд қилдик ва ияятимизга етдик»<sup>1</sup>.

XIX аср охири, XX аср бошларида «Оразибон» ўйини ҳам қўшиқ билан бирга ижро этилган. Бунда бир киши музика чалган. Икки ўғлон бола ўйинга тушган. Уларнинг бири қиз қиёфасида, иккичиси йигит кийимида даврага чиқсан.

Кўй чалиниши билан иккаласи қарама-қарши томонда туриб ўйнаб бир-бирига нозу карашма билан қараб ҳалқ қўшиқларидан дуэт шаклида ижро этишган:

#### Йигит:

Кўз учи билан боқасан,  
Қиймириб қошинг қоқасан.  
Навало ичим ёқасан,  
Уртама мени, эй ёрим,  
Қийнама мени, эй ёрим.

#### Қиз:

Кўз учи билан боқмайман,  
Қиймириб қошим қоқмайман.  
Навало ичинг ёқмайман,  
Уртама мени, эй ёрим,  
Қийнама мени, эй ёрим.

Йигит ва қиз гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга қараб, ёнбошлиб қадам ташлаб қўшиқ айтишда давом этадилар. Қиз чап қўли билан юзига парда қилиб ташланган беда гулли рўмолини қиёкўтариб, ўнг қўлини йигитга узатгандай ҳаракатга келтиради. Йигит ҳам қизга қараганча ёнбошга юриб, чап қўлини кўксига қўйиб ўнг қўлини қиз томон чўзиб қўшиқка қўшиқ билан жавоб беради. Қўшиқ охрида йигит:

Мен бир ошиги бечора,  
Ўйнатиб кўзинг бир қара.

#### Йигит ва қиз биргаликда:

Дардимга бўлгин сен чора  
Уртама мени, эй ёрим,  
Қийнама мени, эй ёрим —

дуэти айтилиб йигит ва қиз белига қўлинини қўйиб ўйин билан давра ўртасида бир-бирига яқинлашадилар ва кейинга тисланиб даврадан ёнбошлиб ўйнаб чиқиб кетадилар.

Революциядан аввал «Оразибон» ўйинини Хоразмда Канарак бола Саидов, Раҳим Оллоберганов, Раззоқ ота Омоновлар ўйнаб келганлар. Ҳозирда бу ўйинни уларнинг шогирди — ЎзССР халқ артисти, пенсионер Каримжон Раҳимов, унинг шогирди ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Зоя Гаффорова ижро қилиб келаётир<sup>1</sup>.

«Оразибон» ўйинининг бошқа вариантини хоразмлик Бобо тўқтўқнинг хазорасплик шогирди 75 ёшли Худойберган тўқ-тўқ Абдураҳмонов ва 60 ёшли Озоджон Жабборов ижросида тиклашга эришдик.

Озоджон Жабборов қадимдан тъадиция бўлиб келган «Оразибон» ўйинини ўғлон болаларга ўхшатиб ўйнаш учун бошига оқ ипак рўмол ташлаб, қиз қиёфасида ўйинга тушди. Худойберган тўқ-тўқ эса ўйин музикасини оғзида чертиб қўшиқ кўйлаб турди:

Токи мендек бечорага тордир олам, ёр-ёрей,  
Енди жоним, эй қурбонинг бўлсин, ёр-ёрей.  
Мен йиғлаб ўти<sup>2</sup> кўчаларинг лой бўла қўйсин,  
Мен куйлаб ўтин тоғларинг ҳам қор бўла қўйсин.

\* \* \*

Сен ўзинг кичкинасан мунча балони биласан,  
Нозу карашманг билан ўлдириб тиргизасан.  
Гала қоним, эй гал-ей, оқ сина бўйлим, гал-ей,  
омон, омон.  
Гала, Лайлым, гал-ей, оқ сина бўйлим, гал-ей,  
омон, омон.

\* \* \*

Мен ўзи бўз боламан, бўз ерда битган лоламан,  
Қўй олиб, қўчкор олиб, Султон Вайсга бораман,  
Гала қоним, эй гал-ей, оқ сина бўйлим, гал-ей,  
омон, омон.  
Гала, Лайлым, гал-ей, оқ сина бўйлим, гал-ей,  
омон, омон.

Ўйинчи қўшиқ мазмунига қараб бошидаги рўмолидан мўралаб қараб, қўз сузиб, қўз узиб, баъзан ғамгин, баъзан гулгун қиёфада имо-ишоралар билан ўйинни давом эттиради. Ўйин ҳаракатла-

<sup>1</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1980 йил, 3 июнь, № 2.

<sup>2</sup> Ути — ўтиб кетайини.

<sup>1</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1980 йил, 10 август, № 13.



Онажон халфа Собирова гармонъ чалиб, қўшик кўйламоқда (XX аср бошлари).

Сумалакка слов кун ботиш олдидан то кун чиққунча бўлган даврда узлукен ёқилиб турилади. Илгари сумалакка кетадиган буғдои кўки ва ўтии ҳам барча жамоа аъзоларидан йигиб олинган<sup>1</sup>. Пишган сумалакини кайвони ёки катхудо<sup>2</sup> хотин оз ҳисса қўшганга ҳам, кўп ҳисса қўшганга ҳам, ҳатто ҳисса қўшмаганга ҳам етишига қараб бўлиб беради.

Кўринниб турибдикни, сумалак сайли матриархат даврдаги ибтидоий коммунизм элементларини ўзида гавдалантирган маросимилиги билан ажralиб туради.

К. Маҳмудовнинг кўрсатишига қараганда, сумалак пишириш одатининг ислом дини билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки Европа, Африка қитъаларида, Ҳиндистонда, Покистонда ва Иndonезияда яшовчи мусулмон аҳолининг биронтасида ҳам сумалак тайёрлаш одати учрамайди<sup>3</sup>.

Сумалак сайли билан bogliq «Ашшадарози» ўйини ҳам ибтидоий давр элеменtlарига эгалиги билан ажralиб туради.

Биринчидан, «Ашшадарози» ҳаммадан баланд бўлиб, бу билан хотин-қизларнинг матриархат давридаги ҳукмроилигини кўрсатади. Йккичидан, сумалак тайёрловчилар сумалакларни айлан кун чиққан вақтга тўғрилаб пиширадилар, бу қўёш тангрисига сифиниш белгиси сифатида нишонланиб келинган бўлиши керак. Учинчидан, «Ашшадарози» сўзининг ўзи ҳам қадимги хоразмийлар тилидан ёдгорлик эканлиги билан ажralиб туради. «Ашшадарози меварам, вақти намози беварам» сўзларини ўйининиг мазмунига қараб «Сарвиқомат ёки узун бўйлим ўйин қил, тоиг отгунча, мабода» тарзида таржима қилиш мумкин. Чунки ҳозирги Хоразмнинг жанубий районларида яшовчи ўзбекларнинг шевасида «ашшадарози» ёки «дароз» сўзи, ўта «узун бўйли», беўхшов «узун бўйли» маъносида, «беварам» сўзи эса мабодо, балки маъносида қўлланади. «Меварам» сўзи эса бизнингча, «ўйин қит» маъносини берса керак. «Вақти намози» сўзи эса ҳозирги форстожик тилида намоз вақти, эрта билан маъноларига эга<sup>4</sup>.

Професор В. В. Решетов «Ўзбек шеваларининг классификацияси» номли мақоласида «Хоразмнинг жанубий қисмидаги бир қанча шевалар ўзбек тилининг ўғиз лаҳжасига тааллуқlidir. Хоразмнинг Хива, Ҳонқа, Шовот, Ҳазораеп, Газавот, Янгиариқ, Шўрахон, Урганч сингари аҳоли яшайдиган пунктларида, шунинг-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, II том. Тошкент. «Фан» нашриёти, 1971, 513-бет.  
<sup>2</sup> Кайнони ёки катхудо хотининиг бир-биридан фарқи йўқ. Хоразмда ҳар иккаласи ҳам йўлбошли ёки ранг маъносига эга.

<sup>3</sup> К. Маҳмудов, Сумалак, «Гулестон» журнали, № 4, 1968, 23-бет.

<sup>4</sup> Г. Қиаличев. Ашшадарози ўйинин қайта тикласак. «Совет Узбекистони санъати» журнали, № 6, 1983, 14-бет.

### Ашшадарози қиз:

Күлгимни гўрсатмиман,  
Олтин сирга олмийманам,  
Маломатга қолмиманам,  
Гатсанг бошим садоғаси.

### Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам.  
Оёғингни гўрсат мангага,  
Мўза<sup>1</sup> кавуш олай санга.  
Ман тетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

### Ашшадарози қиз:

Оёғимни гўрсатмиман,  
Мўза кавуш олмиманам,  
Маломатга қолмиманам,  
Тетсанг бошим садоғаси.

### Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам.  
Қўлийгни гўрсат мангага,  
Билозик<sup>2</sup> олай санга.  
Ман тетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

### Ашшадарози қиз:

Қўлимни гўрсатмиман,  
Билозик олмиманам,  
Маломатга қолмиманам,  
Гетсанг бошим садоғаси.

### Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Ун бармоғингни ўйнатиб,  
Қизил тилингни сўзлатиб,  
Боқкан онангга бир салом.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Мўза — ажойиб, сайсал берилган.

<sup>2</sup> Билозик — билагузук.

<sup>3</sup> Ашшадарози ўйинида айтиладиган диалоглар, 1975 йилнинг 10 ноябринда ҚҚАССР Тўрткўл районидаги «Қирққизобод» колхозида истиқомат қилувчи 70 ёшли Биби момо Қозоқовадан ёзиб олиниди, № 30.

Шу билан айтишув ниҳоясига етади. Ашшадарози қиз ва йигит кайвони хотинга эгилиб салом беради. Сўнгра иккови изма-из бошқа хонага чиқиб кетадилар. Сумалак даврасига йиғилган хотин-қизларнинг галма-гал ўйинкулги ва қўшиқ айтишувлари давом этади.

«Ашшадарози» ўйини ҳам бошқа хотин-қизлар ижросида тақорланади<sup>1</sup>.

Юқоридаги саҳнадан кўриниб турибдики, йигит парда ичига яширингани қизнинг ҳаммавақт рад жавобини эшигади.

Қиз эса ўз севгисини пинҳоний сақлашга интилади. Бу ўйин жуда қадимий бўлиб, шу билан бирга оғзаки сатирик театр элементларига жуда бойлиги билан ажralиб туради. Тўрткўл районидаги «Қирққизобод» колхозида истиқомат қилувчи 90 ёшли Бика момо Собированинг берган маълумотига қараганда, «Ашшадарози» ўйини ташкил қилинмаса, сумалак қиёмига етиб пишмайди, сабаби хотин-қизларнинг пири Биби Фотима Сумалакка бош-қош бўлмайди, деб тушунгандар<sup>2</sup>.

К. А. Задихинанинг аниқлашича, Хоразмда сумалак пишиш арафасида Биби Фотима беш бармоғини уради, шундагина у пишиди, деб жуда қадим замонлардан буён ишониб келганлар<sup>3</sup>.


К. Маҳмудовнинг «Сумалак» номли мақоласида кўрсатилишича сумалакни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган одатлар ибтидой йиғим-теримнинг деҳқончилик билан алмашган пайтларида ёки жамиятнинг ёввойиликдан варварликка ўтиш давларидаги урфодатларга ўхшашлиги яқол сезилиб туради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> «Ашшадарози» ўйинини Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи 69 ёшли Солиҳ момо Собирова ва 65 ёшли Дўиди момо Оллобергановадар ижросида тикладик, 1974 йил, 25 апрель, № 5.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1974 йил, 10 февраль, № 3.

<sup>3</sup> К. А. Задыхина. «Узбеки дельты Аму-Дарья». Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции. 1945—1948 гг., т. I. М., изд-во Академии наук СССР, 1952 г., с.р. 394.

<sup>4</sup> К. Маҳмудов. «Гулистон» журнали, 1968, № 4, 23-бет.



Курбонбой Жиров Тожибоев қўбиз чалиб, достон куйламоқда (1950 йил).

рокчиларига салом беради. Шундан кейин давра иштирокчиларидан бири қўйидаги қўшиқни айтади:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам<sup>1</sup>  
Ги бармогингни ўйнатиб,  
Қизил тилингни сўзлатиб,  
Боққан онангга бир салом!

Ашшадарози эса турган ерида узоқдан кайвони ёки катхудо хотинга эгилиб салом беради.

Ашшадарозининг ҳар бир ҳаракати иштирокчиларнинг шўх кулгиси ва қарсаклари билан қарши олинади, иккинчи томондан даврага эркакча кийинган хотин-қизлардан бири чиқиб, «Ашшадарози» ролидаги хотин-қиз билан айтиша бошлайди:

Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам.  
Бошингни гўрсат манга,<sup>2</sup>  
Рўмоллар олай санга.  
Ман гетаман<sup>3</sup> шаҳри Қўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.<sup>4</sup>

Ашшадарози қиз:

Бошимни гўрсатмиман<sup>5</sup>  
Рўмоллар олмиманам<sup>6</sup>  
Маломатга қолмиманам<sup>7</sup>  
Гетсанг бошим садағаси.

Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам.  
Бурнингни гўрсат манга,  
Олтин аравак олай санга.  
  
Ман гетаман шаҳри Қўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

<sup>1</sup> Бу сўзларнинг маъноларига кейинроқ тўхталиб ўтамиш.

<sup>2</sup> Гўрсат манга — кўрсат менга.

<sup>3</sup> Гетаман — кетаман.

<sup>4</sup> Санга — сенга.

<sup>5</sup> Гўрсатмиман — кўрсатмайман.

<sup>6</sup> Олмиманам — олмайман ҳам.

<sup>7</sup> Қолмиманам — қолмайман ҳам.

Ашшадарози қиз:

Бурнини гўрсатмиман,  
Аравак олмиманам,  
Маломатга қолмиманам  
Гетсанг бошим садағаси.

Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Бўйингни гўрсат манга,  
Зар кўйлаклар олай санга.  
Ман гетаман шаҳри Қўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

Ашшадарози қиз:

Бўйимни гўрсатмиман,  
Зар кўйлаклар олмийманам.  
Маломатга қолмийманам  
Гетсанг бошим садағаси.

Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам  
Бармогингни гўрсат манга,  
Олтин юзик<sup>1</sup> олай санга.  
Ман гетаман шаҳри Қўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

Ашшадарози қиз:

Бармоимни гўрсатмиман,  
Олтин юзик олмиманам,  
Маломатга қолмиманам,  
Гетсанг бошим садағаси.

Иигит:

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Кулоғингни гўрсат манга,  
Олтин сирға олай санга.

<sup>1</sup> Юзик — узук,

томуша қилардик. Айниңса ўғлон болаларнинг эр ва қиз қиёфа-сіда чиқиб айтишувлари, араваларнинг поездга ўхшаб бир отнинг изидан судралиб боришлари, уннинг устига мингап йигит-қызларнинг ўйинни томоша қилиб боришлари, күчаларда уларни кузатиб турған халқыннег күплиги ҳозир ҳам хаёлимдан тизилиб-тизи-либ ўтади. Бу ўйин томошалари Хоразмда революциягача давом қилди»<sup>1</sup>.

Революциядан кейинги даврда эса бу лапар билан айтиладиган ўйинлар театр сақнасига күчирилди. ЎзССР халқ артисти Каримжон Раҳимов бу ўйин лапарларини «Норим-норим» күйінде мослаб сақналаشتырды.

Илгари сайилларда ўйналадиган энг севимли «Қовун-қовун» ўйини Хоразмда қовун пишганда ўйналадиган ўйин сифатыда вұжуда келган.

Бу ўйин қовунини әкіб парваришиш, у етилиб пишгандан кейин уни күриб қувониши ва ниҳоят узиб, түри ва мазасига қараб сарапаш моментлари пантомимик ифода этилади. Ўйинде қовун сарапаш моменти бир неча тактада акс эттирилган.

«Қовун-қовун» ўйинини иккі ёки ундан күп раққос ўйнаган. Улар бир-бирига қараб ёки группа-группага қараб қовунларни сарапаш бир-бирига отаётгани, қовунлар бир-биридан шириң эканлиғи ўйин ва сўз орқали таъкидлаб ўтилади. Раққослар қовун сайлаб бир-бирига отаётгандан ўйин тактика қўшиб қўшиқ айтадилар.

Қовун-қовунлар дедим,  
Мазали қовунлар дедим.  
Эй ширинноввот дедим,  
Гурвак қовунлар дедим.

Қовун-қовуилар дедим,  
Шириң қовунлар дедим.  
Оқ безоди, кўк безоди,  
Қаринқиз қовунлар дедим.

Раққослар ҳар бир текта ўйиндан кейин «Қовун-қовунлар дедим», деб такрориб айтиб, түрли хил қовунларнинг номини қўшиқка қўшганлар.

Ўйин охирида раққос ҳаракатларини тезлаштыриб, касб-коридан шодликка тўлганликларини қўл, оёқ, елка ва мимик ҳаракатларда ифода этадилар<sup>2</sup>. Бу ўйинни илгари қовун сайили қатнаш-

чилари бўлган ёш болалар ҳам ижро этганлар. Улар кўпинча сайилга турли хил қовунларни олиб бориб, ўйин давомида уларнинг номини айтиб имо-ишора билан кўрсатганлар. Сайил қатнашчилари давра айланиб «Қовун-қовун» ўйинларини томоша қилганлар. Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги Қирқиз обод колхозида истиқомат қилувчи 80 ёшли Зариф ота Қиличев берган маълумот фикримизни янада тўлдиради:

«Бизлар ёш вақтимизда отамиз билан Жагил авлиёга қовун сайилига борганимизда турли қовунлар намойиш қилинганини кўрганман. У ерда айниңса «Қовун-қовун» ўйинида аввал иккі йигит, сўнг тўрт ёш бола ўйинга қўшилди, иккі қарни киши ҳадеб ўйиннинг давом қилишига ёрдамлашди. Ўйинчилар алмашиб, ҳар гал ўйин қайтадан бошланиб турди. Бу ўйинни кўп марталаб кўришимга қарамай, биринчи кўрганим ҳали кўз ўнгимдан кетмайди»<sup>1</sup>.

«Қовун-қовун» ўйини халқ театрининг энг қизиқарли томошаларидан ҳисобланган. Бу ўйин революциядан кейин ўйналинимай қўйган. Ўйин қўшиқлари ва бутун тафсилоти қарияларининггина эсида қолган, холос.

«Ширинноввот» ўйини ҳам Хоразмда XX асрининг 20-йиллари гача ўйналган. Ўйин қовун сайили билан боғлиқдир<sup>2</sup>. Қиз ва йигитлар орасида бўладиган бу ўйинга катта айвони бўлган бир уй танлаб олинган. Бунда йигитлар томга чиқиб, айвоннинг тепасида дераза ўрнида қўйилган тўйнукдан ип билан бойланиб узун арқонга уланган ширинноввот қовунини айвон ичидаги қизларга узатадилар.

Қовун пастига тушганда қизлар қий-чув этиб қовунга ташланадилар, қовун юқорига тортилганда сакраб уни олишга итиладилар. Йигитлар қовунни жуда юқорига тортеса, қизлар ҳазил-мутонба қилиб орқага чекинадилар. Қовун пастиласа, уни ушлашга югурадилар. Бу ўйинни йигит ва қизлар ўйнаб ҳоригунча давом эттирганлар. Ўйин бошидан бошлаб «Ширинноввот» ўйини билан боғлиқ йигит ва қиз айтишуви давом этган.

### Йигитлар:

Ширинноввот қовунимиз,  
Мазасидан томади бол.  
Фарҳод каби беллашамиз,  
Шириң бўлиб кўнглимиз ол.

### Қизлар:

Ўйнанг қизлар, ўйнанг қизлар,  
Боғда гулдай яшнашайлик.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 5 август, № 12.

<sup>2</sup> Т. Қиличев, «Ширинноввот ўйини», «Совет Узбекистони санъати» журнали, 1985, № 1, 24—25-бетлар.

Чапаев номли, Богот районидаги Победа номли, Урганч районидаги Ленин номли колхозда истиқомат қыладилар<sup>1</sup>.

Келтирилган мисоллар «Ашишадарози» ўйини билан боғлиқ халқ комик театри элементлари қадимги хоразмликлар тили, ижтимоий турмушни тарихи билан чамбарчас боғланганилигини кўрсатади.

Г. П. Снесаревнинг кўрсатишига қараганда, сумалак тайёрлашнинг ўзи генетик жиҳатдан ўсимликларнииг ўлиши ва тирилишига сингиниши натижасида келиб чиққан<sup>2</sup>.

Шундай экан, «Ашишадарози» ўйини ҳам сумалак сайили билан боғлиқ бўлганилиги учун, шубҳасиз, Хоразмда деҳқончилик маданияти вужудга келиши муносабатларига ҳам боғлиқдир.

Г. П. Снесаревнинг аниқлашига қараганда илгари вақтларда сумалакни ғалла экиш кунига тўғри келадиган қилиб тайёрлагандар<sup>3</sup>.

«Ашишадарози» ўйини қуёш таңгрисига, оловга сингиниши одатларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Чунки ўйин илгаридан кечаси гулхан атрофида ташкил қилинган. Эрта билан кун чиқини сайил қатнашчилари ўйин-кулги билан кутиб олганлар<sup>4</sup>. Берунийнинг ёзишига қараганда: «Эронликларда наврўз куни бир-бирларига шакар ҳадя қилиш расм бўлган эди... бунинг сабаби наврўз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган»<sup>5</sup>.

Бизнингча, сумалак сайили ва унинг билан боғлиқ «Ашишадарози» ўйини ҳам баҳор байрами «Наврўз» билан боғлиқ юзага келган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Биз учун энг муҳими ўйинининг театр элементларига эга бўлишинидир. «Ашишадарози» ўйинининг қизиқарли томони шундаки, анишадарози ролида ўйнаётган кишининг қиёфаси Тупроққалъадан топилган ниқоб билан рақс тушувчилар<sup>6</sup>ни эслатади.

Сайилларда бўладиган оммавий ўйинлардан бири «Аравадаги ўйин» деб аталади. Бунда бир от уч аравани тортган. Олдинги аравадан созанда-тўяндалар, рақкос ўғлон болалар жой олган. Ўғлон болалар музика жўрлигига турли ўйин-кулги қўлганлар, бир-бирлари билан лапар айтишганлар. Бири йигит қиёфасида бошига барра қўзининг терисидан бўлган ихчам ишланган кўк шерози телинагини кийган, эгнига олачадан ишланган узун елак (костюм) кийган. Оёғига маҳси-калиш кийиб олган, қиз қиёфасидаги ўғлон

<sup>1</sup> Ю. Жуманазаров. Қадимги хоразмликлар тилини биласизми? «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1973, 25 август.

<sup>2</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков. Хорезма, стр. 213—226.

<sup>3</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков. Хорезма, стр. 212.

<sup>4</sup> Кўёшга, оловга сингинишидан кейинчалик зардуштийлик динига ўтилган.

<sup>5</sup> Абу Райхон Беруний. Таинланган асрлар. I том, 255-бет.

<sup>6</sup> С. П. Толстов. Хоразм мәданийатини излаб, 349-бет.

бала эса бошига дўзийли дўппи кийиб, йўнгичқа гулли рўмолини дўппи устидан ташлаб қўйган, эгнига эса узун кўйлак, узун елак кийиб ўйнаган.

«Аравадаги ўйин» лапаридан айрим намуналар келтирамиз:

Иигит:

Юнинг, боғга кирайлик,  
Кел ёрим, аста-аста.

Қиз:

Қизил гуллар терайлик,  
Кел ёрим, аста-аста.

Иигит:

Богим менинг мевазор,  
Ҳарна истасанг тайёр.

Қиз:

Менинг bogim олчазор,  
Ҳарна истасанг тайёр,

Иигит:

Богим эшигин очиб,  
Оҳиста қадам босиб,

Қиз:

Бўйинг бўйимга муносиб,  
Кел ёрим, аста-аста<sup>1</sup>.

Арава сайилни айланиб ўтаётганда аравадагилар устидан турли мева-чевалар сочилади.

Хивадаги XIX аср охири XX асрнинг бошларида «Аравадаги ўйин»да Давлат бола, Раззоқ бола, Юсуф болалар ном қозонган ўйинчи ва қўшиқчи бўлганлар.

Аравадаги қиз ва йигит қиёфасида чиқиб айтишган ўғлон болаларнинг ҳаракатлари Европа театрлари актёrlарига яқин бўлган.

Урганчда истиқомат қилувчи 81 ёшли Рейим ота Машариповнинг берган маълумоти «Аравада ўйин»нинг Хоразмда оммавий ўйинлардан эканлигини янада ойдинлаштиради: «Мен 6-7 ёшли римда болалар билан сайилларга бориб «Аравада ўйин»ни мириқиб

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 1 август, № 10.

дек, Тўрткўл шаҳрида ҳам ўғиз лаҳжасининг вакиллари жуда кўп<sup>1</sup>, деб кўрсатади.

Текширишлар «Ашшадарози» ўйинини В. В. Решетов тилга олган, қадимдан аҳоли яшаб келган территорияларда анъана тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келганинги ишбот қиласди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмга келган рус сайдхларидан Н. Муравьев<sup>2</sup> ва Г. И. Данилевский<sup>3</sup> ҳам Хоразм аҳолисини иккига бўлиб, Хиванинг шимолида ўзбеклар, жанубида сартлар яшайди, деган хулоса чиқардилар. К. Л. Задихина сарт ва ўзбекларнинг қадимги тарихига тўхталиб, «сартлар воҳадаги қадимги эрон тилида сўзлашувчи аҳолининг авлоди бўлиб, юксак деҳончилик маданиятини қадимги цивилизацияли Хоразмдан ўрганган, кўчманчи ўзбекларнинг сартларга қараганда хўжалик маданияти паст даражада эди»<sup>4</sup>, деб кўрсатган.

Ҳозирги вақтда ҳам Хоразмнинг шимолидаги ўзбеклар билан жанубидаги ўзбеклар бир-биридан фарқ қиласди. Жануб ўзбеклари уругини яхши ажратолмайди<sup>5</sup>, шимол ўзбеклари эса уругини яхши билади. Решетов шимолий Хоразм ўзбекларининг тилидаги диалектларни ҳақли равишда ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига кирилади<sup>6</sup>. С. П. Толстовнинг фикрига қараганда эрамизгача бўлган 2 минг йилликдан аввал Хоразмга ғарб томондан ҳинд-европа, ҳинд-эрон қабилалари кириб келади<sup>7</sup>.

Эрамиздан аввалги XI—X асрларда жанубий ва шарқий этник маданий элементларнинг чатишиш процесси форсий тилда сўзлашувчи «қадимги хоразм халқини вужудга келтиради<sup>8</sup>. 1951 йили Кўйқирилганқалъадан топилган хўмда орамей ёзувида эронча «Аспабадак» сўзининг бўлиши фикримизни янада равшанлаштиради<sup>9</sup>. Унинг маъноси «от миниб турган» деган маънони беради. Академик Я. Ф. Фуломов «Кат ёки кат» сўзи қадимги эрон терминологиясида уруғ ёки унинг бирон бўлаги яшаган девор билан ажратиб олинган катта ҳовлини билдиради<sup>10</sup>,— дейди.

В. В. Решетов. Узбек шеваларининг классификацияси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1966 йил, № 1, 7-бет.

<sup>2</sup> «Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819—1820 гг. Н. Муравьева» Ч. II. М., 1822, стр. 36.

<sup>3</sup> Описание Хивинского ханства, составленное в 1843 г. подполковником штаба Г. И. Данилевским. «Зап. РГО». кн. V, СПБ, 1851 г., стр. 102—114.

<sup>4</sup> К. А. Задыхина. Узбеки дельты Аму-Даръи, стр. 332.

<sup>5</sup> К. А. Задыхина. Узбеки дельты Аму-Даръи, стр. 333.

<sup>6</sup> В. В. Решетов. Узбек шеваларининг классификацияси. «Ўзбек тили адабиёти» журнали, 1966, № 1, 7-бет.

<sup>7</sup> С. П. Толстов. Хоразм маданиятини излаб, 357-бет.

<sup>8</sup> С. П. Толстов. Уша асар, 360-бет.

<sup>9</sup> С. П. Толстов. Уша асар, 367-бет.

<sup>10</sup> Я. Ф. Фуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 47-бет.

Шубҳасиз, ҳозирги Беруний шаҳрининг қадимги «кат қалъаси» номи шу тариқа келиб чиққан бўлиши керак. Бизнингча, кат-худо сўзи ҳам уруғ бошлиғи деган маънони билдира керак.

О. Мадраҳимов «Хоразм сўзининг маънолари»<sup>1</sup> номли мақоласида С. П. Толстовнинг «Хвари» замин қабиласининг ери деган маънони билдиради<sup>2</sup>, деган фикрини қувватлайди.

Ю. Жуманазаров ҳозирги ўғиз деалектида хоразмликлар, туркманлар, озарбайжонлар, қорақалпоқ (қипчоқ) тилларига яқин лексик-грамматик формалар сақланиб қолганлигини кўрсатади<sup>3</sup>.

Ўғизлар насл-насаби жиҳатдан орол бўйи массагет, алан қабилаларининг чатишуви ва унга шарқдан VI—VII асрларда Етти-сувдаги ҳақиқий турк элементларининг келиб қўшилуви натижасида IX—XI асрларда ўғизлар пачанакларнинг шарқий группаси билан бирлашиб, Хоразм шаҳарларини эгаллай бошлайдилар<sup>4</sup>.

Аланларнинг бир қисми Кавказга кўчади. Абу Райҳон Беруний «Қонуни Масъудий» асарида алан халқларининг Каспий денгизининг жанубида (Кавказда) мамлакат ва қалъалари бор»<sup>5</sup> деб кўрсатади. Улар эроний халқ бўлиб, кейинчалик осетин халқининг таркибига кирган<sup>6</sup>. Н. М. Маллаев «Эрон тиллари группасидаги тиллар Урта Осиёда асосан ҳозирги Тожикистон территорииясидаги аҳолининг тили бўлиб қолди. Шунинг билан бу тил асрлар мобайнида Фарғона, Суғд ва Хоразмда ҳам сақланб қолди»<sup>7</sup>, деб кўрсатади.

Хоразм тили сўзлашув ёки ёзув тили сифатида араб ва тожик тили қаторида ўз аҳамиятини XIII аср охириларигача сақлаб қолган<sup>8</sup>. А. А. Фрейманнинг кўрсатишига қараганда Хоразм тили XIII—XIV асрлардан кейин тамомила турклашади<sup>9</sup>.

Хоразмда ўтроқ бўлиб қолган, қадимги Хоразм халқи таркибига кирган алан ва tot қабилалари номлари унтилиб кетса ҳам лақаб сифатида ҳозирча сақланиб келмоқда.

Хоразм обlastининг Хазорасп райони территорииясидаги анчагина ўзбеклар шу лақабларда аталади. Бофот районида Осёб номли ариқ мавжуд. Tot лақабли кишилар Янгиарқ районидаги

<sup>1</sup> О. Мадраҳимов. Хоразм сўзининг маънолари. «Фан ва турмуш» журнали, 1970 йил, № 2, 31-бет.

<sup>2</sup> С. П. Толстов. Хоразм маданиятини излаб, 31-бет.

<sup>3</sup> Ю. Жуманазаров. Қадимги хоразмликлар тилини биласизми? «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1973 йил, 21 август

<sup>4</sup> С. П. Толстов. Хоразм маданиятини излаб, 260—262-бетлар.

<sup>5</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб, 394-бет.

<sup>6</sup> Абу Райҳон Беруний. Уша асар, 547-бет.

<sup>7</sup> Н. М. Маллаев. Узбек адабиёти тарихи. Тошкент, УзССР «Ўрта ва Олӣ мактаб» нашриёти, 1963 йил, 33-бет.

<sup>8</sup> Народы Средней Азии и Казахстана, т. I, стр. 138.

<sup>9</sup> А. А. Фрейман. Хорезмский язык. М.—Л., изд-во АН СССР, 1951 г., стр. 32.

фасини бажарувчига ўралашиб, орқа томонга йиқилиб тушади. Даврала кучли кулги бошланади. Ҳаммалари жой-жойига ўтирадилар. Вазир эса бурунги тартибда янги подшодан ижозат сўраб, ўйинни давом эттиради.

Ўйин давомида даврадагилар подшо ва унинг вазирига қаттиқ бўйсунадилар. Ўйин давраси уч-тўрт соатлаб давом этган. Ўйин флақат кўнчиликнинг илтимосига биноан, подши ролида ўйнаётган кишининг буйргуга биноан тўхтатилган, холос. Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 75 ёшли Абдулла ота Абдалниёзовнинг берган маълумотига қараганда «Подшо-вазир» ўйини Хоразмда совет театри ташкил тоғуничча бўлган даврнинг энг қизиқарли томошаларидан бири бўлган<sup>1</sup>.

Хоразм обlastининг Ҳонқа шаҳрида истиқомат қилувчи 86 ёшли санъаткор Искандар ота Раҳмоновнинг берган маълумоти биз учун жуда қимматлидир:

«Мен 10-15 ёшли вақтларимда тўйларда бериладиган зиёфат ёки йигитлар ташкил қилган гурунгларда<sup>2</sup> «Подшо-вазир» ўйини бўлмай қолганини кўрган эмасман. Менинг санъатга бўлган қизиқишими кучайтирга, ўйин ва қўшиқ айтишга ўргатган мактаб ҳам, саҳна ҳам «Подшо-вазир» ўйини ўйналадиган меҳмонхона бўлган эди»<sup>3</sup>.

Бизнингча «Подшо-вазир» ўйинининг келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Гарчи ўйинда даврлар ўтиши билан арханг элементга эга бўлган сўз ёдгорликлари сақлаимаган бўлса ҳам, ўйин саҳнасидағи ҳаракат узоқ ўтмиш билан боғлангандир.

К. Маркс 1871 йилнинг 23 нояброда Ф. Болтьега ёзган хатида: «Эскириб қолган нарса янги пайдо бўлган формалар доирасида тикланиб ва мустаҳкамланиб олишга интилади»<sup>4</sup>,— деб кўрсатган эди. «Подшо-вазир» ўйинида ҳам подшолик тузумдаги бошқариш системаси акс этгандек бўлиб кўринса ҳам подшони таҳтдан ташлаш каби кўпчилик иштирокида ёки халқ вакилларининг талабига биноан узоқ давр ҳукмронлик қилган кишига жазо бериш моментлари бизга уруғдошлик тузуми бузилиши давридаги ҳарбий демократияни эслатади.

Абу Райхон Беруний мағрибдаги бир шаҳар тўғрисида маълумот келтириб: «У ерда давлатни идора қилишлик навбатма-навбат таникли кишилар билан дехқонлар ўртасида қўлдан-қўлга ўтар экан»,— дейди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 23 май, № 13.

<sup>2</sup> Гурунглар — зиёфатга ўхшаш, унда кўпроқ йигитлар ўзаро пул йигиб зиёфат ташкил қиласидилар.

<sup>3</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил 30 май, № 24.

<sup>4</sup> К. Маркс. Фридрих Болтьега. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик асарлар, 2-том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, 477-бет.

<sup>5</sup> А. Ж. Шарипов. Берунийнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари. Беруний ва ижтимоий фанлар, 77-бет.

Қўриниб турибдики, «Подшо-вазир» ўйини ҳам шунга ўхшаш қўринишга эга.

Маълумки уруғдошлик тузуми равиақ топган замонда мавжуд бўлган бошқариш органлари, халқ йигилиши, оқсоқоллар кенгаши, йўлбошчи, лашкарбоши ҳарбий демократия даврида ҳам шаклан сақланиб қолади. Бу даврда юқоридаги ижтимоий ташкилотлар ўз моҳияти жиҳатидан ўзгаради.

Ҳарбий демократия даврида зодагонлар халқ йигинида ҳам, оқсоқоллар кенгашида ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади. Йигилишларда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар қатнашиб, улар ҳарбий қуролларини тақиллатиш ёки қичқириш билан зодагонларнинг қарорларига ўз муносабатларини билдирадилар<sup>1</sup>.

«Ҳарбий бошлиқ, кенгаш, халқ мажлиси,— деб ёзган эди Ф. Энгельс,— уруғдошлик жамиятининг ривожланиб ҳарбий демократияга айланяётган органларини ташкил этадилар»<sup>2</sup>.

«Подшо-вазир» ўйинида подшо халқ орасидан сайланади ва халқ орасида ўтириб арз сўрайди. Унинг подшолиги эса тож кийиши билангина атрофдагилардан фарқ қиласиди. Даврадагилар ҳарбий кишилардек подшонинг ҳамма буйруқларини адо этадилар. Қизиги шундаки, озми-кўпми ҳамма айборлар жазолади.

Утмишда Хоразм халқи ҳам ҳарбий демократияни ўз бошидан кечирганилигини академик С. П. Толстов ва Я. Ф. Фуломов<sup>3</sup> ўз асарларида алоҳида таъкидлаб кўрсатганлар.

Ф. Энгельс кўрсатганидек, «...масалани мантиқий нуқтаи назардан текшириш усули бирдан-бир ўринли усул эди»<sup>4</sup>. Шу нуқтаи назардан ёндошгандан «Подшо-вазир» ўйини билан боғлиқ томошанинг келиб чиқишига Хоразмда ўзига хос хусусиятга эга бўлган ибтидоий демократия асосий манба бўлган десак хато бўлмаса керак.

Жуда қадимги замонлардан бизгача етиб келган «Подшо-вазир» ўйини тарихий воқеълик сифатида авлоддан-авлюдга ўчмас саҳна «копия»си бўлиб келган. С. П. Толстовнинг фикрига қарангандай исломгача бўлган даврда Ўрта Осиёдаги эркаклар ўйи — меҳмонхоналарда жамоат овқатланадиган ва эски ўйин маросимлари

<sup>1</sup> Д. Г. Редер, Е. А. Черкасова. Қадимги дунё тарихи. I қисм, 72-бет.

<sup>2</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 3-том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, 379-бет.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 78—79-бетлар.

Я. Ф. Фуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 83—85-бетлар.

<sup>4</sup> Ф. Энгельс, К. Маркс. Сиёсий иқтисод танқидига доир. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, I том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980 йил, 567-бет.

Хоразмда узоқ замонлардан бүён үйналиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган үйинлардан бири «Подшо-вазир» үйинидир. Бу үйин тўй ва зиёфатларда, гурунгларда йигитлар даврасида навбатма-навбат ошиқ отариш (ташлаш) йўли билан бошланган ва давом этган.

Ошиқ сўйилган қўйининг кейинги икки оёғи тиззаси бўғимидан ажратиб олинган. Ошиқнинг тўрт томонини ҳам ўз номи бўлиб, унинг юқоридаги ботиқ томони — олчи-подшоҳ, пастки текис томони — товва-вазир, ёнбош қабариқ томони — пикка-сўғи (айбиз), унга қарама-қарши бўлган ботиқ томони — чикка гуноҳкорликни билдирган.

Бу үйинда йигитлар даврасининг ўнг томонидаги киши ошиқ ташлаб үйинни бошлаб берган. Сўнгра галма-гал ўз навбати билан ошиқ ташлаш давом этиб, даврани қайта-қайта айланаверган.

Ошиқ ташлаш давомида подшо ва вазир аниқланмагунча гуноҳкорлар ҳисобга олинмаган. Подшо ва вазир эса ошиқ ташлаш йўли билан давра иштирокчиларидан сайланган.

Вазирлик лавозимига эришган киши қамчикдек эшиб тайёрланган дуррани қўлига олади ва ошиғи олчи тушган кишининг олдига бориб, унга подшоҳлик тожи сифатида салла ўрайди. Сўнгра иккови орасида (иккови ҳам чўкка тушиб ўтирган ҳолда) сухбат бошланади:

Вазир. Ассалому алайкум, подшоҳим, хизматнингизга келдик (*қўй олишиб саломлашадилар*).

Подшо. Хизматимизга ярайсизми?

Вазир. Хизматнингиз билади.

Подшо. Халойиқни тартибга чақиринг.

Вазир. Хўп бўлади (*вазир даврадагиларни подшо қандай ўтирган бўлса, шу тахлитда ўтиришга мажбур қиласди*.)

Вазир. Подшоҳим, халойиқ тинч. Иўргани<sup>1</sup> юритишга ижозат беринг.

Подшо. Иўргани юритинг. Навбати келган киши ошиқни ташлайди. Ошиғи пикка тушса, ошиқ навбатдаги кишига ўтади. Агар ошиғи чикка тушса, дарҳол вазир подшога мурожаат қиласди.

Вазир. Подшоҳим, дод.

Подшо. Арзингни айт.

Вазир. Мен бир ўғри тутдим.

<sup>1</sup> Иўргани — ошиқни.

Подшо. На<sup>1</sup> ўғриси?

Вазир. Олма ўғирлаётгандан тутдим.

Подшо. Олма узган қўлига беш жуфтдан дарра уринг.

Айбдор. Подшоҳим, арзим бор.

Подшо. Айбдор, арзингни айт.

Айбдор. Шеригим бор.

Подшо. Шеригини ҳам синааб кўринг.

Яна навбатдаги киши ошиқ ташлайди. Унинг ошиғи пикка тушса айбдор билан иккови турли подшога «қўуллуқ, подшоҳим» деб таъзим қилиб ўтирадилар. Агар чикка тушса, подшо ҳар икки айбдорни ҳам беш жуфт даррадан уришга буюради. Ҳукмни вазир ёки унинг топшириғи билан даврадаги бир киши ижро қиласди. Бунда ҳам айбдорлар ҳукмни ижро қилувчи билан бирга подшога «қўуллуқ, подшоҳим» деб таъзим қиласдилар. Подшонинг ижозати билан улар ўз үринларига ўтирадилар.

Вазир эса яна подшодан руҳсат олиб, үйинни давом эттиради. Үйин давомида кимнинг ташлаган ошиғи чикка тушса, уларнинг ҳар қайсисига вазир турли айблардан бирини рўкач қиласди. Подшонинг буйруғи билан от ўғриси давра айлантириб минилади ва отдай кишинатилади. Эчки ўғрисини уриб маъратадилар. Эшак ўғриси ҳам эшакдай ҳанграйди ва минилади. Вазир баъзан подшога, Сизнинг ҳузурингизга битта раққосани олиб келаятгандим, бу киши уни ўғирлаб кетди, дейди, айбдорни кўрсатиб, подшо эса ундан раққоса бўлиб «Лазги» ёки «Норим-норим», «Оразибон» кўйларидан бирига ўйнаб беришни талаб қиласди. Айбдор эса хотин-қизлар кийимини кийиб даврадош музикачилар чалган кўйларга ўйнаб берган. Шунингдек, айбдорлар қўшиқ айтишга, масҳарабозлик қилишга, эртак, афсона ва латифалар айтиб бернишга ҳам мажбур бўлганлар.

Үйин давомида подшо ва вазир тез-тез ўзгариб туради. Подшо ўзгаргандага вазир аввалги подшонинг тожини янги подшога кийгизиб, унинг олдини тозалаган бўлиб, гўё чиққан хослари эски подшо олдига отаётгандек ҳаракат қиласди. Агар аввалги подшо ўйин тўрт-беш давра айлангунча подшолик қиласди бўлса, янги подшо сайлангач, эски подшони даврадагилар таҳтдан ағдариб ташлашини талаб қиласдилар<sup>2</sup>.

Шу вақт вазир икки киши ёрдамида аввалги подшони ўрнидан тикка турғазади. Улардан бириси унинг орқа томонига ўтиб икки қўйини ерга тираб таҳт вазифасини бажаради. Бир киши эски подшони зарб билан орқага суради. Натижада подшо таҳт вази-

<sup>1</sup> На — нима.

<sup>2</sup> Үйин тағсилоти ҚҚАССР Тўрткўл районидаги Қирққизобод колхозида ёзувчовчи 90 ёшли Раҳим ота Шариповдан ёзиб олинди. Авторнинг дала ёзувлари, 1976 йил, 10 август, № 11.

Ширинонвот бир баҳона  
Ошиқ күнглиң хүшләшайлык.

Кызлардан эничилрөги ширинонвот қовунини ушлаб олади. Йигитлар қовуи билан бирга у қизни ҳам юқорига тортадилар. Қызлар эса у қызға әнишиб шин настга тортадилар. Охирида қызлар қовунини йигитлардан тортыб олади. Қызлар йигитларни изза қылладилар. Йигитлар эса уларға таш берадилар:

Қызлар:

Ширинонвот, ширинонвот  
Марлар утун мазназ өбөд  
Басма-басла еңгиздингиз.  
Энди сизде бұлама қувват.

Йигитлар:

Үйин үйнаб еңгилдик биз,  
Киңе бокмай күйдирманигиз.  
Ширинонвот үйнадик деб  
Қоши қовоқ уйдирманигиз<sup>1</sup>.

Шу билан үйин ниҳоясига етади.

Үйин айтишувларыда ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилиш талаб қыллинган. Шу билан бирга үйин халқ театрининг оммавий қүрнешини үзиде аке эттиргани билан ҳам қимматлидири.

«Қыз қувиши» үйини XX асрнинг бошларигача бўлған даврда Хоразмининг шимолида яшаган ўзбеклар орасида сайилларда ўтказилган. Бунда от пойгасида қатнашадиган чопқир отга чавандоз қызлардан бири минади. Иккинчи отга уйланимаган йигитлардан бири минади. Қыз йигитнинг кўзини шамгалат қилиб отга камчи уради. Йигит ҳам унинг изидан отини ниқтаб ҳайдайди. Йигит қызга етиб олса, қызниң отини ҳам ҳайдашиб, биргаликда от қувишиб томоша кўрсатадилар. Агар йигит қызға ета олмаса, қувишида давом этади. Томошабинлар қий-чув қилиб йигитни изза қыладилар. Қыз эса отини үйнатиб, йигит оти етдим-етдим деганда етказмай отига камчи уради. Қыз қувиши үйини то отлар ҳоригуича давом этган. Бу үйинга чиққан йигит-қизининг үйини охирласа, навбатдаги қиз-йигитлар үйинни давом эттирган.

1868 йилда чиққан «Туркестанский сборник» нинг XVI томида М. Михайлов қурбон ҳайити кунлари Қирғиз (қозоқ — Т. К.) ларда қызлар ва йигитлар иштирокида қиз қувиши томошаси ўтказилади,

<sup>1</sup> Үйин тафсилоти ва қўшиги автор томонидан 1980 йилнинг 10 декабрида ҚҚАССР, Эллиққалъа районидаги Кирққизбод колхозида яшовчи 82 ёшли Қызич ота Ниёзовдан ёзиб олинди, № 22.

йигит от миниб, отда қочган қизиниң изидан етса, уни ўнади, етмаса, ҳамманиң кулгисига қолади<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Гурлан районидаги «Коммуна» колхозида истиқомат қилувчи 80 ёши Ҳасан Жумамуратов «Қыз қувиши» үйини ҳақида қизиқарли маълумот беради. «Мен ёш вақтимда Гурланда мачит яқинида сайиллар бўларди. Сайилларда қизни йигит отда қувинарди. Базъзан йигит қиз изидан қувиб етиб, қучоқлаганларни ҳам кўрганиман. Қыз йигитга ета олмай изза олганини ҳам биламан. Мен 10-15 ёшларга стганимда бу үйин иегадир қолиб кетди»<sup>2</sup>.

Р. Жалоловининг кўреатинига қараганда қиз қувиши одати матриархат даврининг қолдиги сифатида Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент областининг чорвадор районларида яшаетган ўзбекларда кейинги давргача сақланиб келган<sup>3</sup>.

Шимолий Америкадаги Чокта қабиласида ҳам матриархат даврида никоқ вақтида «қиз қувиши»га ўхшаш маросим ўтказилган. Унда белгиланган мэррада йигитдан қочган қиз йигитга тутқич берса никоҳга розилиги, тутқич бермаса никоҳга норозилиги деб тушуингилар<sup>4</sup>.

Бизнингча, қиз қувиши үйинининг келиб чиқиши илдизи ҳам Хоразмда ибтидоий жамоа даври охирларида матриархат турмуши билан бөглиқ никоҳдан ўтиш маросими га бориб тақалади. Энг муҳими «Қыз қувиши» үйинини халқ қизиқиб томонча қилишинидир.

<sup>1</sup> М. Михайлов. Қирғиз. «Туркестанский сборникъ», т. XVI. СПб., 1868, стр. 124.

<sup>2</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1974 йил, 10 декабрь, № 14.

<sup>3</sup> Р. Жалолов. Сеҳрли эртаклар ва ҳаёт. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1977, № 2, 67-бет.

<sup>4</sup> М. О. Коевен. Очерки истории первобытной культуры, стр. 127.

«Минг» қадамдан таңга нулии  
урганига,  
Мен тегаман шул қирагай мерғанға!—

деб шарт қўяди.

ҚҚАССР Элликқалъа районидаги Ленин номли колхозда истиқомат құлувчи 83 ёшли Шермат Отаниёзовининг маълумотига қараганда жуда күп замонлар бурун «Олтин қобоқ» урганига олтии тўла қобоқ берилар экан. Бу кейинчалик от, ҳўкиз ва туяга алмаштирилган. «Бизлар ёш вақтимизда ҳам қирқ-эллик мерған Охирида бир мерған олтии қобоқни урар эди, кейнироқ бу ўйин қолиб кетди»<sup>2</sup>. А. Вамберининг кўрсатишича: «Олтин қобоқни урганга олтии қобоқдан ташқари бир неча қўй ёки от ва тую ҳам берганлар»<sup>3</sup>.

«Олтин қобоқ» ўйинида мерғанлар бир-икки мартараб, уч-тўрт мартараб отишма қылганлар. Ҳеч бир мерған «Олтин қобоқ»ни ура олмаса то уни ургунча отишма павбати келаверган.

Ўйинининг чўзилиши мерғанларининг чандастлигига боғлиқ бўлган. «Олтин қобоқ»ни мерғанлар ура олмаган вақтлар ҳам бўлган. Бу жиҳатдан ҳам ўйин томошабини диққатини ўзига кўпроқ жалб қила олган. Бизнингча, «Олтин қобоқ» ўйинини ўйналиш тарихи ўқ-ёйни вужудга келиш даврига бориб тақалади. М. О. Коственинг кўрсатишича, ўқ-ёй эса ибтидоий жамоа даврида ихтиро қилинган<sup>4</sup>.

«Арқон тортиш» ўйини ҳам Хоразм тўйларида қизиқарли томоша ҳисобланади. Бунда ўйин майдонида 10 метрлик бақувват арқонини ҳар бир учини ўйтадан одам ушлаб икки тарафга тортилар. Тортишма узоқ давом этади. Қайси тараф кучли бўлса, иккинчи тарафдаги ўн кишини ўз томонига судраб ўтади.

Томошабинлар голиб томонни қизғин табрикласа, мағлуб тараф кишиларини иззага қолдирадилар.

ҚҚАССР Элликқалъа районидаги Ленин номли колхозда истиқомат құлувчи 80 ёшли Латиф Хўжаев ўйин тафсилотини янада ойдинлаштиради: «Мен ёш вақтимда тўйларда куёв томон билан келин томонининг, бир овул билан иккичи овулнинг арқон тортишганларини томоша қилғаиман»<sup>5</sup>. Ҳозирги вақтда арқон тортишда район район билан, колхоз колхоз билан тўй ва томошаларда, пахта байрамларида куч синашади.

<sup>1</sup> Алномишиш. Достон, Тошкент, Ғаффур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1979 йил, 115-бет.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 10 июль, № 8.

<sup>3</sup> А. Вамбери. Очерки Средней Азии, М., 1868 г., стр. 94.

<sup>4</sup> М. О. Коствени. Очерки истории первобытной культуры, стр. 53, 54.

<sup>5</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1980 йил, 19 октябрь, № 18.

«Арқон тортиш» ўйинининг тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Бу ўйинда уругдошлиқ давридаги бир-бирига қарама-қарши уруғларининг кураши акс этган. Бизнингча, энг муҳими «Арқон тортиш» ўйинининг халқ театрининг қизиқарли томошаларидан бири бўлиб келганилигидир.

«Кураш» ҳам тўй ва томошаларда муҳим ўрин тутади. Уни ташкил қилишда тўй катхудоси биринчиликка даъвогар полвонининг иомини, унинг қаердан келганилигини эълон қилади. Сўнг унга қарши курашувчининг иомини эълон қилади. Шу вақтда ҳар иккала полвон курашга шай ҳолда томошабинлар даврасига чиқадилар. Кураш ташкилотчиси «бошланг» деб буйруқ бергач, иккаласи бир-бирига яқинлашиб, курашишга тушади. Қайси полвон рақибини йиқитиб елкасини ерга теккиса, шу полвон курашда галаба қозонган ҳисобланади.

Тўйда бир неча полвон жуфт-жуфт бўлиб, кураш майдонида куч синашади. Биринчиликни олган полвон кўпинча ҳамма тўйларда биринчиликка чиқиши истагини билдираверган. Биринчи мукофотга қўй, иккинчига мол териси, учинчи, тўртичи, бешинчисига озроқ пул билан рўмол берилган.

Хоразм халқининг тўйларида кураш томошаси ҳам қадимий халқ театрининг бизнинг кунларимизгача сақланиб келган формаларидан биридир. Чунки курашда ўз фратрияси ичидан чиқсан кишилар бир-бири билан курашиши мумкин эмасди. Фратриядаги-дек ҳозирги вақтда ҳам полвонлар ўз қариндош-уругларидан бўлган кишиларга қарши курашга чиқмаслиги, чиқса ҳам ёши улуғ кишини ҳурмати учун атайлабдан таслим бўлиши фикримизнинг далилидир.

Хоразмдаги тўй ва томошаларда от пойгаси одати мустаҳкам ўрин олган. Бундай пойгада қатнишадиган отлар бир ёшга етгандан бошлаб алоҳида парвариш қилинган, ўзини югуртириб кўрилган, ёшроқ бола, кейнироқ каттароқ бола мингизиб ўргатилган. Ниҳоят кучга тўлгандан кейин бу отни пойгага қўшадиган бўлганлар.

Пойга йўл имкониятига қараб 20—30 километр узоқликда ташкил қилинган, бунда пойгага от қўшганлар отларининг бошини тенглаштириб, буйруқни кутиб турган. Буюрувчи қўлини юқорига кўтариб, бир оздан кейин «Ҳайданг» деб қўлини паастга тушириши билан отларга қамчи босилган. Томоша майдонида турган халқ кимнинг оти олдинроқ келаётганини кўриш учун сабрсизлик билан кўз тикиб турганлар. Болалар уй тепаларига, дарахтларининг шохинга чиқиб, биринчи, иккичи, учинчи кўринган от кимнинг оти эканлигини билишига ошиққанлар. Чавандозлар отларига қамчи уриб, қистаб бир-биридан ўтиб ниҳоят томошабинлар олдига, белгиланган маррага етиб келадилар. Отни олдинда келган пойга голиби

ўйналиши жиҳатидан озроқ бўлса-да, «Подшо-вазир» ўйни ўйналишини эслатади.

Т. Оллоназаров ўзининг «Қорақалпоқ совет театри манбалари ва шаклланиши» номли асарида «Аға бий» ўйинида ҳам театр элементлари кўпроқ кўзга ташланишини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Бу ўйин қатнашчилари ролларни ўзаро бўлиб оладилар. Ўнда хон, вазир, қози, муфти, ясовул ва оддий ўйин иштирокчилари қатнашади. Бунда хон «Аға бий» ва бошқалар ўйин иштирокчиларининг уйига навбати билан зиёфатга борадилар. Ҳар бир уйда ўйин иштирокчилари янги қўшиқ тўқишилари ва ўз санъатини намойиш этишлари керак. Шу шартни бажармаган айборларга қози шариат қонунидан жазо топиб, ит бўлиб ҳуришга, бўри бўлиб увлашга, от ёки эшак ўрнида минилишга буйруқ беради.

«Аға бий» ўйинида ҳам диалог, монолог (шеърий саволга шеърий жавоб) асосий ўрин тутади. Ясовул эса айборларга дарра билан уриб жазо беради. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, қорақалпоқлардаги «Аға бий» ўйини билан Хоразм ўзбекларидаги «Подшо-вазир» ўйини орасида боғлиқлик мавжуд.

Б. Х. Кармишеванинг кўрсатишига қараганда, XIX аср бошлиридан аввалроқ Хоразмда бирлашган ўзбек қиёт-қўнғиротлари уруғи катта жуз, ўрта ва кичик жуз қозоқ қўнғиротлари уруғи билан генетик боғлиқ бўлиб, қорақалпоқ, туркман, эрон тилида сўзлашувчи группалар билан қўшилиб кетган<sup>2</sup>.

Антрапологик текширишлар ҳам Ўрта Осиё ҳалқларининг этник ва ирқий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ эканлигини исботлаб берди<sup>3</sup>.

Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман ҳалқлари тарихий ривожланиш жараёнида сиёсий-иқтисодий ҳам маданий турмуш жиҳатидан алоқада бўлиб, бир-бирига таъсир қилиб, бир-бирини бойитиб келганлар. Шунинг учун ҳам «Подшо-вазир» ўйинининг Хоразм воҳасида яшайдиган ҳалқлар ўйинларига ўхшашлиги табиий ҳолдир. Биз учун энг муҳими бу ўйиннинг саҳна санъатига ўхшаб кетишидир. «Подшо-вазир» ўйини Хоразмда XX асрнинг 40-йилларигача ўйналиб келинган. Ўйин тафсилоти фақат қарияларининг эсидагина сақланиб қолган.

«Олтин қобоқ» отиш ўйини Хоразмда кенг тарқалган ўйинлардан бири бўлиб келган<sup>4</sup>. Олтин қобоқни ташкил қилишда аввало

<sup>1</sup> Т. Алланазаров. Каракалпакский советский театр. Истоки и формирование. Ташкент, 1956 г., стр. 32—37.

<sup>2</sup> Б. Х. Кармишева. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., изд-во «Наука», 1976 г., стр. 49.

<sup>3</sup> Қорақалпакистон АССР тарихи 1-том. Нукус, 1975 йил, 134-бет.

<sup>4</sup> И. Т. Сагитов. Қорақалпоқ ҳалқининг қаҳрамонлик эпоси. Нукус, 1963. 346-бет. Илгари қорақалпоқ ҳалқи тўйларида Олтин қобоқ отилган. Қаранг: Х. Есбергенов, Т. Атзумурадов. Традиции и их преобразование, стр. 99.



Назира ҳадфа Собирова (гармонда), Амина Қурёзова (доирада) ва Назира Бойжоновалар Хоразм облест телестудиясида музика чалиб, қўшиқ айтмоқдалар. (1980 й.).

5-6 метрлик узун ёғочдан тўрттаси бир-бирига улаб боғланади, сўнг кўтарилиб учига қўйининг орқа оёғидан олинган ошиқ ёки танга пул ип билан боғланади. Шу боғланган ошиққа ёки танга пулга «Олтин қобоқ» дейилади. Олтин қобоққа қадимда ўқ-ёйдан ўқ узганлар, кейинчалик милтиқ ихтиро қилингач, милтиқдан ўқ узганлар. Олтин қобоққа ўқ теккизган кишига от ёки тия берилган. «Олтин қобоқ»ни уриш учун мерғанлар саф тортиб турғанлар ва навбати билан ўқ узганлар. Томошабинлар уларнинг мерғанилигини кузатғанлар. Олтин қобоқни урган мерғанин тўй томошабинлари кўтариб ўйин ташкилотчиларининг олдига олиб борғанлар. Томошабинлар уни давра айланиб кўплаб юқорига отиб яна ушлаб олганлар. Одамлар қий-чув бўлиб, шодликларини билдириб голиб мерғанин табриклагайлар.

Ўзбек ҳалқининг қаҳрамонлик достонларидан бири бўлган «Ал-помиш» достонида ҳам Барчин:

Ёй тортишса ёйи синмай қолғанга,  
Мен тегаман шул ёйандоз полвонга.

ўтказиладиган жой бўлган<sup>1</sup>. «Подшо-вазир» ўйини ҳам традиция сифатида меҳмононадарда ўтказилиб келинган.

Бизнинг учун энг муҳими ўйиннинг театрлашганигидир. Ўйинда драма санъатининг содда формаси намоён бўлган. «Подшо-вазир» ўйинида подшо ва вазир, айборд ва ҳукмни ижро қилувчилар бирга тез орада бадиий образ яратишга муваффақ бўладилар. Ўйин иштирокчилари саҳнадагидек диалоглар ёрдамида фикрлашадилар ва ҳаракат қиласалар.

Лекин актёрларга маҳсус бутафория ва костюм (амалий декоратив санъат) етишмайди, грим ва бошқа синтетик санъат ёрдами йўқ. Шунга қарамай бу ўйин томошабин кўз олдида яхлит воқеани гавдалантириб боради. Москва бадиий театрнинг асосчиларидан бири бўлган Вл. И. Немирович-Данченко театр ҳақида ажойиб фикрни илгари сурган эди: «Сиз ажойиб бино қуришингиз, улуғвор директор ва администраторни ўтқазишингиз, музыкантларни таклиф қилишингиз мумкин ва шундай бўлса ҳам театр бўлмайди, мана, майдонга уч актёр чиқди, гиламча тўшайди ва пьеса ўйинини ҳатто гримсиз ва муҳитсиз бошлайдилар, ана шунда театр бўлади»<sup>2</sup>.

Шу нуқтаи назардан «Подшо-вазир» ўйинини театр элементларига бой дейиш мумкин. А. Облонский «Туркман театрнинг туғилиши» номли мақоласида бошқа миллатларда бўлганидек «бу санъат минг йиллардан кўпроқ вақтдан буён ўзига хос драма санъати формасида туркманларга таниш эди», — деб ёзган эди<sup>3</sup>. Бу санъат қўшиқ айтиш, топишмоқ, турли ўйин-кулги ва бошқа формаларда тараққий қилиб келган. Н. Нуржонов тожик халқининг «Подшо-вазир» ўйинида ҳам содда драма санъати кўриниши борлигини таъкидлаб ўтади<sup>4</sup>. Бу ўйиннинг ҳам Хоразмда ўйналиб келинган «Подшо-вазир» ўйини билан ўйналиш жиҳатидан анча яқинлиги бор.

А. Д. Авдеев «Театрнинг келиб чиқиши» номли асарида қадими ўйинларининг театр санъатининг вужудга келишидаги хизматини таъкидлаб, рус халқи орасидаги «қирол» ўйинига алоҳида тўхталиб ўтади. Бу ўйинда ҳам ўйин иштирокчиларидан бири Қирол қилиб сайланади. Ўйинчилар ўта қарам киши сифатида таҳтга чиқсан қиролни табриклаш учун келадилар. Қирол ролида ўйнаётган киши таҳтда қирол қиёфасида намоён бўлади<sup>5</sup>. Бу ўйин


<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм. Издание МГУ, Москва, 1948, стр. 317.

<sup>2</sup> Вл. И. Немирович-Данченко. Статьи, речи, беседы, письма. М., 1952 г., стр. 134.

<sup>3</sup> А. Облонский. Зарождение Туркменского театра. Туркменоведение, 1928 г., № 3—4, стр. 52.

<sup>4</sup> Н. Нурджанов. Истоки народного театра у таджиков. Автореферат. 1951 г., стр. 6.

<sup>5</sup> А. Д. Авдеев. Происхождение театра. М.—Л., изд-во «Искусство», 1959 г., стр. 35.



Хива. Дорбоз ўйини (XIX аср охири). X. Девонов фотоси.

«Гулруҳ пари», «Авазнинг Чамбилга олиб келиниши», «Қирқ мииг» каби достонларни қаҳрамонлик достонлари қаторига киритади<sup>1</sup>. Қадимдан бўён хоразмлик бахшилар одатда тўй ва томошаларда яхшироқ кўринадиган супача устида ёки ёғоч кат (каравот) устида ўтириб дутор чертиб достон айтганлар<sup>2</sup>. Бахши достоннинг тушунтириш текстини ҳам ўзи тушунтирган. Кўшиқларини эса кўйга солиб айтиб берган.

Маълумки, Хоразм достонлари бир кечада сўз ва соз билан куйлаб тамомлашига (кун ботгандан ярим кечагача бўлган мухлатга) мўлжалланган<sup>3</sup>.

Хоразм достонларининг ихчамлиги ҳам томошабин-тингловчи дикқатини бахши санъатига кўпроқ жалб қилган.

Бахши достон воқеасини ўз сўзи, ўз куйи билан громисиз, костюмсиз бўлса ҳам, юксак темперамент билан актёrlарча тушунтириб бера олган. Бахши достон воқеаларининг салбий ёки ижобий моментларидаги тушунтириш текстларини овозтонини воқеага қараб ўзгартирган, дутордан қўлни олиб, қўли билан саҳна актёридек ишора қилиб кўрсатган, мимик ҳаракатлар ҳам қилган. Натижада достон воқеалари тингловчи тасаввурнида саҳнадагидек жонланган. Шунинг учун ҳам Н. Т. Чернишевский: «Санъатининг энг муҳим аҳамияти кишининг турмушда қизиқадиган нарсасини тасвирлаб кўрсатишдир»<sup>4</sup>— деб ёзган эди. Хоразм бахшилари ҳам томошабин қизиқадиган воқеаларни алоҳида таъкидлаб, тасвирлаб берган. Шу билан тингловчидан яхшилика муруват, ёмонликка нафрат ҳиссини вужудга келтира олган.

«Театр» сўзининг асл маъноси «кўриш», «кузатиш» дейилганилигини эсласак<sup>5</sup> бахшининг достонни ижро қилиш пайтидаги томошабинни ўзига жалб қилиши бир актёри театрга ўхшаш дейишимизга имкон беради. Хоразм достонлари қаҳрамонлари бахши ижросида бир-бири билан мақсад йўлида фикр олишадилар, бир-бирига қарши курашадилар. Натижада тингловчи томошабин тасаввурнида кучли драматизм саҳнаси намоён бўлади. Биз қўйида баъзи. Хоразм халқ достонларидаги драма

<sup>1</sup> О. Мадаев. Хоразм достонлари. «Хоразм ҳақиқати» газетаси. 1970 йил, 10 январь.

<sup>2</sup> Кўнгирот, Хўжайли, Чимбой ва Тўрткўл шаҳарларида бахши ва жравларга тўй ва томошаларда саҳнага ўхшаш қилиб ишланган кат ясаб, устида ўтириб достон айтиш учун имконият яратиб берилганилигини таъкидлайди. Қаранг, Т. Алланазаров. Каракалпакский советский театр, стр. 39.

<sup>3</sup> Ж. Қобулийёзов. Кириш сўзи. Ошиқ Маҳмуд, Авазхон, Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1970 йил, 9-бет.

<sup>4</sup> Н. Г. Чернишевский. Санъатининг воқеаликка эстетик муносабатлари. Таңланган адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, Узбекистон ССР Давлат нашриёти, 1956 йил, 406-бет.

<sup>5</sup> А. Алим уҳамедов. Анттик адабиёт тарихи, 109-бет.

элементлари ва саҳнавий кўринишларини мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

Гўрўғли туркумидаги достонлар силсиласига кирган «Авазхон» достонини олиб қўрайлик. Унда достоннинг марказий қаҳрамони Авазхоннинг Ҳунҳоршоҳ зулмига қарши отланиб, ўз йигитлари билан етиб боргани, у ерда подшо айгоҷчилари томонидан қўлга олниб зиндоинга ташлангани, подшоҳнинг шартларини бажаришдан бош тортгани учун ўлимга ҳукм этилиши ва шунда отаси Гўрўғли етиб бориб озод этиши каби воқеалар акс этган.

Достондаги Гўрўғлининг Авазхонни излаб Ҳунҳоршоҳ томонига етиб келиб Авазхон ҳақида хабар топмоқчи бўлиб изтироб чекиб турганида Ҳунҳоршоҳ боғида «бир неча қизлар-жувонлар томоша қилиб, саир этиб, кайфу сафо сурниб»<sup>1</sup> юрганини ва бир қиз уларга қўшилмай четга чиқиб қон йиғлаб ўтирганини кўриб, у билан шеърий сұхбат ўтказган саҳнаси алоҳида киши дикқатини жалб қиласди.

Гўрўғли:

Парилар ичинда сансан бекарор,  
Паризодим нечун кийдинг қорани.  
Узга пари сенек эмас бекарор,  
Паризодим нечун кийдинг қорани.

Киз:

Бугун манга охирзамон бўлибди,  
Унинг учун ман киймишам қорани.  
Аваз келиб бунда банда бўлибди,  
Анинг учун ман киймишам қорани.<sup>2</sup>

Гўрўғли ва қиз орасидаги диалог ёрдамида Авазхоннинг қирқ йигити билан эртага дорга осиб ўлдирилиши кераклиги, қизнинг эса Чамбильбелдан тутқин сифатида Ҳунҳоршоҳ боғига олиб келинганилиги маълум бўлади.

Гўрўғли тутқин Гулжондан Авазнинг ҳали тирик эканлигини эшитиб, севинади ва Авазни ўлимдан қутқазиш учун шошилди. Гўрўғли Ҳунҳоршоҳ олдига бориб ўзини қаландар сифатида танитади ва унинг хизматига киради.

Достонда Ҳунҳоршоҳ тўйи саҳнаси ҳам диалогларга бойлиги, воқеаларнинг ихчамлиги билан театр асари элементлари кўзга ташланади. Достонда бу воқеа саҳнаси қўйидагича тасвирланган:

<sup>1</sup> Ошиқ Маҳмуд. «Авазхон». Достонлар, 72-бет.  
<sup>2</sup> Уша жойда.

Бизнингча, энг муҳими «Кўк бўри» ўйинида қатнашган чавандозларнинг театр актёлариdek ўз мақсадлари йўлида бир-бирлари билан курашишлари ва ниҳоят рақибларидан бирининг ғолибчиқиши ўйиннинг майдон саҳнаси характерига эга эканлигини кўрсатади.

И. Жабборовнинг ёзишича тўй маросимлари халқ санъатининг ҳамма турларини ашула, рақс, музика, турли мусобақа ва спорт ўйинларини ўз ичига олган. Шу билан бирга бу маросим асосида чуқур қўлланган, пухта ишланган, давр синовидан ўтган «сценарий» ётади<sup>1</sup>.

Кўриб ўтган ўйинларимиз Хоразм халқ театрининг XX аср бошларигача бўлган даврдаги энг яхши санъат намуналари сифатида кўзга ташланади.

Умуман тўй маросимларида қўчкор уриштириш, кураш, олтин қобоқ отиш, от пойгаси каби одатлар ўзбек, қорақалпоқ<sup>2</sup>, қозоқ<sup>3</sup> ва туркман<sup>4</sup> халқларининг қадимдан энг яхши кўрган томошалари ҳисобланган.

## БАХШИ

Хоразмда жуда қадим замонлардан буён достончилик ривож топган.

Бу ерда халқ традицион достонлари халқ баҳшилари орқали оғиздан-оғизга ўтиб, сайқал топиб келган.

«Шунинг учун ҳам Хоразм халқи эъзозлаб келаётган фольклор хазинасининг энг қимматбаҳо дурдоналаридан бири достонлар ҳисобланади»<sup>1</sup>. «Авазхон», «Бозиргон», «Сайёдхон ва Ҳамро», «Қоракўз ойим», «Гулруҳ пари», «Шобаҳром», «Завриё», «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам», «Юсуп Аҳмад», «Кирқ минг» каби достонлар Хоразм халқи оғзаки ижодининг нодир бойлигидир.

Хоразм халқ достонлари ҳажми бошқа ўзбек халқ достонлари га қараганда кичикилги, шу билан бирга кўпроқ мусиқавийлиги билан ажрабиб туради.

Хоразм достонларининг тадқиқотчиларидан бўлган М. Муродов ва Н. Сабуров: «Хоразм достонларининг тонларини бевосита куй билан тинглаш керак, шундагина уларнинг руҳи ғоявий-маърифий ва бадиий эстетик таъсир қувватини тўлароқ тасаввур этиш мумкин бўлади»<sup>2</sup>,— деган тўғри фикрни илгари сурадилар.

Хоразмда достон куйловчиларни баҳши деб атаб келганлар. Баҳши сўзи форс тилидаги «баҳшидан» сўзига яқин бўлиши керак. «Баҳшидан» сўзини ўзбекчага таржима қылганда бағишиламоқ, инъом қилмоқ, кечирмоқ маъноларини билдиради<sup>3</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, баҳшилар бир воқеага бағишиланган достонларни ўз бошидан кечиргандай қилиб, санъаткорлик билан ижро қилиб келганлар. Баҳшилар дутор чертиб достонларни ёддан айтганлар. Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 80 ёшли Бекжон ота Давлетовнинг берган маълумотига қараганда: «Баҳшилар келин туширув тўйларида ишқий достонларни, бошқа тўйларда, сайил ва байрамларда эса кўпроқ қаҳрамонлик достонларини куйлаб келган»<sup>4</sup>.

О. Мадаев Хоразм халқ достонларидан «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро» достонини ишқий, «Бозиргон»,

<sup>1</sup> О. Мадаев. Хоразм достонлари. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1970 йил, 10 январь.

<sup>2</sup> М. Муродов, Н. Сабуров. Сўз боши. «Қоракўз ойим», «Гулруҳ пари», Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1967 йил, 4-бет.

<sup>3</sup> Форсча-ўзбекча ўқув лугати. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1979 йил, 45-бет.

<sup>4</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 25 май, № 14.

<sup>1</sup> И. Жабборов. Тақдирин инсон ўзи яратур. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти, 1974, 74-бет.

<sup>2</sup> Х. Есбергенов, Т. Атамуратов. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков, стр. 94. Т. Алланазаров. Каракалпакский советский театр. Истоки и формирование, стр. 18.

<sup>3</sup> С. Муканов. Истоки казахского народного театра. Журнал «Литературное искусство Казахстана», 1941, № 4, стр. 91.

<sup>4</sup> С. Г. Агаджанов. Брачные и свадебные обряды огузов Средней Азии и Казахстана в IX—XIII вв. Страны и народы Востока. Вып. 22; Средняя и Центральная Азия. География, этнография, история. Книга 2. М., изд-во «Наука», 1980 г., стр. 235, 236.

хисобланган. Уларга биринчи, иккинчи, учинчи мукофотлар берилган.

Томошабинлар уларни отидан күтариб олиб, қўлга киритган галабалари билан табриклаганлар. Оти кейинда қолганларни эса изза қилганлар. От пойгаси Хоразмда қадимдан давом қилиб келган томоша ҳисобланади.

1863 йилда Хива хонлигига келган венгер олими ва сайди А. Вамбери хиваликлар бир неча юз йиллик ўтроқ халқ бўлишларига қарамай, илгариги қаҳрамонлик давр ҳаётини маросимларида сақлаб келмоқдалар. От чоптириб завқланиш, голиб чиқиш учун кураш бу ерда тез-тез бўлиб туради. Ҳар бир бой тўйларида 9, 19, 29 от чоптирилади<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Н. Калмаковнинг кўрсатишича, Сирдарё областининг шимолий уездларида қирғиз (қозоқ) лар тўйларининг учинчи ёки тўртинчи куни от чоптириш — пойга белгиланади. Пойга голибларига от ёки пул, баъзан мол, чопон ва материал берилган<sup>2</sup>.

Келтирилган мисол от пойгаси Хоразм воҳасидаги тўйларининг энг яхши томошаси бўлиб келганлигини кўрсатади.

Академик А. Н. Самойлович XX аср бошларидаги туркманларининг тўйларида томошабинлар от чопниш, мерганликни кўриб бўлгач бахши тинглаш, кураш ва бошқа томошаларни кўриш учун диаметри беш сажен келадиган айлана ҳосил қиласидилар. Бу дашт учун оригинал характердаги ҳаётий амфитеатр бўлиб, биринчи қатордагилар чўкка тушиб ўтирадилар, иккинчидагилар тик турадилар, учинчидагилар от устида ўтирадилар, тўртинчи қатордагилар отлиқ, туяликлардан ташкил топган<sup>3</sup>, деб ёзган эди.

Маълумки Хоразмда ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва туркман халқлари бирга яшаб келганликлари туфайли тўй ва томошалари ҳам бир-бирига яқин бўлган. С. К. Камоловнинг кўрсатишига қараганда қорақалпоқлар ўзбек, туркман, ва қозоқларни ўз туғишиган оғом деб ҳисоблаб келганлар<sup>4</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда бу халқларнинг томошалари ҳам амфитеатр характеристида бўлганлигини айтиб ўтиш ўринидидир.

<sup>1</sup> Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по Восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научной целью по поручению Венгерской Академии в Пеште членом её А. Вамбери с 12 картинами и картою, стр. 290.

<sup>2</sup> Н. Калмаков. Некоторые семейные обычай киргизов северных уездов Сырдарьинской области. Кауфманский сборник Типолитографии. Т-во И. Кушнерова и К. Пименовой. М., 1910 г., стр. 222.

<sup>3</sup> А. Н. Самойлович. Туркестанское развлечение. В кн.: А. Н. Самойлович. Сочинения, том 2, СПб, 1909 г., стр. 4.

<sup>4</sup> С. К. Камалов. Каракалпаки в XVIII—XIX веках. Ташкент, изд-во «Фан» Узбекской ССР, 1968 г., стр. 166.

Умуман тўй маросимларида кураш, олтин қобоқ отиш, от пойгаси, музика ва қўшиқ билан ўйналадиган ўйинлар Хоразм халқининг энг яхши кўрган томошаларида ҳисобланган.

«Қўк бўри» ўйини ҳам Хоразмда машҳур ўйинлардан ҳисобланган. Бу ўйинни ташкил қилишда бир эчкининг бўйни кесилиб, қони оқизилгандан кейин яна бўйни ип билан тикиб қўйилади.

Эчки ўйин майдонига ташланади. «Қўк бўри»га қатиашмоққа келган отлиқ чавандозлар аввал даврани уч айланиб от чоптиришадилар. От чоптиришда оти ўзган чавандоз «Қўк бўри»ни от устида эгилиб олиб қочади.

Бу ўйинда ўргатилган отлар «Қўк бўри» ётган ерга борганиларида олдинги икки тиззасини ерга қўйиб олади. Бу билан от, эчкини эгасига тез ва осон олушига ёрдам қиласиди. Сўнг кейиндаги отларга тутқич бермай давра айланиб «Қўк бўри»ни олиб қочади. Унинг кетидан етиб борган бошқа отлиқ чавандозлардан бири «Қўк бўри»ни тортиб олади. Шундай қилиб галма-гал бир-биридан «Қўк бўри»ни тортиб олиб қочиб ўйнайдилар. «Қўк бўри»ни ўйин даврасида уч маротаба қайта майдонга ташлаб тақорорий ўйин қилинади. Тўртинчи маротаба ўйин даврасига қўйилган «Қўк бўри»ни ўйин охиридаги олишувда ўзида сақлаб қолган чавандоз ўйин голиби ҳисобланган.

Гурлан шаҳрида истиқомат қилувчи 72 ёшли санъаткор Худоёр Қуроловнинг берган маълумотига қараганда «Қўк бўри» ўйини ғолиби кўк бўрини ўзи билан олиб кетиб маҳалласидаги қўни-қўшиллари билан баҳам кўрганлар. Унинг гўштидан бир парчани узоқ бетоб ётган кишиларга дардига даво бўлсин учун едиргандар, териси ва жунидан юлиб олиб тумор қилиб осиб қўйиллар<sup>5</sup>.

Шу билан хоразмликлар «Қўк бўри» бизни ёмон кўздан, ёвуз кучдан, баҳтсиз ҳодисалардан ҳамиша ҳимоя қиласиди, ноchor қолсак кўмаклашади, деб унга сифинганлар, XI—XIII асрларнинг поёб тарихий обидаси «Ўғизнома»да Ўғизхоннинг жанговар чақириғи — урони сифатида қабул қилинган. «...мен сизга бўлдим қоғон, олиб қуролланинг ёй ва қалқон, бизга тамға бўлсин буён, кўк бўри урон!»<sup>2</sup> деб буйруқ беришининг ўзи «қўк бўри»га қадимдан топниб келинганилигини исбот қиласиди. Таниқли олим С. П. Толстов ҳам «Қўк бўри» ўйинидаги «Қўк бўри», яъни эчки танаси, қизлар ва йигитлар орасидаги жуда қадимги жинсий тотемизм кўриниши сифатида вужудга келганлигини кўрсатиб ўтган<sup>3</sup>.

Хоразмда «Қўк бўри» ўйини XX асрнинг 50-йилларигача тўй ва томошаларда ўйналиб келинган.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1974 йил, 9 декабрь, № 13.

<sup>2</sup> М. Жўраев. Қўк бўри авлодлари. «Фан ва турмуш» журнали, 1983 йил, № 3, 13-бет.

<sup>3</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм, стр. 284.

ди. Фарид қирқ кунлик йўлдан етиб келиб, ўзини кал баҳши қиё-  
фасига киритиб, Шоҳсанам кўшки тагида ўз наవбатида қўшиқ  
айтади. Фариднинг овозини таниган Шоҳсанам ўзини Фаридга қа-  
раб отади. Бу воқеани эшигтан шоҳ Аббос Фарид ва Шоҳсанамни  
ўлдиришга фармон беради. Аммо халқ Фарид ва Шоҳсанамни ҳи-  
моя қилиб қолади. Улар мурод-мақсадларига етадилар. Достон  
ихчам ва музикавий бўлиш билан бирга саҳнада ўйналишга ҳам  
мос. Шунинг учун ҳам хоразмлик драматург Юнус Юсупов достон  
асосида «Фарид ошиқ ва Шоҳсанам» музикали драма яратди<sup>1</sup>.  
Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қарақалпогистон Халқ  
артисти, композитор Комилжон Отаниёзов музика басталади<sup>2</sup>, ре-  
жиссёр А. Отақулов эса уни Хоразм область музикали драма ва  
комедия театри саҳнасига қўйди<sup>3</sup>. Бу асар Хоразм театрдагина  
эмас, Ўзбекистоннинг ҳамма театрларида, 1965—1970 йиллар мобайнида  
эса Тожикистон, Туркманистон, Татаристон АССР, Дагестон  
АССР театрлари саҳнасида ҳам муваффақият билан қўйилди<sup>4</sup>.  
«Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» достонида В. А. Абдуллаевнинг кўр-  
сатишича, «халқнинг XVI—XVII асрлардаги мусибатли ҳаёти ва  
феодал-клерикал зулмга қарши иорозилиниг аке эттирилган»<sup>5</sup>. Маъ-  
лумки, Хоразм халқ оғзаки ижодида «достон—эпос»<sup>6</sup> айтиш узоқ  
даврлардан буён асосий ўрин олиб келган.

«Эпос,— деб ёзган эди В. Г. Белинский,— халқнинг эндигина  
уйғонган оғигининг поэзия соҳасида биринчи пишган мевасидир»<sup>7</sup>.

Хоразм баҳшиларининг достон айтиш санъати ҳам бизнингча,  
уйғониш даври бошларида буён традиция сифатида авлоддан-ав-  
лодга ўтиб келаётган бўлиши керак. XVIII асрнинг охири ва XIX  
асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб, ижод этган баҳшилардан  
бири Эшвой баҳши «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам», «Юсуф Аҳмад»  
ва «Гўрўғли» циклидаги достонларни ёд билган. У Хоразм воҳасин-  
даги ўзбек, қарақалпоқ, туркман ва қозоқларнинг тўйларида дутор  
билан достон айтган, қўшиқ тўқиб халқнинг бой ва амалдорларга  
қарши нафратини куйга солиб куйлаган:

<sup>1</sup> Ю. Юсупов. Мавлоно Оғаҳий. Драмалар. Тошкент, Fafur Fулом  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил, 81—133-бетлар.

<sup>2</sup> Д. Матчонов, С. Султонов. Дилрабо қўшиқлар ижроини. «Хо-  
разм ҳақиқати» газетаси, 1963 йил, 13 август.

<sup>3</sup> М. Раҳмонов. Хоразмлик ижодкорлар декадага. «Ўзбекистон мада-  
ниятини» газетаси, 1958 йил, 28 июнь.

<sup>4</sup> С. Шермуҳамедов. СССР халқлари миллий маданиятларининг бир-  
бирини бойитишлари. Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971 йил, 50, 51-бет-  
лар.

<sup>5</sup> В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, 43-бет.

<sup>6</sup> Р. Қосбергенов. Қарақалпоқ халқынынг колониаль деуирдеги ме-  
денияти ҳам турмусы (1873—1917). Нукус, Қарақалпақстан баспасы, 1970  
йил, 93-бет.

<sup>7</sup> В. Г. Белинский. Танланган асрлар. Тошкент, Ўзбекистон ССР Дав-  
лат нашриёти, 1955 йил, 167-бет.

Белинг билан болтангни,  
Тамаки солған халтангни,  
Сотиб берсанг етмайди,  
Бойниң кўнгли битмайди<sup>1</sup>.

Хива хони Оллоқулихон (1825—1842) даврида Эшвой баҳши  
халқ манфаатини ҳимоя қилиб куйлагани учун қувғин қилинган.  
У умрининг охиригача туғилган жойи Шовотдан кетиб туркман,  
қарақалпоқ, қозоқ халқлари ҳимоясида яшайди ва шу халқларга  
тушунарли куйлар яратади. Н. Н. Мироновнинг кўрсатишича,  
Хоразм воҳасида тарқалган «Эшвой нағмаси»<sup>2</sup> автор номи билан  
аталади.

XIX асрда Хоразмда яшаб ижод қилган баҳшилардан Янги-  
ариқ районидаги Бобо баҳши, унинг ўғли Жуманазар баҳши  
(1852—1929), Қиёт — Қўнғиротда Аннафас баҳши, Матёқуб қори  
баҳши, унинг ўғиллари Ҳасан баҳши ва Санд баҳши, хивалик  
Бекжон баҳши, хонқалик Абдирим баҳши, гурландлик Нурмат  
чўлоқ баҳши (1840—1921) ва Хоразмда улардан илгарироқ яша-  
ган Оташ, Фаридниязлар ҳам атоқли баҳшилар бўлган<sup>3</sup>. Хоразм  
областининг Гурлан районидаги Навоий колхозида истиқомат  
қилувчи 70 ёшли Жума баҳши Худойбергановнинг берган маъ-  
лумоти жуда қизиқарлидир: «Илгари вақтда Хоразм халқлари  
орасида Суёв баҳши деган бор эди. У Туркманистоннинг ҳозирги  
Калинин районидаги туркманларнинг човдур уруғидан етишиб  
чиққан. Уни туркман, ўзбек, қарақалпоқ, қозоқ халқлари тўй ва  
томошаларига олиб келиб, достон айттирас эдилар. Уша даврда  
Хоразмда уни кўрмаган, айтган достонларини севмаган, музика-  
сини тушунмаган одам бўлган эмас. Манғитда<sup>4</sup> Отажон баҳши  
Суёв баҳшининг севимли шогирди бўлган. Унинг шогирди эса  
менинг устозим Амад баҳши эди. У 1965 йилда 81 ёшида вафот  
этди. Устозимнинг катта шогирди Худойберган ва Жапақ баҳши-  
лардир. Худойберган баҳшининг шогирди Иўлдош баҳши ҳозир  
Амударё районида истиқомат қиласди»<sup>5</sup>.

Қ. Аймбетовнинг кўрсатишича, Суёв баҳшининг Орол бўйи  
ўзбекларидан Адлбой баҳши, Адлбой баҳшининг шогирди Ўрин-  
бой баҳши (1908—1952) бўлган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Н. Бобоҷонов. Ҳон зулмига учраган баҳши. «Совет пахтакори» га-  
зетаси, 1973 йил, 3 июль.

<sup>2</sup> Н. Н. Миронов. Песни Ферганы, Бухары и Хивы. Ташкент, 1931 г.,  
стр. 14.

<sup>3</sup> Қ. Аймбетов. Халық даналығы, 145-бет.

<sup>4</sup> Манғит ҳозир Қарақалпогистон АССРнинг Амударё районининг маъму-  
рий маркази.

<sup>5</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 12 май, № 2.

<sup>6</sup> Қ. Айтбетов. Халық даналығы, 145-бет.

чи қалбидә ҳамдардлик, мұқаббат, подшо ва унинг амалдорларига нисбатан күчли нафрат үйғонади. А. М. Горький: «Санъат яхши нарсаны у яна ҳам яхши бұлсın учун бұрттириб күрсатишиңни инсонга зид, уни расво қыладиган ёмон нарсаларни ҳам бұрттириб күрсатишиңни мақсад қылған күяди...»<sup>1</sup>, — деб ёзған эди.

Бу эса бахши талқинида тингловчи тасаввурида достон қаҳрамонларининг әрқин ва яхлит образини вужудга келтиради.

Хоразм достонларидан «Гулрух пари» достони ҳам алоҳида үкүвчи дикқатини жалб қылувчи саҳифаларга әзалиги билан ажralыб туради. Достон сюжетига «тинчлик, тотувлик, одамийлик каби чуқур халқыл мотивлар асос қылған олинган»<sup>2</sup>.

Достон мазмунига кўра, Гўрўғли Авазхонни үйлантириш учун Гуржистондаги Лаккош подшохнинг қизи Гулрух парига Тойир, кўса бошчилигида совчи юборади. Совчилар Лаккошнинг одамларидан таёк еб, иззага қолиб қайтадилар. Шундан кейин воқеа кучаяди. Драматик ҳолатлар зўрая бошлайди. Гўрўғли қаҳрланса ҳам, ўзини босиб, тинчлик йўли билан мақсадини амалга ошириш учун Лаккошга боради.

У Сангор боғбон билан ота-бала, Хушнишон билан ака-сингил тутинади ва улар ёрдамида Гулрух парини Чамбилга олиб қайтади. Гулрух парининг рухсати билан тўй тантаналари бошланади. Тўйга Лаккош подшо ва одамлари ҳам қатнашади. Тўйда Лаккош томон билан Гўрўғли томон самимий «қўришиб, кўнглидаги гиналарни унугтади». Биз бу достондаги ҳамма саҳнавий эпизодларга алоҳида тўхталиб ўтмасдан «тўй» бошланиб, қизлар ҳар томондан тўйга келаётган даврдаги Гўрўғли монологига озрок тўхталиб ўтамиш:

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Йўл беринг, қизлар келадир,  
Жағо чекди азиз жонлар,  
Йўл беринг, қизлар келадир,  
Пўшт-пўшт, йўл беринг, қизлар келадир.

Пўл бошида кўк оғочлар,  
Шоҳасида турган қушлар.  
Кўздан тўкилмасин ёшлар,  
Пўл беринг, қизлар келадир.  
Пўшт, пўшт, йўл беринг, қизлар келадир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> А. М. Горький. Адабиёт ҳақида. Тошкент. УзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти, 1962 йил, 340-бет.

<sup>2</sup> М. Муродов, М. Сабуров. Сўз боши. «Қоракўз ойим», «Гулрух пари» достони. Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1967 йил, 7-бет.

<sup>3</sup> «Қоракўз ойим», «Гулрух пари», 7-бет.  
<sup>4</sup> «Қоракўз ойим», «Гулрух пари», 62-бет.

Монологда тўй бўлаётган жой манзараси ҳам сўз орқали театр рассоми саҳнани безагандай қилиб тасвиранган:

Йўл устида қўша чинор,  
Илоя минг яша, чинор,  
Кўк ялрогинг тўша, чинор.  
Сонингга қизлар келадир.  
Пўшт-пўшт, йўл беринг, қизлар келадир.

Тоғ бошинда ўсар ўтлар,  
Уни билмас ҳайонотлар,  
Бўйин сузиб турган отлар.  
Пўл беринг, қизлар келадир.  
Пўшт-пўшт, йўл беринг, қизлар келадир<sup>4</sup>.

Келтирилган миссолдан кўриниб турибиди, монолог тингловчи тасаввурида тўй бўлаётган жойда баланд тоғ ва ён бағрида қўша чинор борлиги, энди «Бўйин чўзиб турган отлар»да чавандозлар келин ўтирган саҳнани томоша қилаётгани. «Тоғдан қўйган чашма» ёнидан келин ёнига дуррас-дуррас қизлар келаётгани саҳнадагидек жонланади:

Юлдуз тоғдан қўйган чашма,  
Пўлингдан қизлар келадир.<sup>2</sup>

Монологда тўй саҳнаси юксак бадий маҳорат билан тасвиранганилиги учун ҳам тингловчига эстетик завқ беради. У воқеани ўз кўзи билан кўргандек ҳис қиласи. Хоразм халқ достонларидан саҳнадагидек киши тушунчасини бойитувчи синтетик санъат намуналарининг борлигини баҳшиларининг ижрочилик санъати туфайли фикран кўз олдимизга келтира оламиш.

«Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» достони эса драма ва саҳна кўринишларига эга жойлари кўплиги билан бошқа достонлардан ажрабиб туради.

Достон фабуласига кўра Шоҳ Аббоснинг қизи, Ҳасан вазирининг ўғли бўлади. Шоҳ ва вазир фарзандларининг бўйи етгач, бир-бира ги қовуштиришга аҳд қиласидилар. Ҳасан қазоси етиб ўлади, ўғли Фариднинг бўйи етиб қолади. Шоҳ Аббос эса қизи Шоҳсанамнинг Фаридни севишига қарамай, камбағалга қиз бермайман деб туриб олади ва ошиқ Фаридни Хоразм тупроғидан бадарға қиласи. Шоҳ Аббос эса қизини бошқа кишига турмушга чиқариш мақсадида тўй бошлатади. Шоҳсанам эса Фаридга тўйи ҳақида хабар юбора-

<sup>1</sup> «Қоракўз ойим», «Гулрух пари», 63-бет.

<sup>2</sup> «Қоракўз ойим», «Гулрух пари». Уша жойда.

«Тўйга келган подшоҳлар билан юқорида ўтириб томоша қи-  
лаётган Ҳунҳоршоҳ Гўрўғлига кўзи тушиб:  
— Эй қаландар, келдингми? — деди.

Гўрўғли: Тақсир олий, келдик, — деди.

Яна Ҳунҳоршоҳ: Нега айланниб қолдинг, — деди.

Гўрўғли: Кеча узоқ ўтириб ухлаб қолибмиз, энди хизматингизга етиб келдик, — деди.

Подшоҳ айтди: Эй қаландар, сан бизга яқинлигингни билдиromoқчи бўлсанг, шу майдонга тўпланган одамларни бир оз орқага сурсанг, сўнг Авазни дорга остириб, тинчиброқ тўй бошлиласак, — деди.

Гўрўғли айтди: Тақсир, хизматингизга тайёрман, — деб подшоҳнинг ёнидан нарироқ кетиб, маърака майдонини кўзлаб, сарсолиб<sup>1</sup> кўрди<sup>2</sup>.

Гўрўғлининг жасорати туфайли Ҳунҳоршоҳнинг бу тўйи ўзи учун азага айланди. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлидирки, баҳши «Авазхон» достонини ижро этиб тингловчиларда зулмга, босқинчиликка қарши кураш, она-Ватанин севиш, инсонни, ота-онани улуғлаш туйғусини уйғотади. Хоразм достонларидан «Ошиқ Маҳмуд» достонида ҳам драма элементлари мавжуд. Достоннинг боз қаҳрамонларидан бўлган Маҳмуджон билан Нигорхон бир-бирларини, тушида кўриб ошиқу беқарор бўладилар. Маҳмуджон Нигорхонни излаб, кўп машаққатлар билан нотаниш подшоҳ даргоҳига етиб боради. Маҳмуджон билан бирга борган Қамбаржон иккоби ўзларини баҳши эканликларини билдириб, нотаниш подшоҳ даргоҳида қўлларига дутор олиб куйлаб берадилар. Шу кечаси Маҳмуджон ва Қамбаржон подшоҳ вазирлари белгилаган жойда меҳмон қилинади. Кечаси Нигорхон Маҳмуджонни отасидан яширин саройга олдириб меҳмон қилади.

Эртаси подшоҳ ўзи ҳукмронлик қилган ердаги энг яхши баҳшиларни олдириб, баҳшилар айтишуви бошланди. Достондаги ана шу саҳна киши диққатини алоҳида жалб қилади. Маҳмуджоннинг қиссасидаги Нигорхон тақдим қилган «Гулмарҳабо» рўймолининг бир учи кўриниб турган бўлади. Қамбаржон эса дўстини имо-ишора билан огоҳлантирса ҳам, у тушумайди. Айтиш навбати эса шу вақтда Маҳмуджон ва Қамбаржонга берилади:

Маҳмуджон:

Оқшом бордим ёр қошига,  
Бошида беш лаълиси бор.

<sup>1</sup> Сарсолиб — мўлжаллаб, чамалаб.

<sup>2</sup> «Ошиқ Маҳмуд», «Авазхон», 74-бет.

Қора қошли, ҳумор кўзли  
Фарип кўнглим оғгуси бор.

Қамбаржон:

Кўргазма душман кўзига,  
Ғубор келтирма юзингга.  
Тушунгил жўранг сўзига,  
Очилдинг, Маҳмуд очилдинг.<sup>1</sup>

Маҳмуджон билан Қамбаржон орасидаги узоқ давом этган диалогдан подшоҳ шубҳага тушади ва баҳшилардан очилдинг деб туришларининг боисини сўрайди. Иғвогар баҳшилардан бири: «Эй подшоҳ олам, тўғрисини айтсан, кеча меҳмонларингизнинг уллиси қизингиз билан бир ёстиққа бош қўйиб, бир косадан чой ичиб, айшу ишратда бўлиб келган. Шундан сўнг қизингиз бунга «Гулмарҳабо»ни ёдгорликка берган, ана шу рўмол унинг киссасидан чиқиб қолибди. Унинг ўзи бу ҳодисадан бехабар. Жўраси рўмолини кўриб, ўз шеригини огоҳлантириб, уни яширишга ишора қилиб шеър ўқиди, бу бўлса жўрасининг имо-ишорасига тушумай, кечаси Нигорхон олдига борганини қўшиқ орқали жўрасига ҳикоя қилди, — деди. Бу гапни эшитгач, подшоҳнинг ғазаб дарёси Жайхундек мавж уриб:

— Жаллод! — деб бақирди. Жаллод яланғоч қиличини қўлда ушлаб:

— Лаббай, тақсир, хизматингизга тайёрман, кимнинг ажали етган бўлса, кўз юмиб-очгунча бошини танасидан жудо қиласман, — деб югуриб келди.

— Буларнинг бирисини дарёнинг ўртасига олиб бориб ўлдирив оқизиб юбор. Иккинчисини чуқур қазиб, анжир тагига тириклийни кўм! — деди<sup>2</sup>!

Жаллодлар Маҳмуджон ва Қамбаржонни жазо беришга олиб кетадилар. Достон охирида Нигорхон жасорати орқали, халқ ёрдами натижасида Маҳмуджон билан Қамбаржон ўлимдан қутулади ва муород-мақсадларига етадилар. Маълумки, «меҳнат аҳли азалдан эркин севги, ёшларнинг бир-бирларини кўриб, билиб, ўрганиб турмуш қуришларини орзу қилиб келганлар<sup>2</sup>. Достон шу орзуни рўёбга чиқиши билан якунланади. Кўриб ўтганимиздек, феодал тузуми, подшоҳ эркин севгининг ашаддий душмани экани очиқ-ойдин кўрсатилади. Баҳшининг достон айтиш санъати, эмоцияси туфайли ижобий қаҳрамонларга тинглов-

<sup>1</sup> «Ошиқ Маҳмуд», «Авазхон», 34-бет..

<sup>2</sup> Ж. Қобулни ёзов. Кириш сўзи. «Ошиқ Маҳмуд», «Авазхон», 5-бет.

энг яхши бахшиларни чақириб, Сүёв бахши раҳбарлигига айтишув ўтказган. Айтишувда ёш Хўжаёз бахши Сүёв бахшининг сазовор бўлади. Сүёв бахши таклифига биноан Хўжаёз бахши «Мажмуан шуаро»<sup>1</sup> номли китоб билан тақдирланади.

Хўжаёз бахши билан революциядан илгари тўй ва томошаларда, халқ сайилларида бирга бўлган ва бирга музика чертган Гурлан районидаги истиқомат қилувчи революция ветерани 90 ёшили Отажон Кўшмановнинг берган маълумоти жуда қизиқарлидир: «Достон айтиш ва музика чалишда Хўжаёз бахшининг олдинга тушадиган бахши, кураш тушганда қораянтоқли Эшмурод полвоннинг белини тутадиган полвон йўқ эди. Афсуски, улар бу ёруғ кунларни кўра олмай, Хоразм халқ революцияси арафасида, зулмат дунёснда фожиали ҳалок бўлдилар»<sup>2</sup>.

Хўжаёз бахшини боғотли Мадрайимбой ўз ҳовлисига зиёфатга чақириб, тонггача достон ва қўшиқ айттиради. Бой тонг пайти бахшидан ўзини мақташни талаб қилган. Хўжаёз бахши бой тадбини рад қилгани учун бой уни музли ҳовуз тагига ташлатиб ўлдиритиради. 27 ёшли Эшмурод полвонни эса ўзи камбағал бўла турниб бойнинг қизини севгани учун қизнинг отаси — Нуржон қурт отиб ўлдиради<sup>3</sup>.

Келтирилган фактдан кўриниб турибдики, революциядан илгари Хива хонлигига меҳнаткашлар, уларнинг идеологлари бўлган халқ бахшилари ва эксплуататор синф вакиллари бўлган бойлар ўзаро мунтазам курашиб келганлар. Ҳукмрон синф вакиллари халқ томонида туриб кўйлаган бахшиларни иложи борича камситишга, уларни йўқ қилишга интилганлар. Дин пешволари ҳам ўзувчи синфга хизмат қилган. Шундай оғир даврда ижод қилган сўз санъатининг усталари бўлган бахшиларниң ҳаётни ҳамиша хавф остида бўлган. В. И. Ленин М. Горький билан қилган сұхбатларининг бирида ўтмишдаги санъаткорларниң ижоди ҳақида: «...ифлос дўзахда кун кўра туриб шундай гўзал нарсалар яратган кишиларниң бошини силагим келади»<sup>4</sup>, — деган эди. Ҳақиқатда ҳам ўтмишда Хоразм воҳаси халқларига достон айтиш санъати билан хизмат қилгани воҳа бахшилари ижоди, ҳозирги кунларни мизда ҳам қардошлик, дўстликнинг ёрқин гувоҳи бўлгудай из қолдирган.

<sup>1</sup> Китоб эсдалик сифатида бахшининг жияни Нурмат Абдуллаевда сакланмоқда. У Хоразм облости Богоғ районидаги «Коммунизм» колхозида истиқомат қиласиди.

<sup>2</sup> Авторининг дала ўзувлари, 1974 йил, 1 июль, № 10.

<sup>3</sup> 1904 йилда тугилган, 1940 йилдан бўён КПСС атъоси. Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Болтабой Давлэтов берган маълумотдан фойдаландик. Авторининг дала ўзувлари, 1975 йил, 6 июль, № 29.

<sup>4</sup> А. М. Горький. «В. И. Ленин» очеркidan. В. И. Ленин маданият ва санъат тўрисида. Тошкент, Узбекистон ССР Давлат нашриёти, 1962 йил, 573-бет.

«Биз тарихни қаичалик ичкарига кириб текширсак,— деб ёзган эди. Ф. Энгельс,— келиб чиқиши бир бўлган халқлар ўртасидаги фарқларнинг шунчалик кўп йўқолишини кўрамиз»<sup>1</sup>.

Кўриб ўтганимиздай ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ достончиларининг достон айтиш санъати бир-бирига ўхшашлиги билан ажralиб туради. Айниқса тўйларда достон айтишув моментлари бир-бирига ўхшаган. Бунда икки ёки уч бахши бир-биirlарни енгунча бир достонни навбатма-навбат дутор чалиб айтганлар. Баъзан бир тўйда икки бахши ёки жиров бир-бирига қарама-қарши ўтириб достон кўйлаган. Голиб чиққан бахши ёки жировни тўй иштирокчилари қизғин табриклаган.

Хива хони ҳам бахши ва жировларнинг айтишувини ташкил қилган. Хон кўпинча кўнглига ёқмаган бахшиларни айтишувда енгилган ҳисоблаб, юзига «қорақуя» суркаб ҳақорат қилган. Бундай хўрликни XIX асрда яшаб, ижод қилган қорақалпоқ шоири ва бахшини Кўнхожа ўз бошидан кечирган, у «Унутмасман» шеърида бу ҳақида шундай дейди:

Совға берди бахшиларга,  
Ҳеч боқмади яхшиларга,  
Лоғчимишман ваҳшийларга  
Уларга мен ҳеч ёқмадим.  
Келтирдилар менга тұя  
Менга суртди қора куя,  
Улымтукка бўлдим әга  
Буни ҳеч бир унутмасман.<sup>2</sup>

Шунга қарамай, Хоразм воҳаси халқлари тўй ва байрамларда бахши ва жировларнинг айтишувларини катта қизиқиш билан томоша қилганлар ва уларни олқишилаганлар.

Бундан ташқари, бахшилар савол-жавоб тариқасида қўшиқ тўқиб, куйга солиб айтишган<sup>3</sup>.

В. Успенский ва В. Беляевнинг ёзишига қараганда туркман аёл бахшини Ҳелей бахши, атоқли туркман бахшини Кер Ҳоджалли бахши билан достон айтишиб уни енгиги чиққан<sup>4</sup>. Қ. Сиддиқовнинг кўрсатишига қараганда XIX асрнинг иккинчи ярмида достон айтиш санъатида танилган қозоқ жирови ва оқини Билек Тумарбай қизи қозоқ оқинларидан Таңгриберган ва Отабойни айтишувда енгиги чиқади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Изд. 2-е, т. 16, стр. 521.

<sup>2</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Шеърлар. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 йил, 20-бет.

<sup>3</sup> А. Облонский. Рождение туркменского театра. «Туркменоведение», 1928, № 3, 4, стр. 52.

<sup>4</sup> В. Успенский и В. Беляев. Туркменская музыка. Статьи и 115 пьес туркменской музыки. Москва, 1928 г., стр. 38.

<sup>5</sup> К. Сиддиқов. Ақберген Алма-Ата, «Жазушы» баспасы, 1972 йил, 11-бет.

танилигини ишбот қилади. Қорақалпоқ жировлари ҳозиргача қўбиз музика асбобини қўллаб келадилар.

Хоразмдаги ўзбек, туркман бахшилари билан қорақалпоқ бахшилари бахшилик ҳунарини Хоразмга келгандан кейин ўрганган, қорақалпоқларнинг бурунги жировчилик ҳунари устига бахшилик ҳунари қўшилиб санъати бойиган<sup>1</sup>.

Хоразмдаги ўзбек, қорақалпоқ, туркман бахшилари достонларни асосан дуторда ижро қилиб келганлар. Хоразм область Гурлан районидаги Коммунизм колхозида истиқомат қилувчи 70 ёшли Ғразмат ота Жумамуротов бахши дутор чертиш санъатининг келиб чиқиши ҳақида қизиқарли ривоят келтиради: «Халқлар бир-биридан ажralмаган замонда бир таниқли кишининг уч ўғли бўлган. Отаси уларга икки торли музика асбоби ясаб бериб, дутор<sup>2</sup> деб ном қўйган ва уни чалишни ўғилларининг каттасига ўргатиб, кичикларига ўргатишини унга топширган. Катта ўғли кичикларига дутор чалишни ўргатган. Отанинг катта ўғлидан ўзбеклар, ўрганчасидан туркманлар, кенжатоидан қорақалпоқлар, қозоқлар тарқалган. Шунинг учун ҳам тўртала оға-ини халқлар бахшилари достон айтиб, дутор чертадилар»<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган ривоятни тўлдирадиган ривоят қорақалпоқ халқи орасида ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра: «Икки ака-ука Жайилхондан қорақалпоқлар ва Сеилхондан туркманлар тарқаган. Ўзбек ўз оғам»<sup>4</sup> дейилган.

Шунинг учун воҳа халқларининг достонлари, достончи бахшиларнинг репертуарлари, достон куйлаш санъати бир-бирига яқинлиги тасодифий ҳол эмас, балки тарих тақозоси натижасидир. Бу нарса XIX аср охири XX аср бошларида ижод қилган бахшилар, жировлар ҳамкорлигида ва ўзаро муносабатларида яққол кўринади.

Машхур қорақалпоқ жирови Қурбонбой Тожибоев (1876—1958) Тўрткўлдан Бухорога бориб Ҳолмурод жировга шогирд тушади ва уидан «Ширин ва Шакар», «Ёр Зевар», «Қирқ қиз», «Болтакай Ботир», «Жонадил» достонларини ўрганиб Тўрткўлга қайтади. У Тўрткўлда Жийеммурот (1836—1908) жировдан, сўнг Кўнгиротда Нурабулла (1862—1922) жировдан ўнлаб достонларни ўрганади<sup>5</sup>.

Қурбонбой жиров «Болтакай ботир»<sup>6</sup>, «Жонадил»<sup>7</sup> достонла-

<sup>1</sup> Калли Аймбетов. Халиқ даналығы, 84—85-бетлар.

<sup>2</sup> Дутор — иккиторли маъносини беради. Форсча «дўтор», тожикча «дутор» дейилади. Қаранг: форсча-ўзбекча ўқув луғати, 85-бет.

<sup>3</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1975 йил, 11 май, № 1.

<sup>4</sup> С. К. Камалов. Каракалпак в XVIII—XIX веках, стр. 167.

<sup>5</sup> К. Максетов. Қарақалпақ қаҳраманлық дастаны. «Қирқ қиз», Нукус, Қарақалпақ мемлекет баспасы, 1962 йил, 110—114-бетлар.

<sup>6</sup> Болтакай ботир. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1971 йил, 102-бет.

<sup>7</sup> Жонадил. Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1970 йил, 78-бет.

рининг хотимасида бу достонларни устози Ҳолмурод жировдан ўрганганини айтиб, «Жонадил» достонини қорақалпоқ халқлари билан бир қаторда ўзбеклар ҳам айтиб келаётганлигини таъкидлаб ўтади.

Хоразмлик машҳур ўзбек бахшиларидан бири Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозда истиқомат қилувчи Матназар бахши Жаббор ўғли (1906—1977) Қурбонбой жиров Тожибоевнинг шогирдидир. Унинг репертуарида кўпгина терма ва достонлар бор<sup>1</sup>.

Қорақалпоқ халқининг демократ шоири Бердақнинг невараси, халқ куйчиси Қоражон бахши<sup>2</sup> (1884—1966) ҳам туркман бахшиси Қурбондан бахшилик санъатини ўрганган эди. Қоражон бахши ҳаёт вақтида устози ҳақида қўйидаги маълумотни берган эди: «Қурбон бахшини туркманлар ва ўзбеклар бирдай ҳурмат қиласидилар»<sup>3</sup>.

Тўрткўл районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида истиқомат қилувчи 85 ёшли Ванс ота Рўзметовнинг берган маълумоти юқоридаги фикрларни янада тўлдиради:

«Мен 8—10 ёшларимдан буён ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва қозоқларнинг тўйларига қатнашиб келаёттирман. Революциядан аввал ўзбекнинг тўйида туркман Суёв бахши ва Қурбон бахшини, қорақалпоқларнинг тўйида қорақалпоқ Жийемурат жиров ва Қурбонбой жировнинг айтган достонларини кўплаб тинглаганман. Бурунлар бахши ёки жиров бўлмаса тўй қизимас эди. Бурунги замоннинг театри ҳам, киноси ҳам бахши ёки жиров эди»<sup>4</sup>.

XIX асрда Хоразмга келиб яшаган ва ижод қилган қозоқ Қалнияз оқин, Кожимбет ули (1830—1870) ва бошқалар ҳам воҳадаги турли халқларга ўз санъатларини намойиш қиласидилар<sup>5</sup>.

XX аср бошларида Хоразм воҳасида шуҳрат қозонган боғотлик Хўжаёз бахши (1883—1919) «Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам», «Саёҳатхон ва Ҳамро», «Бозирғон», «Алпомиши» ва «Гўрўғли» циклидаги достонларни ёд билган ва уни хуш овоз билан дутор жўрлигига халқ қалбига етказа олган. Хива хони Муҳаммад Раҳим II (1865—1910)<sup>6</sup> ҳаётининг охириги йилларида Хива хонлигидаги

<sup>1</sup> М. Муродов. Н. Сабуров. Кириц сўзи. «Қоракўз ойим», «Гулруҳ пари», 5-бет.

<sup>2</sup> Народы Средней Азии в Казахстане. М., Изд-во Академии наук СССР, 1962 г., стр. 515.

<sup>3</sup> Полевые записи С. К. Камалова за 1950 г.

<sup>4</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1976 йил, 10 май, № 1.

<sup>5</sup> К. Сыдыков. Аберген. Алма-Ата, «Жазушы» баспасы, 1972 йил, 11-бет.

<sup>6</sup> С. К. Камалов. Каракалпаки в XVIII—XIX веках, стр. 261.

Сүёв бахши<sup>1</sup> (1850—1915) шогирди бўлган Отажон бахши ва унинг шогирди Амад бахши тарбиялаган тақиқти қорақалпоқ бахшини Жапақ бахши Шомуратов (1893—1974) ўз устозидан Сүёв бахши музикаларини ўрганади ва уни ўзлаштириб қорақалпоқ музика маданиятига катта ҳисса қўшади<sup>2</sup>. Жапақ бахши Шомуратов ҚҚАССР ва ЎзССР халқ артисти унвонига, Бердақ номидаги Республика мукофоти лауреатига сазовор бўлди.

Кўриниб турибдики, Хоразм воҳасида яшайдиган ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқ бахшлари орасида узоқ даврлардан буён дўстлик, қардошлиқ алоқалари мустаҳкам илдизга эга. И. Сағитовнинг бу ҳақдаги фикри диққатга лойиқdir:

«XIX асрдаги атоқли бахшилардан ўзбек бахшини Эшвой, туркман бахшини Сүёв, қорақалпоқ бахшилари Ақимбет, Арзи ҳамда Муса бир-бири билан жуда яқин алоқада бўлган ҳам у уч миллат бахшиларининг репертуари билан музикаси ҳам, тили ҳам қорақалпоқларга ҳам, ўзбекларга ҳам бирдай тушунарли бўлиб келган»<sup>3</sup>.

С. К. Камоловнинг таъкидлаб ўтишига қараганда «Хоразм воҳасида яшовчи халқлар орасида бурундан маданий алоқалар мавжуд бўлиб, «Коблан», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Аҳмад Юсуп», «Фарид ошиқ», «Қиз Жибек» ва бошқа халқ эпослари қорақалпоқ, ўзбек, туркман, қозоқ халқлари орасида кенг ва тенг ёйилган эди»<sup>4</sup>.

Умуман, Ўрта Осиё халқлари орасидаги қадимий яқинлик ва ўзаро ёрдам ҳамма соҳаларда ҳам кўзга ташланиб келган.

Академик Ойбек «Қондошлар» номли мақоласида юқоридаги фикрларни янада ойдинлаштириб беради:

«Қадимдан Ўрта Осиёда бирга яшаб келган халқлар ўзларининг маданияти, зироати, санъати ва адабиёти билан бир-бирига тамом чатинган, илдиздан ўзаро чирмашган халқлардир. Бу халқлар дўстлигининг ҳам тарихи қадим замонларининг бошидирки, буни тарихимизнинг боши десак янглишмаймиз»<sup>5</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам Хоразм воҳаси халқларининг шаклланиш тарихининг «ўзаро чирмашган»лиги, ўзаро боғланганлиги бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини исботлайди.

К. Л. Задихиннинг илмий хуносаси бу масалани янада ойдинлаштириб беради: «XIV асрнинг охирларида Олтин Ўрда хон-

<sup>1</sup> Сүёв бахши номи адабиётларда Сувей, Сувай, Суйсу тарзида берилган.

<sup>2</sup> Қ. Аймбетов. Уша асар, 146, 150-бетлар.

<sup>3</sup> С. Камолов. Қарақалпоқ халқынинг қаҳраманлық эпосы, Нукус, Қарақалпақ мемлекет баспасы, 1963 йил, 46-бет.

<sup>4</sup> С. Камолов. Из истории дружбы народов Хорезмского оазиса. «Общественные науки в Узбекистане», 1970, № 8, стр. 62.

<sup>5</sup> Р. Иноғомов. Дил-дилга пайванд. Тошкент, Узбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти, 1966 йил, 6-бет.

лиги қулагандан кейин Орол бўйи, Волга бўйларида турклашган халқлардан алоҳида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, нўғой ва бошқамаълум. Кўрсатилган халқларининг ҳар бирида кўпшина уруғ ва қабила иомларининг бирдай бўлиши бунинг гувоҳидир»<sup>6</sup>.

Бундан ташқари, Хоразм воҳаси бахшиларининг музика асбобларида ҳам бир-бирига жуда яқинлик мавжуд. Ф. Кароматовнинг кўрсатишича илгари вақтларда бахшилар Хоразмда ҳам қўбиз асбобини қўллаганлар<sup>7</sup>.

Ҳозирга қадар «Оролли»<sup>8</sup> ўзбекларининг бахшилари қорақалпоқ бахшиларига ўхшаб, дутор билан айтади. Оролли ўзбекларда яна дутордан бошқа қўбиз ва жиров ҳам бўлган»<sup>9</sup>.

Р. К. Қосбергановнинг таъкидлашига қараганда жировлар халқнинг асрлар бўйи чеккан азоб ва уқубатларини, достон қаҳрамонларининг бошидан кечирган қийинчиликларни қўбиз кўйига солиб, ўтган даврни тингловчи кўз олдида гавдалантириш санъатига эга бўлганлар<sup>10</sup>.

Жировлар қадим замонлардан буён кишиларнинг қайғу-ҳасратига шерик бўлиб, достонларни, қўшиқларни қўбиз оҳангига мослаб куйлаб келганлар. XIV аср ўзбек классик шоири Лутфий ҳам «Гул ва Наврўз»<sup>11</sup> асарида жировлар ҳақида «Ировлар соғ кўнгилли кишилар» деб баҳо берган эди. Кейинги асрларда ўзбеклар «Иров» сўзи ўрнига «бахши» сўзини ишлатадиган бўлганлар. Хоразм ўзбекларида XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги даврда ҳам бахшилар томонидан қўбиз музика асбоби қўлланиб келинган.

П. И. Небольсин «Очерки торговли России с Средней Азией» (1855) асарида Хива ўзбекларининг музика асбоблари ҳақида тўхталиб, дутор, доира; танбур, железный варгац ва қўбиздан иборат бешта музика асбоби борлигини кўрсатади<sup>12</sup>. Бундан ташқари, Сүёв бахшининг қўбизда «Ботир куйи», «Чўпони» куйларини ижро қилганлиги<sup>13</sup> ҳам қўбизнинг бахшилар томонидан айрим куйларни чалишда XX аср бошларигача қўлланиб келин-

<sup>1</sup> К. Л. Задыхин. «Узбеки дельты Аму-Даръи». Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции (1945—1948), т. I, стр. 336.

<sup>2</sup> Ф. Кароматов. Узбекская инструментальная музыка. Ташкент, изд-во литературы и искусства им. Г. Гулама, 1972 г., стр. 107.

<sup>3</sup> Оролли — Орол бўйи.

<sup>4</sup> Қ. Аймбетов. Ҳалық даналығы, 145-бет.

<sup>5</sup> Р. К. Қосбергенов. Қарақалпақстаннын Россияга қосылуы. Нукус, Қарақалпақстан баспасы, 1972 йил, 345-бет.

<sup>6</sup> Лутфий. Гул ва Наврўз. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1974 йил, 4-бет.

<sup>7</sup> П. И. Небольсин. Очерки торговли России с Средней Азией, стр. 12.

<sup>8</sup> Ф. Кароматов. Узбекская инструментальная музыка, стр. 109.

халққа қылған жабру зулмини фош құшиқтар яратиб, унга күй басталаб, күпчилик орасыда юксак пафос билан күйлаб берганлар.

Уша даврда халфа ва шоиралыги билан Хоразмда ном чиқарған хонқалик Шукур Оллоқули қизи (1857—1932), хивалик Хонимжон сувчи Сайдахмад қизи (1858—1926), Онабиби Қори Оқиза (1899—1952), Онажон Собирова (Анаш халфа) (1885—1952), хазорасплик Саодат халфа Худойберганова (1905—1972), Мөҳира Собирова (1909—1966), Розия халфа Матниёз қизи (1889—1951) ва бошқаларни күрсатиш мүмкін.

Уларнинг импровизация қобилияти түй ва маърака қатнашчилари диққатини ўзинга тортган. Буни эшигтан хон амалдорлари халфа ва шоираларни хон саройнга зўрлаб келтирсанлар. Улар хон ҳарамидаги гўзал қиз-жувонларни кўнглини кўтариши, улар орасидан хоннинг кўнглини овлайдиган сарой санъаткорини тарбиялаб чиқарни керак эди. Халқ халфалари ўз санъатини эркин намойиш қилиш хуқуқидан тамомила маҳрум эдилар.

Хонимжон Сувчи халфа Сайдахмад қизи «Қоронғулик салтанида хон зулмига қарши қалб билан туғён кўтарғанларнинг бири»<sup>1</sup> эди. Унинг отаси Сайдахмад aka Матчон тўра деган бойга хизматчи бўлиб ишлаб, унинг ҳовлисида вафот этган. Ёш Хонимжон Пишканак қишлоғидаги мачитда ўқиб саводини чиқарган. У 1875 йилда хивалик Кутлимурод Сувчи деган кишига турмушга чиқади. У Хоним Сувчи тахаллусида шеърлар ёзган<sup>2</sup>. Унинг халфалик санъати ва шоирлиги бутун Хоразмга тез тарқалади. Уни эшигтан Муҳаммад Раҳимхон II Хонимжон Сувчини саройга олдириб, у ерда мажбуран ишлатади<sup>3</sup>. Хонимжон Сувчи бир томондан хон саройидаги ҳақсизликлар, ҳарамдаги кундан-кунга авж олаётган фисқу фасод, хусусан Исфандиёр замонидаги разилликлар, чунончи саройга зўрлаб келтирилган маъсума қизларнинг фифонли фарёдлари унинг қалбидаги туғён уйғотади, бунинг устига оиласида ҳам тинчлиги йўқолиб, кундошлиқ азобидан кўрган хусуматлари, буларнинг ҳаммаси бир бўлиб уни шоира бўлиб шеър ёзишга ва бу шеърларини куйга солиб гармонь жўрлигига қўшиқ қилиб халқа кўнгил розини айтишга ундайди. Хонимжон Сувчи «Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан», «Умринг йиглаб ўтгай бевафо золим», «Найлайн армонли кетдим» каби шеърларида замонасидаги шафқатсиз эксплуатацияни ва Хива хонининг адолатсизлиги ва фоҳишабозлигини фош қиласи<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ю. Юсупов. Эркини куйлаган шоира. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1964 йил, 28 май.

<sup>2</sup> Т. Жалолов. Ўзбек шоиралари. Биринчи китоб, 241-бет.

<sup>3</sup> Ю. Юсупов. Эркини куйлаган шоира «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1964, 28 май.

<sup>4</sup> Н. Қобулов. Эркини куйлаган шоира. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1964 йил, 28 май.

Исфандиёр хон бўлди,  
Багримиз тўла қон бўлди,  
Еганимиз чигит ион бўлди,  
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

Хонимжон Сувчи қўшиқларидаги ўтли мисраларни эшигтан халқнинг хонга бўлган нафрати янада кучаяди. Буни эшигтан Исфандиёрхон 1916 йилда Хонимжон Сувчини ўлгудай қилиб калтаклатади. Хонимжон Сувчи калтак ва дағдағалардан қўрқмай хону бекларни, золим бойларни қоралаган қўшиқлар тўқиб кўйлашини давом эттиради. Хонимжон Сувчи Хоразм халқ революциясини ҳам ўз сози, ўз қўшиқ ва овози билан қарши олади. Онажон Халфа Собирова (1885—1952) ижодий фаолияти ҳам хоразмлик халфалар бошдан кечирган қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Хивалик ганч устаси оиласида тарбияланган Онажон аввало эски усуздаги мактабда таълим олиб бўлгач, Хонимжон Сувчига шогирд тушади.

У 16 ёшидан бошлаб халқ қўшиқларини моҳирлик билан ижро этибгина қолмай, гармонь чалиш, рақсга тушинда ҳам бутун Хоразмга танилади. Онажон халфанинг хотин-қизлар орасидан бунча шуҳрат қозонишидан хавфсираган руҳонийлар, бой ва амалдорлар Муҳаммад Раҳим II га «Анаш халфа хотин-қизларимизни бузәтири» у на ҳаёни билади, на дин-диёнатни билади, тўю томошаларда юриб қўшиқ айтиб рақсга тушади, гармонь чалиб бошқа хотин-қизларни ҳам ўйнатиб юрибди», деб шикоят қиласидилар. Шундан сўнг Хива хони Онажон халфани ва унинг устозлари бўлган Хонимжон халфани, момо Талмин халфани ҳузурига олдириб, уларни қопга солиб юз таёқ уришни ҳукм қиласиди. Онажон ёш бўлгани учун унинг гуноҳини Матжон девон деган амалдор хондан 50 тиллога сотиб олади ва бундан кейин тўймаъракаларда хотин-қизлар орасидан ишқий нарсаларни айтмаслик, гармонь чалмаслик, рақсга тушмаслик, фақатгина диний китобларни ўқиб бериш шарти билан бўшатиб юборади<sup>1</sup>.

Ж. Шариповнинг таъкидлашига қараганда Хонимжон халфа билан Момо Талмин халфани мушук билан қопга солиб тоза қамчилатишиади. Қамчи еган мушук жон аччиғида, уларнинг юз-кўзини тирнаб олган, танларини тилка-пора қилган, сулайиб, беҳуш бўлиб қолган халфаларни қигизга ўраб, аравага солиб уйларига олиб кетганлар<sup>2</sup>.

Халфалик санъатини жон-дилидан севган Онажон халфа Хивадан чиқиб хонликнинг узоқ чеккаларига бориб халқнинг тўй

<sup>1</sup> Ж. Қобулиниёзов. Хоразм халқ қўшиқлари. 395-бет.

<sup>2</sup> Ж. Шарипов. «Хоразм» романни. З-китоб. Тошкент, Гафур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил, 54-бет.

Шундай қоронги замонда, қайгули ҳаётда хотин-қизлар орасыда халфаларнинг обрў-эътибори ортиб боришига ҳукмрон синф вакиллари, руҳонийлар бефарқ қараб турған олмаганилар. Улар ҳатто халфаларни хотин-қизларни йўлдан урувчилар, ислом динидан қайтган «даҳрий»лар деб ҳақоратлайдилар.

Ҳукмрон синф идеологлари бўлган руҳонийлар халфаларга тўй ва бошқа маъракаларда диний китобларни —«Сўфи Оллаёр», «Иброҳим Адҳам», «Қулхўжааҳмад», «Боборавшан», «Ҳасан-Хусан», «Қиссасул аибиё»ни ўқишини буюрганилар. Бу асарларда азалий тақдирга ишониш идеяси илгари сурилган эди. Ҳақиқий халқ халфалари тўй ва маъракаларда халқ севган, инсонни улуғлаган қўшиқ ва достонларни куйлаганилар. Халфалар репертуаридаги халқ қўшиқларида «Мехнаткашларнинг оғир ҳаёти ҳақида, уларнинг эксплуатация қилувчи синф вакиллари томонидан эзилганилиги тўғрисида, шунингдек адолатсизликка қарши кураш мотивлари<sup>1</sup> кучли бўлган.

«Исфандиёр қон оқизди» қўшиғида:

Исфандиёр қон оқизди ариқдан,  
Куттимадак дагдагали солиқдан,  
Иложини топса агар иисофеиз,  
Бозжу хирож олар сувда балиқдан.<sup>2</sup>—

деб Хива хони Исфандиёр (1910—1918) даврида зулмнинг ҳаддан ошганлиги кўрсатилади. «Қизлар хароб бўлди» қўшиғида эса Исфандиёрнинг ҳарамига зўрлаб келтирилган нораста қизларнинг тақдирни ўлим билан туғаши кўрсатилган:

Қизлар хароб бўлди хонининг қўлиниан,  
Махрам чиқар гўзалларнинг йўлиниан  
На Ойхонум, на Гулсанам кун кўрди,  
Зор йиглашиб, ўлди золим зулмишан.<sup>3</sup>

Қўшиқда Исфандиёрхон ўз ҳарамига гўзал қизларни маҳрамлари ёрдамида ота-онаси бағридан, севган йигитидан ажратиб «зор йинглатиб» олиб келишини ва уларнинг хонга қаршилик кўрсатгани учун азоблаб ўлдирилиш саҳнаси ўз аксии топган.

Ф. Энгельс немис Вольфром фон Эшенбахнинг рицарлар муҳаббатининг бевафолиги ҳақида «мана шу нозик мавзуга алоқадор учала гўзал қўшиқ қолдириб кетди, менга бу қўшиқлар унинг

<sup>1</sup> С. Рузимбоев. Ҳоразм қўшиқлари давр инъикоси, «Ҳоразм ҳақиқати» газетаси, 1968 йил, 13 ноябрь.

<sup>2</sup> Ҳоразм халқ қўшиқлари, 31-бет.

<sup>3</sup> Ҳоразм халқ қўшиқлари, 32-бет.

учта узундан-узоқ қаҳрамонлик поэмасидан кўра кўпроқ ёқади<sup>4</sup>, деб ёзган эди.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида айтилган Ҳоразм халқ қўшиқларида ҳам хонлик тузумининг жабр-зулми, халқнинг ундан порозилиги ўз аксии топади. Бу даврга келиб «халфаларнинг маҳорати, ижрочилик ва ижодчилик қобилияти фақат хотин-қизларгагина эмас, балки уни четда туриб тинглашга мусассар бўлган, ўша даврдаги эркакларга ҳам маъқул бўла бошлаган»<sup>5</sup>.

Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 74 ёшли санъаткор Полониазир Отаевнинг берган маълумотига қараганда «революциядан авваллари ёқ хивалик Шукиржон халфа қатнашган тўйларда эркаклар аёллар хонасининг түйцук ва эшиклари тирқишидан халфалар қўшиқларини тинглар, ўйинларини томоша қиласар эдилар»<sup>6</sup>.

XIX асрнинг охирларида музика асбобларида гармонининг халфалар санъатига қўшилиши билан уларнинг ижоди янада юқори погонага кўтарилганини кўрамиз. Ю. Юсуповнинг кўрсатишига қараганда Хонимжон халфа Сандакмад қизи 1895 йилдан бошлаб гармон чалиб тўй ва бошқа хотин-қизлар базмларида куйлаб келган<sup>7</sup>.

Онажон халфа Собирова, Онабиби Қори (Ожиза) ва бошқалар ҳам талантли гармон чалувчи бўлиб етишадилар<sup>8</sup>. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида хивалик Шукиржон халфа (1851—1950), Шарифа халфа (1900—1972), Жони халфа (1870—1920), Анаш Маърам (1882—1917), Бибижон халфа Қосимова (1875—1920), хонқалик Дурхоним халфа Қурбондарозова (1881—1936), Киш халфа Ҳасанова (1881—1948), Айитжон халфа Сафаева (1875—1955), Гулжон қори халфа (1874—1935), Ойша кулов халфа Искандарова (1880—1949), Еқут халфа Вафоева (1844—1914), Шарифа Нўғой Оташева (1892—1960), Уғил Нўғай Қураёзова (1859—1949), Еқут халфа Сейтниязова (1903—1972) ва бошқаларнинг номи халқ орасида танилган эди<sup>9</sup>. Халфалар А. Навоий, Маҳтумқули ва бошқа классик шоирларнинг шеърларини кўйга солиб айтиб, Ҳоразм демократ шоирларидан илҳомланиб, ўзлари ҳам хонлик замонидаги бой ва амалдорларнинг

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатининг келиб чиқиши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик таъланган асарлар, З-том, Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1981 йил, 284-бет.

<sup>2</sup> Ж. Қобули иёз ов. Ҳоразм халқ қўшиқлари, 25-бет.

<sup>3</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 20 май, № 11.

<sup>4</sup> Ю. Юсупов. Ҳоразм шоирлари, 115-бет.

<sup>5</sup> Халфаларнинг яшаган йилларини ҳозир ҳаёт бўлган, уларни яхши биладиган кишилар ҳаётига таққослаб аниқлашга мувваффақ бўлдик.

<sup>6</sup> Ноңга район «Ҳоразм» колхозида яшоючи 80 ёшли Шарифа халфа Қозокова, 81 ёшли Сапура халфа Қурбонова эзаликларидан фойдаландик. Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 27—28 май, № 19—20.

Бизнингча Хоразм воҳаси халқлари тарихи бир-бири билан тулаш бўлганидай достон айтиш санъати, достончиларнинг репертуари ҳам бир-бирига ўхшашdir.

Қозоқ театри ривожланишини ўрганган Б. Кундақбаев жировларнинг қаҳрамонлик ва лиро-эпик асарни ижро қилиши театрлашган характерга эга<sup>1</sup>,— деб кўрсатади.

Келтирилган фактлар бизга революциягача бўлган даврда Хоразм халқ достонлари саҳна асарига ўхшаш, баҳшилари ижроси эса театр актёри ва дирижёри ҳаракатига яқин бўлган деянишимиизга имкон беради.

#### ХАЛФА

Узоқ даврлардан буён Хоразмдаги тўй, сайил ва аза маросимларида хотин-қизлар даврасини халфалар қизитиб келган.

Хоразмда «аёл ашулачиларни халфа деб юритилса»<sup>2</sup> ҳам улар фақат ашула айтиш билан чекланмаган. Халфалар санъатнинг кўп турларидан хабардор бўлганлар.

Кўпинча халфалар учта-учта бўлиб, ўзлари ижодий группа тузганлар. Группадагилардан бири музика чалган, бири ўйнаган, бири куйлаган. Хоразм область Хонқа районидаги Хоразм колхозида истиқомат қилувчи 80 ёшли Шарифа халфа Қозоқованинг берган маълумотига қараганда: «Хоразмда революциядан илгари вақтларда тўй-маъракаларида халфалар хотин-қизлар ўтирадиган хонанинг тўрида уларга қарама-қарши ўтириб, кун ботгандан бошлаб тонггача бири кўйиб, бири олиб Хоразм ғазалларидан, халқ достонларидан бирининг айтганига иккинчиси жавоб бўладиган қўшиқлар топиб айтганлар. Баъзан улар маъракаларнинг ҳарактерига қараб ўзлари қўшиқ тўкиб ҳам айтишганлар»<sup>3</sup>.

Халфалар репертуаридаги ранг-баранг халқ қўшиқлари, классик шоирларнинг ашулабот ғазаллари, халқ достонлари асосий ўрин олган.

Халфалик санъатини ўрганиш ҳам ўзига хос мактаб услубига эга бўлган. Эски мактабларда хат-савод чиқарган, билимга ихлосманд қизлар таниқли халфаларга 4—5 йил шогирд тушганлар. Улар шогирдлик даврида устозларидан тўй ва бошқа маъракаларда айтиладиган қўшиқ, достон ва ғазаллардан ўрганганлар. Халфалар шогирдларини ўзларига эргаштириб тўй-маъракаларга олиб борган, бирга ўтириб бирга куйлаган ёки рақсга

<sup>1</sup> Б. Кундақбаев. Путь театра. Алма-Ата, изд-во «Жалын», 1976, стр. 6.

<sup>2</sup> И. Акбаров, Ю. Кон. Сўзбоши. Узбек халқ музикаси, VII том, Хоразм ашулаари. Ташкент, Узбекистон ССР Давлат ғадибиёт нашриёти, 1960 йил, 9-бет.

<sup>3</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 27 май, № 19.

туширган. Устоз халфа баъзан шогирдининг якка ўзига ҳам ижро қилдирган, уни жамоатчиликни ўзига жалб қила олиш санъатига алоҳида аҳамият берган.

Шундай синовларда жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган шогирдлар устозларидан фотиҳа олиб халфа номига эга бўлганлар. Шогирд устозидан фотиҳа олиш учун ўз уйига ҳурматли халфаларни ва ўз устозини чақириб зиёфат бериб, бир сидра кийим-бош ҳадя қилган

Фотиҳа олган халфа мустақил ўзи тўй ва маъракаларга бориб, хотин-қизларга ўз санъатини намойиш қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Шогирдлар устозини ҳаммавақт ҳурмат қилган. Агар устоз халфа билан шогирд халфа бир тўй ва маъракага бориб қолса, устознинг рухсатисиз шогирд халфа ижрочилик санъатини бошлаш ҳуқуқига эга бўлмаган. Ҳеч бўлмаганда устоз халфа бир газал ёки қўшиқ куйлаб, сўнг шогирд халфага навбат берган. Шундан кейингина шогирд халфа куйлашни бошлаган.

Ж. Қобулниёзовнинг аниқлашига қараганда революцияга қадар халфалар чолғу асбоби ёрдамида эмас, балки иккى пиёла ёки ликопчаларни бир-бирига уриб, ундан чиққан овозга жўр бўлиб куйлаганлар<sup>1</sup>.

Халфаларнинг кўнғироқдек жарангдор ва майни овози пиёланинг нозик ва ўйноқи жаранги билан қўшилиб, ўзига хос мусиқийлик кашф этган.

Т. Жалолов «Узбек шонралари» номли асарида хоразмлик халфаларга жуда характерли баҳо бериб ўтган. Унинг таърифи: «Халфалар маъракаларнинг файзи, қизлар мажлиси ва аёллар базмининг маликалари саналадилар, улар тўй ва маъракаларга қатнашиб, шодликка шодлик, қувончга қувонч қўшадилар, ўйноқи куйлар, нафис рақслар, дилбар ашулаш билан тўй аҳларининг қалбларига эзгу ҳис-туйғуларини сепадилар»<sup>2</sup>.

Хоразмда маълум ва машҳур бўлиб келган халфалар Улуғ Октябрь социалистик революциясигача хотин-қизлар орасида ҳақиқатни куйлаб келганлар, халқ ҳурматини қозонгандар.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Шарқ хотин-қизларининг қисмати айниқса аянчли эди. Улар энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар. Феодализмнинг тўрт девори ва паранжи-чачвон ташқи дунёни ва ҳатто қўёшни ҳам тўсиб забун қилиб қўйган бу мазлумалар эрининг тилсиз чўрисига айланиб, ижтимоий ҳаётдан бутунлай ажратиб қўйилган эди.

<sup>1</sup> Ж. Қобулниёзов. Хоразм халқ қўшиқлари, 25-бет.

<sup>2</sup> Т. Жалолов. «Узбек шонралари». Биринчи китоб, 239, 240-бетлар.

Ука қутлагу бүлсии көнгликтиннег шоди,  
Сен менга баён эт ким уюниг оди.  
Нарими, малакми киминнег авлади?  
Қайди олдинг ука бу тарғунчани.—

деб йигитининг севгили ёрини ҳавае билан тасвирлаган.

Ожизанинг «Қайдадир билман дилдорим» қўшигини тингла-  
ганда эса қиз севгани ёрининг бевафолигидан қийналгани, уни  
гулзорлардан излаётган саҳнаси тасаввуримизда гавдаланиди:

Ошиқ өрдим мен бир ёра,  
Ахтабиб чиқдим тулзора,  
Ваъзасида турмасдан,  
Айлази мени оввора.  
Қайдадир билман дилдорим  
Ақлим олган севар ҳрим.<sup>1</sup>

Ожизанинг халққа, она-Ватанга багишлаган кўп қиррали  
халфалик санъати Н. Г. Чернишевскийнинг «Табнат аёлларга  
нақадар доно, кучли ва сезгир ақл-идрок ҳадя этган...<sup>2</sup> деган  
сўзининг тўғрилигини яна бир бор иебот қиласди.

Хоразмда номи чиққан халфалардан бири хазорасплик Розия  
халфа Матниёз қизи (1889—1951) бўлиб, унинг репертуарида  
Хоразм халқ қўшиқлари, шонрларининг газалларидан ташқари  
«Бозиргон», «Гулруҳпари», «Шобаҳром», «Фариб ошиқ», «Зав-  
риё», «Юсуф Аҳмад» ва бошқа достонлари тўлиги билан бўл-  
гани.<sup>3</sup>

Хазорасплик Саодат халфа Худойберганова (1905—1972)<sup>4</sup>  
Махфира Собирова (1909—1966) ҳам халфалик санъатини эгал-  
лаб олиш билан бирга шонрлик ҳам қилганлар. Айниқса Махфира  
Собирова шеър ва қўшиқлари халққа, коммунистик партияга,  
В. И. Ленинга, коммунистик жамият қураётган ёшларининг тур-  
муш қуриш тўйларига багишлангандир.<sup>5</sup>

Кўриб ўтганимиздек, Хоразмдаги халфалар санъати ва ижо-  
ди драма ва театр санъатининг вужудга келишида муҳим манба  
бўлган. Шу билан халфалик санъати Хоразмда совет театри учун  
хотин-қиз актёрлар етишириб берганлигини эслаб ўтиш ўрин-  
лидир.

<sup>1</sup> Узбек халқ музикаси VII том, Хоразм ашулалари, 399-бет.

<sup>2</sup> Н. Г. Чернишевский. «Нима қилмоқ керак», Тошкент, 1951 йил, 429-бет.

<sup>3</sup> М. Муродов, Н. Сабуров. Достон зйтишув ҳақида, «Қоракўз

оим», «Гулруҳпари», 7-бет.

<sup>4</sup> О. Собиров. Узбек совет фольклори очерклари. Тошкент, Узбекистон

ССР «Фан» изашриёти, 1971 йил, 110-сар.

<sup>5</sup> О. Собиров. Ҳаш азэр, 115-бет.

Хоразмда масхарабозлик санъати ҳам ўзига хос ривожланиш  
босқичларини босиб ўтган. Улуг Октябрь социалистик револю-  
циясигача бўлган даврда Ўрта Осиёда уч хонликинг мавжуд  
бўлиши Хоразмда масхарабозлик санъатида ҳам ўзига хос хусу-  
сиятлариниң сақланишига олиб келган.

М. Қодировниң кўрсатишича, «Хоразм театри бошқа театр-  
лардан авваламбор «Хатарли ўйин» номли катта йигинлар-  
га мўлжаллангай туркумниң иисбатан яхши сақланганлиги, ре-  
пертуарида ҳайвонот олами ва халқ турмушини акс этирувчи  
пантомималарининг етакчи ўринда туриши ва «тўқма»<sup>1</sup> деган ўзи-  
га хос кулги-ҳикоя жаирига эга бўлиши билан алоҳида ажralиб  
туради<sup>2</sup>.

Хоразм масхарабозлари алоҳида групнага бирлашмаган. Улар  
асосан халқ қўшиқлари, музикачилари, дорбоз ва муаллақчи-  
лари билан бирга халқининг тўй ва томошаларида қатиашаб, ўз  
санъатини намойини қилганлар.

Н. Бобоҷоновниң берган маълумотига қараганди XVIII аср  
охири XIX аср бошларида яшаган шовотлик Оташ масхарабоз,  
Нуржон доирачи билан машҳур Эшвой бахши қатиашган тўй ва  
санъатни намойини қилганлар.

Т. Обидов «Хоразм масхарабозлари театри» номли маҳсус  
ишида Хоразм масхарабозлари репертуаридаги рақс пантомима-  
сини уч қиемга бўлади. 1) Мураккаб йўсунидаги эпчиллик билан  
(ўтириб) акробатик ҳаракатда бажариладиган рақеллардан «Ко-  
са» ўйини («Танец с пальмой»), «Таёқ ўйини» («Танец с пальмой»),  
«Пичоқ ўйини» («Танец с ножами»), «Тогора ўйини» («Танец с  
блюдцем»), «Ликоб ўйини» (Танец с блюдами); 2) қаҳрамони-  
лари ҳайвонлар ва қушлар бўлган рақс пантомима ўйинларига  
«От ўйини» («Танец лошадей»), «Қум пишиқ» («Суслик»),  
«Пишиқ» («Кот»), «Улоқ» («Козочка»), «Хўрз» («Петух»), «Фоз»  
(«Гусь»), «Қирғовул» («Фазан»), «Макиён» («Перепелка»), «Гус-  
фанд» («Баран»), «Чағаллоқ» («Чайка»), «Юпопоу» («Удод»),  
«Хўрз уриштириш ўйини» («Бой петухов»), «Кантар ўйини»  
(«Бой голубей»); 3) меҳнат ва маний турмушига багишланган  
пантомимик ўйинларидан «Сипса ўйини» («Танец с веником»), «Чў-  
пантомимик ўйинларидан «Сипса ўйини» («Танец с веником»), «Чў-  
пантомимик ўйинларидан «Сипса ўйини» («Танец с веником»), «Чў-  
пантомимик ўйинларидан «Сипса ўйини» («Танец с веником»), «Чў-

<sup>1</sup> Тўқма — бирданига тўқиб ёки топиб айтиш санъати.

<sup>2</sup> М. Қодиров. Узбек театри анъаналари, 206, 207-бетлар.

<sup>3</sup> Н. Бобоҷонов. Ҳон зулмига учраган бахши. «Совет пахтакори» га-  
зетаси, 1973 йил, 3 июль.

Онажон халфа Собироанинг Сарахон Оллоберганова, Ровия Отажонова, Рейма Ҳакимова, Уғилжон Машарипова, Пошшахон Матчопова каби шогирдлар иштэйдодларини ўстиришида хизмати жуда катта бўлади. Натижада Сорахон Оллоберганова, Рейма Ҳакимова, Ровия Отажоновалар республикада танилган артист бўлиб етишадилар. Кейинчалик улар «Узбекистонда хизмат кўрсатган артист» узвонига сазовор бўладилар<sup>1</sup>. Ю. Юсуповнинг тўгри баҳо бернишига қараганда: «...ХХ аср бошларида ёқ Хонимжон халфа билан биринчи марта гармонь чалиб, ашула айтишга журъат этган ва революциянинг биринчи кунидаёқ наранжиши улоқтириб, янги тузумни мадҳ этган Онажон Собирова бўлса, иккинчиси халфа санъатини эгаллаган Онабиби Қори Отажонова эди»<sup>2</sup>.

Онабиби Қори Отажонова (тажаллуси Ожиза) (1899—1952) ҳозирги Хива районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида дехқон оиласида тугилди, тўрт ёшида чечак касаллиги билан оғриб, кўзи ҳам кўрмай қолади. Ожиза 9 ёшига қадар ота-она тарбиясида бўлиб, сўнг Сангар қишлоғида истиқомат қилувчи Қосим девон ва унинг қизи Бибижон халфага шогирдликка тушади. Ожиза ўн уч ёшга киргач, газал тўқиши, кўшиқ айтиш, соз чалиш, халқ достонларини ёддан куйлаш санъатини ҳам эгаллаб олади. У ўзи тўқиган кўшиқларида Ожиза тажаллусини қўллайди. Т. Жалоловнинг кўрсатишича, Онабиби Қори тилида «Ожиза» кўзи кўр хотин маъносида ишлатилган<sup>3</sup>.

Онабиби Қори «Ожиза» халқ орасида уста гармонь чалувчи, моҳир қўшиқчи сифатида танилиб қолмай, ҳозиржавоб шоира сифатида ҳам ном қозона бошлайди. У фақат халфагина эмас, балки Хивада ном чиқарган кўпчилик созандা халфаларнинг устози ҳам бўлган<sup>4</sup>.

Удан тарбия олган Назира Собирова, Онабиби Жуманиёзова, Равия Аҳмедова, Уллиби Бойжонова каби кўпгина хушвоноз ашулачи ва раққоса, музика билимдонлари етишиб чиқади. Улар халққа ҳозиргача ўз санъати билан сидқидилдан хизмат қилаётir.

Ожиза Хоразм халқ революциясини қизгин кутиб олди. У доҳиймиз В. И. Ленинни таърифлаб: «Билимни кўнгилида йигиб, қимматли олмосдай асрар эди Ленин»<sup>5</sup>, деб ёзган эди.

Ожиза «Партия ҳақида» яратган шеърида:

<sup>1</sup> Г. Рахимова. Қутлуқ йўлда. Тошкент, Узбекистон ЛКСМ Марказий комитети «Ёш гвардия» нашриёти, 1973 йил, 90—98-бетлар.

<sup>2</sup> Ю. Юсупов. Гулпопук. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1970, 4 январь.

<sup>3</sup> Қаранг: Т. Жалолов. Узбек шоирлари. Биринчи китоб, 246-бет.

<sup>4</sup> Ж. Қобулиниёзов. Хоразм халқ қўшиқлари. 397-бет.

<sup>5</sup> А. С. Садыков. Россия и Хива в конце XIX, начале XX века. Ташкент, изд-во «Фан», 1972, стр. 202.

Жонажон партияни биларни ҳур-шод айлади.  
Барча миллат аҳлини мангуга озод айлади,<sup>1</sup>—

деб ёзиб, унга куй басталаб гармонь билан айтиб ҳам берган эди. Ожиза 1928 йилдан 1938 йилгача Хива шаҳридаги кўзи ожизлар артели (УПМ)да бадиий ҳаваскорлик тўғараги раҳбари бўлиб ишлади. У 1938 йилдан 1952 йилгача аввал Хива, кейин Хоразм облостъ колхоз-совхоз театрида ишлади.

Ожизанинг шогирдлари орасидан артист Пошшахон Маткаримова 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашиб, ўзининг нафис ижрочилик маҳоратини намойиш қилди. У пойтахт меҳнаткашларининг, санъатшуносларининг таҳсинга сазовор бўлди<sup>2</sup>.

Хива шаҳрида истиқомат қилувчи, 1922 йилда туғилган Ожизанинг шогирди Назира халфа Собирова қўйидагича маълумот беради: «Ожизанинг хотираси ниҳоятда кучли эди. У эрталаб янги ғазални ўқитиб эшитгач, қўлига гармонини олиб, кечгача унинг кўйини басталар эди. Кечда эса саҳнада туриб уни тингловчиларга ўз сози ва овози билан куйлаб берарди. 1945 йилнинг 9 майида эрта билан колхоз-совхоз театри коллективи Совет қўшинларининг фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабасини радио орқали эшитдик. Бир соатдан кейин эса Ожиза «Ғалаба» номли қўшиғини ўзи музикага солиб куйлаб бергани ҳали ҳам эсимда»<sup>3</sup>.

Ожиза совет ҳокимияти йилларида севги-муҳаббат, меҳнат темасида жуда кўп шеър ва қўшиқлар яратади. Унинг «Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?», «Тарғунча», «Уяламан», «Хабар галмиш», «Қайдадир билмам дилдорим»<sup>4</sup>, «Тунинай», «Ўлгунча сени дерман»<sup>5</sup>, «Пахта», «Ғалаба» каби қўшиқлари ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб, санъат шайдоларини мафтун қилиб келмоқда. Уларда ўзбек хотин-қизлари, шу жумладан, хоразм хотин-қизлари учун айниқса хос бўлган уятчанлик, бутун борлиғи билан севиши, севгини юракда сақлашга ундаш, уни асраб билмаганлар устидан кулиш, севигига садоқат қилмаганлардан нафратланиш каби катта ҳаётий ва ижтимоий фикрлар билан жилолангандир<sup>6</sup>. Ожиза «Тарғунча» қўшиғида:

<sup>1</sup> Ожиза. Партия ҳақида. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1963 йил, 17 май.

<sup>2</sup> Ю. Рузметов. Ожиза. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1963 йил, 17 май.

<sup>3</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1975 йил, 22 май, № 12.

<sup>4</sup> Узбек халқ музикаси, VII том, Хоразм ашулалари, 311, 314, 388, 399, 395, 396, 398, 399-бетлар.

<sup>5</sup> Хоразм халқ қўшиқлари. 361, 362, 363-бетлар.

<sup>6</sup> Ж. Қобулиниёзов. Хоразм халқ қўшиқлари, 397-бет.

ва ўмошаларида ўз санъатини намойиш қилишда давом этади. Онажон халфа кўп йиллар давомида ҳозирги Туркманистоннинг Тошовуз обласи террориясидаги ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тўй ва томошаларида хотин-қизларга гармонь чалиб, қўшиқ айтиб маънавий озуқа беради.

Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 1900 йилда туғилган 1926 йилдан КПСС аъзоси Абдулла Абдолниёзовнинг берган маълумотига қараганда, 1910 йилда Хива таҳтига чиққан Исфандиёрхон ўғли Темур Гозийнинг суннат тўйини бошлатган. Бутун Хоразм террориясидаги санъаткорлар Хивага олдирилган. Шулар қаторида Хоразмнинг «булбули гўёси» номини олган Онажон халфа ҳам хон ясовуллари ёрдамида Тошовуз террориясидан топиб тўйга келтирилади. Бу тўй қирқ кун давом қилган. Аммо тўйдан кейин Исфандиёрхон Онажон халфага энди ҳеч жойда талқин айтмайсан деб буйруқ берган<sup>1</sup>. Шундан кейин Онажон халфа Россиянинг Амударё бўлимига ўтиб Тўрткўл, Шоббоз районидаги тўй-маъракаларда сидқидилдан хизмат қиласди.

1918 йилда Жунаидхон ҳам Онажон халфани излатади. Аммо уни тополмай, унинг шериги Омон халфани Жунаид газандалари қийнаб ўлдирадилар<sup>2</sup>.

Маълумки, «Хивада Жунаид ҳукмронлиги даврида даҳшатли террор, зулм, зўравонлик қилиш икки баравар ошли, мамлакатда аҳвол кун сайнин оғирлаша борди<sup>3</sup>. Революцион вазият пишиб етишди. Натижада 1920 йилнинг 2 февралида хонлик ҳокимияти ағдарилиб, унинг ўрнига халқ ҳокимияти ўрнатилди. Революциядан кейин Онажон халфа Собирова Хоразм хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб паранжи-чачвонини ташлаб, бошқаларни ҳам шунга чақиради. Революциянинг моҳиятнини тушунтиради. Натижада Хоразмда Онажон халфа билан бирга 160 хотин-қиз паранжи-чачвонини ташлаб, коммунистик партия сафиға кирадилар ва ички ҳамда ташқи душманга қарши курашадилар. Онажон халфа «Паранжи», «Колхозчи қиз», «Колхозчи қадрдонлар» каби ўйлаб қўшиқлар яратган. Уларда халқ душманлари қораланса, совет ҳокимияти, колхоз тарафдорлари улуғланади. Онажон халфанинг яратган «Сизники» қўшиғида эса совет замонасидаги эркин севги тараннум этилади. Бу қўшиқ йигит ва қиз айтишуви шаклига эга бўлиши билан ҳам ажralиб туради.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 23 май, № 13.

<sup>2</sup> Тўрткўл шаҳри, Энгельс кўчасида турувчи Онажон халфанинг набираси Ой Қурбонбосевдан олинган маълумот асосида ёзилди. Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 19 ноябрь, № 33.

<sup>3</sup> М. Абдураҳимов. В. И. Ленин ва Хоразм. Тошкент, Узбекистон КП Марказий комитетининг нашриёти, 1970 йил, 14-бет.

## Йигит:

Гулсанам, арзим эшиш  
Лабингда холинг кимники?  
Ҳам заноҳдонинг лабинг,  
Рухсори олинг кимники?

## Қиз:

Ергинам, сизга жавобим,  
Лабда холим сизники  
Ҳам заноҳдоним, лабим,  
Рухсори олим сизники.<sup>1</sup>

Бу қўшиқ совет ҳокимиятининг Хоразмдаги зафари самарасидан илҳомланган ҳолда ёзилган бўлиб, дастлаб Онажон халфанинг ўзи халқ йигинларida айтиб юрган. Хивада истиқомат қилувчи 75 ёшли Бола бахши Абдуллаевнинг берган маълумотига қараганда, «1922 йилда Онажон Собированинг «Сизники» қўшиғини Хивада ташкил топган совет театри янги биноси саҳнасида Оллаберган Заргаров билан Шарифа Оллаёрова дуэт шаклида айтишиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлганлар<sup>2</sup>. Н. Раҳимованинг кўрсатишича, Онажон халфа «Хоразмда биринчи бўлиб майдонга хотин-қизлар рақсини олиб чиқди»<sup>3</sup>. У Хоразмда хотин-қизларни рақс санъатига ўргатишида, уларни театр саҳнасига олиб чиқишида катта хизмат қиласди. Онажон халфанинг ўзи ҳам 1922 йилдан бошлаб Хива театри труппасида қатор ўйинлар билан чиқади<sup>4</sup>. Хива шаҳрида истиқомат қилувчи, 1914 йилда туғилган, 1952 йилдан КПСС аъзоси, ўқитувчи Абдиёз Полновининг маълумотига қараганда: «Лазги» ўйинини Онажон халфадек ўйнайдиган санъаткор ҳали Хоразмда етишган эмас<sup>5</sup>.

1939 йилда тузилган Онажон халфа раҳбарлигидаги хоразмлик гармончи хотин-қизлар ансамбли Тошкентга сафар қиласди. Бу колектив музикасини, қўшиқ ва рақсларини пойтаҳт томошабинларни завқ-шавқ билан кўришга ва эшитишга муваффақ бўладилар<sup>6</sup>.

Ансамблъ 1939 йилнинг июль ойидан сентябрь ойининг ўрталаригача республикамиз бўйлаб гастролда бўлади. Бу ансамблда

<sup>1</sup> Хоразм халқ қўшиқлари, 357-бет.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 16 май, № 6.

<sup>3</sup> Н. Раҳимова. Хоразм рақсида ўйлар. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1966 йил, 3 август.

<sup>4</sup> Л. А. Айдесева. Хорезмский танец, стр. 18.

<sup>5</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 15 май, № 5.

<sup>6</sup> Н. Раҳимова. Хоразм рақсида ўйлар. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1966 йил, 3 август.

ларни ётқизиб, коллектив бўлиб зикрга тушиб қўшиқ айтгаилар. Бунда ҳам «кўч» сўзи қўшиқ охирида касалин сеҳр-жоду ёрдамида ёмон руҳлардан тозалаш учун айтилган<sup>1</sup>. М. К. Нурмуҳамедов ва К. М. Максетовнинг кўреатининг қарагандага «Бадик» ёки «Гулсан» қўшиғи ва ўйинидаги зикрга тушиши, оловга тошиниц мусулмончиликкача бўлган эътиқодлар излариdir<sup>2</sup>.

XIX аср охирни XX аср бошларида хоразмлик масҳарарабоз Давлат нақапоқ, Жўманиёзкори ва Юсуф шарлама ўйнаган спектакллардан «Сартарош», «Фолбин», «Зимлак» ўйниларини Ургач шаҳрида истиқомат қилувчи 80 ёшли Қурбоибай шарлама Пўлдошев ва 70 ёшли Ражан Қулобин ижроисида тиклашга эринидик.

«Сартарош» спектаклини ўйнаган ҳар иккала масҳарарабоз ҳам қизил иштои-кўйлак ва қизил қалпоқ кияди. Оёғига эса маҳси кийиб даврага чиқадилар. Сартарош ролида Қурбоибай шарлама, соч олдирувчи ролида Ражан Қулобин ўйнайди.

Шарлама: Ҳой, амаки, ассалому алайкум.

Қулобин: Вой, ҳой, одам, бари гал, қайга бориб, қайдан келасиз, сартарошмисиз, қарори турасизми?

Шарлама: Ҳа, сартарошман, қарори турман, турман.

Қулобин: Икки юз уйли бор.

Шарлама: Олти ярим уйлига турман.

Қулобин: Нега турасиз?

Шарлама: Йилига икки юз ботмон бугдой, юз ботмон кунжи, юз ботмон шолига турман. Кўрпа-тўшакининг тангиб ўйнингдан чиқиб кетсанг турман.

Қулобин: Майли, бу ёғи бир гап бўлар, сочимни ол.

Шарлама Қулобининг сочини эзган бўлиб гилофидан покисини сугуриб олади ва бурнининг тагига поки қўяди.

Қулобин: Сартарош, ташновга зор эмасман.

Қулобин: Дод, сочимни ол, сочимни ол,— дейди.

Шарлама: Сувга тушмоққа ташнов йўқ демадингми?

Шарлама унинг бўғзига поки теккизади ва:— Сувга тўнгиртқа йўқ демадингми?— деб сўрайди.

Қулобин: Тўнгиртқа етарли, сочимни ол, сочимни.

Шарлама унинг қулоғига поки теккизади ва: «Хотинимнииг уни эламоққа супраси йўқ демадингми?»

Қулобин: Супра ҳам етарли. Сочимни ол, сочимни.

<sup>1</sup> Х. Е бергенов, Т. Атамуратов. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков, стр. 143; К. Аймбетов. Халық давлаты. Нукус, Каракалпакстан баспасы, 1968 йил, 1—17 бет.

<sup>2</sup> М. Нурмуҳамедов. Адабиёт ва мағкура. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил, 108-бет; К. М. Максетов. Очерки по истории каракалпакского фольклора. Ташкент, изд-во «Фан», 1977 год, стр. 145.



1930 йилда Хива колхоз-совхоз театри ижодий коллективи.

Икковининг суҳбати шу хилда давом этади. Шарлама ҳар сафар поки қўйганида Қулобин қўрқиб сакраб тушади. Охирида соч олдирувчи сартарошни ўйнига таклиф қиласди ва ўйнidan кейин сартарошни имо-ишоралар билан келган йўлига ҳайдаб юборади.

«Фолбин» спектаклида ҳам икки масҳарарабоз қизил кийимларни кийиб чиқади. Ақлдан озган жинни ролидағи масҳарарабоз отининг қўйруги мўйидан соқол-мурт қистириб олади, юзига оқ упа сепади, сочини ўзи олмоқчи бўлиб уринади.

Фолбин: Ассалому алайкум. Ҳўш, ҳўш, ота, исемингиз ким?

Ота: Олтибой ота.

Фолбин: Сен ким?

Жинни: Магзимбой.

Фолбин: Олтибой ота, Магзимбой Сизнинг ўғлингизми?

Магзимбой: Бу менинг ўғлим (отасини кўрсатади).

Фолбин: Ўғлингиз бу дардин қачон топган?

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, масхарабоз актёрлар бирданига чол ва кампир қиёфасига, ундан сўз ўйини орқали Хива хони ва жаллоди қиёфасига кўчганлар. Хива шаҳрида яшовчи, 1916 йилда туғилган санъаткор Юсуф Жабборовнинг берган маълумотига қараганда Япирди масхарабоз «Хўroz ўйини» спектаклини бир ўзи ўйнаган.

Япирди даврага чиқиб менинг бир хўрозим бор даканг-даканг, ҳамма хўроларнинг хўроzi, товуқларнинг гўри ва зўри, уларнинг ҳаммасини юришга-туришга, дон топиб келишга мажбур қиласди, дейди. Япирди Хўroz юриши, ҳаракатларини ўз ўйини, имо-ишоралари билан ҳам кўрсатиб беради.

Ўйин авжига чиққанда шу хўрозни олдириб, томошабинларга таниширади. Хўрозининг қорини қисиб овоз чиқаришга мажбур қиласди. Сўнг унинг билан сўзлашган бўлади ва унинг айтганинни гўё одамларга тушунтираётгандек сўзлаб, хўроzi қариганини, энди наубат бошқа хўроларга кўчганини тушунтиради. Хўroz қизиқ ўйинга тушишини эълон қиласди. Япирди хўрозининг бошини қайтариб қаноти остига бояглаб даврага юборади. Хўroz қанотларини ёзиб турли томонга пар-парлаб, тўхтаб ўйин қилган сайин Япирди ҳам хўroz қадамига ўйинга тушади.

Охирида Япирди: Хўrozим товуқ-хўроларни эзавериб, худодан жазо олдими ёки лаънат деган бедаво қарғишга қолдими, деб қисинади. Бу ерда Япирди Хўrozни ҳукмрон эзувчи синиф намояндаси сифатида кўрсатиб халққа қарши шафқатензлик қиласди одам албатта жазосиз қолмайди, деган идеяни илгари суради.

«Кўч-кўч» ўйини Хоразмда тўй ва зиёфатларда йигитлар даврасида революциядан илгари ҳам, кейин ҳам ўйналиб келинган. Бунда бир масхарабоз ўртага тушиб касалга ўхшаб узала тушиб ётган, иккинчиси эса фолбин ролидаги чиқиб:

Кўз этганинг кўзига,  
Сўз этганинг сўзига,  
Кўч, кўч, кўч, кўч,  
Ўри, ўрик, золимларга  
Кўч, кўч, кўч, кўч<sup>2</sup>,—

деб гўё касални дурра билан уради. Касал эса оҳ-воҳ деб йигитлайди ва бирдан сўзламай қолади. Фолбин эса даврадан чиқиб қочади. Касал эса ўриндан туриб «касал қочди» деб кулиб қолади. Ўйин тамом бўлади. Шу билан фолбинининг бутуни сир-аэрори очилади.

<sup>1</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1981 йил, 18 июнь, № 5.

<sup>2</sup> Автор томонидан Хоразм облости Хонқа районидаги Дурхоним Раҳимова мактабининг ўқитувчиси 1934 йил туғилган, 1960 йилдан КПСС аъзоси Айтбой Уруновдан ёзиб олинди. Авторининг дала ёзувлари, 1975 йил, 26 май, № 17.



Созандалар (1922 йил). Х. Девонов фотоси.

Йигитлар даврасида қаттиқ кулги кўтарилади. Бу ўйинда ҳам драма элементи кўзга ташланади.

С. Имомхўжаев таъкидлаганидек: «Драма санъатида санъаткорнинг самимий йиглай олиши ва кула олиши катта истеъоддининг нишонаси ҳисобланади»<sup>1</sup>. Шубҳасиз, «Кўч-кўч» ўйинидаги сеҳр-жеду ёрдамида касалдаги ёвуз кучларни қувишга итилиш моменти бу ўйинни исломгача бўлган давр билан баглайди.

Шуни айтиб ўтиш ўринилидирки, юқорида келтирилган «Кўч-кўч» ўйинлари билан қорақалпоқ<sup>2</sup>, қозоқ<sup>3</sup> халқи орасидаги традиция сифатида айтилиб келинган «Бадик» қўшиғи ва «Бадик» ёки «Гулапсан» ўйини орасида ўхшашлик бор. «Бадик» ёки «Гулапсан»да одамлар олов ва кўпичлик айтган қўшиқнинг кучи билан юзига бадик (яра) чиққан болани «даволамоқчи» бўладилар. Кунботар вақтида давра ўртасидаги олов ёнига касал бо-

<sup>1</sup> С. Имомхўжаев. «Ўтмиш шарқ иотиқлиги», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1972 йил, 28-бет.

<sup>2</sup> Қорақалпоқ халъық косыклари. Қарақалпақстан баспасы. Нукус, 1965 йил, 88-бет.

<sup>3</sup> С. Муканов. Истоки казахского театра. «Литературное искусство Казахстана», 1941, № 4, стр. 88.

«Киморбоз» («Игрок»), «Карта ўйин» («Игра в карты») ва бошқаларни киритади<sup>1</sup>. Бундан ташқари Хоразм масхарабозлари репертуарида «Буважон чўлоқ» («Хромой Буваджон»), «Нон ёпиш» (Выпечка лепешек), «Хотин туғиб ётгани» («Роды жены») ва бошқа юмористик спектакллар ўрин олган<sup>2</sup>. Бизнингча, Т. Обидовнинг кандидатлик диссертациясида<sup>3</sup> ва М. Қодировнинг «Ўзбек театри анъаналари»<sup>4</sup> номли фундаментал асарида етарли маълумот берилганлиги сабабли уларга тўхталиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Биз Хоразм масхарабозлари санъатидаги драма ва театр элементларига эга бўлган айрим пьеса ва спектаклларга тўхталиб ўтамиз холос. «Хатарли ўйин» Хоразм масхарабозлари томонидан сайил ва байрамларда ўйналган. Ўйин бир неча кунга чўзилган, унинг ўйналиш тартибига кўра аввало машвоқлар «Наво», «Дугоҳ» куйини чалиб одамларни томошага чақирадилар. Сўнг актёр қайроқ билан «Норим-норим»га ўйнайди. Шундан кейин «Гул уфори» ўйналади. Сўнг икки актёр даврага чиқиб, бугун қизиқ томоша бўлиш кераклиги ҳақида диалог олиб боради. Сўнг ҳажвий рақс ўйналади ва у тугагач, икки актёр ўз аҳволларини шеърий диалогда таърифлаб беради. Улардан кейин масхарабоз актёrlар навбатма-навбат чиқиб «Гавданбой хатари», «Рувони хатари», «Хачатур армани хатари», «Кампир хатари», «Домла қори эшони хатари», «Азайимхон хатари» каби спектаклларни ижро қиласидилар.

«Хатарли ўйин» спектакллари қатъий планда ва ўйин бошидан охиригача музика ва рақс билан олиб борилиб 4 дан 8 гача актёр қатнашган<sup>5</sup>.

Аmmo «Хатарли ўйин» спектакллари ҳамма жойда ўйналиши учун имконият бўлмаган. Чунки созанда, гўянда ва қўшиқчилар билан юрган айрим масхарабозлар шунча кўп актёр бажарадиган «Хатарли ўйин» спектаклини фақат катта тантаналарда кўп масхарабоз актёrlар қатнашган жойлардагина ўйнашга муваффақ бўлганлар.

Қизиқарли томони шундаки, Хоразм масхарабозлари, «Хатарли ўйин» спектаклларидан «Гавданбой хатари» спектаклида XIX асрнинг 80-йилларида пахта олиб «Россия саноатчилари»га етказиб бераётган Хонқали савдогар Гавданбойнинг<sup>6</sup> сатирик образи-

<sup>1</sup> Т. Абидов. Театр масхарабозов Хорезма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. Ташкент, 1967, стр. 9—11.

<sup>2</sup> Т. Абидов. Там же, стр. 14.

<sup>3</sup> Т. Абидов. Театр масхарабозов Хорезма, Ташкент, 1967.

<sup>4</sup> М. Қодиров. Ўзбек театри анъаналари, 147—171-бетлар.

<sup>5</sup> М. Рахмонов. Ўзбек театр тарихи, 58-бет.

<sup>6</sup> Қаранг: А. С. Садыков. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX — начале XX вв. Ташкент, изд-во «Фан», Узбекской ССР, 1965, стр. 62.

ни молларини сотиб пулларини эшаги эгари тагига жойлаб уйига қайтаётган пайтда қароқчига тушиш воқеаси билан тўлароқ очиб берадилар. Гавданбой бойлигини яшириш учун эски кийим кийиб олган бўлади. Ammo йўлда учраган қароқчи уни дарров пайқаб, шилиб олади. Бунинг устига қароқчи уни мажбуран ўйинга туширади, уни шўх ўйнашга, кулишга мажбур қиласиди. Бу спектаклни икки актёр ўйнаган. Гавданбой ролидаги актёр унинг пулпарастлигини, шу билан қароқчидан қўрқсанлигини ўз ҳарачатларида маънодор ва ҳажвий йўсингда ифодалаб беради<sup>1</sup>.

Хоразм масхарабозлари репертуарларидаги кўп серияли «Хўкки Тўра» спектаклининг қаҳрамони Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғилларидан бири Саид Абдуллахондир. У Исфандиёрхонни Жунаидхон ўлдирганидан кейин 1918 йилнинг 30 октябриндан Хивада қўғирчоқхон сифатида 1920 йилнинг 2 февралигача ҳукмронлик қиласиди<sup>2</sup>. Саид Абдуллахон ўта кўп кўкнор ичиб, мааст-аласт ҳолда кўнглига тушган номаъқул ишни қиласидиган, кайфу-сафога берилган шахс бўлган. Хоразмда ном чиқарган масхарабоз Худойберган тўқ-тўқнинг бир ўзи Хўкки Тўра мисолида Саид Абдуллахон ва унинг масхарабози Қодиржонбона ва созандаларнинг ўткир характерли, тақрорланмас образларини яратади. Хоразм масхарабозларлик халқ театрида «Хўкки Тўра» типидаги бир актёр томонидан ўйналадиган комедиялар оз эмас<sup>3</sup>. Қизиқарли жойи шундаки, Хоразм масхарабозлари ўзлари ўйнаётган ролларининг қиёфасига жуда тез кира олганлар.

Икки масхарабоз актёр ўйнайдиган «Эр ва хотин» спектаклиниг ўйналиши фикримизнинг далили бўла олади.

Хива шаҳрида истиқомат қилувчи 74 ёшли Полвонназар Отаевнинг маълумоти бу масалани янада оидинлаштиради. «Мен ўн ёшлик бола эдим. Хива шаҳрида бўлган сайиллардан бирида Бобо тўқ-тўқ билан Япирди масхарабоз майдонга чиқди. Бобо тўқ-тўқ керилиб ўтиради ва Япирди эса «Лаббай, ҳозир» деб бошидан телпагини чиқариб ташлаб, бошига чақонлик билан рўмолини тангигб мункиллаган кампир қиёфасига киради. Бобо тўқ-тўқ Япирдининг қиёфасига қараб: «Ух, қарибсан», деди. Япирди нозу карашма билан: «Қўйинг, кўнглимни туширманг, ҳали қаймоқдайман», деди. Бобо тўқ-тўқ: «Қаймоқдай бўлсанг ҳам дағаллашиб калла ос», деди.


Япирди: қирқ йилдан бўён калла осомон, осилиб бўлмаган калла қурсин, осдириб хумордан чиқмаган Сиз ҳам қуринг, деб Бобо тўқ-тўққа афтини буриштириб бир қаради. Томошабинлар кула-кула ичаги узулгудай ҳолга келди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи, 89-бет.

<sup>2</sup> История Хорезма с древнейших времен до наших дней, стр. 159.

<sup>3</sup> М. Қодиров. Ўзбек халқ оғзаки драмаси, 22-бет.

<sup>4</sup> Авторнинг далла ёзувлари, 1975 йил, 20 май, № 11.



Хоразм область Хонқа район маданият уйи бадий ҳаваскорларининг саллов участкаидаги концерти.

дан Худойберган кўр, Вовоқ ота Аvezov ва бошқалар ўйнаб келгани.

Хивалик халқ санъаткори 68 ёшли Зариф Латиповининг берган маълумотига қараганда: «Хоразмлик масҳараぼз Қурбонбой Шарлама ва Юсуф Шарлама ҳам «Зимлак» ўйинини қуни кунларни юзларига ниқоб кийиб, бошларига шох қадаб, соқол қистириб, эгинларига пўстинларини тескари кийиб, бир-бирига қараб ўйнаб, ҳар сафар томошабинларни ўзларига сеҳрлаб қўйганлар»<sup>1</sup>.

Юсуф Шарламанинг шогирдларидан бири, хивалик 74 ёшли санъаткор Полвонизар Отаев устозининг нобёб масҳараぼзлик санъати тўғрисида қизиқарли маълумот беради:

«Устозим Юсуф Шарлама «Зимлак», «Пўрхон», «Мўри», «Гул уфориси» каби ўйинларда чиқишлари томошабин дўстларинингина ўз санъатига сеҳрлаб, маҳлиё қилиб қолмасдаи, ҳатто душманларини ҳам беҳуш этиб, кўзини шамгалат ўйқусига гирифтор этар эди. 1920 йилларда Хоразмда гражданлар уруши бораётган

даврда Юсуф аканинг Қўшкўнирдаги уйидан, ўзи йўқ вақтида уч мартаба босмачилар унинг яккаю ягона отини ўғирлаб олиб кетадилар. Ҳар сафар ҳам Юсуф ака излаб отини ўғирлаган қароқчи бандаларини Қорақум ичкарисидан тошиб, масҳараబозлик ўйинларидан ўйнаб, ўйин сеҳри билан уларнинг кўзини бойлаб, уз отини омон-эсон уйига олиб келганини кўрганимай. Юсуф ака ҳар сафар отини излаб борганида душман ўриангани жойни аниқ белгилаб, улар ҳақида қизил аскарлар штабига хабар бериб турарди. Кизил аскарлар эса, Жунанд бошлиқ босмачилар шайкалари турган жойни осонлик билан тошиб олиб, изма-из зарба бериб, узарни узоқларга суруб ташлар эди»<sup>2</sup>.

Юсуф Шарламанинг шогирди урганичлик 80 ёшли Қурбонбой Шарлама Иўлдошев ва 70 ёшли Ражаб масҳараబоз Машаринов ижросида «Зимлак» ўйини ва қўшигини тўла қайта тиклаб олишга муваффақ бўлдик. Улар бу ўйинни ёзги кийимлардан: қизил шитон-кўйлак, қизил дўпни ва маҳси кийиб ижро қилиб бердилар<sup>2</sup>.

Биз учун энг муҳими «Зимлак» ўйинининг ўйналини професионал саҳна кўринишига эга бўлишидир.

Хонқа шаҳрида турувчи 86 ёшли санъаткор Қодир Энҷоновининг берган маълумотига қараганда хонқалик Бейли чиплоқ (1879—1949), Сайд қоқ (1880—1965), Урин Тослаб Рассоқов (1880—1943)лар биргаликда тўй-томушаларда Хоразмда XIX аср охири XX аср бошларида «Хотинбоз ҳазили» спектаклини ўйнаганлар.

«Хотинбоз ҳазили» спектаклини бошланишидан аввал Урин Тослаб соз чалган, ҳазил қўшиқларидан айтганидан сўнг даврага Бейли чиплоқ чиқиб: Ҳой, Гўзалхон,—деб чақиради.—Кимни чақираёпсиз, хўжайин, деб, даврага кампир қиёфасидэги Сайд қоқ чиқади. Бейли чиплоқ: Сизни-да.

Сайд қоқ: Мен Гўзалхон эмас, хизматкорингизнинг хотини Сороҳониман.

Бейли чиплоқ: Сороҳон, мен учун Гўзалхонсиз. Гўзалингиз учун ишқим тушиб, қалбимни ёқаётисиз.

Сайд қоқ: Хўжайин, қалбингиз ёнса, музли сув ичинг, бирнасда олови сўнади.

Бейли чиплоқ: Гўзалхон, менинг қалбимнинг ўти лабимга Сизнинг шакар лабингизнинг шарбати тегса насаяди.

Сайд қоқ: Хўжайин, ўйингизда тўрт нозанин хотинингиз бўла туриб, бир камбагал хизматкорингизнинг шафтолидай қуриган хотинига ошиқ бўласизми? Бу ё ҳазилингизми?

Бейли чиплоқ: Гўзалхон, қариган бўлсангиз ҳам лоладай

<sup>1</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1975 йил, 20 май, № 11.

<sup>2</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1980 йил, 23 июнь, № 6.

### Иккинчи масхарабоз:

Эй сори товуқ қоколаб,  
Дарә бүйини ёқолаб,  
Қоған обгинг ўқолаб,  
Бу түя иничик галдинг?

### Биринчи масхарабоз:

Қора товуқ қоқалаб,  
Гүнонинг орқалаб,  
Бу түя иничик галдинг?  
Азмат боласи зимлак,  
Зимлак боласи зимлак.

### Иккинчи масхарабоз:

Султон боба сўқолаб,  
Пўстининг орқалаб,  
Бу түя иничик галдинг?  
Зимлак боласи зимлак.

Үйин ва дуэт шаклида қўшиқ айтиш шу тахлитда давом этиди. Томошибин үйин бошидан охиригача ичаклари узилгудай кулиб, масхарабозлар үйинни ва қўшиқларидан завқланадилар.

Масхарабоз актёрлар бир-бирига үйин ва қўшиқ давомида гўё нарги дунёдан қайта тирилиб келган киши образида муносабатда бўладилар. «Зимлак» үйинининг номи ҳам «Сўнгги нафасда, нарги дунёга кетган киши» мажозий маъносига эга бўлишининг ўзи, үйиннинг ибтидой уругчилик жамоаси давридаги гайритабии кучларга — ўлган киши жонига (анимизмга) эътиқод қилиш тасаввурлари орқали вужудга келганлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

«Зимлак» үйини қадимги хоразмликларнинг ўлган киши устида садрға тушилиши натижасида гўё ўлган киши қайта тирилади, жон ўлмайди, деган ибтидой диний тасаввурлар билан боғлиқ шаклланган бўлиши керак. Чунки үйин ҳаракатларида садр элементининг бўлиши фикримизнинг далилидир.

Бошқа ҳалқлар рақс санъати вужудга келиши ва шаклланишида ҳам гайритабии кучларга эътиқод қилиш шубҳасиз, муҳим ўрин тутган эди. К. Маркс «1857—1859 йиллардаги иқтисо-

<sup>1</sup> Ибтидой кишилар ўлганларнинг жони ва руҳи танаисидан чиқиб яшайди ва ўзига ғамхўрлик қилишини талаб қиласди, деб ўйлаб турли маросимлар ўтказсанлар. Қаранг: М. О. Қосевен, Очерки истории первобытной культуры, стр. 165, 166.

дий қўлёзмалар»да таъкидлаб ўтишича: «Юнои мифологияси юнои санъати учун шарт-шаронт бўлган шундай табиий ва шундай ижтимоий инаклардирки, буларнинг ўзларини ҳалқ хаёлан байришуурый бадий тарзда қайта ишлаб чиқсан. Бу нарса санъат учун материал бўлди»<sup>2</sup>.

Ривожланишда ибтидой уругчилик жамоаси даври босқичида бўлган америкалик ҳинди қабилаларнинг рақс ва ўйинлари ҳам ибтидой диний характерда бўлган. Ф. Энгельс ўзининг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли асарида кўрсатишича: «Турли қабилаларнинг муниципал байрамлари бўларди; бу байрамларда муайян диний маросим формалари, яъни рақслар ва ўйинлар бажарилар эди, айниқса рақслар барча диний тантаналарнинг муҳим таркибий қисми эди, ҳар бир қабила ўз байрамини айрим суратда ўтказар эди»<sup>3</sup>.

Атоқли совет тадқиқотчиси А. Д. Авдеев ҳам ўзининг «Происхождение театра» номли монографиясига Шарқ театри тарихи ўз чадизлари билан ибтидой жамоа тузуми даврига бориб туташади<sup>4</sup>, деб таъкидлайди.

Бу кўрсатма ва келтирилган мисоллар ибтидой хоразмликларда ҳам «Зимлак» ўйини турли диний маросим ва байрамларда ўйналган дейишимизга имкон беради.

Шубҳасиз, ўйиннинг ислом дини билан ҳеч қандай алоқаси ўйук. Ўйинда ибтидой диний рақс элементи бўлишига қарамай, масхарабозларнинг комик ҳаракатларида ҳар хил руҳларнинг одам қиёфасида ҳаётга қайтишларига ишонч билдириб бўлмайдиган ҳодиса сифатида қарашга томошибин диққати жалб қилиниши билан бирга, инсоннинг ҳар қандай гайритабии кучлардан устун эканлиги ҳам ифодалаб берилади. Ўйиндаги бу ўзгариш эрамизнинг IX—XII асрлари оралиғида Хоразмда бўлган Ўйганиш даври гуманистик гояларнинг таъсири натижасида юзага келган бўлиши керак.

Ўйиндаги «Қумда уруш бўлди, Ёвмутни қизил олди. Юртим фароғат бўлди» сатрлари 1920 йилги Хоразм ҳалқ революциясидан кейин үйин қўшиғига киритилган бўлиб, туркманларнинг Ёвмут уруғидан ёлланган Жунаид босмачи шайкалари устидан Қизил Армиянинг ғалабаси «Қизил олди» сўзи рамзида улугланади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ва революциядан кейин ҳам «Зимлак» үйинини хоразмлик масхарабоз — актёрлар-

<sup>1</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин. Дин тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, 40-бет.

<sup>2</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик ташланган асарлар, З-тсм. 306-бет.

<sup>3</sup> А. Д. Авдеев. Происхождение театра, стр. 25.

**Мағзимбай:** Үглім алмисоқдан топған. Бозорда баззозлар ҳозир ұам сотадилар, керакми?

**Олтибай ота:** Фолбин пир, хафа бұлмайсиз, үгліміз тегіб очилмасдан йўлиққан. Бир бало қилиб уни касалдан халос қилинг.

**Мағзимбай:** Үглімнің касали оғир, ажинаси ажални йиқади. Уни ўйнайман деб сиз ўжарлық қылмаңг, фолбин. Сизни жинни-минни қиласы.

**Олтибай ота:** Фолбин, буни ўйнаб, ақл-заковат бернінг.

**Мағзимбай:** Фолбин, ақл-заковатынғыз мазалими? Нече сүм туради, уни ўглімга олиб берай, қувончига қувонч қүшилади. Бернінг, берақолнінг, жон фолбин амаки.

**Фолбин:** Мағзимбай, менға ёпишма, жиннимисан... Жинни-ни жинни дессанг, занжирни узади.

**Олтибай ота:** Фолбин, айланий. Сиздан, үгліміз занжирни узадиган жинни эмас. Уни бир ўйнасанғыз бўлди, дейди.

Кейин фолбин доира олиб, ўйнамоқчи бўлиб турғанида Мағзимбай уининг доирасини тортиб олиб ўзи ўйнайди. Турли қўшиқлардан айтиб фолбинни ҳам, отасини ҳам кулдиради. Охирида учови ҳам бир-бирига овво-а, овво-а, овво-а, деб зикрга тушиб, жар солади.

Үйин охирида фолбин Мағзимбайдан қўрқиб, унга «бундан кейин сен фолбин бўлдинг, омин», деб фотиҳа беради.

«Зимлак» ўйини ҳам Хоразмда қадим замонлардан буён «Наврўз» байрами, «Қизил гул» байрами, «Қовун сайили», никоҳ тўйи ва томошаларида ўйналиб кишилар кўнглини хушиуд қилиб келган.

«Зимлак» ўйинин икки масхарабоз ижро қиласы. Улар қиши кунлари, эгиниларига пўстинларини тескари кийиб, юзларига чарм ниқоб қоплаб, эчкисоқол қистириб, қизил иштои, қизил этик, бошларига эчки шохи қадалган бош кийим кийиб, ҳар қайсиси қўлида биттадан супурги ушлаб, даврага чиқиб, ўйинга тушадилар.

Масхарабозлар музика жўрлигига ўйнаб, ўйин тактларига қўшиб супургисини тоғайиза, тоғай қилич вазифасида қўллаб, бир-бирига ўқталадилар. Баъзан бир-бирининг изларини супуриб ташлаб, рақибидан қутулгандай, шод-хуррамлик билан ўйинни давом эттирадилар.

Масхарабозлар оғизларидан музика чертишга ўтиб, супургиларини рубобга айлантирадилар ва бир-бирлари билан дуэт шаклида зимлакни қайталаб қўшиқ айтадилар.

**Биринчи масхарабоз:**

Зимлак боласи зимлак,  
Дак, дака, дак, зимлак,

Азмат боласи, зимлак,  
Бу тўя иничик галдинг?

**Иккичи масхарабоз:**

Эй сори товук қоқалаб,  
Дарё бўйини ёқалаб.  
Бу тўя иничик галдинг?  
Зимлак боласи, зимлак.

**Биринчи масхарабоз:**

Исомомут ота сўқолаб,  
Пастлигингни орқалаб.  
Бу тўя иничик галдинг?  
Зимлак боласи зимлак,  
Азмат боласи зимлак.

**Иккичи масхарабоз:**

Қумда уруш бўлди,  
Евмутин қизил олди,  
Юртим фароғат бўлди,  
Бу тўя иничик галдинг?

Масхарабозлар бир-бирларига қарама-қарши, гўё жаңг қиласытгандай қўл, оёқ, гавда ва мимик ҳаракатлар билан супурги ҳаракатини қўшиб даврада тоғай қадаллаштиради. Иккичи масхарабоз ҳам биринчи масхарабозга қараб турли мимик ҳаракат ва қўшиқ билан гавда ҳаракатини қўшиб, қўлидаги супургисини ўйнатиб қаршисидаги рақибидан баланд келишга иштилади.

Үйинчилар бир-бирларининг савол қўшиқ ва ўйинларига дуэт шаклида қўшиқ ўйинлари билан жавоб беришда давом этадилар.

**Биринчи масхарабоз:**

Дак, дака, дак, зимлак,  
Зимлак боласи зимлак,  
Азмат боласи зимлак  
Бу тўя иничик галдинг?

рида истикомат құлувчи 85 әшіл Сидиқ ота Машариповнинг берған маълумотига қараганда «Хўжайин ва хизматчи» спектаклидаги Хўжайин ролидა ўйнаган Пўлдош бишқа қўғирчоқларга турли иш бажаринин топширади. Мен касалман деган қўғирчоқнинг сўзига ишонмаган Пўлдош унинг юзларига шаш-шаш уради, қалтак егани қўғирчоқ (хизматкор) юм-юм йиглаб, ўтириб қолади. Иўлдош эса уни яна уриб сўқади<sup>1</sup>.

«Хўжайин ва хизматчи» спектаклининг тояйий мазмунинда бой ва амалдорлардан меҳр-шафқат кутини мумкни эмас, деган тоя илгари сурнади.

Шу билан бирга Л. А. Перепелициннинг кўрсатинича ҳалқ қўғирчоқ театри қаҳрамони қайси мамлакатда бўлишига қарамай, ўзига хос оригинал, умуман комик бўлиб тугилади<sup>2</sup>, деган фикр Хоразмдаги қўғирчоқ театрига ҳам тўғри келади. Шуниси қизиқарлики масхараబозлар ўз пьесасини Хоразм воҳасида яшайдиган ўзбек, қорақалиоқ, туркман ва қозоқ ҳалқларининг қайси бири олдида чиксалар, шу тилда сўзлаб ўйнаганлар<sup>3</sup>.

1900 йилларда Қорақалпогистоннинг Тўрткўл районида Кўшакур Жўрабоев, Шоббоз районида Айтбой узун Непасов, Матниёз Жуманиёзов (1855—1920) бошлиқ масхараబозлик ва қўғирчоқбозлик труппалари иш олиб боради. Уларнинг репертуарларида «Савдогар», «Икки бой», «Савдогар ҳам босмачи», «Табиб», «Азайимхон», «Қовуи савдоси», «Мулла» каби оғзаки пьесалар бўлган<sup>4</sup>. Бу пьесаларда хукмрон синф вакилларининг меҳнаткашларни алдаши, мол-мулкини шилиб олиши, руҳонийлар ҳам бойларнинг малайлари эканлклари очиқ-ойдин кўрсатилади.

### III БОБ

## ҲАЛҚ ТЕАТРИ, УРФ-ОДАТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

### ҲАЛҚ УИИНЛАРИ МАКТАБИ

Хоразмда XIX аср охири XX аср бошларидан рақе санъати ва масхараబозлик каби ҳалқ традицион ўйинларини ўрганишининг ўзига хос мактаб системаси мавжуд эди. Санъатшунос олим М. Қодировнинг кўрсатинига қараганда Ўзбекистонда бу даврда қадими ўйинлардан ташқари ҳалқ профессионал рақе санъати ҳам шаклланади. Ўз хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қўлувчи Хоразм, Бухоро, Фарғона мактаблари қарор тонади<sup>1</sup>.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий 1484 йилда ёзган «Сабъан сайёр» номли достонида Хоразмнинг мафтункор санъатини ҳурмат билан тилга олиб, Хоразмда «музиқий фани ва мусиқий назариясини бу соҳага қизиқувчи кишилар ўрганадилар»<sup>2</sup>,— деб ёзган эди.

Маълумки, Хоразм музикаси билан чамбарчае болнаниб таракқий қылган Хоразм ўйинлари ихчамлиги ва қадимилик белгилари бўлиши билан бирга, юксак темнерамент билан ўйналиши, кўпгина ўйинларда қайроқ<sup>3</sup> ишлатилиши, ҳаётий гўзалликни ифодалаб бериши билан ажralиб туради.

Комик ёки масхараబозлик ўйинларининг кўпчилиги фақат музика, куй, қўшиқ ва рақе билан олиб борилади. Бундай мурраккаб ўйинларни ўрганиш ҳам осон бўлмаган, албатта.

Санъатшунос олим Л. А. Авдееванинг берған маълумотига қараганда, Хоразмда революцияга қадар ҳалқ рақсларини ва ўйинларини ўргатадиган алоҳида маҳсус мактаб ёки группалар бўлмаган. Хоразмда қадимдан санъатни севмаган, унинг бирор соҳасини эгалламаган киши бўлмагани учун ҳам ҳар бир оиласда ака-указга, опа-сингилга, ота-она эса болаларига ҳалқ ўйни ва қўшиқларини ўргатиб ўзига хос «оилавий мактаб» яратганилар.

XIX асрнинг ўрталарида Хивада бўлган П. И. Небольсини ҳам: «Хиваликлар ўзлари таклиф қўлмаса ҳам болалари ўйни

<sup>1</sup> М. Қодиров. Рақе ҳақида сўз, «Фан ва турмуш» журнали, 1974, № 3, 21-бет.

<sup>2</sup> А. Навоий. Сабъан сайёр. Тошкент, Гафур Ўлодом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил, 143-бет.

<sup>3</sup> Қайроқ бутуни жаҳонда хоразм ҳалқи ва испан ҳалқи рақе ўйинларидагина қўлланилади. Қаранг: Г. Рахимова. Қутлуг йўлда. Тошкент, «Ўзгиардия» нашриёти, 1973 йил, 172-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Введение к книге Р. Каримовой «Хорезмский танец», стр. 15.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 8 июнь, № 26.

<sup>2</sup> Л. А. Перепелицина. Узбекский народный кукольный театр. Ташкент, 1959 г., стр. 3.

<sup>3</sup> Т. Алланазаров. Каракалпакский советский театр, стр. 74.

<sup>4</sup> Т. Алланазаров. Там же, стр. 74, 75.

кечаси қайтиб ўз уйимга келамай, дейди. Спектакль охирида бўй-доқ хурсанд бўлиб ўйинга тушади<sup>1</sup>. Бу спектаклда Кенжак Дўсов бир ўзи икки киши ролида моҳирлик билан ўйнаб томошабинни ўйнага сеҳрлаб қўяди.

Қорақалпогистон АССР Элликқалъа районидаги Қирқизобод колхозида турувчи 70 ёшли Берди ота Муродовнинг берган маълумотига қараганда тўрткўллик Жабби масхарабоз (1880—1951) революциядан бурунги тўй ва сайилларда «Туя» пьесасини ўйнаган. У бир ўзи музика жўрлигига аввало ўйнинг тушган. Сўнг Жабби масхарабоз даврада боши, юзи аралаш эчкининг боши терисини кийиб олган. Унинг соқоли ва икки шохи кўриниб турган. Эгнинг эса пўстининг тескарисини кийган, ўзи ҳам эчки, ҳам тия ролида ўйнаб тияни азиз меҳмонларга сўйиб, пишириб берилишини ўз ҳаракатларида ифодалаб берган. Охирида тиянинг обёкларни олиб даврада ўтирган уламо, мулла, эшонларга тарқатиб берган ва дўсти тияни эслаб: «Эй худойим, дўстим тияни едилар, мени ҳам ейдилар, хавотир бўлмасанг сени ҳам ейдилар,— деб ўксенб-ўксенб йиглаган. Даврадаги номи айтилган кишилар ўрнидан турниб қочиб кетган. Жабби масхарабознинг ҳар бир ҳаракати шўх кулги билан кутиб олинган»<sup>2</sup>.

Маълумки, Хоразм масхарабозлари ўйнаётган спектакль ёки ўйиннинг мазмунига қараб инқоб кийиб олганлар, афт-башарасини ўзгартириб ҳаракат қилганлар.

«Машъала» ёки «Оловбози» ўйинини ўйнаш учун хоразмлик машҳур масхарабоз Худойберган Авезов оғзига чармдан бўлган оғизча қўйган ва чўғ бўлиб ёнаётган кўмири оғзига солиб, нафас олган сайин оғзидан олов пуркаған<sup>3</sup>. Бу ўйни кечаси ўйналгани учун афсонавий аждарҳонинг оғзидан олов пуркашига ўхшаб кетган. Шунинг учун ҳам Т. Обидов «Хоразм театри мисолида бу санъатнинг минг йиллик тараққиёт йўли тарихий жараёнини кузватиш мумкин»<sup>4</sup> деб ёзган эди. Хоразм масхарабозлик анъанавий санъатидаги «шу кунгача эчки ёки қўй терисидан ясалган юзни тамом қопловчи ёки фақат кўзларни яшириб турувчи ниқоблар, шунингдек танага кийилувчи филоф-ниқоблар кенг ишлатилиб келинади»<sup>5</sup>.

Дорбозлик санъати ҳам Хоразмда тўй ва сайилларда қизиқиб томоша қилинган. Тўрткўллик Давлат Мурод дорбоз (1788—1878), тошовузлик Собур дорбоз (1883—1942), хивалик Иброҳим

дорбозлар дорда ўйнаш санъатини мукаммал эгаллаганилари билан бутун Хоразм воҳасида ном чиқарганилар.

Хуққачилик санъатида ном чиқарган Бекмоҳ хуққачи, уч метр узушиликдаги ёғоч оёқ билан қўлда най чертиб, турли рақсларни ўйнаб ҳалқ олқинига сазовор бўлган.

Хоразмда масхарабозлик санъатини ҳозиргача давом эттириб келган санъаткорлардан урганчлик Р. Маткаримов, Н. Шомуров, М. Ражапов<sup>1</sup>, хивалик З. Латипов, А. Самандаров, ЎзССРда хизмат кўрасатган артист Ю. Жабборов<sup>2</sup>, хазорасилик Ҳ. Абдураҳмонов, Худойберган тўқ-тўқ<sup>3</sup>, Қорақалпогистонинг Амударё районидан Р. Қурбонинёзов, Б. Эшиниёзов, Ҳ. Отаниёзов<sup>4</sup>лар ҳисобланади.

Дорбоз ва хуққачилик санъатини эса хивалик Одамбой дорбоз (О. Иброҳимов), Хуққачи М. Камолов, Жуманиёз дорбоз (Амударё район), Тувоқ дорбоз (ТССР инг Иоли районидан) давом эттириди<sup>5</sup>. Маълумки, дорбозларнинг кўпчилиги ўз даврининг илгор кишилари сифатида ҳалқ ижтимоий онгининг ўсишига ҳам таъсир қилганлар<sup>6</sup>.

Хоразмда дорбоз ўйнларида қизиқарли ўйнлардан бири «От ўйини»дир. Бунда масхарабозлар от чоптирувчиларга тақлид қилиб таҳтадан отнинг танаси ва бош қисмини ясайдилар. Устидан эса ўйинчи сиғадиган жой қолдириб ярқироқ (қизил, яшил, сарик рангли) мато билан қоплайдилар<sup>7</sup>. Унга кўришадиган дум ясалади. Ясама соқол тақиб, юзига ун суртиб, масхарабоз отни белига боғлаб олади, юганин тортиб, қамчини ўйнатиб чавандоз ҳаракатларига тақлид қилиб ўйнайди<sup>8</sup>.

ХХ аср бошларидаги Матёқуб дароқчи қўғирчоқбозликда ном қозонган. У таҳтадан прилавка (стол) ясаб, ундан қўғирчоқларнинг бошини чиқариб, бир-бiri билан суҳбатлаштирган. Қўғирчоқлар каттасининг номи Йўлдош бўлган. Матёқуб дароқчи Йўлдош деб чақирса, у «лаббай» деб жавоб берган. Урганч шаҳ-

<sup>1</sup> Т. Абидов. Народные таланты Хорезма. Газета «Хорезмская правда», 1961, 19 марта.

<sup>2</sup> Т. Абидов. Удивительная древняя Хива. Газета «Хорезмская правда», 1961, 13 мая.

<sup>3</sup> Т. Абидов. Народные таланты. Газета «Хорезмская правда», 1961, 16 мая.

<sup>4</sup> Т. Абидов. Народные таланты Хорезма. Газета «Хорезмская правда», 1961, 12 апреля.

<sup>5</sup> Т. Абидов. Хорезмские дарбози. Газета «Хорезмская правда», 1961, 1 апреля.

<sup>6</sup> М. Қодиров. Дорбоз, «Шарқ юлдузи» журнали, 1959, № 2, 105-бет.

<sup>7</sup> М. Қодиров. «Узбек ҳалқ цирки». «Фан ва турмуш» журнали, 1966, йил, № 10, 21-бет.

<sup>8</sup> Уша жойда.


<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1981 йил, 18 июнь, № 4.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1977 йил, 10 май, № 5.

<sup>3</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 19 май, № 10.

<sup>4</sup> Т. Абидов. Театр масхарабозов Хорезма, стр. 4.

<sup>5</sup> М. Қодиров. Узбек театр анъаналари, 208-бет.



Үрганчда саңыат байрамы (1980 йил).

ловуллаб, узумдай карсиллаб қалбимга ўт ёқиб юргунча яқинроқ келиб күйган жонимга дармон бўлсангиз, бўлмайдими.

Бейли чиплоқ Саид қоққа яқинлашади ва қўлини унга узатган вақтда Саид қоқ боши ва томогига боғланган рўмолини олиб эркак қиёфасига кўчади ва: «Ассалому алайкум, хўжайн», дейди. Уз ҳаракатидан уялган хўжайн: «Кечирасиз, ҳазиллашдим», дейди<sup>1</sup>.

Тўрткўллик масхарабоз Айитбой Лўмма (1875—1960), Атоқ Гов (1871—1949) тўй ва томошаларда қатнашиб халқ ҳурматини қозонган. Айитбой Лўмманинг шогирди Қорақалпоғистон АССР нинг Элликқалъа районидаги Ленин номли колхозда яшовчи 80 ёшли масхарабоз Кенжа Дўсовнинг берган маълумотига қаранганде «Касал ҳазили» спектаклини Айитбой Лўмма ва Атоқ Гов ўйнаган. Айитбой Лўмма даврага чиқиб кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олади ва ишқиллай бошлайди. Мулла ролида чиққан Атоқ Гов унга «куф-суф» деб дам солади. Касалнинг бирдан ранги оқариб, нафаси сиқила бошлайди. Мулла касалнинг нафаси тинди деб ўйлаб дам солишни тўхтатади ва «жойи жанинатда бўлсин» деб фотиҳа ўқийди. Сўнг касалнинг яйраб ётган қўл ва оёқларини бир исчада маротаба жуфтлаб қўймоқчи бўлса ҳам бир жойда тўх-

тамайди. Бу ҳолатдан мулланинг ўзининг мазаси қочиб йиқилади. Мулла ётган ерида «бало-қазолардан ўзинг асра» деб минғирлаб фотиҳа ўқийди. Касал ўринидан туриб муллага пичирлаб «куф-суф» деб дам солади. Шу пайт мулла ўзига келиб, ўринидан туради ва касалга «Садағаси кетай калому шарифнинг, «Ло иллоҳу оллоҳ-таолонинг исму-шарифини айтганингиз билан ўзимга келдим, раҳмат сизга», дейди.

Касал эса муллага: Сизнинг жанозангизин ўқиб, дам солаёт тирган эдим. Тирилганингизга ҳайронман, дейди.

Мен ҳам, дейди мулла, Сизнинг ўлганингизни кўриб «ажал сурасини» такрорласам, ажинадай тирилиб мени ўлдиришингизга сал қолди, дейди.

Яхшиям ажални ўзини ўқибсиз, менга ўхшаб жаноза суврасини ўқисангиз, жойингиз жанинатдами, ё дўзахда бўлармиди, дейман, дейди касал. Уйин охирида мулла ва касал муштлашишади. Енгилган мулла касалдан кечирим сўрашга мажбур бўлади. Уйинни томоша қилювчилар дам-бадам ичаги узилгудай куладилар<sup>1</sup>.

Кенжа Дўсов репертуаридаги «Бўйдоқ» спектаклини бир ўзи ўйнайди. Бунда масхарабоз спектаклдаги ролларни ижро этганида овоз ва мимик ҳаракатларини ролга қараб ўзгартириб туради.

«Бўйдоқ» спектаклидаги бўйдоқ қирқ ёшга кирса ҳам камбағаллиги туфайли уйлана олмай юраверган. Энди қандай бўлмасин уйланаман, ёшми, қари-қартангми, гўзалми, хунукми, обиёвғон тайёрласа бўлгани, деб қасам ичади.

Шунда дўсти унга сенга қайлиққа қайим бир қиз топдим. У ҳам бўлса, оёғи шал, кўзи кўр, қулоги кар, тили лол, дейди. Бўйдоқ: унга обиёвғонни мен тайёрлаб берамани, деб ўксинади.

Дўсти унинг ҳақидаги айтган сўзининг маъноси: унинг оёғи ёмон йўлга юрмаган, ҳеч ким билан никоҳланмаган, ёмон сўз эшиитмаган одобли қиз деганим, дейди. Бўйдоқ эса бу сўзларни эшитиб қувониб рақсга тушади.

Уйиндан кейин дўсти қизининг бўйдоққа қўйган шартини айтади:

Қиз менга уйланувчи йигит ўзимдан катта бўйдоқ акамии ўйлантиrsa, унга тегаман, деган.

Бўйдоқ: бечора аммам тирик бўлганида шу бўйдоқ йигита бераб, шу нозанин қизни олардим, қани аммам, лаънати ўлим уни олиб кетди (йиғлай бошлайди).

Дўст и: йиғлашдан фойда йўқ, бир илож топамиз, дўстим.

Мени қиз кийимида бўйдоқ йигитга турмушга чиқару, қизни тезда етаклаб бошқа шаҳарга олиб кет. Мен бир амаллаб борган

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1981 йил, 16 июнь, № 3.

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1981 йил, 18 июнь, № 4.

фалари ижро қиладиган достонлар қаторида «Ошиқ Ойдин» достони ҳам бўлган<sup>1</sup>. Бу достонни халфалар алоҳида эътибор билан кўйлаганлар.

Шу билан бирга халфалар ҳам «Ошиқ Ойдин» қабристонига қўй ва қўчкор олиб бориб садақа қилиб бериш дастурларини ҳам бажарганлар. В. Н. Басиловнинг кўрсатишига қараганда, Туркманистоннинг жанубидаги туркман бахшилари Баба Гамбарни ўзларига пир ҳисобласа, Хоразм воҳасидаги туркман музикачилари, қўшиқчилари, шоир, шаманлари, «Ошиқ Ойдин»ни ўзларига пир ҳисоблаганлар<sup>2</sup>.

Хоразм санъаткорларининг «Ошиқ Ойдин» ва Султон Вансга сифиниши, туркман бахшиларининг Баба Гамбарни пир деб ҳисоблаши, Урта Осиёда исломгача бўлган даврдаги маъбудаларга ишонч-эътиқоднинг қолдиги сифатида сақланиб келганилигидан далолат беради. Маълумки, қадимги Гречияда ҳам севги ва гўзаллик маъбудаси Афродитага сифинган эдилар<sup>3</sup>. Бизнингча, қадимги Хоразмдаги сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахитага сифиниш даврлар ўтиши билан аёллар ва болалар ҳомийси Амбар онага<sup>4</sup>, севги-муҳаббат ҳомийси Ошиқ Ойдинга айланган бўлиши мумкин.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Хоразм санъаткорларининг устоз-шогирд муносабатларида ўзига хос цех иерархияси (жуда машҳур санъаткорлар, устоз, шогирдларнинг бир-бирига бўйсуниши, ҳурматлаш) тартиби мавжуд бўлган. Устоз ўз музика асбобларига эга бўлган. Устоз бўлиши учун қўйидан юқоригача бўлган босқични босиб ўтиши керак эди. Бунда аввал шогирд мустақил уста санъаткор, шогирдли устоз босқичлари кўзда тутилади.

Устоз цехининг асосий сиймоси бўлгани учун ҳам фотиҳа олган шогирд кўпинча халқ орасида обрў-эътибор ортиргунча устоз билан тўй-томушаларда биргаликда ўз санъатини намойиш қилишга мажбур бўлган. Шогирд устозининг ўй ишларига, деҳқончилиги ёки ҳунармандчилигига ёрдам берган. Кўпинча устозлар шогирдларига санъатининг ҳамма сирларини ошкора ўргатмаганлар. Сабаби устоздан шогирд ўзмаслиги керак бўлган. Устоз ўз ўғли ёки ўғли бўлмаса күёвига ўз санъатини бекаму кўст ўргатган. И. Жабборовнинг кўрсатишига қараганда, бу тартибни ўща

<sup>1</sup> Қаранг: Х. Рассоқов, Т. Мирзаев, О. Собиров, К. Имомов, Узбек халқ поэтик ижоди. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1980 йил, 191-бет.

<sup>2</sup> В. Н. Басилов. Культ святых в исламе. М., Изд-во «Мысль», 1970 г., стр. 63.

<sup>3</sup> Қадимги дунё тарихи, II қисм. Тошкент «Ўқитувчи» нашриёти, 1975 йил, 76-бет.

<sup>4</sup> Г. П. Снесарев. Под небом Хорезма, стр. 101, 102.

давр Хоразм хунарманд устолари ҳам шогирдларига қўллаганлар<sup>1</sup>.

1902 йилда туғилган, УзССРда хизмат кўрсатган артист Ҳожиҳон Болтаевнинг берган маълумотига қараганда илгари устоз санъаткорлар шогирдларига ўзи билан дидалашма-айтишмаларга чиқмасин учун энг муҳим санъат сирларини ҳаммасини ўргатмаганлар<sup>2</sup>.

Хоразм санъаткорлари орасидаги цехчилик Фарбий Европадаги ўрта аср хунармандчилиги цехчилигидан тубдан фарқ қиласиди<sup>3</sup>. Хоразмда халқ санъаткорларининг иккинчи машғулоти — деҳқончилик ёки ҳунармандчилик бўлган.

Машҳур бахшилардан бўлган Бола Бахши Абдуллаевнинг берган маълумоти бу фикрни янада қувватлайди:

«Устозим гурланлик Нурмат чўлоқ эди. Уни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон бир неча маротаба саройига чақиртириб достон ва қўшиқлар кўйлатган. Сўнг — шаҳарда қолсанг, эллик таноб ер бераман, деган. Ахир қўлинг майиб бўлса ҳунармандчилик қила олмасанг тўй-томуша йўқ вақтларда қандай кун кўрасан, деган хон.— Кошиблардан пул қарз оламан, кучим етганича деҳқончилик ҳам қиласман, бир амаллаб кунимиз ўтаётир, киндак қони тўкилган ога юртига ўрганиб қолганман,— деб жавоб беради устозим»<sup>4</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган хоразмлик Исмоил Муҳрконий талантли музикачи ва қўшиқчи, ўйинчи бўлиши билан бирга муҳр ўювчи, наққош касби билан ҳам шуғулланган эди. Унинг ўғли Комил Девоний музикачи, қўшиқчи турли ўйин ўйларини билиш билан бирга муҳр ясаш, ганч, мармарга, турли металларга нақш солиш ҳунари билан ҳам шуғулланган<sup>5</sup>.

Хоразмда оила санъаткорлари мактаби традицияси отадан болага ўтиб келган. Отажон Девон Абдуллаев (1876—1960) санъатини ўғли Солиҳ Девоновга (1913—1976), унинг традициясини ҳозир УзССР халқ артисти Санъат Девонов давом эттироқда.

<sup>1</sup> Қаранг: И. М. Джаббаров. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX — начале XX вв. Среднеазиатский этнографический сборник, III, Л., изд-во «Наука», 1971, стр. 133.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1977 йил, 5 май, № 4.

<sup>3</sup> Қаранг: В. Ф. Семёнов. Урта асрлар тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1973. 195—196-бетлар.

<sup>4</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 16 май, № 6.

<sup>5</sup> Қаранг: Ю. Рузметов. Комил Девоний. «Шарқ юлдузи» журнали, 1969 йил, № 10, 219-бет. Ю. Рузметов, Кириш сўзи. Комил Девоний, шеърлар. Тошкент, «Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1971 йил, 3-бет.

дэйди. Устоз: «Урдик-сўқдик, койидик, сен ҳам рози бўл!»— деб жавоб қайтаради<sup>1</sup>.

И. Жабборовнинг кўрсатишига қараганда, XIX аср охири ва XX асрнинг бошида жанубий Хоразм ўзбекларидағи косиб-ҳунармандлар ҳам шогирдига шунга ўхшаш фотиҳа берганлар<sup>2</sup>.

Санъаткор устоз шогирдига музика асбобларидан бирини ҳадя қилиб берган. Агар шогирдининг устози бевақт ўлиб қолса, шогирд унинг оиласига қўлидан келган ёрдамини бериши зарур бўлган. Агар шогирд устози ўлиб, фотиҳа олмай қолган бўлса, бошқа етук санъаткордан устози ўринида фотиҳа олиб мустақил ёки бошқа санъаткорлар билан тўй совуши, шогирд тутиши мумкин бўлган.

Фотиҳа олган санъаткор устози билан тўй ва томошаларда тушган пулни тенг пой<sup>3</sup> шаклида бўлишиб олганлар. Устоз бошқа санъаткорлар билан ҳақ бўлишганида фотиҳа олмаган шогирдига ҳам ярим пой шаклида ҳақ олган.

Фотиҳа олган санъаткор, созанда ва гўянда, ўйинчилар пири Султон бобо, Ошиқ Ойдин қабристонига бориб зиёратчи халққа ўз санъатини бепул намойиш қилган.

1897 йилда туғилган хивалик кекса санъаткор Абдулла Машариповнинг берган маълумотига қараганда, санъаткорлар пири Султон Ваис, Қора тогда тия боқиб ўтириб най чалган. У тияларни най садосида бошқарган. Туялар Султон Ваис чалган соғига, рақсга тушганлар ва ўз ётогига қайтганлар. Ошиқ Ойдин эса шу куйларга қўшиқ ижод қилиб куйлаган<sup>4</sup>.

Бухоролик таниқли олим Дарвиш Али (XVII аср) музикага доир трактатида улуғ музикачи Султон Ваис (1356—1374) афғон рубобига қараб янгидан қўбиз номли музика асбобини яратганини таъкидлаб ўтган<sup>5</sup>.

Бизнингча, келтирилган ривоят билан Дарвиш Али берган маълумот Султон Ваис ҳақиқатан ҳам улуғ санъаткор бўлганигини таъкидлаб ўтишга имкон беради. Султон Ваис тоғидаги «Султонбобо» қабристони Хоразмда энг муқаддас «авлиё» ҳисобланган. Санъаткорлар ҳам ўз пирининг жасадини Султон бобо қабрида деб ишонганлар.

<sup>1</sup> Ҳазорасп районидаги «К. Маркс» колхозида турувчи 82 ёшли санъаткор Қаландар бола Юсуповдан ёзиб олниди. Автор ёзувлари, 1975 йил, № 28.

<sup>2</sup> Қаранг: И. М. Джаббаров. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX — начале XX вв. (Историко-этнографический очерк). В кн.: Занятия и быт народов Средней Азии. Среднеазиатский этнографический сборник. III. Л., изд-во «Наука», 1971 г., стр. 132.

<sup>3</sup> Пой — иш ҳақи маъносида.

<sup>4</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1978 йил, 1 июнь, № 1.

<sup>5</sup> Қаранг: Ф. Кароматов. Узбекская инструментальная музыка, стр. 108.

Хивалик санъаткор 70 ёшли Матниёз ота Оллобергановнинг берган маълумотига қараганда, революцияга қадар фотиҳа олган ҳар бир санъаткор Султон Ваис ва Ошиқ Ойдин хурмати учун тўй ва томошалардан тушган дастлабки пулларга қўй ва қўчқор олиб Султон бобога ва ошиқ Ойдинга садақа<sup>1</sup> қилиб бериши дастур бўлган<sup>2</sup>.

Академик С. К. Камолов<sup>3</sup>, Ж. Бозорбоев<sup>4</sup> ва Г. П. Снесарев<sup>5</sup>нинг кўрсатишига қараганда XIX асрнинг ўрталарида Султон Ваис тоғи ён бағридаги эски қабристон яқинида Хива хони Оллақулихон (1825—1842) зиёрат қилиш учун ислом дини тарғиботчиши (Хоразмда ҳеч қачон бўлмаган) Вайсил Қирон (Ваис аль-Қирон)га атаб катта гумбазли Султон бобо қабрини қурдиради.

А. Раҳмонов ва С. Юсуповларнинг кўрсатишига қараганда, Муҳаммаддан кейин тўртинчи халифа бўлган Али (656—661) аскарлари орасида Вайсил Қирон кофириларга қарши курашда 93 ёшида вафот қилган, унинг калласи кофирилар қўлида қолиб, жасади Суриянинг Сибон шаҳрига кўмилган. «Султон» унвони унга кейинчалик Ўрта Осиё руҳонийлари томонидан берилган<sup>6</sup>. Бу келтирилган факт Қора тоғ ёнбағридаги «Султон бобо» қабри соҳта «авлиё» эканлигини кўрсатади.

Хоразмнинг Гурлан шаҳрида яшовчи 72 ёшли кекса санъаткор Абдулла Эшҷоновнинг берган маълумоти характерлидир: «Ошиқ Ойдин малика бўлиб, қизларга гўзаллик баҳш этса, йигитларга севги ато этган. У қўшиқ айтиш санъатини эса йигит ва қизларнинг ишқ-муҳаббати түфёни сифатида юзага келтирган. Султон Ваис эса қўшиққа музика яратган, ўйин йўлларига чалиб, ҳар қандай одамни музикага сеҳрлаб қўйган. Шунинг учун Ошиқ Ойдин ва Султон Ваисни санъаткорлар ўз пири деб ҳисоблайдилар»<sup>7</sup>.

Хоразмда халқ халфалари ҳам Ошиқ Ойдинга сифинганлар. Элликқалъа районидаги Ленин номли колхозда турувчи 80 ёшли Рава Халфа Қобулова берган маълумотга қараганда, «Халфаларнинг илҳомчиси Ошиқ Ойдин бўлиб, тўй ва томошаларни қизитишда ундан куч ва мадад сўраганлар»<sup>8</sup>. Хоразм халқ халфаларнида ундан куч ва мадад сўраганлар.

<sup>1</sup> Садақа — худойи.

<sup>2</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1978 йил, 2 июль, № 2.

<sup>3</sup> С. К. Камалов. Каракалпаки в XVIII—XIX веках, стр. 151.

<sup>4</sup> Ж. Бозорбоев. Эўнайликлердин сырлари. Нукус, 1972 йил, 30—32-бетлар.

<sup>5</sup> Г. П. Снесарев. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М., изд-во «Наука», 1983 г., стр. 80—100.

<sup>6</sup> А. Раҳмонов, С. Юсупов. Хоразмда муқаддас жойлар ва уларнинг вужудга келиши. Тошкент, 1963, 10, 11-бетлар.

<sup>7</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1981 йил, 3 июль, № 8.

<sup>8</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1981 йил, 5 июль, № 9.

билин шугулланеса томоша қилишини яхши кўрадилар<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Истеъдодли болалар уй мактабларидан чиқиб ўйин ва қўшиқни яхши билган халқ санъаткорларига шогирд тушганлар.

XIX асрнинг 80-йиллари бошида Кўқон, Бухоро ва Хивада бўлган В. В. Верещагин ҳам ёшларининг ўйин ва қўшиқ ўрганишига тўхталиб, ёши қайтган, ўзи ўйин ва қўшиқ бойлигига эга бўлган киши саккиз ва ундан катта ёшдаги бачча-болага ўйин ва қўшиқ санъатини ўргатади<sup>2</sup> деб ёзган эди.

Хоразмда халқ ўйинларини қиз кийимларини кийиб ўйновчи болаларга илгари вақтларда «бачча» дейилган. 1873 йилда Муҳаммад Раҳимхон II нинг акаси Отажон тўра «Бачча» ўйини мусулмончиликка тўғри келмаслигини таъкидлаган эди<sup>3</sup>.

Қейинроқ Хоразмда «бачча» сўзи «ўғлон бола» деб юритида. Умуман Хоразмда эр болалар 8—10 ёшларидан бошлаб шогирдликка тушиб, 5—10 йилда устозидан халқ ўйинлари, қўшиқлари сирларини ўрганиб олганлар.

Устоз санъаткорлар шогирдларига халқ ўйинларининг маневрларини ҳаракатда кўрсатиб, қўшиқ ва спектаклларининг сўзларини оғзаки айтиб тушунтирганлар.

Ҳар бир устоз ўз шогирдига ўз ўйин услубини ўргатган.

Халқ ўйинларига ишқивоз қизлар ҳам ўз онла мактабидан чиқиб 8—9 ёшларida халфаларга шогирд тушганлар. Устоз халфалар шогирдларига соз чалиш, ўйинга тушиш, қўшиқ айтиш йўлларини ўргатганлар.

Тўй ва зиёфатларда хотин-қизларининг оммавий қўшиқ айтиб ўйинга тушишлари ҳам ёш қиз ва болаларнинг санъатни ўрганишларида дастлабки мактаб вазифасини бажарган.

Фолбинларнинг театрлашган ўйинларидаги оммавий зикрда хотин-қизларининг хуруж билан қатнашиши, машқ ёрдамида ёвуз кучларни қувишга интилиб ҳаракат қилишлари, киши ўлими билан боғлиқ мотам қўшиги айтиб йиғлаш расм-русумлари ёшларининг традицион халқ ўйинларини ўрганишда ҳаётий мактаб бўлган эди.

Хоразмда устоз созандада ва гўяналар, халқ раққосларини, масхарабоз ўйинчиларни тарбиялаб чиқарганлар.

70 ёшлик урганчлик масхарабоз Амин ота Ҳасановнинг берган маълумотига қараганда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъатарбоби Мадраҳим Шерозий Еқубов (1890—1973) машҳур масхарабоз Давлат пақа-пақининг устози бўлган. Шерозий машҳур

созандада ва гўянида бўлиб қолмай, турли ўйинларни ҳам мукаммал билган<sup>4</sup>.

Устоз ва шогирдларнинг жамият ҳаётида тутган мавқенин белгиловчи, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатини тартибга солувчи оғзаки устав — рисолага амал қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган машҳур хоразмлик созандада ва гўянида, ўйинчи Қамбарбона (Қамбарбобо)-нинг шогирди 94 ёшли масхарабоз Худойберган Авезов устозидан ўрганган рисоладаги шогирдлик ва санъаткорлик мажбуриятини қўйидагича ифодалайди: «Созанда-гўянида ва ўйинчи бўлишини хоҳлаган ҳар бир шогирд устози буюрган иши бажариши, бажарган ишига ҳақ талаб қилмаслиги, одамлар билан муносабатда адолат билан иш тутиши, машҳур санъаткор бўлиб етишгандан кейин ҳам халқдан хизмат ҳақини сўраб олмасдан «тўйинѓа қайтсан» сози чалингдан тушган пул оз-кўплигига қаноат қилиши, истеъдодни пулга айирбosh қилмаслиги, устоз санъаткорларнинг олдидан бир умр кесиб ўтмаслиги, уларнинг олдига тушиб руҳсатиз қўшиқ айтиши ёки ўйнаши, музыка чалиши мумкин эмаслиги, халқни ҳаммавақт ҳурмат қилиши, уларнинг яхши-ёмон сўзларини кўйглига олмаслиги, халқ эъзозлаган нарсани эъзозлаши, халқ ҳазар қилган нарсани ўз санъати билан фош қилиб ташлаши кераклиги қатъий талаб қилинган...»<sup>5</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон халқ қизиқчиларида ҳам шунга ўхшаш рисола бўлганлигини Ҳ. Абдуллаев таъкидлаб ўтган<sup>6</sup>. Хоразмда шогирд мустақил санъаткор бўлиши учун устози руҳсати билан тўй ва томоша, байрамларда устоз кузатувида ўрганган санъатини намойиш қилиб, уни халққа манзур қила олса устозидан фотиҳа олиши, сўнг ўзи тўй ва томошаларда устозисиз хоҳлаган санъаткорлар билан қатнашиши мумкин бўлган. Шогирд устозидан фотиҳа олиш учун иккى-уч атоқли санъаткорлар билан бирга устозини ўз ўйинга таклиф қилган. Шогирд устозига чопон ёки пўстини кийдириб, мустақил санъаткор бўлиши учун фотиҳа беришини илтимос қилади.

Устоз эса шогирдига: «Касб-корингдан барака топгайсац, ишнинг бутун бўлгай, олгайсан-олдирмагайсан. Халқ севган санъаткорлари қаторидан ўрин ол. Созанда ва гўяналар нири, Султон Ваис ва Ошиқ Ойдин сенга ёр бўлсин, омни», — деб фотиҳа ўқиган.

Шогирд ўриндан туриб иккى қўлини кўксига қўйиб: «Қўп хизматинизда бўлдим, қўп тузингизни едим, устоз, рози бўлинг», —

<sup>1</sup> П. И. Небольсин. Очерки торговли России с Средней Азией, стр. 12.


<sup>2</sup> Очерки, наброски, воспоминания В. В. Верещагина, Туркестанский сборник, том 343, СПб, 1883, стр. 56.

<sup>3</sup> Из Средней Азии. Туркестанский сборник, том 72, СПб, 1873, стр. 31.

<sup>4</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1976 йил, 30 июль, № 8.

<sup>5</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1975 йил, 19 май, № 10.

<sup>6</sup> Қаранг: Ҳ. Абдуллаев. Дөвирорак, хуш查қақ талантлар. «Шарқ юлдузи» журнали, 1961, № 5, 125-бет.



Хоразм обласъ «халқ сайдилари»да созандалар күй ижро қилмоқдалар (1980 йил).

ган. Бўлғуси қайлиқнинг икки ёнида икки қиз гаплашиб ўтирганлар. Қайлиқ ёр-ёр қўшиқларининг мазмунига қараб гоҳ йиғлаган, гоҳ ўзини зўрга тутиб ўтирган.

Бундан ташқари «Ётоғ тўйи»да қиз ва йигит орасидаги севги-вафони ифода қилувчи лапарлар ҳам айтилган:

Киз:

Ота-онам йўл бермас,  
Уйнамоқса сен билан,  
Ишқингда куйдим ўзим,  
Аlam билан, ғам билан.

Йигит:

Келдинг кетма ёнимдан,  
Кўнгилларни очайлик.  
Юр жонгинам шу оқшом,  
Бу ерлардан қочайлик!<sup>1</sup>

«Ётоғ тўйи»да лапарни йигит тилидан ҳам, қиз тилидан ҳам хотин-қизлар айтиган. М. Алавиянинг кўрсатишича, қадим замонларда қизлар бир томон, йигитлар бир томон бўлиб туриб айтиладиган лапарни бора-бора хотин-қизларнинг ўзлари тарафматараф бўлиб бир томон қиз тилидан, бир томон йигит тилидан ижро этиладиган бўлган<sup>2</sup>.

Ёр-ёр қўшиқларидагидек, лапар айтишда ҳам синфий жамиятдан нолиш, бир-бирига етиша олмаган қиз-йигитлар ички дунёсининг бадний тараннум этилишини кўрамиз. «Ётоғ тўйи»да хотин-қизлар турли ҳазил-мутониба сўз ва қўшиқлар айтиб даврани қиздирганлар. Ҳалфалар эса ошиғлиқ достонларини куйлаб берганлар. «Ётоғ тўйи» тонг-саҳаргача давом этган.

Эртасига тушдан кейин йигитнинг уйида «Келин тушар» тўйи бошланган. Бунда йигит уйидан келинни олиб келиш учун «Бўлиш арава»<sup>3</sup> юборилган. Биринчи аравада созандалар карнай-сурнай ва соз билан<sup>4</sup>, иккинчисида эса гўшанга тутилиб келин ва уни узатиб кетаётган дугоналари, иккита янгаси ўтирган. Кейинги аравада эса «Ётоғ тўйи»да қатнашган катхудо хотин, ҳалфалар ўтиришган. Келин томоннинг йигитлари тўпланиб, йўлда келин аравани тўхтатиб қада (совға) олганлар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Хоразм халқ қўшиқлари. 78-бет.

<sup>2</sup> М. Алавия. Лапар. «Шарқ юлдузи» журнали, 1974 йил, № 5, 233-бет.

<sup>3</sup> Бўлиш арава — тўрт ёқи олти аравадан иборат колонна.

<sup>4</sup> Ҳозирги тўйларда арава ўрнига машина ишлатилади. Қаранг: Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 51, 52.

<sup>5</sup> К. А. Задыхина. Узбеки дельты Аму-Даръи. Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, стр. 396.

Көлтирилгән мисоллардан күриниб түрибдик, революциядан аввалги даврдаги хотин-қызларнинг аячли ҳаёти күз олдимиздан бирма-бир ўтади. Күпгина оталар қызларининг нозик ҳис-түйфу-лари, севгиси билан ҳисоблашмас эди, дуч келган кишига катта мол эвазига буюм сингари сотиб юбораверар эдилар<sup>1</sup>.

Юқоридаги ёр-ёр қўшиқларида ҳам ўша давр тенгсизлигининг садоси эшитилади<sup>2</sup>. Илгари вақтларда мусулмон дини, шарият қонунларига кўра хотин-қызлар тамомила ҳуқуқсиз бўлиб, жамиятдагина эмас, балки онлада ҳам мустақил равишда бир иш қила олмас эди. «Диннинг хотин-қызлар тўғрисидаги таълимоти инсониятнинг бу жинега иисбатан бошдан-оёқ нафрат билан тўладидир»<sup>3</sup>. Хотин-қызларга иисбатан бундай ваҳшиёна муносабатда бўлишларига қарамай, улар тўй маросимларда айтадиган ёр-ёр қўшиқларида ўз норозилкларини, тўғрироғи, уларга бўлган нафратларини ифодалар эдилар.

Бундан ташқари ёр-ёр айтиш маросимларида қатиашган, турмушда бирмунча тажрибаси бор хотин-қызлар бўлгуси келинга турмуш қийинчиликларини тушунтириб насиҳат ҳам қилганлар:

Ота-онанг эшиги  
Боғод эшик, ёр-ёр.  
Кирганингда сочингдан  
Силар эшик, ёр-ёр.

Қайнин онанг эшиги  
Хувайдо эшик, ёр-ёр.  
Кирганингда сочингдан,  
Юлар эшик, ёр-ёр.

Бу билан қайлиққа юриб-туришда ота-она уйидаги эркинлик йўқолади, эринг ва унинг ота-онаси измида бўласан. Уларни эса ҳурмат-иззат қилиш сенинг муқаддас оиласвий бурчинг, деб уқтирилади.

<sup>1</sup> С. Рўзимбоев. Халқ қўшиқлари давр инъикоси, «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1963 йил 9 ноябрь.

<sup>2</sup> Матриархатдан патриархатга ўтишда қайлиққа совға берилган, кейинроқ эса қайлиқ томони унга тенг келдиган нарса талаб қилган. Патриархат даврида эса кўёв келинга қалин тўлаб олишига боғлиқ жамиятда ва онлада хотин-қызлар тенгсизлиги вужудга келади. Қаранг: М. О. Коғен. Очерки истории первобытной культуры, стр. 213—215; С. Г. Агаджанов. Брачные и свадебные обряды огузов Средней Азии и Казахстана в IX—XII вв. Страны и народы Востока. Вып. 22, стр. 228.

<sup>3</sup> F. Шоюсов. Узбек халқ оғзаки ижодида ижтимоий-снёсий ғоялар. Тошкент «Узбекистон» нашриёти, 1965 йил, 15-бет.

<sup>4</sup> Оқ олма, қизил олма. Ғаффур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1972 йил, 155-бет.

Ёр-ёр қўшиқларида «ўтмиш жаҳолатининг, жаҳолат ботқогига ботган ота-оналарнинг хоҳишлири қурбони сифатида умидлари чилпарчин бўлган қизнинг ғазабли овози эшитилгандай бўлади»<sup>1</sup>. Чунки бу ёр-ёр қўшиқларида ўзи севмаган кимсага мажбуран сотилган, хўрланган қизнинг оҳу ноласига, юрак сўзига ҳеч ким қулоқ солмаётгандиги дард билан кўйланади:

Чимилдиҳин кўтариш,  
Кўрсин отанг, ёр-ёр.  
Савдоидан қутидим,  
Десин отанг, ёр-ёр.

Олқишилангиз, жамоат,  
Олиб кетар, ёр-ёр,  
Юрак-бағрин доғлатиб,  
Синглим йиглар, зор-зор.

Қиз деган бир гулдири,  
Қафасдаги булбулдири.  
Ҳар бир сўзи бир турдири,  
Инглама қиз, ёр-ёр.<sup>2</sup>

Ёр-ёр қўшиғи айтиш маросими охирида қизга ота-она уйидан кўёвникига ўтишга, кўёвга ҳақиқий қайлиқ бўлиб<sup>3</sup>, Юсуф ва Зулайҳодай бир-бирини севиб турмуш қуришга ижозат беришади:

Юсуф ва Зулайҳо ёр эдилар, ёр-ёр.  
Бир-бирини кўрмоққа зор эдилар, ёр-ёр.  
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан ҳайланамиш, ёр-ёр.  
Қизни олиб янгаси шайланамиш, ёр-ёр.

«Ётоғ тўйи» маросимида айтилаётган ёр-ёр қўшиқлари даврадаги қызлар жўрлигидаги янада ёқимли, янада шўхчанг янгравади.

<sup>1</sup> М. Еқубов, Ҳ. Абдуллаев, С. Оллоберганов. Хоразм халқ қўшиқлари. «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1965 йил, 17 январь.

<sup>2</sup> Автор томонидан ҚҚАССР Элликқалъа районидаги Ленин номли колхозда яшовчи 75 ёшли Курбон момо Бобоевдан ёзиб олиниди. Авторнинг дала ёзувлари, 1977 йил, 10 январь, № 1.

<sup>3</sup> Рус халқи инкоҳ тўйларида ҳам қайлиқнинг кўёв уйига башнишланган қўшиқлар айтилган. Қаранг: Ю. Г. Круглов. Русские обрядовые песни. М., изд-во «Высшая школа», 1982 г., стр. 34—38.

Шуннингдек, қайлиқни кўёвникига узатиш, инкоҳ тўйи маросимларида қўшиқ айтиш Ўрта Осиё халқларида муҳим ўрин тутади. Шу жумладан қорашибоқ халқи инкоҳ тўйларида «Сынысу» ва «Ҳаужар» қўшиқлари қайлиқни қалпоқ халқи инкоҳ тўйларида «Сынысу» ва «Ҳаужар» қўшиқлари қайлиқни кўёвникига узатишда айтилади. Қаранг: Ҳ. Есбергенов, Т. Атамуратов. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков, стр. 83—84; К. М. Мексетов. Очерки по истории каракалпакского фольклора Ташкент, изд-во «Фан», 1977 г., стр. 133—136.

## ХАЛҚ УРФ-ОДАТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

Хоразм халқи урф-одати ва маросимлари ҳам кўп асрлик тарих жараёнида ривожланган.

Хоразмда кўпгина урф-одатлар ва маросимларга революциягача бўлган даврда кучли амал қилиб келинган. Уларга ҳозир ҳам қисман амал қилинади.

«Тарих,— деб ёзган эди К. Маркс ва Ф. Энгельс,— авлодларнинг бирининг ўрига иккинчисининг келишидан иборатdir, уларнинг ҳар бири аввалги барча авлодларнинг қолдирган материалларидан ишлаб чиқарувчи кучларидан фойдаланади»<sup>1</sup>.

Биз бу ерда Хоразм халқининг урф-одат ва маросимларидаги халқ театри моментларини ўзида кўпроқ акс эттирган жойларигина тўхтаб ўтамиз, холос.

Хоразм халқининг ўғил уйлантириш тўйи маросимида «Совчилкка бориш», «Фотиҳа тўйи», «Ётоғ тўйи», «Қиз узатув», «Келин туширув тўйи», «Никоҳ тўйи» каби саҳна ҳаракатини гавдалантирадиган традициялари бор. Хоразм халқининг «Совчилкка бориш», «Фотиҳа тўйи», «Никоҳ тўйи» каби маросимлари ҳақида Н. П. Лобачева<sup>2</sup>, К. Л. Задыхина<sup>3</sup> асарларида берилган маълумотлар етарли бўлгани учун «Ётоғ тўйи», «Келин туширув» тўйларидаги саҳна кўринишларига тўхтаб ўтишни лозим топдик.

«Ётоғ тўйи» XX асрнинг 30-йилларигача келин бўлгуси қизнинг уйида «Келин туширув» тўйидан бир кун аввал ташкил қилинган. «Ётоғ тўйи» деб аталиши ҳақида Хива районидаги Хива колхозида истиқомат қилувчи 78 ёшли Дурхоним момо Сиддикованинг берган маълумотига қараганда, «илгари вақтларда ётоғ тўйлари бўлган кечаси қиз ота-онасининг уйида сўнгги марта ўз эрки билан меҳмон бўларди. Ётоғ тўйига қатиашган дугоналари ҳам келин бўлгуси қиз билан бирга тўйдан кейин ётиб ухлагандар. Шуни ҳисобга олиб халқ бу тўйни ётоғ тўйи деб атаб келгандар»<sup>4</sup>.

Ётоғ тўйи кун ботиши графасида бошланган. Унга асосан келин бўлгуси қизнинг овулидаги дугоналари, хотин-халаж ва балогатга етмаган эр болалар қатнашган. Ётоғ тўйига бўлгуси

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс, «Немецкая идеология». К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Издание второе, том. 3, стр. 44, 45.

<sup>2</sup> Қаранг: Н. П. Лобачева. Свадебный обряд хорезмских узбеков. Краткие сообщ. (Институт этнографии им. Миклухо-Маклая), вып. 34, 1960, стр. 39—48; Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков; Н. П. Лобачева. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана. В кн.: Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., Изд-во «Наука», 1975, стр. 298—329.

<sup>3</sup> Қаранг: К. Л. Задыхина. Узбеки делты Аму-Даръи. Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945—1948 гг., т. 1, стр. 319—426.

<sup>4</sup> Авторининг дала ёзувлари 1977 йил, 15 февраль, № 3.

куёв томонидан тўққиз дастурхон олиб келувчи билан келган хотин-қизлар ҳам қатнашганлар. Бу айвонда ёки катта хонада ташкил қилинган.

Уйнинг тўрида келин бўлувчи қиз чиқонлари (дугоналари) билан алоҳида давра ташкил қилиб ўтирганлар. Қизлар бўлғувси қайлиқининг сочини тараб, қирқ ўрим қилиб ўрганлар, қошлирига ўсма қўйиб пардоз берганлар. Бундан ташқари қизга эртага куёв уйига кийиб борадиган маҳсисини, оқ ишакдан кенг қилиб тикилган никоҳ кўйлагини, дўзийли дўпписини кийгизганлар, ясануб-тусаниб ўтиришига аҳамият берганлар.

«Ётоғ тўйи» иштирокчилари эса чиқонлар<sup>1</sup> даврасидаги ҳаракатларни кузатиб ўтирганлар. Тўй дастурхонидаги нозу-неъматлардан истеъмол қилиб бўлгач, тўй иштирокчилари кайвони ёки катхудо хотин ижозати билан «Ёр-ёр» циклидаги қўшиқларни айтишни бошлаганлар. Халфалар ҳам ўз навбати билан қўлларига пиёла ушлаб, бир-бирига уриши натижасида жарангли овоз чиқариб айтиётган қўшиқни янада жозибали бўлишини таъминлаганлар. Ётоғ тўйида айтиладиган «Ёр-ёр» қўшиқларидан айрим намуналар келтирамиз:

Токчадаги қайчини занг босибли, ёр-ёр,  
Чиқадиган бикани кам босибли, ёр-ёр.  
Пиглама қиз — йиглама, тўй сенини, ёр-ёр,  
Жуғф натикли кошона уй сенини, ёр-ёр.

Шилдир-шиллир қамишига  
Сирғам тушди, ёр-ёр.  
Ташимаган йигитга  
Синглим тушди, ёр-ёр<sup>2</sup>.

Осмонда юлдузни,  
Отган отам, ёр-ёр.  
Уз қизини ёт қилиб,  
Сотган отам, ёр-ёр.

Дарёга тош отманлар,  
Чўкар кетар, ёр-ёр.  
Узоққа қиз сотманлар,  
Олар кетар, ёр-ёр.

Узоққа кетган қизининг,  
Ранги сариқ ёр-ёр,  
Кўзидан оққан ёши,  
Мисли ариқ, ёр-ёр<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Чиқонлар — дугоналар.

<sup>2</sup> Хоразм халқ қўшиқлари, 92-бет.

<sup>3</sup> 1974 йил, 5 майда Урганч шаҳридаги Ашхабад кўчасидаги 551-ўйда турувчи 70 ёшли Хоним момо Отамуротовадан ёзиб олинди, № 6.

Давлат қуши қўнди ёлғиз бошингга,  
Уйим, элим, аржа-буқчам<sup>1</sup> Сизники.

## Куёвонаси:

Галип бика, қулоқ солинг сўзима,  
Аераб боқсан арка ўғлим Сизники.  
Аста-аста сўзлашинглар иккингиз,  
Қизил гулдай исқошинглар<sup>2</sup> иккингиз.<sup>3</sup>

Бу ерда ҳам халфаларнинг санъати туфайли тўй томошабинлари келин ва куёвонаси оиласидан узиб олиш рамзи тариқасида куёв томон аёллари билан қиз томон аёллари ўртасида тортишмачоқ бўларди. Бу тортишмачоқда куёв томон албатта енгиб чиқиши лозим бўларди<sup>4</sup>.

Илгариги вақтларда қизни ота-она оиласидан узиб олиш рамзи тариқасида куёв томон аёллари билан қиз томон аёллари ўртасида тортишмачоқ бўларди. Бу тортишмачоқда куёв томон албатта енгиб чиқиши лозим бўларди<sup>5</sup>.

Бундай маросимларни келин хонаси эшигидан, деразасидан эркаклар ҳам томоша қилганлар.

«Келин туширас» тўйидан кейин икки — олти кун оралиғида келиннинг ота-онаси ўз уйига куёвни таклиф қиладилар<sup>6</sup>. Унга куёв кўрар маросими дейилади. Келиннинг қариндош-урұғлари куёв кўрарга йигиладилар. Куёв ўзи билан тенгдош иккита жўраси билан кўпни кўрган бир киши бошчилигига қайнота, қайнонаси уйига келади. Уйнинг тўрида кўрпа устида иккита йигит ўртасида куёв ўтиради. Шу хонага кирган ҳар бир кишига куёв ва жўралари ўрнидан туриб уч-тўрт маротаба таъзим билан тиззасини букиб ўтириб турадилар. Келин тараф йигитлари куёвлар совқотган деб сомон ёқиб, уйда тутатганлар<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Аржа-буқча — келинга килинган сандиқ ва кўрпа-ёстиқ.

<sup>2</sup> Искошинглар — бу ерда бир-бирингни ҳидлашинглар, яъни ўрганишинглар маъносида.

<sup>3</sup> Автор томонидан Хоразм область Ҳонқа районидаги «Победа» колхозида яшовчи 55 ёшли Сора ҳалфа Пирназаровадан 1975 йил, 29 майда ёзиб олинган, № 22.

<sup>4</sup> Н. П. Лобачева. Свадебный обряд хорезмских узбеков, стр. 43.

<sup>5</sup> Узбекистон ССР тарихи, 2-том, 519-бет.

<sup>6</sup> Н. П. Лобачева. Свадебный обряд хорезмских узбеков, стр. 45.

<sup>7</sup> Н. П. Лобачеванинга кўрсатишича қозоқларда ҳам қайлиқ учун кураш (тарис) одати куёв томон билан қиз томон орасида боради. Қаранг: Н. П. Лобачева. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана. Кн.: Домусульманские верования и обряды Средней Азии, стр. 308.

Бу маросим охирида куёвнинг қайнотаси ва қайнонаси куёв билан қўл олишиб саломлашган. Шу билан куёв кўрар маросими таомланган.

Биз учун энг муҳими ўғил уйлантириш тўйи билан боғлиқ маросимларнинг саҳнавийлигидир. Бу маросим она уруғидан ота уруғига ўтиш даври билан боғланади. Маълумки, она уруғи даврида қизлар ўзларига эркин эр танлай олганлар<sup>1</sup>.

Ф. Энгельснинг кўрсатишича, «аёллар эрни бошқа кланлардан (уруглардан) олганлар»<sup>2</sup>. Хоразмдаги куёвнинг келин онасиникидаги куёв кўрар маросимида бажарадиган расм-русумлари эрларнинг она уруғига олингандаги одатининг рамзи сифатида нишонланиб келинган бўлиши керак. Куёв кўрар маросимида куёв ва ёнидаги иккита йигитга қарата куёвлар «терминини» қўлланган. Экзогамия тартибидаги никоҳ мавжуд бўлганида жинсий муносабатлар дуал — уруғ тузилиши ичда икки муайян уруғ аъзолари ўртасида амалга оширилган<sup>3</sup>.

Куёв ва келин ўзларининг тўйи маросимида қаттиқ гапириши ва овоз чиқариб кулиши тақиқланган. Бу эса ибтидои давр кишилари эътиқодидаги табиатнинг тирилиши сукунат билан боғлиқ юзага келади, унинг куёв ва келин никоҳи билан уйғулиги бор дейилган қараашнинг кишилар онгиди сақланишидир. Шунинг учун ҳам К. Маркс: «Улиб кетган барча авлодларнинг традициялари худди бир даҳшатдай тирик кишиларнинг ҳаёлига қўрқув солиб туради»<sup>4</sup>, — деб ёзган эди.

«Никоҳ қийиш» (ўқитиши) маросими ҳам қизиқарлидир. Бу маросим кўпинча куёв уйида ўтказилган<sup>5</sup>. Бунда кедин ва куёвга никоҳ қийиш учун келган мулла даврага раҳбарлик қилган. Кексароқ икки киши «вакил ота» бўлиб, куёв-келин никоҳига гувоҳ сифатида қатнашади. Келин ўз чиқонлари билан алоҳида жойда ўтирган. Мулланинг сўроқларини ва қизнинг жавобини вакил оталардан бири тақорорлаб эшиттирган. Бу ҳақда «Туркестанский сборник»нинг 82-томида Ҳива ўзбеклари, туркман ва қозоқлари тўйларидаги никоҳ қийиш маросими бир-бирига айнан ўхшаш эканлиги таъкидланади. Унда мулла келинга:

— «Баданингни бағишиладингми? — деб сўрайди. У шундай жавоб беради:

— Бағишиладим».

<sup>1</sup> М. О. Косвен. Очерки истории первобытной культуры. М., изд-во АН СССР, 1957 г., стр. 127.

<sup>2</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. З-том, 262-бет.

<sup>3</sup> Д. Г. Гедер, Е. А. Черкасова. Қадимги дунё тарихи, I қисм, 45-бет.

<sup>4</sup> К. Маркс. Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. I том, 434-бет.

<sup>5</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 38.

куёвга едирадилар. Бу маросимлардан кейин янгалардан бири бошига оқ шак рўмол ташлаб юз-кўзини кўрсатмай гўшангага олдида хотин-қизларга қараб қоматини тик тутиб, бошини эгиб келин қиёфасида туради. Бу «салом маросими» бошланиши бўлиб, кайвани (кайвони) ёки катхудо хотин куёв ва унинг отаси, ургуларининг ҳар бирининг номини алоҳида алоҳида айтиб таърифлайди. Келин ролидаги янга эса уларининг ҳар қайсиси учун бир маротаба икки қўлни кўксига қўйиб, юқорига пастга юргизиб, таъзим билан букилади (эгилади). Катхудо хотин айтган «салом»лардан айрим намуналар келтирамиз:

Енқон иони силтадай,  
Бурун учи силтадай,  
Қайномомога салом.

Ошхонадан ион дошиган,<sup>1</sup>  
Пўлда қоринни қошиган,  
Қайнонасига бир салом.

Этиканинг қўнчи йўқ,  
Уйда ўтираса динчи<sup>2</sup> йўқ.  
Қаниносига бир салом.

Келин янгасининг келин ролида чиқиб қилган ҳаракатлари тўй қатнашчилари кўз олдида комик спектаклни гавдалантади.

«Келин туширас» тўйидаги «Юз очар», «Келин кўрар» маросими<sup>3</sup> ҳам саҳнавийлиги билан ажралиб туради. Бунда келин куёв томонидан юборилган кийим-бошни кийиб, тахя устидан юзини бекитиб турадиган қилиб ипак рўмол ташлаб гўшангага олдига чиқарилади<sup>4</sup>. Биринчи бўлиб куёв онаси келиннинг юзидаги рўмолни кўтариб манглайидан ўпади ва унинг бошига асил рўмол ташлайди, икки қўлтиғига иккита ион қистиради. Янгалар эса уни олиб гўшангага ичига қўядилар. Келин эса совға

<sup>1</sup> Дошиган — ташиган, келтирсан.

<sup>2</sup> Динчи — тинчи.

<sup>3</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 37.

<sup>4</sup> Қорақалпоқ халқ никоҳ тўйларида ҳам «бет ашар» маросими ўтказилади. Унда олдиндан белгиланган тажрибали ёш йигит куёвнинг қариндош-ургулари, овулдошларининг ҳар бирига бир марта мос келадиган, махсус тайёрланган халқ қўшиқ куплетларидан айтиб келин юзини бостириб турган он пардани таек учидаги кўтариб келин юзини кўрсатиб туради. Шунингдек, қозоқ халқи никоҳ тўйида ҳам «бет ашар» маросими ўтказилади. Қаранг: Х. Есбергенов, Т. Атамуратов. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. Нукус, 1975 г., стр. 89—91; Т. Алланазаров, Каракалпакский советский театр, стр. 14, 15; Народы Средней Азии и Казахстана. Т. II. Москва, изд-во АН СССР, 1963, стр. 477.

эвазига таъзим билан букилади. Күёвнинг қариндош-ургуларидаги хотин-қизлар бирин-кетин келинга совға топшириб, пешонасидан ўниб кетадилар. Келин эса уларнинг ҳар қайсисига алоҳида бир марта эгилиб миннатдорчиллик билдиради. Келин тушган кечаси ўтказиладиган «Келин кўрар» ёки «Юз очар» маросими<sup>1</sup> ҳам саҳна ҳаракатларини ўзида ифодалаганилиги билан ажралиб туради. Бу маросим ҳам ёр-ёр қўшиғи айтиб ўтказилади<sup>2</sup>.

Икки томонда икки халфа ўтириб навбатма-навбат қўшиқларни нағма билан куйлагалилар.

Халфалар қиз ва йигит ёр-ёр айтишувларини алоҳида темперамент билан куйлаб, ҳаммани ўзларига жалб қила олганлар. Йигит ва қиз айтишувни узоқ давом этгани. Охирида йигит қизни айтишувда ёнгади.

### Қиз:

Минганинг отларнинг қашқасидир, ёр-ёр,  
Кўрганингиз қизларнинг нусхасидир, ёр-ёр.  
Биздай қизга осимай охун ака, ёр-ёр,  
Олмайсизми қизларнинг бошқасини, ёр-ёр.

### Йигит:

Юқоридаи келаман ёлғиз ўзим, ёр-ёр,  
Кўлимда кўм-кўк лочин, сарин юзим, ёр-ёр,  
Улан айтиб ўтирган қора кўзим, ёр-ёр,  
Ҳамма қиздан яхшини ёлғиз ўзинг, ёр-ёр.<sup>3</sup>

Йигит ва қиз тилидан айтилаётган ёр-ёрда халфалар уларнинг самимий севгисини, пок муҳаббатини қалб сўзлари, мимик ҳаракатлари билан ифодалаб беришга интиладилар.

Бундан ташқари бир халфа куёв онаси, иккичи халфа келин онаси тилидан куёв ва келинга totuv яшашни, бадфеъл кишилар сўзига қулоқ солмасликни насиҳат қиласидилар.

### Келин онаси:

Қурбон бўлай куёв хўжа одинга,<sup>4</sup>  
Асраб боққан арка<sup>5</sup> қизим Сизнини.

<sup>1</sup> К. А. Задыхина. Узбеки делты Аму-Дарыи, стр. 396.

<sup>2</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 37.

<sup>3</sup> Автор томонидан. Хоразм область. Хазораси районидаги Фрузие номли колхозда турувчи 1920 йилда туғилган Ҳожарби Қураёзовадан 1975 йилнинг 2 июляда ёзиб олинди, № 27. Бу айтишув қўшиғининг бошқача вариантини 159—163-бетлар.

<sup>4</sup> Одинга — номингга.

<sup>5</sup> Арка — эрка.



Хорезм область «Халқ сабири» ассоциациясынан (1978 жыл)

Түйлар күнина қыш күнлари ўтказылган. Түйга хотилар аравада эрләри изоратын остида боргандар<sup>1</sup>.

Келин арава билай күев ва унинг дүстләри от миниб йүлда учрашадилар. Күевтә яңгалары маҳсус олиб борилаётган келиннинг рўмолидан берадилар. Күев уни белига боғлаб, келин араванинг ўғи томонидан уч марта айланыб ўтади. Күевнинг дүстләрига эса келиннинг чиқонлари яңгалар орқали ўз рўмолларини тақдим қиласидилар<sup>2</sup>. Күёвлар от чонтириб рўмолларини бир-бирларидан олиб қочиб ўйин ўйнайдилар. Чиқонлар күёвларини от чонтиришини гўшангани кўтариб кўрадилар. «Бўлин арава» күев уйига яқинлашганда олдига машъал ёқлади. Келин араваси албатта олов устидан ўтган<sup>3</sup>.

Келиннинг чиқонлари ёр-ёр қўшиқларини кўйласа, созандилар «тўйлар муборак» кўйини чалаган, қўшиқчилар шу цикладаги қўшиқларни ижро қиласидилар. «Бўлин арава» күев уйига етиб боргач, келин аравасидан тушиб қайин отанинг пўстини устига қадамини қўяди. Кейин келин ва унинг ҳамроҳлари келин учун ажратилган хонага кирадилар. Хонанинг тўридаги муюлинига келин ўтказилди ва унга гўшангага қуриб берадилар. Сўнгра күев келин келтирган кийим-бошларини кийиб келин хонасига кириб келади. Күев майиз ва қанд-куре сочиб, тўғри келин гўшантасига ўтади. Күев келинини кўтариб гилам устидан никоҳ тўшаги устига ўтказади. Яңгалар келин тўшагини бошқа кишиларининг босиб кетишларига йўл қўймагандилар<sup>4</sup>.

Күев келин ёнига ўтиргач, келиннинг рўмолини кўтариб, яңгалар берган ширин чойдан ва ёғ қўшилган сутдан биргаликда ичадилар.

Яңгалар күевнинг ўғи тиззасига ўғил бола ўтқазадилар. Күёвга ойна берадилар. Ў келин билай бирга ойнага қарайди. Шундан кейин келин хонаси олдида турган күев жўралари күевнинг исменин атаб «Отанг чақиради, аканг келди, дўстларинг кетмоқчи...» деган сўзлар билай чақира бошлайдилар. Күев гўшангадан ташқарига чиқади ва яна икки дўсти билан гўшангага олдига келиб тўхтайди. Яңгалар уларга пиширилган товуқ тўшидан узатадилар<sup>5</sup>. Күёвлар эса уни фақат оғзи билан тишлаб олиб ейиши керак. Гўштни күевнинг оғзига узатиб яна тортадилар. Кўп вақт даврада шўх кулги кўтарилади. Охирида яңгалар уни

<sup>1</sup> Гельман. От Красноводска до Хивы. Туркестанский сборник, том 331, СПб., 1883, стр. 45.

<sup>2</sup> Н. П. Лобачева. Свадебный обряд хорезмских узбеков. Краткие сообщения (Институт этнографии им. Миклухо-Маклая), вып. 34, 1960, стр. 42.

<sup>3</sup> Н. П. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, стр. 36.

<sup>4</sup> Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, стр. 82.

<sup>5</sup> Н. П. Лобачева. Свадебный обряд Хорезмских узбеков, стр. 43.

деб жазавага мингандар. Фолбин эса қүшиққа қүшиб, парилар номини айтиб чақириб турган:

Ишим бошлар худойим,  
Уч юз олтмиш авлиёлад  
Сизлардан ҳиммат  
Тиладим мен.  
Лашкарларим етиб кел,  
Хайдаб кетдинг уларни.  
Париларинг сардори,  
Оташ пари кел ўзинг,  
Қирқ чилтонлар айланай,  
Довуд пари ўзинг кел,  
Сариқ пари ўзинг кел.  
Қора пари күч, күч  
Бечорани қийнама.<sup>1</sup>

Фолбин ўзига хос турли эртак, қүшиқ айтиб ва ғайритабиий кучларни чақириб тингловчига эмоционал таъсир қылган<sup>2</sup>. Фолбин касални бир неча давра ўйнаган. Унинг ҳар бир ўйини бир давра ҳисобланган.

Фолбин ва касалнинг атрофида турган кишилар бир-бирларининг елкаларига қўйиб аста ҳаракат қилиб, «ҳақ!», «ху!» деб шовқин соладилар<sup>3</sup>.

1873 йилда Хива ҳонлигини Россияга қўшиб олиш учун ҳарбий юришда қатнашган рус офицерининг хотини А. Копцева Хивада кўрган фолбин ўйинини алоҳида қизиқиш билан кузатган эди:

«Бемор аёлни эркак киши қўлига қамчи олиб қувлаб ўйнайди. Аёл эса соchlарини ёйган ҳолда қочади. Қамчин зарбига чидай олмаган аёл йифидан ўзини зўрға тияди. Унинг атрофида тургандаридан бири намоз бўлса керак, ўқиди. Бошқалари унга жўр бўлади. Қизил қоғоздан ясалган фонарь эса ҳайратда қолгудай даражада саҳнани ёритади»<sup>4</sup>, — деб ёзган эди.

Элликқалъа районининг Охунбобоев колхозида истиқомат қи́лувчи 72 яшар Ҳайитжон момо Ражапованинг фолбин ҳақидаги маълумоти қизиқарлидир:

<sup>1</sup> Автор 1974 йилнинг 10 марта ҚҚАССР Элликқалъа районидаги Ленин номли колхозда яшовчи Тозагул фолбиндан ёзib олган, № 4.

<sup>2</sup> О. Мурадов. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Заравшана. Кн.: Домусульманские верования и обряды Средней Азии, стр. 94.

<sup>3</sup> Г. П. Снесаров. Под небом Хорезма. М., изд-во «Мысль», 1973 г., стр. 41.

<sup>4</sup> А. Копцева. Походные записки жены казачьего офицера. Журнал «Русский вестник», том 120. 1875, декабрь. стр. 837.

«Мен 9—10 ёшларда бўлсан керак, қишлоғимизга Эшман фолбин касал ётган Абдураҳмон бобони ўйнашга келди. уни ўйнаб бўлиш арафасида фолбин Абдураҳмон бобонинг париси қора пари менинг лашкарларимдан кучли экан, унга ҳўқиз қони бериш керак, деди. Одамлар тез орада унинг ҳўқизини сўйдилар. Фолбин эса Абдураҳмон бобони ҳўқиз терисига ўраб ташлади. Эрта билан фолбинни тополмайдилар. Абдураҳмон бобо эса тери ичида нафаси қисилиб ўлиб қолибди»<sup>1</sup>.

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, фолбин ўйинларида трагедия, театр кўриниши ҳам мавжуд бўлган.

Хоразмда фолбин ўйинини кўчирма билан тамомлаганлар<sup>2</sup>. Бунда фолбин қўлидаги доираси билан беморларнинг танасига уриб қўшиқ айтган:

Қулогидан кирсанг,  
Қулогидан кўч.  
Елкасидан кирсанг,  
Елкасидан кўч.  
Чўлистонга кўч,  
Зимистонга кўч<sup>3</sup>.

Даврадаги хотин-қизлар гоҳ дам олиб ўтирган, гоҳ жазава билан зикрга тушганлар. Фолбин фотиҳа ўқиши билан ўйинни якунлаган. Ёш йигит ва қизлар эса фолбин ўйини ва зикр тушувчилар ҳаракатини театр залидан кузатгандай қузатганлар.

Фолбинлик ўйини илдизи Урта Осиё ҳалқарининг мусулмончиликкача бўлган давр диний ёътиқоди қолдиги сифатида сақланиб келган<sup>4</sup>. Хоразмда фолбиннинг касални қон ва мол терисига ўраб ташлаш йўли билан даволаш методи қорақалпоқ<sup>5</sup>, туркман<sup>6</sup> қозоқ ва тожик<sup>7</sup> шаманларида ҳам қўлланиб келинган.

Чокан Валихоновнинг ёзишига қараганда, фолбиннинг «кўчирма» ўйини қозоқларда «Кагинди ёки қакмак» деб аталган<sup>8</sup> бўлса,

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари 1976 йил, 20 август, № 13.

<sup>2</sup> Г. П. Снесаров. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, стр. 54.

<sup>3</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1976 йил, 10 май, № 2.

<sup>4</sup> В. Н. Басилов. Культ святых в исламе. М., Изд-во «Мысль», 1970 г., стр. 93.

<sup>5</sup> Х. Е. Есбергенов. Об изучении религиозных верований каракалпаков. Конкретные исследования современных религиозных верований. Москва, 1967 г., стр. 202.

<sup>6</sup> В. Н. Басилов, К. Ниязкльчев. Пережитки шаманства у туркменов. В кн.: Домусульманские верования и обряды в Средней Азии, стр. 132.

<sup>7</sup> О. А. Сухарева. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков, стр. 62.

<sup>8</sup> Ч. Валиханов. Избранные произведения. Алма-Ата, Казахское государственное изд-во художественной литературы, 1958, стр. 151.

коракалпоктардын анын — жеташ күштөрдөрдөн айтишиб көзингиң  
лигияниң күрсөтиб үздөн<sup>1</sup>.

Жанубий хоразмиялар үзүүнүн үзүүнүн таңында бориб, ўтган  
кишиниң үзүүнүн үзүүнүн таңында шакында айданып күнни күргөн  
асыл разбартында фотика үкитаптар да садра түшүп йигилтаган-  
дар<sup>2</sup>.

Хоразмияларнын бу маросими издиши узоқ тарихта бориб  
таңлады. Зороастризм диний жынысодо асосида нумудат жеташ  
афсон — Фирдавсийнин «Шохнома» асарыда баен қылышнича  
яшилилк худоси Адурамазда Ахраманга қарши курашын учун  
Каюмарсаны яратады Ахраман унта қарши хувум бөштейди.  
Аммо унга күчи етмаган. Каюмарсанынг ўзли Сисемакин үзүүн  
этады<sup>3</sup>.

Үргө Освөү ҳалыларыда, шу жумладан, хоразмияларда ҳам  
яшилилк худоси Адурамазданың синини асосида ишенилганинб  
көзингиң (ўтган киши билүү сүзлашын, унта энинини) одатлари  
сақтаниб қолтаян бўлшини жерак.

Биз учун энг мұхими — жаңоха на мардумнан жеташ маросим-  
ларыда театр элементтерининг мавжудлигидир. Айниңе мардум-  
нинг яқинлари бўлмиш хотин-халажининг қон-қора кийимга бела-  
ниб, ўргада куйиб-ёниб йилаб-сүнташлари саънадаги трагик  
ҳолат рўй бергандаги кўришини кўз олдимизга келтиради.

А. Ванбери туркманилардаги мардумнин йўқулаш қўшик айтеб  
йигланаш олати күзгизидир, деб ётган эди<sup>4</sup>.

Улут Октябрь социалистик революциянгача бўлган даврда  
касални Хоразмда фолбин<sup>5</sup> ўйини билан даволаш маросими ҳам  
ёшларниң қизиқиб кўрадиган томошаларидан ҳисобланган.

Фолбин эркак ёки хотин киши бўлган. У касални ўйнаш да-  
воловашга ҳаракат қылган. Кўлига доира олиб, белига қамчи қис-  
тирган. Касал атрофида айланып доира чалган ва баъзан касал-  
ни доира ёки қамчи билан уриб қўйган. Фолбин ўйинида касал  
ва фолбинни ўргата кўйиб атрофида айланы ҳосил қилиб хотин-  
қизлар ёраб олган. Улар ўйин вақтида бир-бирига ёништаги ҳолда  
унг томон йўналишида айланыб, қайта-қайта «овва-а, овва-а»

Н. А. Блесков. Каракалпакский язык, ч. I. М., изд-во АН СССР, 1951,  
стр. 221—231.

<sup>2</sup> Г. П. Сиссарев. Домугузманские верования и обряды у узбеков. Хо-  
резм, стр. 155.

<sup>3</sup> Ш. Шумуканов. Гумантизм—абдабийк қлови. Тошкент, Т. Гу-  
зом номидаги Адабиёт ва санъат измештири. 1974. № 12. № 34 бет.

<sup>4</sup> А. Ванбери. Путешествие по Средней Азии, стр. 268.

<sup>5</sup> Фолбин сўзи фору таңда ҳам фолбин назариятга эта Қаранг. Фирсан-  
убекча бўсу дугати. Тошкент «Ўқитувчи» измештири. 1975. № 12. № 147 бет.

<sup>6</sup> Г. П. Сиссарев. Религия домугузманских верований и обрядов у  
узбеков. Хорезм, стр. 43.



Хорезм области. «Фолбин». 1981 (бис.)



Хоразм область «Пахта байрами»да қайроқ ўйини (1979 йил).

Куёвга қараб: «Сен қабул қилдингми?» Куёв: «Қабул қилдим», деб жавоб беради. Шундан кейин гувоҳлардан бирига пул, иккинчисига рўмол берилади. Пиёладаги сув эса куёв отасига, кейин келин отасига ичирилади. Сўнг бу маросимда қатиашувчилар куёв ва келинга бахт тилаб фотиҳа ўқийдилар<sup>1</sup>.

Хоразмда ўлим билан боғлиқ расм-русумлар ҳам халқ театри кўринишига эгадир. Ўлим маросимлари ўлган кишига узоқ вақт давомида аза тутиш билан боғлиқ расм-русумларни бажаришдан иборат бўлган.

Ўликни дафи этиш куни бўладиган жаноза маросимига йигилган хотин-халаж алоҳида «ўлик атрофидаги жазава билан зикр тушишарди»<sup>2</sup>.

«Туркестанский сборник»да ёзилишига қараганда ўлган кишини эслаш хоразм ўзбекларида, туркманларда ўлган кунидан

<sup>1</sup> Некоторые заметки о Хивинских туркменах и киргизах. Туркестанский сборник. 1873—1875 гг., т. 82, стр. 317, 318.

<sup>2</sup> Узбекистон ССР тарихи, 2-том. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971 йил, 520-бет.

уч, етти, қирқ кун кейин, сўнг бир йил кейин ўтказилган<sup>3</sup>. Шунингдек, қорақалпоқларда<sup>4</sup> ва қозоқларда<sup>5</sup> ҳам бундай маросим ўтказилган.

Хоразм ўзбекларида аза маросимларида қатишаётган марҳумнинг қариндош-уругларидан бўлган хотин-қизлар устиларига қора ёки кўк раингдаги кийим кийганилар. Улардан бири марҳумнинг қилган яхшиликларини, энг яхши нисоний хислатларини айтиб йигини бошлаб берган. Кейин бошқалар йигини давом эттирган. Айниқса марҳумнинг яқинлари соchlарини ёйиб, қарсак уриб, аза қўшиғини айтиб йиғлаганлар:

#### Онаси:

Белимнинг қуввати,  
Кўзимнинг нури.  
Сен ўлгунча онанг ўлсни  
Вой болам, жоним болам (*йиги*).

#### Хотини:

Юрсам ёнимда, йўлдошим,  
Ҳам суюнчим, кўнгил ҳушим.  
Заҳар бўлди ичган ошим,  
Болаларинг етим қолди,вой (*йиги*).

#### Синглиси:

Суюнгап тогимиз,  
Мева берар боғимиз,  
Оғам кетди орадан  
Норим кетди қўрадан,вой...<sup>4</sup> (*йиги*).

М. Алавиянинг кўрсатишича, аза қўшиғини ҳар ким билавермаган. Ҳамма айтиб йиғласа ҳам, баъзиларининг билгани иккичуқ ќўшиқдан ортмайди. Шунинг учун кўп жойларда биттаси йиғлаб бўлиб, бошқаси ундан қўшиқни олиб йиғлаган<sup>5</sup>. Н. А. Баскаков

<sup>1</sup> Некоторые заметки о Хивинских туркменах и киргизах. Туркестанский сборник, т. 82, стр. 223.

<sup>2</sup> С. К. Каималов. Каракалпаки в XVIII—XIX веках, стр. 139;

Х. Есбергенов. К вопросу о борьбе с пережитками устаревших обычаяв и обрядов (каракалпакские поминки «ас») «Советская этнография», 1963, № 3, стр. 32.

<sup>3</sup> У. Х. Шелекенов. Казахи низовьев Амудары. Ташкент, изд-во «Фан» 1966 г., стр. 249.

<sup>4</sup> Автор томонидан 1974 йилнинг 10 майда Урганч шаҳридаги Ҳамид Олимжон кўчаси, 27-йда яшовчи 98 ёшли Шукур момо Отаниёзовдан ёзилганди, № 8.

<sup>5</sup> М. Алавия. Узбек халқ маросим қўшиқлари. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1974, 142-бет.



1920 йилнинг бошида М. В. Фрунзе тақлифига биноан В. И. Ленин Хоразмга ўртоқ Малишев раҳбарлигига савдо маданий-оқартиув карвонини юборади. Карвон билан бирга театр ва кино хам келган<sup>1</sup>. У кейинчалик Туркистонда ташкил топган агитпоезд билан алмашади<sup>2</sup>.

Агитпоезд ходимлари йил давомида Хоразмни айланиб, китоб, журнал, газета тарқатади, лекциялар ўқииди, концертлар беради, спектаклар кўрсатади ва ҳалқни социализм қурилиши томон йўналтиради. Биринчи бўлиб Закаспий фронти сиёсий бўлимни ихтиёридаги татар труппаси артистлари Хивага келган эди<sup>3</sup>.

Закаспий фронти сиёсий бўлимнинг труппаси 1920 йилнинг 12 февралида саҳнага қўйган «Биринчи театр» драмаси Хоразмда саҳнада ижро этилган биринчи спектакль эди<sup>4</sup>. 1921 йилдаёт Хивада мусулмон ва рус бадиий ҳаваскорлик труппалари ишлаб турган. Труппа аъзоларининг кўпичитиги Россиядан келган эди<sup>5</sup>. 1921 йилнинг ўзида Россиядан келган 19 ижодий ходимнинг иккитаси рассом, бошқалари пианиночи ва актёрлар эди<sup>6</sup>. 1921 йилнинг август ойининг ўзида мусулмон ва рус труппалари турли номдаги 6 спектакль кўрсатади ва 3 марта концерт беради. Концерт ва спектаклар қизиқарли ўтган. Айниқса, А. Н. Островскийнинг «Айбизз айборзар» («Без вины виноватые»), Гогольнинг «Ревизор» пьесаси асосида яратилган спектаклар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинган.

Бу борада хивалик санъаткор Самандар Сароймонов берган маълумот алоҳида ажралиб туради:

«Мусулмон труппасига Арский, рус труппасига Бахметов раҳбарлик қиласр эди. Уларнинг труппалари Хоразм ҳалқ Совет республикаси Қизил Армияси сиёсий бошқармаси таъминоти ва Туркфронт ҳисобидан таъминланган бўлиб, аскарларга ҳам, Хива аҳолисига ҳам баббаравар хизмат қиласр эди. Мусулмон труппасига кўпроқ татар ҳаваскор ёшлари жалб қилинган бўлиб, концерт ва спектаклар ҳам татарча талаффузда ўтар эди. Рус труппаси артистлари 1922 йилнинг биринчи ярмигача, мусулмон

<sup>1</sup> ЦГАОР СССР, оп. 1235, оп. 93, д. 582, Л. 274.

<sup>2</sup> Г. Непесов Помощь старшего брата. Нукус. Изд-во «Каракалпакстан» 1968 г., стр. 152.

<sup>3</sup> Г. Уварова. Узбекский драматический театр. М., Гос. изд-во «Искусство», 1959 г., стр. 48.

<sup>4</sup> О. Мадрахимов, Ҳ. Абдуллаев. Маданиятимиз равнаси, «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1969 йил, 27 август.

<sup>5</sup> Г. М. Бильялов. Культура и просвещение в Хорезмской народной Советской республике 1920—1924 гг. Ташкент, изд-во «Фан», 1966 г., стр. 92.

<sup>6</sup> А. Сабиров, М. Мадрахимов. Сценическое искусство у народов Хорезмского оазиса. «Вестник каракалпакского филиала АН УзССР». Нукус, 1972, № 4, стр. 81.

труппаси артистлари эса 1923 йилнинг охијларигача Хоразмда бўлиб, ҳалқни саҳна маданиятидан баҳраманд қиласр<sup>7</sup>.

Мусулмон ва рус театр труппалари қошида Сафо Муганий раҳбарлигига мусулмон, Биковский раҳбарлигига рус музикадан Самандар Сароймонов, Умар Қурбонов, Машариф Полонов, Ҳ. Қориев, Қ. Қутлиев, С. Габидулин, О. Заргаров, Қамарахонум, Зайнаб Тинчирова, Жуманиёз Қалантаров, Рўзмат Юсупов ва бошқалар алоҳида «Сайёра» номли музикали драма тўғраги ташкил қиласр<sup>2</sup>. Г. Уварованинг кўреатишинг қараганди, бу ҳаваскор комсомол драма тўғрагини ташкил қилинди татар артистлари яқиндан ёрдам беради<sup>3</sup>.

Хива комсомол музикали драма тўғраги иштирокчилари мусулмон (татар — Т. Қ.)<sup>4</sup> труппада актив қатнашган, рус труппаси қўйган спектаклардан таъсирангани ёшлар эди.

Ҳаваскорлик тўғраги аъзолари биринчи маротаба Хивадаги ҳозирги учинчи болалар уйида иш бошлаганлар. Шу тўғракнинг раҳбарларидан бири бўлган Самандар Сароймоновнинг берган маълумоти тўғрак фаолиятининг бошланишини янада ойдинлаштиради:

«Биринчи марта ҳозирги 3-болалар уйида дарвозанинг иккита тавақасидан саҳна ясаб «Баҳт қуши» пьесасини саҳнага қўйдик. Ҳозиргидай эсимда, шунда мен аёл ролини ижро қилдим. Жуманиёз Қалантаров қиз бола ролида ўйнади»<sup>5</sup>.

1921 йилнинг 10 июляда революциядан аввал хон оиласи эйшишрат қиласрдиган Нурлабойда биринчи клубнинг очилиши катта маданий воқеа бўлди<sup>6</sup>. Унда сиёсий, математика, музика тўғраги ҳам бўлган. Комсомол ҳаваскорлар драма тўғраги ҳам клубда ўз машғулотларини ўтказиш имкониятига эга бўлади<sup>7</sup>. Тўғрак аъзолари Нурлабой саҳнасида «Заҳокимарон» ва «Қалмоқ» спектакларини кўрсатганлар. «Заҳокимарон» пьесаси золим подшоҳ ҳақида бўлиб, шоҳ ўз ҳаётини сақлаш мақсадида ҳар куни иккита елкасидаги иккита илонга иккита одамнинг миясини бериб туради. Спектаклдаги подшоҳ ролини Самандар Сароймонов, те-

<sup>1</sup> Авторнинг дала ёзувлари, 1976 йил 2 июнь, № 6.

<sup>2</sup> Под ред. А. М. Рыбника. Узбекский Советский театр, книга первая, Ташкент, изд-во «Фан» Узбекской ССР, 1966 г., стр. 194.

<sup>3</sup> Г. Уварова. Узбекский драматический театр, стр. 48, 49.

<sup>4</sup> Таъкид менини.

<sup>5</sup> М. Бобоҷонов. Умри азиз инсон. «Коммунизмга» газетаси, 1967 йил 30 август.

<sup>6</sup> О. Мадрахимов, Ҳ. Абдуллаев. Маданиятимиз равнаси, «Хоразм ҳақиқати» газетаси, 1969 йил 27 август.

<sup>7</sup> Б. Ф. Насыров. Из истории политico-массовой и культурно-просветительной работы в Хорезме. «Общественные науки в Узбекистане», 1967, № 4, стр. 54.

қарақалпоқларда касалдан «Қоширу» дейилган<sup>1</sup>. Бунда ҳам ёмои руҳларни қўрқитиш учун фолбии касалини уриб ўйнаган.

Революциягача бўлган даврдаги қаландарлар ўйини маросими ҳам саҳна кўринишига эга бўлган. Хоразмдаги қаландарлар ҳам ўйини зикр билан ўтказганлар<sup>2</sup>.

Г. Вамбери XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ бутун мусулмон шарқидаги қаландарлар ўйинининг ҳар бирин уч саҳнадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтган.

Биринчи саҳнада дарвешлар тартиб билан ўтириб у ёқ-бу ёқ-қа, ёнбошга ташланиб тана ҳаракати билан ўйин бошлаган. Сўнг юзларини тириаб, қонатиб, шердай пишқириб, ҳаракатларини яна-да тезлатганилар.

Иккинчи саҳнада улар даврада қўл ушлашиб диний ўйин бошлаганлар. Ўйновчилар баъзан бир неча кичик ҳалқаларга бўлинганилар. Ўйин охирида даврада бир неча раққосагина қолган холос.

Учинчи саҳнада ўлгудай чарчаган дарвешлар иссиқ темирни тицларига тишлаб уни ялаб совутганилар. Кўзачадан олинган иссиқ (чўғ) кўмирни эса оғизларига солиб, у тамомила совугач ту-пуриб ташлаганлар<sup>3</sup>. Қаландарларнинг бу ҳаракати бир соат ча-маси давом этган.

Г. Вамберининг кўрсатишига қараганда, қаландарлар муқаддас деб билган «Хў», «Ҳақ» сўзларни такрорлаб машқ қилишли-ри, театрлашган кўринишига эга бўлган<sup>4</sup>.

Асримиз бошларида Хоразмнинг ҳар бир шахрида, йирик аҳо-ли пунктларида қаландарлар турдиган қаландархона бўлган<sup>5</sup>. Қаландарларнинг бошлиги қаландарларни кечаси ва эрта билан бир жойга йиган. У кечаси тушумни йигса, эрта билан уларни шахарнинг турли ерларига бўлиб жўнатган<sup>6</sup>.

Қаландархонада баъзан кечалари юқори мартабали кишилар меҳмон бўлган. Қаландархона ҳовлиси одамга лиққа тўлган. Меҳмонлар атрофидаги маҳаллий бойлар парвона бўлишган. «Му-зика гумбирлаган, куйчи-ҳофиз овози янграб, раққос ўғлон-қиз кўйлагини кийиб, соч қистириб ўйнинг тушган»<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Х. Есбергенов, Т. Атамуратов. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков, стр. 111.

<sup>2</sup> Г. П. Снесарев. Под небом Хорезма, стр. 82.

<sup>3</sup> Г. Вамбери. Очерки жизни и нравов Востока. СПб, Издание В. Коновалевского, 1877, стр. 205.

<sup>4</sup> Г. Вамбери. Очерки жизни и нравов Востока, стр. 202.

<sup>5</sup> Г. П. Снесарев. Под небом Хорезма, стр. 85.

<sup>6</sup> Қаранг: А. Л. Троицкая. Из прошлого каландаров и маддахов в Узбекистане. В кн.: Домусульманские верования и обряды в Средней Азии, стр. 208—209.

<sup>7</sup> Г. П. Снесарев. Под небом Хорезма, стр. 91.

Келтирилган мисоллар қаландарлар ҳаракати, қаландархона томошалари ҳалқ театри вазифасини бажариб келган дейиши-мизга имкон беради.

## ХОРАЗМДА ПРОФЕССИОНАЛ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Хоразмда Совет театрининг вужудга келиши ва шаклланиши Улуг Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси самарала-рига бевосита боғлиқдир.

Хоразмда антик даврдан бўён давом қилиб келган ҳалқ тра-дицион театрининг масҳарабозлик санъати, ҳалфалар санъати, тўй ва томошалардаги, байрамлардаги қўшиқ айтишма билан боғлиқ театрлашган ўйинлар, Хива хони саройидаги мақомчилар аисамбли бўлишига қарамай «профессионал театр ҳақида мутлақо тушунча йўқ эди»<sup>1</sup>.

Улуг Октябрь Социалистик революциясига қадар қўшиқчи, созанда, масҳарабоз, ҳалфа, раққос ва раққосалар эркин ўз санъатларини намойиш қила олмас, хон амалдорларининг, бой ва руҳонийларнинг қаршилигига учар, ҳақоратланар эдилар.

Урта Осиё ҳалқларига реакцион ислом дини декорацияли профессионал театр санъати вужудга келишига йўл кўймас эди<sup>2</sup>. XX асрнинг бошларида Туркистаннинг экономикаси, сиёсий ва маданий ҳаётидаги юз берган муҳим ўзгаришлар ўлқадаги қадимий ўзбек театрининг ҳаёти, рус театрининг ҳам ривожланишига ва ижодий фаолиятига каттагина таъсир кўрсатди, натижада «Ўзбек миллий ёзма драматургияси пайдо бўлиб, Европа типидаги ўзбек театри вужудга келди»<sup>3</sup>.

Бундай шароит Хоразмда 1920 йилги революциядан кейин вужудга келади. Эндиғина ташкил топган Хоразм ҳалқ республикаси маориф ва маданиятни ривожлантириш ишларига муҳим вазифа сифатида қаради.

Аммо, бу ишларни амалга оширишда дуч келинган қийинчиликларни бирданига бартараф қилиб бўлмас эди, чунки бутун умр қоронгу зулматда яшаб келган ҳалқ ичидаги революцион позицияда турган зиёлилар деярли йўқ даражада эди.

Шунинг учун ҳам революциядан кейин тез орада Хоразм республикасида саккизта мактаб, ўқувчилар тайёрлаш курслари, сиёсий мактаб, маориф саройи каби маданий шохобчалар ташкил этилди.

<sup>1</sup> М. Раҳмонов. Узбек Совет театрининг яратилиши (театр тарихидан 1917—1927 йиллар). «Шарқ юлдузи» журнали, 1958 йил, № 3, 119-бет.

<sup>2</sup> Ю. В. Бромлей, В. И. Козлов. К изучению современных этнических процессов в сфере духовной культуры народов СССР. «Советская этнография», 1975, стр. 10.

<sup>3</sup> Узбекистон ССР тарихи, 2-том, 501-бет.

топган Хоразм республикаси «улар учун жумхурнят бўйича ҳар йили 25 август мотам куни деб эълон қилди»<sup>1</sup>.

Ўша даврда идеология фронтининг муҳим участкаси бўлган Хива театр труппаси давр талабига хос қўшиқ ва спектаклларни томошабинларга низом қилиш учун изланиш, тажриба ортириш, театр кадрлари составини тўлдиришга қадам қўйди.

Труппа составига Саодат Аҳмедова, Мақсуд Аҳмедов, Маҳмуд Девонов, Қаландар Бойжонов каби комсомол-ёшлилар, Куржи Авазматов, Матпано Худойберганов, Каримберган Девонов, Худик ота Қурбонов, Рассоқ ота Омоновдек профессионал музикачи ва қўшиқчилар кирган эди.

«Пролетар маданийти,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— иносониятинг капиталистик жамият, помешчиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмоги лозим»<sup>2</sup>. Ҳақиқатдан ҳам Хива театр труппасида хонлик замонидаёқ ҳалқа танилган санъаткорлардан социализм қурилиши даврида маданий революцияга тортилиши фойдадан холи эмас эди.

Демократик йўналишда ижод қилиб келаётган Муҳаммад Юсуп Баёний, Абдураззоқ Фақирий, Муҳаммад Юсуф Чокар, Комил Девоний, Сафо Муганий Оллаберганов, Ота Маҳсум Парстав ва бошқалар Хоразмда совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга чақирувчи шеърлар ёзилар, коммунистик партияни, ҳалқнинг озод меҳнатини улуғладилар. Уларнинг ҳалқни социалистик ўзгаришларга илҳомлантирувчи шеърларига куй басталанди ва театр репертуаридан муносиб ўрин олди.

1924 йилнинг кузидаги Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилиши муносабати билан Хоразм республикасидаги ўзбеклар яшайдиган територия аҳолиси Ўзбекистон ССР составига ўтади. Бу эса Хива театр труппасининг кейинги тараққётига кенг йўл очиб беради.

1928 йилда Хива театр труппасига колхоз-совхоз театри номи берилади. Шу театр негизида 1933 йилнинг 4 июнида Урганчда Хоразм округ музикали драма театри ташкил топади<sup>3</sup>. Бу театр А. Н. Островскийнинг «Айбиззайтаборлар», Н. В. Гоголининг «Ревизор», Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», У. Ҳожибековнинг «Аршин мол-олон», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва

<sup>1</sup> Пол воиниё? Ҳожи Юсупов. Хоразм тарихи (қўллэзма). Хива, ҳижрий — 1344 йил, 639-бет. Бу китоб авторининг набираси хивалик Анвар Отабоевда сақланмоқда.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Ёшлар союзларининг вазифалари. ТА, 41-том, 340-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон КП(6) Хоразм округ партия комитети ижрония Бюросининг 1933 йил 4 июндаги № 31 қароридан кўчирмани «Зав. кульпропом окружкома Аҳмедов, директор Гостеатра Мажиди деб имзоланган учбу хужжат артист Солиҳ Девонов уйидаги шахсий архивда сақланмоқда. Д. 1, л. 21.

Мажиун», М. Абдуллаевнинг «Ойша», К. Яшиннинг «Ичкарида», «Ёндирамиз», Ф. Зафарийнинг «Ҳалима», А. Қаҳҳорининг «Оғриқтишлар», Ўғунийнинг «Навбаҳор», «Олтиш кўл», Юнус Юсуповнинг «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», Р. Бекинёзнинг «Сенсиз яшомайман» драмаларини муваффақият билан томошабинларга кўрсатди.

Театрга 1959 йилда Огаҳий номи берилди. Огаҳий номидаги Хоразм облати музикали драма ва комедия театри босиб ўтган йўл ишоятда шарафли ва сермазмун бўлиб театр камолотидан дарак беради.

Театр ижодий коллективи орасидан Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Матюсиф Харратов (Чокар), Раҳмон Аллаберганов (композитор), Матинёз Юсупов (композитор), Лола Абдуллаева (расом) ЎзССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби увонига; Комилжон Отаниёзов ЎзССР, ТССР, ҚҚ АССР ҳалқ артисти, Қ. Раҳимов, В. Фаёзов, С. Раҳимова, М. Раҳимов, Санъат Девонвлар ЎзССР ҳалқ артисти увонларини олишга муваффақ бўлдилар.

Р. Бойжонова, О. Очилова, С. Қамолов, М. Сафаев, Ӯ. Файбова, Ҳ. Болтаев, Р. Отажонова, А. Отажонов, Г. Матёқубова, З. Фаффоровалар ЎзССРда хизмат кўрсатган артист фахрий увонига муяссар бўлдилар.

сининг 1923 йил, 19 сентябрь сонида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Хонлар зулми» номли пьесаси Хива театрди мұваффақиятли күрсатылғанлыги уқтириб ўтилган<sup>1</sup>. 1923 йилда Хивада музика мактаби ташкил этилиши Хоразмнинг маданий ҳаётида мұхым роль ўйнади.

Хива театр труппаси 1923—1924 йиллар давомида Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Фарғона фожиаси», «Тұхматчилар жазоси», «Қалмоқ», «Севдим Али», «Сейфулла хор-хор», «Резаворчи» каби асарларини сақнага қўяди. Бундан ташқари татар театр труппаси сақнага қўйган «Фолид бону», «Эрсиз дон табиб», «Зангори шол», «Тоҳир ва Зуҳра» номли спектаклларни ўз сақнасида томошабинларга мұваффақиятли күрсатади.

Хива театр труппаси 1924 йилнинг 19 апрелида Хива ҳарбий гарнизонида солдатларга концерт қўйиб беради<sup>2</sup>. Шу йилнинг 19 марта Хоразм Республикаси ҳаво флоти ва қўшинлари ҳарбий комиссари Хоразм Республикаси Марказий Ижроия Комитетига ёзган талабномасида «давлат театрига» маориф назорати орқали пулсиз қўйилган қатор спектакль-концертлар учун грим, клей, раинг, гардероб ва бошқа зарурий нарсалар берилишини талаб қиласди<sup>3</sup>.

Хива театр труппаси 1924 йилнинг 4 июлидан 9 июлигача Қозоқ-Қорақалпоқ Автоном областининг поитахти Хўжайли шаҳрида гастролда бўлади. Гастрол пайтида «Қалмоқ» спектакли күрсатилади<sup>4</sup>. Театр «Қалмоқ» спектаклини Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам мұваффақиятли күрсатади.

Спектаклининг мұваффақиятли чиқишида театр директори ва режиссёри Машраф Полвонов, саҳна декоратори, рассом Абдулла Исмоиловнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринилади<sup>5</sup>.

Хива театр труппаси мунтазам ишлаб ҳалқа спектакль ва концертлар қўйиб бериб келишига қарамай унинг актёрлари турли муассасаларда турли лавозимда ишлаб келаётган, санъатни жон-дилидан севган, революция галабасини ҳимоя қилингга маҳкам бел bogлагan ёшлар эди. Бу фикрни Хива театр труппасида ўша даврда иш фаолиятини бошлаган, ҳозир Хивада истиқомат қилувчи 68 ёшлик санъаткор Зариф Латипов берган маълумот ҳам тўлдиради:

«Труппа раҳбари Машраф Полвонов аввалгиларга қараганды спектаклларга дурустроқ режиссёрлик қиласиган бўлди. Аммо

театрнинг комсомол-ёшлардан иборат актёрлари кундузлари турли идораларда турли лавозимда ишлар, шу билан бирга кечалари туртасининг кўзга кўриниган актёрларидан бири Оллаберган Заргаров 1924 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Хоразм Совет Ҳалқ Республикасининг ГППУ секретари вазифасида ишлади<sup>6</sup>.

Театрнинг яна бир актив аъзоси Самандар Сароймонов алоҳида бўлим вакили, 1923—1925 йилларда эса ГППУда жиноят изловчи вазифаларида ишлаган. У 1924 йилда Жунанд шайкаларига қарши қаҳрамонлик кўрсатиб курашгани учун Хоразм Республикаси Марказий Ижроия Комитети мукофотига сазовор бўлади<sup>7</sup>.

Хива театри фаолиятига Хоразм компартияси Марказий Комитети яқиндан ёрдам бериб туради.

РКП(б) нинг XII съездидан, «коммунизм учун кураш идеяларини омма ичида системали пропаганда қилиб бориш мақсадида театрдан фойдаланиш масаласини амалий формада қўйиш зарур»<sup>8</sup> эканлиги таъкидланган эди. Театрга партия раҳбарлиги назарий жиҳатдангина эмас, амалий томондан ҳам уюштирилади. Хива театри фаолиятида Хоразм Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари, Хоразм комсомол комитети бюро аъзоси ва Республика ҳукуматининг аъзоси Аҳмаджон Маҳмудов ҳам актив қатиашган. Аҳмаджон Маҳмудов ўша даврда РКП(б) Урта Осиё бюроси Марказий Комитети аъзоси ҳам эди<sup>9</sup>.

Шунга қарамай Хива театр труппасида чинакам Европа типидаги театр маълумотига эга бўлган кадрлар йўқ эди. Реакцион испом дини ҳалқ ҳаёти ва унинг адолат учун курашларини, ҳалқ баҳт-саодати учун курашган қаҳрамонларни жонли саҳна образларида кўрсатишга ҳам қарши эди. Ана шундай синифий кураш жараёнида иш олиб бораётган Хива театр труппаси аъзоларидан Машраф Полвонов, Матназар Одамов, Оллаберган Заргаровларга Хоразм компартияси Марказий Комитети Қозон шаҳридаги режиссёrlар тайёрлов курсига ўқишга бориш учун йўлланма беради. Улар 1924 йилнинг 24 августида Москвага ўқишга бораётган комсомол-ёшлар билан Амударё орқали кема билан Хўжайлиниң нариги томонидаги Ёвмут Ёрган каналига етганда босмачилар тўдасининг ҳужумига дуч келадилар ва душман бўлди мардларча ҳалок бўладилар. Бу даҳшатли воқеадан ҳабар кўлида мардларча ҳалок бўладилар. Бу даҳшатли воқеадан ҳабар

<sup>1</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1976 йил 20 июль, № 9.

<sup>2</sup> Хор. Гос. Архив. Ф. 591, оп. 1, д. 3, л. 100.

<sup>3</sup> Хор. Гос. Архив. Ф. 591, оп. 1, д. 2, л. 69.

<sup>4</sup> Хор. Гос. Архив. Ф. 591, оп. 1, д. 2, л. 167.  
<sup>5</sup> Хор. Гос. Архив. Ф. 591, оп. 1, д. 2, л. 149.

<sup>6</sup> Г. Уварова. Узбекский драматический театр. стр. 49.

Бугун биродарлар, келингиз тоза саҳнага,  
Онинглар кўзингизни, келингиз тоза саҳнага.  
Яшасун айлагути ҳам сабаби ул биродарлар,  
Яшасун ишқилобчилар, келинглар тоза саҳнага,  
Ингирма иккичи йилда бу саҳна бино бўлди,  
Муғаний айладе татриф, келинглар тоза саҳнага<sup>1</sup>.

Ҳамза ташкил қилган Хива театр составидан Хоразмнинг машҳур ҳалқ музикачилари, хушвож қўшиқчилар, раққос ва қизиқчилар ўрин олган эди. Улардан Матёкуб девон Ҳарратов (1867—1939), Матиано Ҳудойберганов (1886—1960), Мадраҳим Шерозий Ҷубубов (1890—1973), Қурбониазар Абдуллаев (Болабахши) (1892 йил туғилган), Отажон Девон Абдуллаев (1876—1960), Жуманиёз сурнайчи, Сафо Муғаний Оллаберганов (1882—1938), Комил Девоний (1887—1938), Матёкуб Отажонов, Курки ота Авазматов (1868 й.), Матюсиф Хорротов (1889—1952) ва бошқа санъаткорларнинг довруги Хоразмдан ташқарида ҳам маълум эди<sup>2</sup>.

Уларнинг театр труппаси ишига жалб қилинини ҳалқ орасида саҳна санъети обрўсининг тез ошишида муҳим роль ўйнади. Бу театр труппасига жалб қилинган артистларнинг аксарияти комсомол-ёшлилар бўлиб, улар илгари ўзлари ташкил қилган ҳаваскорлик драма тўғараги аъзоси ва турли труппаларда қатишга, санъатга борлиги билан берилган ёшлилар эди.

Улар орасида Машариф Полвоноев (1894—1924), Аҳмаджон Маҳмудов (1897—1970), Оллаберган Заргаров (1898—1924), Умар Қурбонов (1903—1957), Бори Қамолов (1898—1945), Ҳудойиазар Қориев (1875—1934), Қадам Қутлиев (1896—1934), Сирож Габидуллин (1900—1931), Ибодулла Ҳудойберганов (1905—1975), Маҳмуд Девонов (1900—1943), Самандар Сароймонов (1901 й.), Шосултонов (1900—1965), Қамараҳонум (1905), Шарифа Оллаёрова (1907), Зайнаб Тинчирова (1906), Абдураим Ниёзов (1897—1960), Болта Каримов (1901—1929), Поляз Давлатов (1890—1973), Н. Ҳўжаев (1905), Ӯ. Эшонхўжаев, Ж. Қалантаров, А. Қазанский ва бошқа комсомол-ёшлилар алоҳида ажralиб турар эди<sup>3</sup>.

Ҳамза Хива театр труппасида «Фарғона фожиаси», «Бой ила хизматчи», «Севдим Али», «Қалмоқ», «Сейфулла хўр-хўр». «Сўнг-

ти хон», «Тоҳир ва Зуҳра» ва бошқа пьесаларни саҳнага қўйди. Ҳамзага маҳаллий ҳаваскор режиссёrlар ҳам ёрдам беради. 1947 йилда Хоразмда театр ташкил қилингандигининг 25 йилини нишонлаш ҳақида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетига область партия комитети ва ижроия комитети нўллаган биринчи режиссёр ва бадиий раҳбар бўлиб етишиб чиқсан Машариф Полвоноев катта ёрдам берди<sup>4</sup>, — леб таъкидланган эди.

Ҳамза Хивада театр труппаси ишиларини ривожлантиришга ўз куч-ғайратини қаратибгина қолмасдан ҳалқни кўп асрлардан бўён подонликда тутиб келаётган ислом дини ва унинг намояндадарининг алдамчиликдан иборат фаолиятини ҳам ҳалқда тушунтиришга ўтади. Бу ҳақда 86 ёшли Сидиқ ота Машариповнинг берган маълумоти диққатга лойиқdir: «Ҳали эсимда, Ҳамза билан Оллаберган Заргаров Ҳивадаги мадрасага бориб, «Ислом динининг зарари» ҳақида намозга йигилганлар билан сұхбат уюштириди. Имомнинг эътирозига қарши имом олдига Заргаров тезлик билан бориб унга: «Сен менга қарши кароматингни кўрсат, шунда динга мени ҳам кириб олай», — деди.

Имомнинг нафаси ичига тушуб қолди. Кейинроқ руҳонийлардан иборат ҳукumat раҳбарлари Ҳамза ва Заргаровга қарши кайфиятда бўла бошладилар. Ҳамзани эса комсомол-ёшлилар доимо қўллаб-қувватлар эди<sup>5</sup>.

Шунга қарамай Ҳамзанинг Хива театридаги фаолияти 1922 йилнинг июнь ойи бошларигача давом этган. У касаллиги сабабли Кўқон шаҳрига қайтади. Шу йилнинг августида Ҳамза Хоразмга қайтиб келади ва Ҳўжайлида Коммуна мактабида аввал ўқитувчи, кейинроқ директор вазифасида ишлайди<sup>6</sup>. Ҳамза Ҳўжайлида ҳаваскорлик труппаси ташкил қилишда ҳам актив қатнашади. Ҳамза Ҳўжайлида иккى йил (1922—1924 йиллар) давомида яшаб турган давридаги хизматлари билан «Қорақалпоқ театрини вужудга келтириш ишига ҳам ҳисса қўшади»<sup>7</sup>.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий Ҳўжайлига кетганидан кейин унинг кўзга кўринган шогирдларидан Машариф Полвоноев Хива театр труппасида режиссёр ва раҳбар сифатида Ҳамза ишини давом эттиради.

Хатто 1922 йилнинг сентябрь ойида труппа буюк рус ёзувчиси П. В. Гоголининг «Ревизор» асарини саҳнага қўяди. Спектаклдан тушган 150 минг сўм Бошқардистондаги очарчилника қолган ҳалқка ёрдам сифатида жўнатилади<sup>8</sup>. «Инқилоб қўёши» газета-

<sup>1</sup> Хоразм ҳалқ қўшиқлари, 295, 296-бетлар.

<sup>2</sup> К. Алимбаева. Народные музыканты Узбекистана. Сбор. ст. кн.: Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. Ташкент, Государственное изд-во художественной литературы УзССР, 1961 г., стр. 101, 102.

<sup>3</sup> Уларнинг туғилган йили, вафот этганининг ёшини Хоразм Ҳалқ Совет республикаси даврида муҳим ишлар терговчиси бўлиб ишлаган, 1890 йилда туғилган, ҳозир Ургач шаҳридаги Маяковский кўчасида турувчи Сидиқ Машарипов ҳужжатлари ва хотираси асосида олинди.

<sup>1</sup> Хор. Гос. Архив. Ф. 383, оп. 1, д. 6, л. 4.

<sup>2</sup> Авторининг дала ёзувлари, 1975 йил, 8 июнь, № 26.

<sup>3</sup> ЦГОС, Архив УзССР. Ф. 71, оп. 1, д. 110, л. 120.

<sup>4</sup> М. К. Нурмуҳамедов. Из истории русско-каракалпакских культурных связей. Ташкент, изд-во «Фан» Узбекской ССР, 1974, стр. 63.

<sup>5</sup> «Туркестанская правда», 1922, 10 сентября.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ . . . . .	6
I БОБ. Хоразм халқ театри тарихидан . . . . .	14
Халқ театрининг пайдо бўлиши . . . . .	14
Хоразм маданийти ва халқ театрининг шаклланиши . . . . .	32
II БОБ. Хоразм халқ театрининг намуналари . . . . .	63
Сайиллар ва оммавий халқ ўйинлари . . . . .	63
Тўй ва зиёфатларда ўйналадиган ўйинлар . . . . .	86
Фольклор ва халқ театри . . . . .	99
Бахши . . . . .	99
Халфа . . . . .	114
Масҳарабозлик . . . . .	125
III БОБ. Халқ театри, урф-одати ва маросимлари . . . . .	143
Халқ ўйинлари мактаби . . . . .	143
Халқ урф-одат ва маросимлари . . . . .	150
Хоразмда профессионал драма театрининг яратилиши . . . . .	169
ХУЛОСА . . . . .	180

ТУРА КЛИЧЕВ

ХОРЕЗМСКИЙ НАРОДНЫЙ ТЕАТР  
Историко-этнографический очерк

На узбекском языке

ТУРА ҚИЛИЧЕВ

ХОРАЗМ ХАЛҚ ТЕАТРИ

Тарихий-этнографик очерк

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори *Исо Жабборов*,  
санъатшунослик фанлари кандидатлари  
*Т. Обидов, И. Раҳимжонов*

Редакторлар *Ш. Инагомова, Д. Сайдолимова*

Рассом *Ш. Булгаков*

Расмлар редактори *Ю. Габдуллаев*

Техн. редактор *Э. Сайдов*

Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 3360

Босмахонага берилди 20.01.88. Бўшишга рухсат этилди 10.11.88. Р.01617. Формати 60x84 $\frac{1}{14}$ . Босма  
кюози силлиг-ялтироқ. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 10, 69. Шартли кр.-отт.  
II, 86. Нашр. л. 11, 44. Тиражи 4000. Заказ № 1085. Баҳоси 1 с.60 т. Шартнома № 195—87.

Гафур Гуломжонидаги Адабийт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навонӣ кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқарниш бирлашмасининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кӯчаси, 21.

Қадимги хоразмликлар юксак моддий ва маънавий маданият ужудга келтирганлар. С. П. Толстов раҳбарлигидаги СССР Фанлар академиясининг Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан Жонбосқалъа яқинидаги қадимги Калтаминор қишлоғида эрамиздан аввалги IV—III минг йилликларда ора урги яшаган катта уйда театрлашган урф-одатлар бажара-диган, маросимий рақсларга тушадиган майдон саҳнаси бўлганлиги, Тупроққалъада (эрамиздан аввалги I аср ва эрамизнинг IV асрига онд) арфа чалувчи аёл расми ва ниқоб билан ўйинга тушувачилар тасвири акс этган золнинг топилиши фикримизнинг далилидир.

Хоразмликларнинг қадимий байрамларидан бўлган «Наврўз» байрамида, «Қизил гул» байрамида ҳам ҳалқ томошаларининг турли қўринишлари театрлашганилиги билан ажралиб турди. «Ашшадарози», «Подшо-вазир» ўйинлари ҳам ибтидоий жамиятдаги уругчилик ва синфий жамиятнинг вужудга келиши арафасидан бўён ўйналиб келган бўлса, «Чагаллок» ва «Хуббимбой» ўйинлари бевосита ибтидоий кишиларнинг тотемистик тушунчалари билан боғлиқ вужудга келиб, бизнинг давримизгача ўйналиб келмоқда.

Хоразм воҳасида уйгониш даври бошларида қурилган (IX—XII асрлар) кантархона типидаги театр биносининг бўлиши, IX асрдаёқ туркум ҳолига келтирилган «Мақоми уфори» рақслари, қадимий мақомлардаги ҳар бир музика кўйига турли кийимлардан мосини кийиб рақсга тушишлари, тўй ва томошалардаги турли ҳалқ талантларининг чиқишилари ҳалқ театри санъатининг узоқ тарихига кўз ташлаш имконини беради.

Хоразмда уйгониш даври бошларидан бўён баҳшилик санъати давом этиб келган. Баҳшилар тўй ва томошаларда, байрамларда, базмларда ҳалқ достонларидан «Авазхон», «Бозиргон», «Сайёҳатхон ва Ҳамро», «Қоракўзойим», «Гулруҳ пари», «Шобаҳром», «Завриё», «Ошиқ Гариф ва Шоҳсанам» каби достонларни куйлаб келганилар.

Хоразмда ҳалфалик санъати ҳам узоқ даврлардан бўён тўй ва маъракаларда, хотин-қизлар давраларида намойиш қилиниб келинган. Тўйларда ҳалфалар ёр-ёр қўшиқларини айтиб куйлашлари, қиз ва йигит тилидан айтишувлари, лапар айтишувлари ўзига хос эстетик завқ уйготиб қолмай, саҳна кўринишига ҳам эгадир.

Хоразмда масҳарабозлик санъати тарихи антик даврга бориб тақалади. Масҳарабоз актёрлар киядиган ниқоб ёрдамида Хива хони ва унинг амалдорлари, савдогар бойларнинг ярамас қиёфасини кўрсатиб берганлар.

Хоразмда ҳалқ театри Улуг Октябрь социалистик революциясигача профессионал драма театри даражасига кўтарила олмади. Чунки Ислом дини декорацияли саҳна санъатига тамомила қарши эди.

1920 йилда ғалаба қозонган Хоразм ҳалқ революцияси ҳалқ театрининг драма театри йўлидан тараққий қилишига кенг йўл очиб берди. Дастваб Хивада «Сайёра» номли ҳаваскор музикали драма тўгараги ташкил топди.

1922 йилнинг апрелида Ҳ. Ҳ. Ниёзий раҳбарлигida шу тўгарак базасида Хива театр труппаси тузилади. Бу театр 1928 йилда Хива колхоз-совхоз театри номини олади.

1933 йилда эса Урганчда Хоразм давлат музикали драма ва комедия театри ташкил топади.

Совет Иттилоғи коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги ва ғамхўрлиги туфайли Хоразмда қадимий анъаналарга бой ҳалқ театри революциядан кейин ташкил топган бадиий ҳаваскорлик драма тўгаракларининг тез тараққий қилиб келишида ва профессионал драма театри шаклланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Узбек ҳалқи маданиятигининг ажралмас қисми бўлган Хоразм маданияти, айниқса театр санъати мураккаб, зиддиятли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ҳалқ театрининг музика, қўшиқ, ўйин санъати анъаналарини драматик асарлар билан уйғулаштириб келаётган Хоразм давлат музикали драма ва комедия театри ўзбек социалистик маданиятини юксалтиришда гоят катта роль ўйнади, меҳнаткашларни коммунистик партияга садоқат, она-Ватанимизга чексиз муҳаббат, душманга нафрат руҳида тарбиялаш ишига муҳим ҳисса қўшиди.

Бу театр ижодий колективи ўз анъаналарини давом эттириб, ҳозирги даврда қайта қуриш ва ишлаб чиқаришини жадаллаштиришда актив қатнашаётган замонамиз қаҳрамонларининг баркамол саҳна образларини яратиб, ҳалқимиз эстетик лидини янада бойитишга муҳим ҳисса қўшмоқда.